



ИСЛОМ КАРИМОВ

**БАНК ТИЗИМИ,
ПУЛ МУОМАЛАСИ,
КРЕДИТ, ИНВЕСТИЦИЯ ВА
МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК
ТЎҒРИСИДА**



336


K-26



ИСЛОМ КАРИМОВ

**БАНК ТИЗИМИ,
ПУЛ МУОМАЛАСИ,
КРЕДИТ, ИНВЕСТИЦИЯ ВА
МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК
ТЎҒРИСИДА**

B9068



ТОШКЕНТ

“ЎЗБЕКИСТОН” НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ

2005



Мазкур китобда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг бозор иқтисодиёти шароитида тараққиётнинг Ўзбек модели негизида мамлакатимизда банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорликнинг ўзига хослиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари, қарашлари, ғоялари ва кўрсатмалари жамланган. Ушбу қимматли фикрлар давлатимиз раҳбарининг ўн уч жилдлик асарларидан олинган.

Китоб банк ва молия тизими мутахассисларига, ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, докторант, аспирант, талабаларга ҳамда банк-молия муносабатлари билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

ISBN 5-640-03229-4

К $\frac{0605010204 - 95}{М 351(04) 2005}$ 2005

© Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки, 2005 й.
© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2005 й.

ИСЛОМ КАРИМОВ – ЎЗБЕК МОДЕЛИГА МУНОСИБ БАНК ТИЗИМИ АСОСЧИСИ

*Миллий валюта — миллий ифтихор,
давлат мустақиллигининг рамзи,
суверен давлатга хос белгидир.*

ИСЛОМ КАРИМОВ

Бутун дунё миқёсида глобаллашув жараёнлари туфайли мафкуравий манзара тубдан ўзгариб бораётган XXI аср ўз шакл-шамойили, моҳият-мазмуни, кенг қамровлилиги билан мураккаб даврдир. Ҳозирги замон кишиларига зўраки, сохта назариялар, қуруқ ваъзхонлик ҳам, насиҳатгўйлик ва четдан ақл ўргатиш ҳам бесамардир. Бугунги кунда соғлом фикрли ҳар бир инсон нима яхши-ю, нима ёмонлигини, мамлакатда содир бўлаётган буюк ўзгаришлар қай даражада унинг равнақиға таъсир қилаётганлигини ўзича талқин қилишга, хулоса чиқаришга уринади, уларнинг ечимини топишга фаол ҳаракат қилади. Айни шундай вазиятда жамиятда кечаётган жараёнлар ҳолис, мукамал ва ҳар томонлама асосланган ҳолда содда тилда баён қилинган қарашлар, ғоялар ниҳоятда асқотади. Шу нуқтай назардан қараганда, жамиятни иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маънавий жиҳатдан ривожлантириш, шу соҳалардаги жараёнларни, улардаги мавжуд барча муваффақият ва муаммоларнинг асл сабаблари-

ни чуқур англаб етишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарларидаги назарий ва амалий ғоялар, мамлакат истиқболи учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган, чуқур ҳаётий ва илмий далилларга асосланган қараш ва ёндашувларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Шу боис ҳам бугунги кунда тарихчи ва сиёсатшунослар, иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимлар, ким қайси жабҳада ишлагани, академик И.А. Каримовнинг асарларига доимий равишда муносабат қилишлари бежиз эмас. Давлатимиз раҳбарининг мазкур асарларида илгари сурилган ғояларни, ҳуқуқий демократик давлат, эркин бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этиш стратегиясининг асосий тамойиллари акс эттирилган бу фундаментал тадқиқотларни ўқувчиларга тарғиб ва ташвиқ қилиш асосида миллий истиқлолимиз моҳиятини аҳолига ҳар томонлама тушунтириб бериш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини чуқур англаб етиш мақсадида амалий ҳаракатлар қилинаётганини турли мақолалар, рисола ва монографиялар чоп этилаётганида, оммавий ахборот воситаларидаги мунтазам чиқишларда кўришимиз мумкин. Лекин, шу билан бирга, назаримизда, ушбу йўналишда иқтисодчи олимлар, айниқса, банк, молия, пул, кредит тизими мутахассислари томонидан Президентимиз асарларида ўз ифодасини топган мазкур соҳага оид муаммоларни ўрганишга ҳали-ҳамон етарли даражада эътибор қаратилмаяпти. Шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу китобда академик Ислам Каримов

асарларидаги банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик масалаларига оид кенг қамровли фикр-мулоҳазалар, ғоя ва кўрсатмалардан асосийларини танлаб, жамият тараққиётига монанд диалектик такомиллашув тамойили сифатида ҳамда китобхонга қулайлик туғдириш мақсадида, уларни Президентимизнинг кўп жилдли асарлари тўпламида келтирилган тартибда, узвий давомийликда жамлашга ҳаракат қилдик. Бу тўплам ўзига хос иқтисодий, ижтимоий-фалсафий йўналишларни чуқур қамраб олган бўлиб, назаримизда, нафақат мазкур соҳалар мутахассисларининг, балки кенг жамоатчиликнинг билими ва маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилади. Бу фикрлар, мустақиллик шароитида банк, молия, пул, кредит тизимининг шаклланиши ва ривожланиши, шу борадаги ютуқ ва муаммолар, қийинчиликлар, зиддият ва мураккабликлар ҳақида, уларни ҳал қилишда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг ўзбек модели тамойиллари қай тарзда татбиқ қилинаётгани, бу соҳадаги инқироз ва бўҳронлар маданий-маърифий йўл билан қандай ҳал этилганлиги, шунингдек, ушбу соҳаларнинг истиқболи тўғрисида етарли билимга ва мукамал тасаввурга эга бўлишга катта имконият очади.

Президент Ислом Каримов асарларида истиқлол даврида мамлакатимиз банк, молия, пул, кредит тизимининг тамойил ва қоидалари жаҳон андозаларига мос равишда ишлаб чиқилган. Буларнинг барчаси Ўзбекистон тараққиётини

белгилайдиган Асосий қонун — Конституцияга асосланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар» (IX боб), «Жамиятнинг иқтисодий негизлари» (XII боб), «Молия ва кредит» (XXV боб) масалаларига оид қисмларида бу фикрлар алоҳида белгиланган. Жумладан, 122-моддада «Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимига эга...» деб алоҳида кўрсатилган. Шунингдек, Асосий қонунимизнинг 124-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини Республика Марказий банки бошқаради» деб таъкидланганлиги Марказий банкка давлат, эмиссия ва захира банки мақоми берилганлигини кафолатлайди.

Мамлакатимизда банк, пул-товар муносабатлари узоқ тарихга эга эканлиги билан муҳимдир. Мутахассислар фикрича, Ўзбекистон ҳудудида пул муомаласи воситасида товар алмашинуви тахминан эрамиздан аввалги II минг йилликдаёқ мавжуд бўлган.

Ўзбекистон ҳали собиқ иттифоқ таркибида бўлган даврдаёқ Юртбошимиз республикамизда мустақил банк тизимининг тамал тоши қўйилишига раҳнамолик қилди. Хусусан, 1990 йилда Ўзбекистонда саноат, сув хўжалиги ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қурилиш, корхоналарни молиялаш, тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, юқори рентабелли ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида пайчилик асосида «Турон» бирлаштирув тижорат банки ташкил этилган бўлса, ҳозирда фа-

олият юритаётган «Хамкорбанк» ва «Ипак йўли» банклари ҳам ўша йили фаолият бошлаган эди. Бугунги кундаги энг йирик банклар «Ўзсаноат-қурилишбанк» ва «Пахтабанк»ларнинг дастлабки фаолияти республикамизнинг мустақиллигини қўлга киритишидан бирмунча олдин, яъни 1991 йил 23 апрель ва 1991 йил 24 май саналарига тўғри келади.

Бу ишларнинг самараси мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ бевосита намоён бўлди. Бу даврда пул муомаласи, банк ва молия тизими хўжалик юритиш ва бошқариш механизмининг собиқ иттифоқ давридаги пассив бўғинидан мамлакат, халқ, миллат фаровонлигининг муҳим ва айни пайтда зарурий фаол соҳасига айлантиришга йўналтирилди. Чунки иқтисодиётнинг қон томири бўлган банк тизимини, молия, кредит соҳасидаги ўзига хосликни, шу жараённи бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқиб истиқлол манфаатлари учун йўналтириш нафақат муҳим, айни пайтда ўта мураккаб, жиддий масаладир. Бу ҳақда сўз юритиб, Президент Ислом Каримов шундай деган эди: «Хорижий дунё бозори билан, дунё банклари билан, тижоратчи фирмалар билан алоқа боғладик. Бу жуда нозик масала. Қайси давлат бизга қанча ва қандай шарт билан сармоя ва қарз беради? Қарз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдими? Бировдан қарз олиб, кейин унинг илмоғига тушиб қолмаймизми? Улар бизга тазйиқ ўтказмайдими? Олган қарз-кредитларимиз бўйнимизда оғир юк бўлиб қолиб кетмайдими?»

Минглаб шундай саволларга жавоб излашга ва топишга тўғри келди. Қарз олиш осон, бу ҳам-мамизга маълум, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртамизни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз керак. Бугун биз хато қилиб қўйсақ, фарзандларимиз келажакда қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу — катта гуноҳ бўлади».

Бу сўзлар мустақилликка бир йил тўлмасдан туриб айтилган эди. Зукко ўқувчи сезган бўлса, бу сўзлар илмий башоратнинг нечоғли ҳаққонийлигини, унда илгари сурилган ғоялар келажаги буюк давлат истиқболини, ўзбек халқининг кенг ва тегран мушоҳадалилигини тараққиётнинг ҳозирги ривожланиш босқичи тасдиқлаб турибди. Зеро, биз қарз ҳисобидан вақтинчалик муваффақиятга эришишдан воз кечиб, иқтисодиётни таркибан қайта қуриш ва уни ривожлантиришни афзал кўрдик.

Янги мустақил давлатларнинг барчасида ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш силлиқ кечмаётганини, унга чуқур мушоҳада, ҳисоб-китоб ва аниқ режаларсиз, зарур тайёргарликсиз ўтишга ҳаракат қилинганлиги оқибатида ижтимоий тангликлар юзага келганини эсласангиз, Ўзбекистон танлаган йўл нечоғли тўғри бўлганлигини яна бир карра англайсиз. Гап шундаки, ўша пайтда четдан қарз олиш ҳисобига миллий валютасини эркинлаштириш сиёсатини амалга оширган баъзи давлатлар ҳозирги кунда ўз қарзларини қайтариш ва фоизлар тўлашда катта қийинчиликларга дуч келмоқда. Шунинг ўзиёқ бундай четдан қарз олиш сиёсати қандай салбий оқибатларга олиб

келиши мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди. Масалан, Қирғизистон Республикаси халқаро молия ташкилотлари ва қатор хорижий давлатлардан 2 миллиард долларга яқин миқдорда кредитлар олиш эвазига 1995 йилда жорий халқаро операциялар бўйича ўзининг миллий валютаси конвертациясини таъминлаган эди. Олинган кредитларни четдан истеъмол товарлари сотиб олишга сарфлаб, ўзида ишлаб чиқаришни ташкил этмаганлиги ва қўшимча валюта тушумига эга бўлмаганлиги сабабли ҳозирда у қарзларни ўз вақтида қайтара олмаслигини расман тан олди. Кредиторларнинг халқаро Париж клубига улардан олган кредитлардан воз кечиш ёки ҳеч бўлмаганда, уларни қайтариш муддатини узайтириш бўйича муурожаат қилишга мажбур бўлди.

Мамлакатимиз ривожланишининг ўзига хослигини намоён қилишда миллий валютаимиз муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун бу масала мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб Президентимиз томонидан умуммиллий вазифа сифатида қўйилди ва унинг аҳамияти қуйидагича кўрсатилди: «Бугунги энг муҳим вазифа — валютаимизни бақувват, дунёда обрўли валютага айлантиришдир. У юксак қийматга ва катта кучга эга бўлиши лозим. Сўмнинг барқарорлигини таъминлаш ва қадрини ошириш — умуммиллий вазифа».

Юртбошимиз томонидан қабул қилинган 1992 йил март ойидаги «Истеъмол маҳсулотларини купонларга сотиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида», 1992 йил декабрь ойидаги «Ўзбекистон Республикаси истеъмол бозорини 1993 йил-

да ҳимоя қилиш тўғрисида», 1993 йил май ойида «Республика истеъмол бозорини ҳимоя қилишни кучайтириш ва пул муомаласини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорлар мазкур жараёндаги дастлабки амалий ҳаракатлар бўлган эди. 1993 йил 15 ноябрь мустақил давлатимиз тарихида миллий валюта тизимини шакллантиришда муҳим босқични бошлаб берди. Чунки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сўм-купонларни муомалага киритишни жорий қилиш тўғрисида»ги қарорига биноан 1993 йил 15 ноябрдан параллел валюта муомалага киритилди. 1994 йил 15 апрелдан Вазирлар Маҳкамасининг «Пул муомаласини мустаҳкамлаш ва сўм-купоннинг харид қувватини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 1994 йил 15 апрелдан республика ҳудудида Россия банки банкноталарининг муомалада бўлиши тақиқланди ва сўм-купон ягона қонуний тўлов воситаси бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини жорий э.ишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида биринчи бор миллий валютамиз — сўм муомалага киритилди. Бу тарихий воқелик Ўзбекистонда самарали пул-кредит тизимини яратиш жараёнларининг мантиқий давоми бўлди. Ушбу ўта муҳим воқеа мамлакатимиз раҳбари И.А. Каримов томонидан бутун иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг си-

фат жиҳатидан бутунлай янги босқичини бошлаб берган илк қадам деб баҳоланди.

Шундай қилиб, миллий валюта иқтисодий мустақилликка эришишга йўналтирилган асосий воситалардан бири бўлди. Республикамиз ўз ривожланиш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, фаол инвестиция сиёсатини юритиш ва таркибий ислохотларни ўтказиш йўлидан борди. Қисқа муддатларда машинасозликда, кимё саноатида, газ ва нефтни қайта ишлаш соҳасида янги ишлаб чиқариш қувватлари, шу жумладан, чет эл сармояси иштирокидаги замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари амалга оширилди. Уларнинг айримлари нафақат республикада, балки бутун минтақада ҳали-ҳанузгача мавжуд эмас эди. Қайд этиш-лозимки, ушбу оқилона давлат сиёсати аввало хорижий инвесторларнинг иштироки ва миллий манфаатларимизни уйғунлаштиришга қаратилган эди.

Қисқа муддат ичида Ўзбекистон ўзини етук сиёсий, иқтисодий, маънавий ва илмий салоҳиятга эга мустақил давлат сифатида жаҳонга танитибгина қолмай, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли манфаатли ҳамкорига айланди ва улар республикамизнинг истиқболи ёруғ эканлигини тўлиқ эътироф этдилар. Бундай ҳолат жаҳон ҳамжамияти ва айниқса халқаро молиявий ташкилотлар томонидан бизнинг иқтисодий салоҳиятимизга билдирилган ишонч намунаси дир.

қилиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 февралдаги тегишли қарори асосида ўтган асрнинг 90-йиллари бошида аҳолининг банкларда қолиб кетган жамғармалари индексация қилиниб, омонатчиларга 45,6 миллиард сўм маблағ тўланди. Ана шу муҳим тадбир собиқ иттифоқ республикалари ичида биринчилардан бўлиб мамлакатимизда ўтказилдики, бунинг эвазига аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи сақлаб қолинди. Натижада аҳоли қўлидаги бўш пул маблағлари банк оборотига киритилиб, унинг ҳажми 2005 йил 1 июль ҳолатида 336,7 миллиард сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич йилдан йилга ўсиб бормоқда.

Банк муассасаларининг амалий ахборотларни сақловчилар сифатидаги фаолиятининг асосий тамойилларини қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйиш ва аҳолининг банклардаги маблағлари бут сақланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Банк сирини тўғрисида» ҳамда «Банклардаги фуқаролар омонатларини муҳофазалаш кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди. Мазкур қонунлар аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини оширувчи қондаларни қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаш ва ушбу соҳада ислохотларни чуқурлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйиш имконини беради.

Муҳтарам Президентимиз бошчилигида банк тизимини янада ривожлантириш мақсадида иқтисодиётни эркинлаштириш стратегиясидан келиб

чиққан ҳолда уни ислоҳ қилишнинг қатор йўналишлари ишлаб чиқилган. Давлат банкларини реструктуризация қилиш ва хусусийлаштириш банк секторидаги ўзгаришларнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан республика тижорат банкларидаги давлат улушини маҳаллий ва айниқса, хорижий инвесторларга сотишни самарали ташкил этиш энг муҳим масала бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда бир қатор тижорат банклари капитали таркибидаги давлат улуши тўлиқ сотилди. Ҳозирда тўлиқ давлат мулкига тегишли бўлган «Асакабанк» 2005—2006 йилларда ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 2005—2009 йилларда хусусийлаштирилиши ва давлат улуши етакчи хорижий банкларга ва халқаро молия институтларига сотилиши кўзда тутилган.

Шуни айтиш мумкинки, бир қанча нуфузли халқаро банклар мамлакатимиз банкларини хусусийлаштириш жараёнида иштирок этишга қизиқиш билдирдилар. Бу эса иқтисодиётнинг ушбу соҳаси активларининг жозибадорлигидан далолат беради.

Юз фоизли хусусий сармоядан иборат бўлган банклар тизимининг ривожланиши Ўзбекистон банк соҳасини ислоҳ қилишнинг яна бир устувор йўналишини ташкил этади. Ҳукумат ва Марказий банк хусусий банклар ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Жумладан, уларга солиққа оид ва бошқа имтиёзлар берилди, техника билан таъминланишида ва ходимларни тайёрлашда яқиндан ёрдам кўрсатилади.

Ҳозирги кунда хусусий банклар мамлакатдаги тижорат банкларининг учдан бирини ташкил этмоқда. Республикада хусусий банклар фаолиятини рағбатлантириш рақобатни ўстиришга, кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини оширишга, молия ресурсларини самарали тақсимлашга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шуни қайд этиш лозимки, банк соҳасини ислоҳ қилиш стратегиясида рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича кўзда тутилган тадбирлар банклар ва уларнинг бўлинмаларини янада кенгайтириш, мамлакат ҳудудларида янги банкларни ташкил этиш каби қатор масалаларни кўзда тутди.

Молия бозорида рақобатни ривожлантиришга, шунингдек, чет эл сармояси иштирокидаги банкларнинг очилиши ҳам ёрдам беради. Ҳозирги кунда республиканинг бешта банкида чет эл сармояси иштирок этмоқда. Шу билан бирга, Марказий банк ички бозорда рақобатни ошириш жараёнида ҳам муҳим ўрин тутмоқда, у республиканинг молия бозорига чет эл капитали кириб келишини рағбатлантирмоқда. Биз яқин келажакда чет эл сармояси томонидан назорат қилинадиган банклар ролининг кучайиши яхши самара беради, деган фикрдамиз. Аввало, хорижий сармоянинг кириб келиши ички бозорга замонавий банк технологияларини, янги молиявий хизматлар ва банк маданиятининг олиб кирилиши, мамлакат молия бозорида банк хизмат-

лари сифатига ижобий таъсир кўрсатадиган рақобат муҳитини кучайтирувчи омил бўлиши нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятлидир. Юртимиз иқтисодиётида сўнгги йилларда бирмунча ўсган ташқи савдонинг роли, шунингдек, хорижий сармоядорлар томонидан Ўзбекистонга бўлган қизиқишнинг кучайгани чет эл капитали иштирокидаги банкларни очиш жараёни фаоллашётганини кўрсатади.

Республика банк соҳасига чет эл сармоясини жалб қилиш кўламининг кенгайишига мамлакат банкларининг халқаро рейтингини белгилаш бўйича олиб борилаётган ишлар яхши таъсир кўрсатмоқда. Шунинг ҳам қайд этиш лозимки, бугунги кунда ТИФ Миллий банки ва «Асакабанк» дунёнинг энг йирик банклари сирасига киради.

Банкларнинг халқаро молия ташкилотлари кредит линияларини жалб қилиш, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга ошириш борасидаги фаолияти ҳам жадаллашди. Ҳозирда Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Германиянинг «КФВ» банки, «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки», «Осиё тараққиёт банки», «Коммерцбанк» ва бошқа бир қатор компания ва банкларнинг кредит линиялари очилган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида хорижий кредит линиялари Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Асакабанк» орқали амалга оширилган бўлса, ҳозирда «Ҳамкорбанк», «Парви-

набанк», «Пахтабанк», «Ипотекабанк» ва бошқа қатор банклар бу операцияларни амалга оширмақда. Ҳукумат кафолатларисиз кредит жалб қилишнинг кўпайгани сезиларли ютуқ бўлди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда банк тизими жаҳон андозалари даражасида такомиллашаётганлигини ва халқаро молия жамоатчилигига кўшилиб бораётганлиги намунасидир. Бу мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг тўғрилигини кўрсатади ҳамда иқтисодиётни, шу жумладан, банк соҳасини эркинлаштириш ишларига ёрдам беради.

Банк соҳасида самарадорликни ошириш ва рақобатни кучайтириш борасидаги яна бир йўналиш — банклар консолидациясидир. Сўнги йилларда республикада кичик банкларнинг ихтиёрий қўшилиши ёки йирик банклар томонидан ўз таркибига олинишига оид 7 та ҳолат юз берди. Бу мамлакат банк тизимидаги янги йўналиш бўлиб, айни пайтда жаҳон банк тизимида кечаётган жараёнларга ҳамоҳангдир.

Тижорат банкларининг ўзаро бирикишлари орқали харажатларни камайтириш ва таваккалчиликни диверсификациялаш, улар фаолиятларининг барқарорлигини ошириш ҳисобига яхлит банк тизимини мустаҳкамлашга эришилмоқда. Банкларнинг ушбу жараёнлардан манфаатдорлигини уларнинг рақобатга бардошлилигини кучайтириш ва ресурс базасини кенгайтириш, шунингдек, бошқарув ва жорий харажатларини камайтиришга бўлган интилиши билан изоҳлаш мумкин.

Банк сектори консолидацияси билан бирга молия бозорида рақобат даражасини кучайтириш ҳам муҳим ўрин тутди. Шу мақсадда но-банк молия институтларини, жумладан, кредит уюшмаларини тузишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунга келиб, мамлакатимизда кредит уюшмаларининг меъёрий-ҳуқуқий базаси тўлиқ яратилди. Республиканинг турли ҳудудларида 20 та шундай молиявий воситачилар фаолият кўрсатмоқда. Банкларга муқобил бўлган кредит ташкилотларининг яратилиши, айниқса янги ташкил топган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини молиялашда жуда қўл келмоқда.

Ўтказилган тадбирларнинг барчаси охи-роқибатда иқтисодий ўсиш сифатини ошириш, иқтисодиёт таркибини ўзгартириш, шунингдек, муҳим кўрсаткичлардан бири бўлмиш экспорт таркибини яхшилашга олиб келади. Бунинг яққол исботи сифатида мамлакатимизда автомобиль ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилганини келтириб ўтиш мумкин. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон автомобиллари жаҳоннинг деярли барча автогигантлари ўз маҳсулотларини сотаётган Россия бозорида ҳам ўз харидорларини топди.

Айнан шундай ривожланиш стратегияси кейинчалик макроиқтисодий барқарорлик кўрсаткичларига самарали эришишни таъминлади. Масалан, айрим мамлакатларда инфляцияни 5—10 фоизга пасайтиришга 2—3 йилда эришилади, биз-

да эса биргина 2003 йил мобайнида унинг даражаси 21,6 фоиздан 3,8 фоизгача пасайди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, паст даражадаги инфляцияни таъминлаш бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларга салбий таъсир қилмаган ҳолда амалга оширилди: масалан, одатда, бундай йўл тутилганида давлат қарзи ҳажми ортиб кетади, лекин бизда бу кўрсаткич нафақат ўсмади, аксинча, пасайди.

Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги миллий валюта тизимини жорий операциялар бўйича тўлиқ конвертацияланишига имкон туғдирди. Маълумки, Буюк Британия ва Франция давлатлари Халқаро валюта жамғармасига 1945 йилнинг 27 декабрида аъзо бўлган бўлсалар-да, ўзаро келишувнинг VIII моддасини фақат 1961 йилнинг 15 февралидан бажаришга киришган. Греция ва Хитойда эса бу жараён 1996 йилнинг 1 декабридан бошланган. Бизнинг республикамиз Халқаро валюта жамғармасига 1992 йил 21 сентябрда аъзо бўлган эди. Ўтган йиллар ичида иқтисодиётнинг базавий тармоқларини шакллантиришга қаратилган қатъий валюта сиёсати амалга оширилди, республикамизда барқарор иқтисодий ўсишга, валюта маблағларининг доимий тушуми манбалари ва етарли даражада валюта захираларини шакллантириш орқали миллий валютамининг харид қувватини четдан олинадиган қарз маблағларисиз сақлаб туришга замин яратилди. Пировардида 2003 йилнинг 15 октябридан эътибо-

ран Халқаро валюта жамғармаси Низомининг VIII моддаси талабларини қабул қилдик. Агар миллий валютамыз 1994 йилда муомалага киритилганини ҳисобга оладиган бўлсак, биз 9 йилда унинг жорий амаллар бўйича конвертациясига эришдик.

Қўлга киритган тарихий ютуқларимизни қуйидагиларда ҳам яққол кўришимиз мумкин. Биргина нефть маҳсулотлари таъминоти масаласига тўхталсак, 1996 йилда жаҳон бозорида 1 баррель (159 литр) нефтнинг нархи 15—20 АҚШ доллари миқдорида эди. Охириги йилларда бу кўрсаткич 60 доллардан ҳам ошиб кетиши қайд этилди. Агар ҳукуватимиз томонидан ўз вақтида Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши, Фарғонада эса мавжуд нефтни қайта ишлаш заводининг қайта таъмирланиши амалга оширилмаганда эди, бугунга келиб республикамыз ушбу нархларда нефть сотиб олиш учун катта миқдордаги валюта захираларимизни сарфлашга мажбур бўларди. Шу билан бирга, ўтган асрнинг 90-йиллари бошида мамлакатимизда ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари импорти учун йилига ўртача 900 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарф қилинарди. Ваҳоланки, бугунги ўзимизда ҳам етиштириш имконияти мавжуд эди. Шунинг учун бошқали дон экинлари экиладиган майдонлар кескин кўпайтирилди. Деҳқон ва фермер, шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш учун ер участкалари ажратилганлиги ҳисобига ўлка-

мизда галла, картошка, мева, сабзавот, гўшт ва сут каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажми сезиларли даражада ортди. Натижада ҳозирги кунга келиб, озиқ-овқат маҳсулотлари импортини қарийб 3 барабар камайтиришга эришилди. Умуман, юқорида қайд этилган соҳаларда амалга оширилган чора-тадбирлар Ўзбекистонда ҳар йили 1,5 миллиард АҚШ доллари атрофида валюта маблағларини тежаб қолиш имконини бермоқда.

Тежалган валюта маблағлари ўз навбатида кўплаб янги инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқаришга йўналтирилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, кўплаб янги корхоналар қурилиб, ишга туширилди, мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари эса қайта жиҳозланди, қолаверса, Ўзбекистон учун мутлақо янги бўлган саноат тармоқларига асос солинди.

Ўтган давр мобайнида валютага оид қонунчилигимизда ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси билан Халқаро валюта фонди битими VIII моддасининг 2(а) 3- ва 4-бўлимларида кўзда тутилган мажбуриятлардан келиб чиққан ҳолда, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири тайёрланиб, у 2003 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясида тасдиқланди.

Валюта бозорининг эркинлаштирилиши ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар учун қулай айирбошлаш курсининг сақлаб турилганлиги тайёр маҳсулотлар экспортини кен-

гайтириш, бунинг ҳисобига валюта тушумини кескин ошириш имконини бермоқда.

Айни пайтда олтин-валютаимиз захираси шундай миқдорга етказилдики, унинг ҳажми алмашув курсини барқарор сақлаб туриш ва қатъий валютага бўлган талабни тўлиқ қондириш имкониятини туғдирмоқда. Одатда, халқаро талабларга кўра, олтин-валюта захиралари мамлакатнинг 3 ойлик импортини қоплайдиган даражада бўлиши лозим. Ҳозирда мавжуд захираларимиз эса мамлакатимизнинг 7 ойдан ортиқ импорти ҳажмини қоплашга қодирдир.

Ҳозирги ривожланиш жараёнида иқтисодий эркинлаштиришда Президентимиз таъбири билан айтганда, «Банк тизимини тубдан мустақамлаш, бу соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, банкларнинг кредит бериш имкониятларини ва устав капиталини бўш маблағлар жалб қилиш ҳисобидан кенгайтириш талаб этилади».

Бунда асосан кредит тизими моҳиятини, унинг хусусияти, ривожланишининг методологик жиҳатларини, мамлакатимизда шаклланаётган кредит тизимининг тараққиёти хусусиятлари таҳлилини, кредит механизминини бошқариш тамойилларини, усул ва воситаларини, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Германия, Россия каби ривожланган давлатлар кредит тизимини ўрганиш асосида уни республика равнақида қўллашни, кредитларни жамият ривожланишида мавжуд банкларнинг аҳамияти ва ўрни, кредит му-

ассасалари ривожланишини жаҳон андозаларига яқинлаштиришни, кредит портфелининг қулай таркибини қарор топтиришни, кредит тизимини тартибга солишда инвестицион жараёни бошқаришнинг бозор талаб ва таъйинларига асосланишини тушунтириш ҳамда илмий тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки кредит тизимини такомиллаштириш мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Зеро, бу соҳани ривожлантириш иқтисодиётнинг барча соҳасида ишчан фаолликни оширади, иқтисодий ўсишга ҳамда барқарорликка хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари «Банклар инвестиция жараёнининг асосий бўғинига, корхоналарнинг чинакам ҳамкорига айланмоғи, бинобарин, уларнинг ривожланишидан манфаатдор бўлмоғи лозим», деган фикрни алоҳида таъкидлаган эди. Маълумки, бу йўналишда ҳам мазкур соҳани ҳар томонлама ривожлантириш учун тўғридан-тўғри амалий ишлар қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунининг қабул қилинганлигини алоҳида кўрсатиш ўринлидир. «Мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дас-

турларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш» учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелда эълон қилинган Фармони мазкур йўналишдаги фаолиятимизни янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Буларнинг барчаси бозор иқтисодиёти шароитида мустақил Ўзбекистон учун инвестиция сиёсати нақадар муҳимлигини билдиради. Инвестиция сиёсатининг нечоғли зарурлиги, унинг устувор соҳалардан бири эканлиги ҳамда уларни амалга оширишда қандай вазифаларни ҳал қилиш тўғрисида тўхталиб, Ислом Каримов шундай деган эди: «Сармоя оламида бировнинг юзи ёки кўзи яхши деб қарз бериш расм эмас, буни сизлар тушуна-сизлар. Чет эл кредиторлари Ўзбекистонга ишон-са бўладиган, пайти келганда қарзни тўлашга қодир бўлган кучли шерик деб қарамоқдалар.

Иқтисодиётимиз оғир бўлиб турган пайтларда бу кредитлар бизга сув билан ҳаводек зарур. Иншооллоҳ, ажратилган қарзга халқимиз учун керакли моллар, егулик, дори-дармонлар харид қилиб, қолган катта қисмига энг илғор технологияларни келтирамыз.

Ўзбекистоннинг кредит олишга ва уни ўз вақтида тўлашга қурби етади. Ўзбекистонда ур-йиқитлар йўқ, фуқаролар ўзаро муросада яшамоқдалар. Бу ҳол, кўриб турибсизки, чет эллар би-

лан иқтисодий ҳамкорлик қилишга жуда яхши кафолат бўлиб хизмат қилмоқда».

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотларнинг муҳим жиҳатларидан бири жамият иқтисодий соҳасининг бошқа секторларидаги туб ўзгаришларнинг пойдевори бўлишга муносиб банк тизимини қарор топтириш ҳисобланади.

«Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш, тижорат банкларининг иш самарадорлигини ошириш, уларнинг капиталлашиш даражасини кўтариш, инвестиция жараёнларида ва иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида кенг иштирок этишни таъминлаш»да Президентимизнинг 2005 йил 15 апрелдаги қарори муҳим аҳамият касб этади. Чунки мазкур қарор банк тизимини янада такомиллаштириш, унинг салоҳияти ва нуфузини ошириш ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг амалда намоён бўлишидир. Бу муҳим ҳужжатда банк тизимини янада ривожлантириш, унинг жамият тараққиётидаги фаоллигини ошириш мақсадида кўпгина имтиёзлар берилганлиги ҳам мамлакатимиз банк ва молия жараёнларини жаҳон андозаларига яқинлаштиришдаги салмоқли қадамдир.

Шунингдек, ушбу қарорда «Банкларнинг лойиҳаларни инвестициялаш, инвестиция кредитлари бериш ва уларга хизмат кўрсатиш масалалари билан шуғулланувчи таркибий бўлинмалари юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлансин.

Банк-молия академиясида лойиҳаларни молиялаш факультети ва банк ходимлари малакасини ошириш курсларини очсин», — деб таъкидланганки, булар ҳам бевосита истиқболда мазкур тизимнинг янада тараққий қилишида муҳим аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз.

Ҳозирда банк тизимининг ўрни, ўтиш иқтисодиётида тизимнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини англаб етиш ҳамда банк тизимининг шаклланиш хусусиятлари ва қонуниятларини тушуниш, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида тизимни янада ривожлантириш, унинг иқтисодиётнинг трансформацияланиши таъсирида рўй беришини, мамлакатимизда такомиллашиб бораётган икки поғонали банк тизимининг тузилишини, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини қондиришда банкларнинг ўрни, истиқболда янги универсал банкларни ташкил қилиш механизмини, мустақил банк тизимини қарор топтириш каби ўнлаб масалаларни тушуниш ва англаб етишда айнан академик Ислом Каримов асарларини ўқиб, ўрганиш катта аҳамиятга эгадир.

Бизнинг назаримизда, юқорида айтилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда, Ислом Каримовнинг асарларидан жамланган мазкур китоб энг аввало, банк, молия, кредит, инвестицияга оид масалалар билан шуғулланаётган, шу соҳада фаолият кўрсатаётган раҳбарлар ва мутахассисларнинг иш столида турадиган, кундалик ҳаётида доимо фойдаланиладиган дастуриламалга айланиши даркор.

Маълумки, жамият соҳасидаги, жумладан, банк, молия, пул, кредит тизимидаги ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тўла англаш, тушуниш нафақат мазкур соҳа мутахассислари учун, балки, мамлакатимиздаги барча билимли, маърифатли кишиларга ҳам дахлдор. Чунки, Абу Али ибн Сино айтганидек, жамиятда содир бўладиган барча ўзгаришлардан хабардор, огоҳ бўлиш фазилати инсоннинг ҳам, оиланинг ҳам, давлатнинг ҳам соғломлиги учун зарур бўладиган фойдали мезонки, бу мезонни ҳар бир жамият аъзосига, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, қарор топтириш ҳамда уни такомилга етказиш ҳаётий зарур эҳтиёждир.

**ЎЗБЕКИСТОН:
МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ,
ИҚТИСОД, СИЁСАТ,
МАФКУРА**

1. ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИ: МУАММОЛАР ВА РЕЖАЛАР

*XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 ва 3 июлда
сузланган нутқ*

Ўзбекистон халқи озодликка эришганидан бери бир йил ҳам ўтгани йўқ. Бу — жуда қисқа давр. Биз озодликка қон тўкмасдан эришдик. Аммо бу — ҳақиқий мустақиллик курашсиз ва меҳнатсиз қўлга киритилади, дегани эмас.

Мустақилликни ҳимоя этиш, мустақилликни мустаҳкамлаш, истиқлолни эплаш ҳам зарур.

Мен илгари, шу йилнинг август-сентябрь ойларида Ўзбекистоннинг келажак тараққиёти йўллари аниқлаб оламиз, деб гапирган эдим.

Буни қандай тушунишимиз керак?

СССР парчаланиб кетди. 74 йил мобайнида Ўзбекистон тақдири ва таъминоти собиқ Иттифоқ қўлида эди. Собиқ Иттифоқ бу ердан маҳсулот ва хом ашёни олиб кетиб, бизга сув ва ҳаводай зарур нарсаларни ўз кўрсатмаси билан келтириб берарди. Содда қилиб айтганда, пахта ва бошқа бойликларимиз олиб кетиларди, дон, шакар, ёнилғи ва бошқа халқ истеъмоли моллари, умуман, ҳаётимизга, иқтисодиётимизга ва халқ хўжалигимизга зарур бўлган маҳсулотлар олиб келинарди. Мана, биргина мисол. Собиқ СССР Канада ва Америкадан ҳар йили 40—50 миллион тонна ғалла сотиб оларди. Шунинг ҳисо-

бидан Ўзбекистонга ҳам улуш берарди. Иттифоқ парчаланиб кетганидан кейин биз йиллик эҳтиёжimizга етарли 6 миллион тонна ғаллани қаёқдан олиб келишни, қаёқдан валюта топишни ўйлаб роса сарсон-саргардон бўлдик.

Бугун очик айтаверсак ҳам бўлади: 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида кўп нарсаларда узилиш бўлиб, жуда оғир аҳволга тушиб, нақ очарчилик остонасида турар эдик.

Ўзимиздан чиқаётган маҳсулотни ўз нархида сотиб, ҳақимизни ундириб олиш ҳам мураккаб бўлиб қолди. Бошқа минтақалар ва чет давлатлар билан боғланган жуда кўп катта корхоналаримиз тўхтаб қолиши хавфи туғилди.

Бизнинг олдимизда йигирма бир миллион нафар катта бир халқни боқиб вазифаси кўндаланг бўлиб турарди. Айниқса, пул-валюта топиш масаласи ўта қийин муаммога айланди. Халқимизни, иқтисодиётимизни таъминлаш масаласида жуда катта хавф туғилди.

Ғоят мушкул шароитда ана шундай муаммоларни ҳал қилиш зарур эди.

Ҳаммангизга маълум: Ўзбекистонда ҳукм ўтказадиган бошқарув таркиби ҳам пойтахтимиз Тошкентда, ҳам жойларда, тармоқлар ва умуман ишлаб чиқариш ва тақсимот соҳаларида, давлатни ва халқимизни ҳимоя қиладиган жабҳаларда, хуллас, ҳамма-ҳамма поғоналарда собиқ Иттифоққа бўйсунадиган ва Марказ чизигидан чиқмайдиган тарзда иш олиб борарди. Мана шу соҳаларни тубдан ўзгартириб, мустақиллик заминида қайтадан тузишга тўғри келди.

Бугун биз ишнинг маромини тушуниб, кам бўлса-да, тажриба орттирдик, режаларни аниқлаштириб олдик. Узлуксиз таъминот масаласи ҳал этилди. Энди 1992 йилнинг иккинчи ярми, 1993 ва кейинги йиллар таъминоти тартибга келди ва биз бу ҳақда сиз, азиз депутатларга ва халқимизга бемалол ахборот беришимиз мумкин.

Дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин теталоя бўлади. Вазият шундай келдики, **Мустақил Ўзбекистон** туғилган куниёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди.

Ташқи сиёсатда, ташқи савдода мутлақо тажрибаси бўлмаган давлат биринчи кунлардан бошлаб қаерда ютқизиши мумкин, қаерда ютиши мумкин — ана шундай жиддий масалаларни ечишга тўғри келди.

Хорижий дунё бозори билан, дунё банклари билан, тижоратчи фирмалар билан алоқа боғладик. Бу жуда нозик масала. Қайси давлат бизга қанча ва қандай шарт билан сармоя ва қарз беради? Қарз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдими? Бировдан қарз олиб, кейин унинг илмоғига тушиб қолмайми? Улар бизга тазйиқ ўтказмайдими? Олган қарз-кредитларимиз бўйнимизда оғир юк бўлиб қолиб кетмай-дими?

Минглаб шундай саволларга жавоб излашга ва топишга тўғри келди.

Қарз олиш осон, бу ҳаммамизга маълум, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртаминни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз керак.

Бугун биз хато қилиб қўйсак, фарзандларимиз келажакда қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу — катта гуноҳ бўлади. (3-5)¹

Яна бир гап. Биз Индонезиядан тахминан 100 миллион доллар кредит олдик. Энди улардан дунёдаги энг олий навли чой, гуруч олишимиз мумкин. Малайзиядан эса пальма ёғи ва бошқа маҳсулотлар оламиз. Хуллас, уч мамлакатга қилган сафаримиз самарали бўлди. Энг зўр натижа эса — дунё халқлари бизнинг мустақил Ўзбекистонимизни таниётгани ва тан бераётгани. (10)

Ер усти ва остидаги қимматбаҳо бойликларимиз юртимизнинг дунё бозорига чиқишини таъминловчи соҳаларни тубдан ўзгартириш ва ривожлантириш имконини беради.

Бошқача айтганда, биз тилланинг устида ўтирибмиз. Афсуски, собиқ марказ олиб борган сиёсат оқибатида Ўзбекистон фақат хом ашё беришдан нарига ўтмади. Ўзида бор нарсани ўзи ишлатга олмади.

...Ҳозирча ҳаммангизга маълум, биз рубль тазйиқида яшаймиз. Бошқа собиқ Совет республикалари билан хўжалик алоқаларини бирданига узиб ташлай олмаймиз.

Аслини олганда, узиш шарт ҳам эмас. Эндиги иқтисодий муносабатлар эскича усулда эмас, балки янгича асосда — тенглик ва ўзаро манфаат асосида амалга оширилиши шарт.

¹ *Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. 3—5-бетлар. (Ушбу бўлимдаги манбулар ана шу китоб бўйича кўрсатилган).*

Муҳим стратегик ашёларни аввалгидек сувтекинга бериб юбормаслик керак. Умуман, МДХ мамлакатлари билан ўзаро олди-берди жараёнида янгича мезонлар ишлаб чиқилиши зарур. Бунинг асосий шарт — қўшними, олисдами — барча мамлакатлар билан иқтисодий ҳисоб-китобни халқаро нархда ташкил қилсак, биз албатта ютказмаймиз. (13-14)

Қишлоқ хўжалиги ходимларининг маошлари ҳақида. Аҳволни тушуниш керак. Бюджет ўзи учмау-уч бўлиб турибди. Медицина, маориф, фан ва бошқа соҳалар борки, улар мана шу камбағал бюджет ҳисобига кун кўрадилар. Имкони бўлса эди, биз **Ўзбекистоннинг меҳнаткаш инсонлари устидан зар сочган бўлардик.**

Насиб этса, бу масала ижобий ҳал қилинади ва ҳал этиляпти ҳам. Мана, бугунги кунда пахта-нинг, пилланинг, полиз, мева ва сабзавотнинг харид нарҳини оширдик. Деҳқонлар даромад ва **қўшимча қиймат солиғидан озод бўлдилар. Биргина шу солиқдан озод бўлиш ҳисобига деҳқонларнинг чўнтагида 23 миллиард сўм қолади.** Қишлоқ хўжалиги соҳасида банд бўлган кишиларнинг ўртача ойлик маошини 2 минг сўмга етказиш мақсад қилиб қўйилди ва ҳозир шунга етиб келаяпмиз.

Бу йил пахта-нинг 15 фоизини деҳқонлар ўзлари сотишлари мумкин. Турган гапки, режадан ташқари етиштирилган барча ҳосил ҳам келишилган нархларда сотилади.

Пилланинг 15 дан 25 фоизгача бўлган қисми келишилган нархларда сотилади. Бундан деҳқон-

лар кўшимча 320 миллион сўм фойда кўрадилар.

Фалланинг харид нархи ошгани галлакорларга тахминан 3 миллиард сўм фойда келтиради. Сабзавот ва меванинг 50 фоизи деҳқонлар ихтиёрида қолади. Улар ҳосилнинг нақ ярмини келишилган нархда сотадилар.

Бугунги шароитда давлат харид нархларини бошқариб туришдан воз кечолмайди. Лекин, шу билан бир қаторда, давлат деҳқончилик маҳсулотлари билан саноат маҳсулотлари ўртасида мувозанатни сақлашни таъминлайди. Қишлоқ аҳли ўз маҳсулотларини 74 йил мобайнида сувтекинга сотиб, ўзи ниҳоят даражада қашшоқ бўлиб қолди. Бу ҳолга ортиқ чидаб бўлмайди.

Агар биз халққа ёрдам бермоқчи бўлсак, ҳар қанча қийин бўлишига қарамай, қишлоқ аҳолиси манфаатини кўзлаб харид нархини оширишимиз керак. Бу сиёсатни бошқа мамлакатларда ҳам кўриб чиқдик. Малайзияда ҳам, Индонезияда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қимматроқ сотиб олиб, кейин аҳолига сотаётганда бюджет ҳисобидан харажатларни қоплар экан. Бюджетдан бўлса ҳам харид нархларини кўпайтириш, бу — ривожланган мамлакатларнинг сиёсатидир. Шундай қилмасак, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотиб бўлмайди. Шунинг учун мана шу юксак минбардан туриб мен ваъда берман: қишлоқ аҳолиси, хўжалик аъзосига нисбатан нарх сиёсатини тўғри юритамиз.

Баҳоларни бошқариб турмасдан Ўзбекистон шароитида бозор муносабатларига ўтиш қийин.

Деҳқончилик соҳаси билан саноат ўртасидаги тенглик маълум даражада таъмин этилса, эркин нархларга ўтиш мумкин бўлади.

...Рубль амал қиладиган шароитда яшар эканмиз, истемол бозорини ҳимоя этмасдан бўлмайди. Нима учун «рубль» деган ибора бизнинг тилимизда пайдо бўлди? Рубль дегани, ҳозир бу асосан Россиянинг пули бўлапти. Эртага биз янги пулга ўтсак, унинг номи «сўм» бўлади. Буни сизга аниқ айтишим керак. Шунинг учун рубль билан сўмнинг фарқини билиб олишимиз керак. Бизда жудаям арзончилик деб айтсак, хаҳо бўлади. Аммо бозорларимиздаги нархни бошқа юртлар билан солиштирсак, биздаги нарх уларнинг олдида ҳолва бўлиб қолади.

Ўзимизда бўлган маҳсулотларни ташқарига олиб чиқиб кетмасликлари учун купон ва талон системасини Жорий қилдик ва халқимиз бундан рози бўлди.

Бугун бу нарсани танқид қилувчилар ҳам кўп. Лекин, азиз дўстлар, худди шу чоралар туфайли ўтган йилги оғир қиш ва бу йилнинг баҳоридан нисбатан осон чиққанимизни ҳам унутмаслик керак.

Чекланган нархлар бюджетга анча қимматга тушди. Аммо, биз аҳоли манфаатларини олий мақсад деб билдик, гарчи четга чиқиб кетиш хавфи бўлса-да, энг керакли озиқ-овқат маҳсулотларини арзон баҳода сотдик.

Моддий бойликларни олиб келиш ва чиқаришни назорат этадиган бош инспекция тузилгани ҳам маълум бўлади. Бир нарсага эътибор беринглар: ўзининг 7 ойлик фаолияти даврида 500 миллион сўмлик маҳсулот, энг керакли маҳ-

сулотларни ва буюмларни ушлаб қолди, халқимизга, ўз минтақамизга қайтарди.

Баъзи одамлар чиқаяпти: жуда қийин бўлаяпти, ўртоқ Президент. Бу инспекция бизни қақшатиб қўйди, деган гапларни жуда кўп эшитамиз. Лекин бир нарсани тўғри тушунинглар: оддий одамга, оддий деҳқонга бу иш фойдали бўлди. Ҳар хил олди-сотди билан шуғулланувчи чайқовчиларга эса зарар, қаттиқ бир зарба бўлди. Одамлар бизни тўғри тушунаёпти. Нега деганимизда, мана Қозоғистонни олинг, Қирғизистонни олинг. Албатта, уларни биз танқид қила олмаймиз, уларнинг ўз ҳуқуқи бор. Лекин Бишкекда 1 кг ун — 17 сўмга чиққани, 1 буханка нон — 9—10 сўмгача чиққани рост. Ҳозир ўртада чегара йўқ.

Яқинда зилзила бўлганда, Андижонга халқимиздан, фуқаролардан ҳол-аҳвол сўраб бордик.

600—700 нафар одам келди. Бизнинг одамлар анча чидамли. Бошига шунча оғир кунлар тушганда ҳам руҳи баланд. Шунинг учун уларга минг раҳмат. Шундай пайтда улар ажойиб фазилатларини кўрсатади. Лекин бир нарсадан мен жуда афсусландим. Бизга жон қўшни бўлган Қирғизистон ҳудудида яшайдиган фуқаролар мени ўраб олиб: «Бу нима деган гап. Сиз Президент бўла туриб, бу ерга келибсиз. Бизга Госстрах инспектори ҳам келгани йўқ», деяпти. Бошқа сиёсий гапларни гапирмайман. Лекин у ёқда ҳам, бу ёқда ҳам ўзбеклар. Уларни ҳеч қачон ажратиб бўлмайди.

Энди яна «рубль» масаласи. Бизнинг ўз валютамиз бўладими ёки йўқми деган саволни кўп

эштамиз. Ҳаммангизга маълум: пул зарб этадиган дастгоҳ Россияда. Мен илгари ҳам МДҲда тенглик бўлмоғи учун пул дастгоҳи ва банк системаси ҳаммага бирдек қараши керак, деб айтган эдим. Нега деганда: нима учун қадрсизланган рублни ҳам тилаб, тиз чўкиб сўрашимиз керак? Бу қанақа мустақил давлат?! Шу нуқтаи назардан қараганда, агар бизларнинг таклифларимиз ўтмаса, инобатга олинмаса ўз валютамизни зарб этишимиз шарт, деб ҳисоблайман.

Умуман олганда, миллий валюта давлат мустақиллигининг асосий белгиси ҳисобланади.

Маълумки, Латвия ва Эстония ўз валютасини чиқарди. Литва ўз пулини чиқариш арафасида, Украина ва Белорусда миллий валюта ўрнини босадиган купонлар тизими жорий этилди. Аҳвол шу тарзда қолаверар экан, Ўзбекистонга қадрсизланган миллиардлаб рубль кириб келиш хавфи бор.

Яна бир сабаб шуки, бугунги кунда кишиларга маош тўлаш учун нақд пул етишмаяпти. Шу масалада ҳам биз анча заиф бўлиб турибмиз. Шуларни ҳисобга олсак, миллий валютани чиқариш шарт бўлиб қолмоқда. Биз бу борада анчамунча тайёргарлик қилиб қўйганмиз.

Лекин асосий қийинчилигимиз шуки, пул чиқариш, қоғоз чиқариш қийин нарса эмас. Лекин унинг қиймати ва қадрини таъмин этиш керак. Бу пул эртага муомалага киритилса, биз унинг қадрини, харид кучини таъминлашимиз зарур. Акс ҳолда уни чиқаришнинг ҳожати йўқ.

Дунё валютасига, долларми, марками — сўмнинг уларга нисбатан курсини аниқламасдан

туриб, биз ўз сўмимизни чиқарсак, улар эртага қуруқ қоғозга айланиб қолади. Ҳали биз жуда кўп муаммоларни ҳал этишимиз керак бўлади. Авваламбор, агар янги пул чиқса, унинг тагида етарли сармоя бўлиши керак. Пул чиқса-ю, мол бўлмаса, у пулни нима қиламиз? Деворларга ёпиштириб қўямизми? Шуларни ҳам ўйлашимиз керак.

...Пулнинг олтинга алмашиш курсини ҳам белгилашимиз керак. Янги пулнинг кафолати бўлиши керак.

Бундан ташқари, сўм билан рублнинг муносабати қандай бўлади? Эртага агар биз Россияга бориб сўмга ҳеч нарса ололмасак нима бўлади? Ана шуларни ҳам ҳисобга олишимиз керак. Лекин бизни пул чиқаришимизга мажбур қилишлари мумкин. Эртага рубль деган нарса Москвада кўплаб босилиб, бизнинг минтақага келса, магазинларда нима қолади? Вазият шундай оғирлашиб қолса, янги пул чиқиши турган гап. Халқ ҳам шунга тайёргарлик кўриши керак. Агар қимки сандиқлардаги, ёстиқлардаги пулини олиб бориб омонат банкасига топширса — ютади.

...Бозор инфраструктурасини шакллантириш, аввало, маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш ҳамда савдо соҳасидан бошланиб, аста-секин банкларни, биржаларни, аудиторлик фирмалари, суғурта компанияларини ҳам қамраб олади.

Мулкчиликнинг барча шаклларига эрк берилади, шахсий ташаббус ва ишбилармонликка кенг йўл очилади. Айни замонда лоқайдлик, танбаллик каби иллатлар барҳам топади. Бир сўз билан айтганда, ишлаган одам хор бўлмайди.

Бугунги кунда биз кўриб турган кўпгина иқтисодий муносабатлар ҳақиқий бозордан ҳали анча йироқ. Мавжуд биржалар ва воситачилик ташкилотлари, тўғриси айтсак, кўпроқ арзон олиб, қимматга сотиш билан шуғулланапти.

Тижоратнинг мақсади шу эмасми, деган савол туғилиши мумкин. Тўғри, фойдасиз тижорат бўлмайди. Аммо истеъмол бозори камбағал бўлса, тижорат дегани оддий чайқовчилик даражасида қолиб кетаверади.

Ҳақиқий бозор муносабатларига ўтилганда эса турли корхоналар, турли биржалар, суғурта идоралари, банклар ва бошқа идоралар орасида ҳақиқий рақобат вужудга келади. Кимки кўп ва арзон мол келтирса ва ким қанчалик тез ва арзон сотса, ўшанинг иши юришади. Негаки, ҳаракатсиз сармоя — ўлик сармоя. Капитал дегани, албатта, оборотда, муомалада бўлади. Соғлом рақобат ички бозорни мол билан бойитишда ва нархни арзонлаштиришда катта роль ўйнайди.

Мулкчиликнинг турли шакллари — ширкат мулки, давлат мулки, акционерлик мулки, шахсий мулк ҳамда бошқа шаклларнинг ривож топиши ҳам айна рақобатни кучайтириш ва халқ эҳтиёжларини тезроқ қондириш имконини беради.

...Иқтисодни жонлантириш учун **корхоналарни хусусийлаштириш ишига жиддий киришмоқ** керак. Хусусийлаштириш, энг аввало, маиший хизмат ва савдо корхоналари, маҳаллий саноат корхоналаридан бошланади. Кейинчалик катта корхоналар ҳам акционерлик ва бошқа мулкчилик шаклига ўтказилади. (19—24)

Республикада сиёсий-ижтимоий аҳвол барқарор бўлиб тургани сабабли, бизлар чет давлатлар билан, хорижий банклар, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга, алоқаларни янги босқичга кўтаришга муваффақ бўлдик.

Қардош Туркия Жумҳурияти бизга 595 миллион доллар кредит ажратди. Бу пулга бир неча миллион тонна буғдой, кўп миқдорда шакар, дори-дармон, медицина асбоб-ускуналари сотиб олинмоқда. Кредитнинг бир қисми инвестиция шаклида ишлатилади. 595 миллион доллар, бу — ҳал этилган ва ишга тушган маблағ. Ундан ташқари, Туркия бизга яна 1 миллиард доллардан кўпроқ кредит ажратмоқчи.

Испания 1 миллиард доллар, Англия 700 миллион доллар, Германия 500 миллион доллар кредит ажратди. Мен яна кўплаб мисол келтиришим мумкин. Аммо унинг ҳожати йўқ. Лекин мен бир нарсани айтмоқчиман. Биз чет элдан кредит олиш муаммосини ҳал қилиб олдик. Энг муҳими, хусусий банклардан кредит олишга ҳаракат қилишимиз керак. Чунки улар сиёсий шартлар қўймайди.

Сармоя оламида бировнинг юзи ёки кўзи яхши деб қарз бериш расм эмас, буни сизлар тушуна-сизлар. Чет эл кредиторлари Ўзбекистонга ишонса бўладиган, пайти келганда қарзни тўлашга қодир бўлган кучли шерик деб қарамоқдалар.

Иқтисодимиз оғир бўлиб турган пайтларда бу кредитлар бизга сув билан ҳаводек зарур. Иншооллоҳ, ажратилган қарз халқимизни керакли мол-пай-судулик дори-дармонлар ҳавид кичиб қол-

ган катта қисмига энг илғор технологиялар келтирамиз.

Ўзбекистоннинг кредит олишга ва уни ўз вақтида тўлашга қурби етади. Ўзбекистонда ур-йиқитлар йўқ, фуқаролар ўзаро муросада яшамоқдалар. Бу ҳол, кўриб турибсизки, чет эллар билан иқтисодий ҳамкорлик қилишга жуда яхши кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

Бир нарсани биз ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ким қўлидаги миллиардлаб пулларни нотинч ерга сочгиси келади? Ҳозирги тинчлик, барқарорлик — энг катта бойлигимиз. Буни минг марта такрорлашга тайёрман. Халқимиздан илтимос қилмоқчиман: мана шу бойликни қўлдан берманг. Ўшанда бу юртга ҳамма нарса келади.

Агар тинч ва осойишта меҳнат қилсак, мавжуд бойликларимиздан оқилона фойдалансак, шубҳа йўқки, Ўзбекистон тез орада тангликдан чиқиб олади.

Бунинг асосий гарови — ички сиёсий барқарорлик ва халқимизнинг меҳнатсеварлигидир. (28—29)

2. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

1992 йил

Ўзбекистон халқи жонажон ўлкадаги беқиёс бойликнинг абадулабад ҳақиқий эгаси бўлиб қолди. Республика ўз олтинини, бошқа нодир ва қимматбаҳо металларни мустақил қазиб чиқариб, қайта ишламоқда ва сақламоқда. Ер, ер ости бой-

ликлари, бошқа табиий бойликлар, авлод-аждодларнинг меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий куч-қудрат ва имкониятлар миллий бойлик бўлиб, одамлар фаровонлигининг кафолати, ижтимоий тараққиёт ва раванқнинг асоси бўлиб хизмат қилади. (36—37)

Эндиликда Ўзбекистон бир қатор етакчи халқаро-иқтисодий ва молиявий бирлашмаларнинг — Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Қора денгиз мамлакатлари иқтисодий уюшмасининг аъзосидир. Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига ва бошқа бирлашмаларнинг таркибига аъзо бўлиш борасидаги тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди. (38—39)

Республиканинг катта экспорт имкониятлари Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига чиқишини таъминлашнинг, халқаро ҳамжамиятда мавқеларнинг мустаҳкамланиши ва унинг миллий валютаси тан олиншининг муҳим омили ҳисобланади... (58)

Ташқи савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларда устуворлик қуйидагиларга берилади:

— республиканинг экспорт имкониятларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш ҳамда импортнинг ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни жадал ривожлантириш. Фурсати билан экспорт таркибини хом ашё ресурсларидан Ўзбекистон учун қулайроқ шаклларга: қишлоқ хўжалигининг қайта ишлан-

ган тайёр маҳсулотларини, енгил саноат ва кўп билим талаб қиладиган тармоқлар буюмларини экспорт қилиш томон чуқур қайта ўзгартиришни амалга ошириш керак бўлади.

Таркибий қайта қуриш, аҳоли ҳаёт таъминотининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларини ҳал этиш учун республиканинг валютага бўлган катта эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда дастлабки пайтларда пахта, тола, линт, пилла, рангли металллар, капролактама, карбамид ва бошқа маҳсулотлар асосий экспорт ресурслари сифатида сақланиб қолади;

— ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш бўйича аниқ мақсадни кўзлаган сиёсат юритиш, хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилишида катта эркинлик бериш, ўз маҳсулотларини чет элда сотиш, товарларни экспорт ва импорт қилишда имтиёзлик тартибни жорий этиш;

— имтиёзли бошқарув ва солиқ тартибни вужудга келтириш йўли билан экспорт ишлаб чиқариш соҳасида корхоналарнинг инвестиция ва инновация фаолиятини рағбатлантириш;

— хорижий инвестицияларнинг асосан тўғридан-тўғри капитал сармоялар кўринишида республика иқтисодиётига кенг жалб қилиниши учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа зарур шароитларни яратиш, қўшма корхоналар ташкил этилишига кўмаклашиш, шунингдек инвесторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

— хорижий кредитлардан, экспорт қилишдан олинган валюта маблағларидан чет элдан ҳаёт

учун муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ҳамда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишловчи, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш учун технологик асбоб-ускуналар сотиб олишда биринчи навбатда фойдаланиш;

— ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи қонунларни яратиш. Чет эл инвестициялари, экспорт ва импорт учун солиқлар тўғрисидаги қонунларга амалиёт тақозо этган тузатишлар ўз вақтида киритилди, республиканинг валюта ишларини тартибга солиш тўғрисидаги, гаров ҳақидаги қонунларнинг, Божхона кодекси ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари тайёрланди;

— дипломатия иши учун, шунингдек халқаро ҳуқуқ ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида, банк тизимида ва бошқа янги ташкил этилаётган тузилмалар учун малакали мутахассислар тайёрлаш, талабалар ва мутахассисларни чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларида, хорижий фирмалар, банклар ва компанияларда ўқитишни ҳамда малака оширишларини ташкил этишни кенгайтириш;

— халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар — Халқаро валюта фондига, Жаҳон банкига, Осиё тараққиёт банкига аъзо бўлиш, Тарифлар ва Савдо бўйича Бош битим, Европа Иқтисодий Ҳамжамияти ва бошқа ташкилотлар билан алоқалар ўрнатишга доир ташкилий тadbирларни ўтказиш;

— ташқи иқтисодий фаолият тармоқлари мажмуини — ихтисослаштирилган ташқи савдо, лизинг, консалтинг ва суғурта фирмаларини, таш-

қи алоқаларни ривожлантириш манфаатлари ва шартларига жавоб берадиган транспорт, алоқа ва коммуникациялар тизимларини вужудга келтириш. Чет элларда ўз савдо ва ахборот ваколатхоналарини очиш;

— ўзимизнинг патент-лицензия ишлари тизимимизни йўлга қўйиш, республика фуқаролари ва юридик шахсларининг маънавий мулкани ҳимоя қилиш учун халқаро битимларга қўшилиш. Маҳсулотни стандартлаш ва сертификациялаш халқаро тизимига изчиллик билан ўтишни ташкил қилиш.

Мана шу йўналишларни рўёбга чиқариш Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кенг кўламда уйғунлаштириш учун иқтисодий ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш имконини беради. (58—60)

...Ёппасига пулнинг қадрсизланиши, нарсаларнинг қимматлашуви, бир вақтлар ягона бўлган молия, пул-кредит тизимининг барбод бўлиши, таркиб топган хўжалик алоқаларининг бузилиши Ўзбекистонни оғир аҳволга солиб қўйди. Ўз ички сиёсатимизни жуда ноқулай бошланғич шароитда қуришга тўғри келмоқда. Айни бир вақтда икки мураккаб масалани ҳал этиш — бир томондан, бозор иқтисодиётига ўтишда чуқур ислоҳотлар ўтказиш, иккинчи томондан, иқтисодиётни барқарорлаштириш, халқ фаровонлигининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик керак. (62)

Ички тузилмалар билан боғлиқ сиёсатни мақсадга мувофиқ амалга оширишда давлатнинг роли, айниқса, каттадир. Бу халқ хўжалигининг устувор

соҳаларига инвестицияларни жалб қилиш учун имтиёзли шароит яратишгина эмас, балки марказлашган маблағларни янги истиқболли ишлаб чиқариш қурилишларига йўналтириш ҳамдир. (67)

Бошқа бир нарсани ҳам эътиборга олиш муҳим — ўзгариб турадиган бозор иқтисодиётини яхши биладиган, маркетинг, менежмент, молия ва кредит масалаларини тушунадиган, тайёргарлик кўрган менежер, ишбилармон кадрларга эга бўлмай туриб ўйламай-нетмай корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, малакасиз қўлларга топшириш, уларни барбод бўлиш хавфи остида қолдириш мумкин эмас. Шу боисдан хусусийлаштириш ҳам ёппасига коллективлаштириш сингари кампаниябозлик, бирон-бир ишлаб чиқариш турини ким тезроқ хусусийлаштиради қабилидаги мусобақа йўли билан ўтказилишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни бозор иқтисодиётига ўтиш учун зарур бўлган бошқа шарт-шароитларни вужудга келтириш билан боғлиқ ҳолда изчил ва ҳар томонлама ёндашувни талаб қилади.

Кичик тадбиркорликнинг янги иш жойлари ташкил этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва товарлар билан таъминлаш, бозор конъюнктурасининг ўзгаришига тезда мослаша олиши имкониятини ҳисобга олиб, турлича мулк шаклларидаги унча катта бўлмаган корхоналарни ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилади.

....Иқтисодиёт барқарор мавжуд бўлган шароитдагина бозорга муваффақиятли ўтиш мумкин. Вужудга келган вазият тангликни бартараф этиш

учун шошилишч, баъзан нооммабоп чора-тадбирлар кўришни, ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайиб кетишининг олдини олишни, пулнинг қадрсизланишини тўхтатишни, аҳоли турмуш даражасининг кескин ёмонлашиб кетишига йўл қўймасликни талаб қилади.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш — бу бозорни шакллантириш йўлидаги зарурий ва муқаррар босқичдир. Уни таъминлаш учун қуйидагилар зарурдир:

— Республика бюджети тақчиллигини чеклашга ва уни изчил равишда энг кам даражага келтиришга қаратилган қаттиқ молиявий сиёсат олиб бориш. Бошқарув аппаратини кескин камайтириш, зарар кўриб ишловчи корхоналарга дотациялар беришда давлат маблағлари сарфланишини янади қисқартириш. Бюджет маблағлари кечиктириб бўлмайдиган энг зарур давлат ва ижтимоий эҳтиёжларга берилиши керак. Солиқ сиёсатининг вазифаси — бир томондан, бюджет даромадларининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчи томондан — корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат;

— кредит-банк тизимини, пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш. Банкларнинг кредитлари, халқ истеъмоли моллари, бинокорлик материаллари ва бошқа ҳаётий муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш шарти билан берилади. Шу билан бирга, асоссиз кредит эмиссиясига йўл қўймас-

лик қатъий тутилган йўлдир. Нақд тўлов маблағлари муомаласини тартибга солиш ҳам пул муомаласининг соғломлашишига кўмаклашади. Бир вақтнинг ўзида ўзимизнинг миллий валютаминини жорий этиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилади. Миллий валюта биринчи босқичда товар массаси билан ишончли равишда мустаҳкамланган, дунё валютаси билан боғланган ва кафолат топган ҳолда республикада алмаштириладиган бўлади;

— ишлаб чиқаришнинг ниҳоят даражада пасайиб кетишига, оммавий ишсизликка йўл қўймаслик. Ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантириш учун шароитлар яратиш зарурдир. Республиканинг ишлаб чиқариш, қурилиш ва илмий имкониятларини сақлаб қолиш муҳимдир;

— эркин нархларга ўтилишидан иборат умумий йўлда товарларнинг алоҳида муҳим турлари тор доираси нархлари давлат томонидан назоратга олиниши сақланиб қолади. Энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, болаларга мўлжалланган бир қанча буюмларнинг чегараланган нархлари, норма билан бериш ҳисобига улар билан аҳолини кафолатли таъминлаш ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, товарларни сотиб олишда аҳолига катта имкониятлар бериш манфаатларига хизмат қилади;

— пулнинг қадрсизланишига қарши амалий чора-тадбирлар кўриш, аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини давлат йўли билан ҳимоя қилишнинг ишончли тизимини яратиш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва

санъат ходимларининг моддий аҳволини мустаҳкамлаш. (72—74)

3. ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XI сессиясида
1992 йил 8 ва 10 декабрда сўзланган нутқ*

Бозор тармоқлари мажмуни шакллантириш йўлида дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Банк тизими қайта ташкил этилмоқда. Республиканинг Марказий банки бошқарув органларидан мустақил бўлиб қолди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва тижорат банклари тармоғи вужудга келтирилди. Давлат моддий-техникавий таъминоти ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш тизими тубдан ислоҳ этилди. Универсал ва ихтисослаштирилган товар-хом ашё биржалари, брокерлик идоралари ва савдо уйлари очилди. Дастлабки холдинг ва лизинг компаниялари, суғурта ва аудиторлик хизматлари, юридик ташкилотлар, бозор иқтисодиёти шароитида ишлай оладиган мутахассислар тайёрловчи марказлар пайдо бўлди. (108)

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Хорижий сармоя иштирокидаги қўшма корхоналарни рўйхатга олиш жараёни анча соддалаштирилди. Ҳозирги вақтда республикада жаҳоннинг 45 мамлакатидан ўз сармояси билан иштирок этаётган 460 корхона рўйхатга олинган.

Бозор муносабатлари ишлаб чиқилган қоидаларга мувофиқ қатъий равишда, яъни босқичма-босқич жорий этилмоқда. Бунда «шок терапияси» усуллари мустасно қилиниб, давлат имкониётлари ҳисобидан одамларни, айниқса, аҳолининг ижтимоий ночор табақалари: етим-есирлар, болалар, ўқувчилар, нафақачилар, ногиронларни, ёлғиз оналар ва камбағал оилаларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш бўйича олдиндан чоралар кўриб борилмоқда.

Йил мобайнида нархлар эркин белгиланиши натижасида даромадлари аниқ қилиб қўйилган шахсларнинг иш ҳақини ошириш, меҳнатга тўланадиган ҳақ ва нафақаларнинг энг оз миқдорини кўпайтириш юзасидан бир неча марта қарорлар қабул қилинди. Ҳозирги вақтда иш ҳақи ва нафақанинг солиқ олинмайдиган энг оз миқдори собиқ Иттифоқ республикалари ўртасида энг юқоридир.

Молиявий маблағлар чекланган бўлишига қарамай, бошланғич синфларнинг ўқувчилари учун bepул нонуштани сақлаб қолиш, мактаб ўқувчилари ва талабалар овқатланиши учун харажатларнинг ярмини қоплаш маъқул деб топилди. Аҳолини энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда кескинликни йўқотиш учун энг муҳим молларни белгиланган нархлар бўйича маълум миқдорда бериш, халқ истеъмоли молларини купонлар бўйича сотиш, маҳсулотни республика ташқарисига маълум рухсатнома — лицензияга мувофиқ олиб чиқиб кетиш тартиби жорий этилди.

Валюта тушумининг талайгина қисми чет эллардан озиқ-овқат ва дори-дармон харид қилишга сарфланди. 1992 йилда доннинг ўзидангина 3,2 миллион тонна харид қилинди, 40,5 минг тонна гўшт сотиб олинди. Мана шуларнинг ҳаммаси ички бозорнинг ҳолатига ижобий таъсир ўтказди, аҳоли турмуш тарзининг кескин ёмонлашувига йўл қўймади. (109—110)

Давлат иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш воситалари — нархлар, солиқ ва кредит сиёсатидан янада фаолроқ фойдаланадиган бўлиб қолди. Амалда барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархлари бир неча марта қайтадан кўриб чиқилди. Кейинги йилларда пахта нархининг ўзигина 9 баробар ошди.

Ўзбекистонда қарор топаётган очиқ-ойдинлик ва тенг ҳуқуқли шериклик қоидаларига асосланган ташқи сиёсатни халқаро жамоатчилик ва энг катта молиявий, банк тузилмалари фаол қўллаб-қувватламоқдалар. Йил мобайнида етакчи халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг, йирик хорижий фирмалар ва банкларнинг вакиллари вужудга келган вазиятни ва ҳамкорлик истиқболларини ўрганиш мақсадида бир неча марта республикамизда бўлдилар. Ўзбекистоннинг Халқаро валюта фондига, Жаҳон банкига, Европа тикланиш ва тараққиёт банкига қабул қилинган ана шу ишнинг якуни бўлди. Республика-мизда Жаҳон банкининг доимий ваколатхонаси иш бошлади. Яқин вақт ичида Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг ваколатхонаси ҳам очилади.

Республиканинг Халқаро молия корпорация-сига, Халқаро меҳнат ташкилотига, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига ва бошқа бирлашмаларга аъзо бўлиб кириши тўғрисидаги масалалар ҳал қилинди. Ўзбекистон ёрдам кўрсатиш объекти сифатида Европа тараққиёт ва ҳамкорлик қўмитасининг рўйхатига киритилди. Жаҳондаги 24 тараққий этган мамлакат ана шу қўмитанинг аъзосидир. Зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, доридармон ва технология ускуналарини харид қилиш учун Ўзбекистонга кредит йўлларини очиш тўғрисида ҳукуматлараро қарорлар қабул қилинди. Кўшма корхоналар барпо этиш, чет эл банкларининг бўлимларини очиш тўғрисида кўпгина фирмалар билан шартномалар имзоланди.

Ўзбекистон хорижий сармоядорларни бой имкониятлари билангина эмас, балки:

— авваламбор, республикада ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги;

— иқтисодий тараққиёт истиқболларининг аниқ-равшанлиги;

— республикада ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллиги;

— хорижий сармоялар тўғрисидаги қонунларнинг имтиёзли шартлари билан ҳам ўзига жалб этмоқда.

Аmmo шуни қайта-қайта таъкидлаш керакки, чет эл сармояси Ўзбекистонга келишининг асосий шarti республикамиздаги барқарорликдир.

...Ҳаммамизга яхши аёнки, Ўзбекистонда янгилашиш ва иқтисодий ислоҳотлар жараёни

тоталитар тузум емирилиши, Иттифоқ парчала-ниши, хўжалик алоқаларининг узилиши сабаб-ли вужудга келган ниҳоятда мураккаб шароитда амалга оширилмоқда. Барча собиқ иттифоқдош республикаларда иқтисодий танглик чуқурлаш-ди, ишлаб чиқариш кескин пасайиб, пул тобора қадрсизланмоқда. Бир қанча минтақаларда мил-латлараро муносабатлар кескинлашгач, бегуноҳ одамларнинг қони тўкилмоқда, юз минглаб, эҳтимолки, миллионлаб кишилар бошпанасиз қолмоқдалар. (111—112)

Республика жуда катта миқдорда ва моддий харажатлар қилиб, ер ости бойликларининг ул-кан захираларини сарф этиб қимматбаҳо қиш-лоқ хўжалик маҳсулотини етиштиради-ю, асо-сан улгуржи нархларда фақат хом ашё сотади. Фойда, бюджет тушумлари тарзидаги мўмай да-ромад эса мамлакатимиз ташқарисида қолади.

Бунга анчагина мисоллар келтириш мумкин. Нитрон, капролактам, кимёвий толалар ишлаб чиқаришни, тўқимачилик маҳсулотини ҳамда қора, рангли ва асл металлар ишлаб чиқаришни шулар жумласига киритиш мумкин. Умуман иқти-содиётимиз қанчалик издан чиққанини ва ночор бўлганини кўрсатувчи аниқ далиллар эмасми бу-лар? Собиқ марказ Ўзбекистонни, бутун Ўрта Осиёни хом ашё манбаи сифатида сақлаб қолиш мақсадида ўтказиб келган сиёсатнинг оқибатла-рини бартараф этиш учун ҳали кўп иш қилиш керак бўлади.

Ҳозирча республика беҳисоб хом ашёни тайёр маҳсулотга айлантириш, уни сақлаш, ташиш ва

сотиш учун зарур қувватларга, замонавий технологияга эга эмас. Ҳолбуки, айти ана шу хом ашё — республиканинг, ўзбек халқининг бойлиги ва фаровонлик манбаидир.

Дастлабки ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, агар биз республикада бор хом ашё ва чала маҳсулот ишлаб чиқаришни тугал жараёнга етказиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйсақ, республикамизда ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баробардан зиёд, миллий даромадни эса тахминан уч баробар кўпайтиришимиз мумкин.

...Республика тараққиётда асосан ўзининг кучларига таянишга мажбур эканини назарда тутадиган бўлсак, барча муаммоларимизни ҳал этиш учун яхши негиз, дастлабки сармоя зарур.

Шу муносабат билан бугунги кунда халқ ҳаёти-ни таъминлайдиган энг муҳим тармоқларни ривожлантиришга асосий эътибор беришни турмушнинг ўзи талаб қилмоқда. Чунончи: кончилик — нефть ва газ саноати, энергетика, олтин қазиб олиш ва рангли металлургиянинг бошқа тармоқлари, кимёвий тола, пластмассалар ишлаб чиқаришни ривожлантириш кўламларини кенгайтириш орқали республиканинг мазкур тармоқлари маҳсулотига бўлган эҳтиёжини таъминлаш билан бирга, валюта тушумларини кўпайтириш, хорижий сармояларни жалб этиш мумкин бўлади.

Геологик ва қидирув ишларининг натижалари, гоят мўл минерал бойликларнинг жойлашиш шароитлари кўпгина хорижий компаниялар ва фирмаларни қизиқтирмоқда. Улар бу соҳадаги

ишларни ривожлантириш учун маблағ сарфлашга тайёр эканликларини билдирмоқдалар. Айни шу тармоқлар республиканинг мустақиллигини таъминлайди ва халқ хўжалиги барча тармоқларини келгусида жадал ривожлантириш учун муҳим замин бўлиб хизмат қилади.

Яна бир муҳим йўналиш — Ўзбекистоннинг экспорт имкониятини ошириш масаласи. Бир вақтлар Иттифоқда Ўзбекистон четга маҳсулот чиқариш ҳажми жиҳатидан учинчи ўринни эгаллар эди. Тўғри, бу улушнинг катта қисми пахта экспортига тўғри келарди. Экспортнинг бундай йўналишини сақлаб қолиш биз учун мақбул эмас.

Бир ҳолни чуқур англашимиз керак: четга бу қадар кўп пахта сотиш республикамызда тўқимачилик ва енгил саноат ривожини кўзланган даражага етгунча давом этиши мумкин. Биз барча тараққий топган ва маърифатли мамлакатлар каби пахта билан эмас, аввало, тайёр маҳсулот билан савдо қилишимиз зарур.

Табиий савол туғилиши мумкин: бизда экспортни кескин ошириш имконияти борми? Ҳа, бор. Бунинг учун биз, даставвал, қимматли хом ашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган кўшма корхоналарни ривожлантиришимиз, чет эллик шерикларимиз билан замонавий ихчам корхоналар ташкил этиб, уларни биринчи навбатда меҳнат ресурслари ва хом ашё манбаларига — авваламбор қишлоқ жойларига яқинроқ жойлаштиришимиз керак. Бу корхоналарнинг барчаси одатдагидек илғор технология билан жиҳозланиши, рақобатга бардош-

ли маҳсулот ишлаб чиқариши даркор. Республиканинг ўзидагина эмас, жаҳон бозори талабларига дош берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш асосий вазифамиз бўлиши зарур. Бу масаланинг аҳамиятини ҳисобга олиб, маҳсулотни экспорт қилишга асосланган иқтисодиётни шакллантиришга доир маҳсул дастурни ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз лозим, деб ўйлайман.

Биз бу ишда иккита принципга қатъий амал қиламиз.

Биринчиси: бирорта корхона, бирорта идора чет элда сотиладиган ва қатъий валюта тарзида даромад келтирадиган маҳсулот ишлаб чиқармаса, хорижий сармоя олмаслиги керак.

Иккинчи принцип: илғор хорижий фирмалар билан алоқа боғламаган ва битимлар тузмаган бирорта ҳам корхона бўлмаслиги даркор. Бу гап маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва хизмат кўрсатадиган барча корхоналарга тааллуқлидир.

Шундагина биз жаҳон бозори ва ривожланган мамлакатлар билан боғлиқ бўлган очиқ иқтисодиётни барпо эта оламиз. Республиканинг имкониятларига ва куч-қудратига қизиқиш жуда катта. Шу боисдан, агар биз ана шу имкониятдан тўғри фойдалана олмасак, ғирт аҳмоқона иш бўлади. Ўзбекистоннинг келажаги — экспорт имкониятини ривожлантиришдан иборат, деган шиор республика барча ватанпарварлари учун мақбулдир.

...Бозор иқтисодиётига асосланган жамият қурмоқчи эканмиз, бозор хизмат тармоқларини шакллантириш ва изчил ривожлантириш стратегик жиҳатдан устун йўналишдир. Ривожланган бозор

иқтисодиётига хизмат қиладиган тармоқлар — тижорат банклари тармоғини, замонавий молия ва солиқ тизими, аудит, суғурта воситаси ва биржа фаолиятини ривожлантирмай туриб, маърифатли бозор сари аниқ қадам ташлаш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Афсуски, бугун биз сиёсатимизнинг мана шу йўналиши энг заиф бўгин эканини эътироф этишга мажбурмиз.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: молия ва кредит бозори, солиқлар тартиби ҳали тўла кучга киргани йўқ. Корхона ва ташкилотлар ҳамон давлатдан маблағ олишга кўз тикмоқдалар. Тижорат банклари асосан Марказий банкдан олинаётган кредитлар билан иш кўрмоқда. Уларнинг ўз кредит маблағи жуда кам. Бу, энг аввало, Ўзбекистон саноат-қурилиш банкига, Ўзбекистон деҳқон-саноат банкига ва ўзларини тижорат банклари деб ҳисоблаётган бошқа банкларга тааллуқлидир.

Давлатнинг ва корхонанинг маблағлари алоҳида-алоҳида бўлиши керак. Корхоналар ўз маблағига ёки тижорат банклари берадиган қарзга умид боғлашлари лозим. Бюджет маблағларидан фақат энг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларни, аввало, ижтимоий соҳа, янги таркибий йўналишлар эҳтиёжларини таъминлаш учун фойдаланиш қоида тусига кириши керак. Ҳозир банклар сармоя сарфлаш дастурларининг ташкилотчиларидан бири, ҳар бир тармоққа бевосита сарфланадиган маблағларнинг кафили бўлиши зарур. Давлат энг зарур ҳоллардагина корхона-

ларнинг, ташкилотлар, тижорат банкларининг фаолиятига қисман аралашиши мумкин.

Республикада эндигина шаклланаётган солиқ тизимига ғоят қаттиқ эътибор бериб, уни такомиллаштириш лозим. Биламизки, солиқлар давлат бюджети билан маҳаллий бюджетларни тўлдирининг асосий манбаидир. Солиқлар кенг қамровли, айти пайтда ҳар бир соҳа, тармоқ ва корхонага алоҳида қайишқоқ ва шароитга мослашувчан бўлиши зарур.

Солиқларнинг миқдорларини турли йўллар билан ошира бориш давлатга ва жамиятга наф келтирмаслигини ҳам англаб олишимиз керак, деб ўйлайман. Солиқлар даромадларнинг бир қисмигагина солиниши айти вақтда халқ хўжалиги ва аҳолига керакли маҳсулот ҳамда молларни кўпроқ ва яхшироқ ишлаб чиқаришга интилаётган ташкилотларни ва кишиларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириши ҳам лозим.

Юртимизнинг истиқболи — бозор хизмат тармоқларини шакллантириш билан, келгусида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, яккаҳокимликка қарши тадбирларни амалга ошириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш билан узвий боғлиқдир. Ишлаб чиқаришни, яъни кўпчилик саноат корхоналарини акционерларга бериш лозим. Шу билан бирга, маиший хизмат, маҳаллий саноат, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини хусусийлаштиришни жуда тезлаштириш керак. Давлат хусусий мулкни барча қонунлар ва ўз нуфузи кучи билан ҳимоя

қилади, бу эса янги Конституция лойиҳасида ёзиб кўйилган.

Кадрли дўстлар!

Ҳаммамизга маълум, рублнинг қадри пасайиб кетаётгани сабабли турмушимизда кўпгина муаммолар пайдо бўлмоқда. Мутахассислар Россияда ишлаб чиқариш ёппасига сусайиб, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш камайиб, товар ресурслари қисқариб бориши натижасида пул янада қадрсизланади, деб тахмин қилмоқдалар. Россиянинг экспорт имкониятлари жуда қисқариши ва валюта тушумлари камайиши бунга асоратли таъсир қилиши мумкин.

Биз Россия ва собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари билан иқтисодий жиҳатдан узвий боғланганмиз. Табиийки, рублнинг қадрсизланиши, унинг харид қобилияти пасайиши Ўзбекистондаги аҳволга ҳам салбий таъсир қиляпти, албатта.

Бир қарашда, бундай вазиятдан қутулишнинг энг оддий йўли ўз пулимизни чиқариш, рубль зонасини тарк этишдир. Бироқ бу муҳим ишда «етти ўлчаб, бир кес» деган халқ мақолига амал қилишимиз лозим, деб ўйлайман. Ҳар қандай пухта ўйланмаган қадам илгари қилинган барча ишларни чиппакка чиқариши, бизни беҳосдан ҳалокат ёқасига олиб бориб кўйиши мумкин. Буни ҳеч ким унутмаслиги зарур.

Шуни айтиш лозимки, биз ўз пулимизни чиқаришга техникавий жиҳатдан тайёрмиз. Бу болада ҳеч қандай сир йўқ. Ҳозирдаёқ биз ўз пулимизга эгамиз. Бироқ бу ишни амалга оширган

Украина, Болтиқбўйи давлатларининг тажрибаси муаммога вазмин ёндашув ва узоқни ўйлаб иш кўриш зарурлигига бизда яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

Хўш, ўз миллий пулимизни жорий этишимизга нима тўсқинлик қилмоқда? Рубль зонасида қолишимизга нима мажбур этмоқда? Бунинг кўпгина сабаблари бор.

Авваламбор, республика, маълум сабабларга кўра, аҳолига зарур молларнинг деярли 60 фоизини ҳозирча ташқаридан келтираётганлиги бунинг энг асосий сабабидир. Мен бунда керакли озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари билан бирга ёқилги, техника, асбоб-ускуналар ва ёғоч-тахта тўғрисида гапирмаяпман. Буларнинг ҳаммаси четдан келтирилади. Биз барча собиқ иттифоқдош республикалар билан савдо-сотикда салбий балансга эгамиз. Яъни четга сотадиган маҳсулотимиз республикага олиб келинаётган моллардан анча кам.

Табиий савол туғилади: рублдан бугун воз кечсак, эртага олиб келинаётган молларнинг ҳисоб-китоби қандай бўлади? Ўзимизнинг миллий пулимиз — сўмимизнинг харид кучи етмаса, қайси ҳисобдан керакли маҳсулотларни четдан сотиб оламиз? Ҳозирча бу табиий саволларга жавоб топиш осон иш эмас.

Маълумки, ўз миллий пулимиз республика маҳсулот билан таъминлангандагина ўзининг муайян кучига ва нуфузига эга бўлади. Бу пулга нимадир харид қилиш мумкин бўлсагина у ўз қиймати ва харид қобилиятига эга бўлади. Акс ҳолда, у шунчаки қоғозга айланиб қолаверади. Республика-

миз ҳозирча ўзини зарур маҳсулотлар билан таъминлай олмайди ва шу боисдан ҳам биз ҳали кўп иш қилишимиз керак бўлади.

Бошқа муаммо ҳам бор. Миллий пул олтин захираси билангина эмас, айти пайтда эркин савдо муносабатида қатъий валюта билан етарли даражада мустаҳкамланиши ҳам зарур. Бундай валюта ўз маҳсулотимизни четга сотишимиз натижасидагина келиши мумкин. Бунинг учун биринчи галда маҳсулотимиз рақобатга бардошли бўлиши керак. Бизда бундай имконият борми? Афсуски, ҳозирча йўқ. Биз корхоналарнинг техникавий даражасини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ошириш соҳасида ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Ўзбекистоннинг ўз пулини жорий этишга тўсқинлик қилаётган бошқа кўпгина сабаблар тўғрисида ҳам гапириш мумкин. Бироқ мен қуйидагиларни айтиш билан чекланаман: бизнинг жуғрофий мажбуриятимизни, ишлаб чиқаришимиз таркиби, унинг техника билан жиҳозланиши даражаси, четга мол чиқариш ва четдан мол келтиришнинг таркиб топган нисбати, ишлаб чиқарилаётган молларнинг турлари ва сифатини назарда тутганда, ўз пулимизнинг барқарор бўлиши ҳақида гапириш ҳозирча эртароқ. Вақти келиб биз ўз миллий пулимизни жорий этамиз. Бироқ бу пул ўзининг салмоғига эга бўлади, мустаҳкам тўлов воситаси бўлиб хизмат қилади ҳамда аҳоли ва шерикларимизнинг ишончини қозонади.

Айти пайтда шуни ҳам айтиш лозим: агар бу жараёни жадаллаштиришга бизни четдан маж-

бур этсалар, вазият ўзгариб кетиши мумкин. У пайтда бу масала кун тартибига қўйилади ва уни ҳал этиш, ҳал этганда ҳам ҳеч кечиктирмай ҳал этиш зарур бўлади. (116—123)

...Ҳар қайси хўжалик, қишлоқ хўжалигида ҳам, саноат, бошқа тармоқларда ҳам, ўз бурчини ўзининг имкониятига қараб, ўзининг ишлаб чиқаришию хўжалигидаги ҳисоб-китобига қараб, иқтисодчиларнинг тили билан айтганда, ҳозир замонавий менежер, маркетинг деган ҳар хил иборалар бор, уларни ишга солиш керак, қишлоқ хўжалигини, умуман хўжалик юритишнинг усулларини ўзлаштиришимиз зарур. Бошқалардан ҳеч ҳам кам жойимиз бўлмаслиги керак. Шу масала бўйича биз анча гаплашиб, фикрлашиб олдик.

...Ўзингизга маълум, ҳар қайси жамоа хўжалиги раиси, ҳар қайси хўжалик раҳбари ҳозир 15 фоиз, эртага керак бўлса 25 фоиз маҳсулотини ўзига қолдирадиган бўлса-да, бу маҳсулотни уддалаб сотса, минг, миллионлаб пулга эга бўлади. Мана шу миллионларни ким, қандай ўзлаштиради? Бу тўғрида, аввало, жамоа аъзолари, шу хўжалик раҳбарлари тўла ҳуқуқ олишган. Шу ҳуқуқлардан тўғри фойдалана олиш учун одамлар хўжалик раҳбарига ишониб сайлаб олганлар, раҳбар эса бунга бел боғлаган. Шу нуқтаи назардан кўриниб турибдики, маблағни хўжаликнинг ўзи ўзлаштириши керак. Бу ишга туман, вилоят раҳбарлиги, республика раҳбарлари, давлат аралашгудек бўлса, мен хафа бўлар эдим. Бу пул бизники, бу даромад бизники, пешона терини тўкиб топдик. Ўзимиз эгалик қилишимиз

керак-да. Шундай экан, иккинчи саволни кўтарганимдан мақсад шуки, бизлар хўжаликларга эркинлик берамиз, деганда аввал хўжалик юриштида эркинлик беришни, иккинчидан, топган пулини, даромадини ўзи ўзининг манфаатини кўзлаб, хўжалик манфаатини кўзлаб, эртани, келажакни кўзлаб ишлатиши кераклигини назарда тутяпмиз. Мактаб қурадими, болалар боғчасини қурадими ё бошқа мақсадни кўзлайдимми, уларнинг иши.

...Мен сизларнинг эътиборингизни бошқа бир саволга қаратмоқчи эдим. Давлат нима учун керак? Мана шу бозор иқтисодиётига ўтаётган пайтда давлат оладиган солиқлар ҳисобидан ташкил топган бюджет нима учун керак? Аввало, уни қайси йўналишларга, қайси тармоқларга ишла-тиш керак?..

Бюджет дегани, бу давлатнинг ҳамёни, чўнтаги. Мана шу давлат бюджети нимага сарф қилин-япти. Биринчи навбатда керакли тармоқларга юбориляптими ёки қандайдир майда, эртага бизларга керак бўлмайдиган ишларни ҳал қилиш учун сарфланмаяптими. Ана шу катта масалалар устида биз баҳслашиб, фикр талашиб ўтирганимизда депутатларнинг конституцион ҳуқуқидан фойдаланган бўлардик. Бу масалалар юзасидан бизлар келишиб олдик.

...Мана, айтайлик, биринчи навбатдаги масала — ногирон, муҳтож бўлган, кўп болали оилаларнинг ҳаммасини давлат ўз ҳимоясига олиши керак. Шу сиёсатда нима камчилик бор? Ажратилган пуллар етдими-йўқми? Иккинчидан, биз-

ларнинг эртага ривожланишимизга ёки тараққиёт йўлида замин тайёрлаш учун бизларга аввало қайси тармоқлар мадад бериши керак. Шу тўғрисида ҳам гаплашиб олдик. Яна бир масала — қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантириш ва унга кўпроқ ёрдам бериш, ерни ўзлаштириш масаласидир. Бир депутатимиз: «Ернинг унумдорлигини ошириш зарур бўлиб турганда янги ерларни ўзлаштириш керакми-йўқми?» — деган савол берди. Мен ёзиб олдим. Бу муаммо, албатта, ва унга икки хил қараш мумкин. Менинг шахсий фикримча, ернинг унумдорлигини ошириш зарур. Бу қуруқ гап бўлиб қолмаслиги керак. Амалда ернинг унумдорлигини оширадиган деҳқон бўлиши керак. Шаҳарда ўтириб унинг унумдорлигини ошириб бўлмайди. Қанчадан-қанча миллионлаб, миллиардлаб пуллар керак бунинг учун. Шу нуқтаи назардан қараганда қанақадир тўсиқлар борки, бизлар шуни ҳисобга олиб, ҳисобкитобини қилиб айтаялмизки, Ўзбекистоннинг халқини боқиш учун барибир янги ерларни ҳам ўзлаштиришимиз керак. Аввало, ернинг унумдорлигини реконструкция қилиб, мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўли билан ошириш, шу билан бирга, янги ерларни ўзлаштириш керак. Мана, Қашқадарёни олсангиз агар, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ зонасида жуда зўр ерлар бор. Дренаж ўтказиш ҳам керак эмас, ҳеч нарса қилиш керак эмас. Фақат ерни ўзлаштириш керак. Ёнида ўзлаштирадиган ерлари бўла туриб бизлар нима қилялмиз, денг? Бизлар Яккабоғдаги ишсиз юрган одамларни Туркманистон чегарасидаги ерларга

кўчириб юрибмиз. Битта вилоятнинг ичида. Бу аҳмоқона иш эмасми? Биз бу зонадаги ерларни албатта ўзлаштиришимиз керак. Мана, Жиззах... Ёки Сурхондарё, Тошкент вилоятларини олайлик. Бу ерларда ҳамма имкониятлардан фойдаланиб, ерни ўзлаштиришимиз керак. Ер Тошкент вилоятида олтин билан баробар. Ундан ҳам қimmat ҳозир. Ер ўзлаштириш, олтинга баробар ерларни ўзимизнинг хўжалигимизга қўшиш деган гап. Шу нуқтаи назардан ҳали кўрамиз, имкониятимизни чамалаб, қанча бўлса шунча ҳаракат қиламиз. Бу муаммо билан боғлиқ яна битта сиёсий масала бор. Ўзбекистон Ўрта Осиё минтақасида жойлашган. Ўрта Осиёда эса иккита дарё бор. Амударё ва Сирдарё, уларнинг сувлари ўзлаштириб бўлинган. Эртага бизларнинг қўшниларимиз қандай йўл тутишларини билмадим-у, лекин бизлар ҳаммамиз дўст халқлармиз. Ўрта Осиё минтақасида яшаймиз. Бир томондан Тожикистон, иккинчи томондан Қирғизистон сувнинг бошида турибди. Бу муаммолар тўғрисида бизлар келишиб олишимиз керак, албатта. Ҳозир Ўзбекистонда ўн ярим миллион гектар ўзлаштирилган ер бор. Шу жумладан 4,5 миллион гектар — бу суғориладиган ерлар. Агар сув етарли бўлганда мен бугуннинг ўзида, шундай катта ҳаракатни бошлаб юборардим-ки! Ўзбекистонда яна ўн миллион гектар ерни бемалол ўзлаштиришга имконият бор. Шу нуқтаи назардан қараганда, бизлар ўз юртимизда сувдан оқилона фойдаланишимиз керак. Ўзбекистоннинг халқи тез ўсяпти. Келажакни ўйлаш керак, бир йил олдинни

эмас, 10—20 йил олдинни ўйлашимиз керак. Мавжуд ерлар унумдорлигини ошириш, янги ерлар очиш устида ўйлашимиз керак.

Яна битта йирик масала — кредит, қарз масаласи. Бу тўғрида ҳам кўп гап бўляпти. Мен маърузамда битта масалани алоҳида гапириб ўтдим. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтаётган бир пайтда, бизларнинг инфраструктурамизни мазаси йўқ. Бошқача қилиб айтганда, банкларимиз ёмон ишлаяпти. Хўжаликлар банклардан оладиган қарзларининг фарқини билмайдилар. Кеча қандай шарт билан қарз олувди-ю, бугун қандай шарт билан олади. Ҳеч фарқи йўқ. Шу муносабат билан маърузанинг бир жойида катта ҳарф билан ёзиб қўйилган ўрни бор. Давлатнинг ҳамёнини хўжалик ҳамёнидан ажрата билиш керак. Ҳар қайси хўжалик ўзининг молиявий шароитига, ўзининг имкониятига қараб улушини ажратиб олсин. Давлатнинг ҳамёни алоҳида, хўжаликники алоҳида бўлиши керак. Мана мен хўжалик раҳбариман, дейлик. Бир режамни амалга ошириш учун банкка бордим, давлатдан берухсат, ҳукумат раҳбаридан, Президентдан сўрамасдан банкка бордим. Банкдагиларга, мени шундай режаларим бор, агар уни уддалаб, мен шу ишларни қилсам, шунча фойда оламан. Оғайни, бунинг учун менга қарз керак, дейман. У айтадики, мана мунча фоиз фойда тўлаш шарт билан бераман. Мен — йўқ, арзонроқ беринг, 20 фоиз эмас, менга 5 фоизлик қилиб беринг, дейман ва ҳоказо. Мана бу ерда ҳақиқий савдо бўлади. Давлат аралашиши керакми бу ишга ё йўқми...

Ғарбий давлатларда ишлаётган бирорта ишбилармоннинг чўнтагида пул йўқ. Давлат пулига ҳам суянмайди улар. Аввало, режасининг ҳисобкитобини қилиб, бундан қандай фойда олишини, хусусий фойда олишини чамалайди. Келажagini ўйлайди. Шундан кейингина бориб, қарз олади. Арзонроқ қарз олиш учун роса баҳслашади. Бизлар бўлсак, нима қиламиз, кредит керак, деб ҳукуматга ёзамиз. Йўқ, дўстларим, биродарларим, билиб қўйинглар, энди янги усулга ўтишимиз керак. Кимга кредит керак бўлса, аграр банк бор, тижорат банклари бор. Ҳеч кимга ҳеч қанақа тўсиқ йўқ. Мана мен шу ердан туриб сизларга ҳеч қанақа тўсиқ йўқ, деб аниқ айтмоқдаман. Ўзингиз истаган банкларга боринглар, шартини келишиб қарз олинглар-да, иш бошлайверинглар. Бугунги берилган саволларга эътибор қилсанглар агар, шунча қарз керак дейишдан нарига ўтмаяптилар. Айтинглари-чи, бу йўл билан эртага қаёққа борамиз? Яна бир марта айтаман, давлатдан қарз олинг, агар берса, ўзингизга маълум, давлат қарзи аввал давлат сиёсатини амалга ошириш учун берилади. Яна имтиёзли қарз ҳам бор, албатта. Агар имтиёзли қарз керак бўлса, уни алоҳида ёзинглар, нима учун кераклигини кўрсатинглар.

Яна битта муҳим масала бор — у ҳам бўлса нархнаво тўғрисида. Баъзи депутатларимиз енгил саноат маҳсулотларини арзонроқ сотиш каби таклифлар киритишяпти. Бу масала бўйича бир нарсани яхшилаб тушуниб олишимиз керак — Ўзбекистоннинг темир чегаралари йўқ. Сиёсати

битта, бизлар очик жамият қуряпмиз. Бизлар дунё доирасига чиқяпмиз, дунё иқтисодиётига кириб боряпмиз. Шу муносабат билан мен сизларга яна бир бор такрорламоқчиман. Кўп ҳаракат қилиб, мана ноннинг нархини, шакарнинг нархини ушлаб турибмиз. Бизда бир кило шакарнинг нархи 45 сўм бўлса, Қирғизистонда 120 сўм. Бир кило шакарни Тошкентдан ёки Фарғонадан четга олиб чиқилса, шунинг ўзидан 65 сўмни чўнтакка уриш мумкин. Бизда нафси ўч одамлар йўқми? Бор. Тепасида минг марта назоратчини ёки прокурорни қўйсанг ҳам, барибир ишини тўғрилаб кетади. Уларни бизлар ушляпмиз, қамаяпмиз, албатта, давлат шунинг учун керак, назоратчилар шунинг учун керак. Лекин сиёсат бошқача бўлиши лозим. Бизларнинг биринчи навбатдаги сиёсатимиз Ўзбекистон халқининг бошқаларга нисбатан харид имкониятини ошириш, даромадини кўпайтиришдан иборат бўлиши керак. Агар бизларнинг маошимиз, умуман, даромадимиз қанча кўп бўлса, харид имкониятимиз шунча юқори бўлади, қандай бўлмасин нархлардан қўрқмайдиган бўламиз. Бизлар ҳозир қимматчилик тўғрисида кўп гапиряпмиз. Агар ўртача ҳисобкитоб қилиб кўрсак, нарх-наво Ўзбекистонда ўн ярим марта кўпайди. Ойликнинг баъзи бир тоифаларини қарасангиз тахминан ўн беш, йигирма марта кўпайгани ҳам бор. Шунинг учун нархлар устида гап кетганда, аввало, ойлик тўғрисида гапириш керак. Буни яхшилаб тарози палласига қўйиб ўлчаш зарур. Шу муносабат билан, бизнинг фикримизча, нарх-навони ушлаб туришга

ҳаракат қилишимиз керак. Ўзимизда ишлаб чиқаришни ривожлантиришимиз керак, албатта. Лекин, биринчи навбатда, бизлар халқимизнинг даромадини кўпайтиришимиз керак. Одамлар кўпроқ ишлаб, даромад қилсинлар. Бизда оилада бир одам ишласа, еттitasi қараб туради. Бизларнинг энг заиф жойимиз ҳам шунда. Москвада, Украинада оилада битта одам ишласа, битта одамни боқади. Баъзи ҳолларда иккита одам ишлаб, унинг боқадиган одами ҳам бўлмайди. Агар уйда, кечирасиз, кўпол бўлса ҳам айтаман, кучуги бўлса, фақат шуни боқади. Бизларда, аксарият, битта одам ишласа, олтита-еттита одам қараб туради. Шу одамларни боқишга мажбур. Шунга кўра бизларда маош, ойлик бошқаларга нисбатан кўп бўлиши керак. Мана бизлар ҳозир Россия билан тенглашдик. Лекин бу масалада бизлар ҳали ўсишимиз керак. Баъзи ҳолларда гап бўляптики, Россияда, қаранг, 30 минг, 60 минг ойлик оладиганлар бор экан.. Ҳа, 30 минглаб оладиган диспетчерлар, шахтёрлар бор. Лекин 900 сўм оладиганлари ҳам бор. Ўртача ойликни ҳисоблаганда, ўн фоизни ташкил қилувчи бир тоифа одамлар 30 мингдан олса, бошқалар атиги 900 сўмдан оляпти. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ўртача ойлик ҳажмининг бошқаларникидан кўпроқ бўлиши чорасини кўришимиз керак. Биринчи навбатда, энг юқори ойлик билан энг паст ойликнинг фарқи катта бўлмаслигига эришимиз лозим. Бу хусусда бизлар келишиб олганмиз ва ҳеч қанақа иккиланиш бўлмайди. Шу билан бирга, бизда, бир томондан, айтайлик,

жуда бой бўлиб кетган одамлар ҳам бўлмасин, иккинчидан, Ўзбекистон заминида ҳеч қачон га-риблар, гадойлар бўлмасин. Бизларнинг тутган сиёсатимиз мана шулардан иборат. Шунинг учун нарх-наво тўғрисида гапирганда уни ушлаб ту-риш учун албатта биргалашиб ишлашимизга тўғри келади. Бизларда яна бир сиёсат бор. Четдан ол-тинга, валютага сотиб олинадиган маҳсулотлар-ни, албатта, давлат савдо муассасалари орқали халққа сотамиз. Бу маҳсулотларнинг тижорат кор-хоналарига берилишига йўл қўймаслик керак. Акс ҳолда бизлар валюта сарф қилиб олиб келган маҳсулот ўзимиздаги савдогарларнинг қўлига ту-шиб, улар шунинг ҳисобига давлат орттирадиган бўлиб қоладилар. Бу мутлақо нотўғри иш. Четдан олиб келинадиган озуқа, истеъмол моллари, дори-дармонлар ҳеч қачон тижорат ёки коопера-тив қўлида бўлмаслиги керак. Бунинг ҳаммаси давлат муассасалари орқали сотилиши шарт. Бу масалада, менимча, ҳеч қанақа қийинчилик бўлмаса керак. Фақат тартиб-интизом жой-жойида бўлса бас.

Қишлоқ жойларда ишсиз қоладиган одамлар-ни нима қилайлик, деган савол бериляпти. Бу жуда ўринли ва тўғри савол. Лекин қарс икки қўлдан чиқади, деган мақолни яна бир марта эслашимизга тўғри келади. Шундай одамлар бор-ки, мана шу залда ўтирганлар ҳам билишади, халқ билан яшайди, халқ гамини фақат минбар-га чиқиб айтибгина қолмай, балки бунинг учун ўз ташаббуси билан ишлайди. Бундай кишилар

залда ўтирганлар орасида ҳам бор, халқимиз ичида бўлса жуда кўп. Умуман олганда, масала қўйиш осон. Лекин уни ҳал қилиш учун бир ҳаётий таклиф кўтариб, бу ёққа келиб, менга ёрдам беринг, мана бундай таклифим бор эди, десангиз бошқа гап. Менга шунча қарз керак, менга шунча пул керак, мана шу фабрикани ёки мана шу цехни қуриб олишимиз керак, деган фикр билан келсангиз, бу амалий иш бўлади. Шунинг учун айтган фикрларингиз қуруқ бўлмасин, демоқчиман. Кимки агар қишлоқда яшаётган одамларга ёрдам бермоқчи бўлса, аввало аниқ бир режа тузиб, ундан кейин келиб, бизлар билан гаплашиши мумкин. Бу давлат сиёсати, албатта. Мен буни шахсан ўз зиммамга оламан. Чунки одамларни иш билан банд қилиш — бу давлатнинг Конституция бўйича ўз зиммасига оладиган мажбурияти. Шу нуқтаи назардан бизлар таклифларни кўриб чиқишимиз мумкин. Лекин битта илтимос бор, жойларда давлат қачон корхона қуриб бераркан, деб кутиб ўтирмаслик керак. Агар жойларда битта-иккита чаққон ишбилармон пайдо бўлса, шуларга эркинлик бериш керак, шуларга имконият яратиб бериш керак. Умуман бизлар янги ҳаёт қураётган эканмиз, дунёқарашимизни ўзгартиришимиз зарур ва у 1993 йил режаларини кўраётганда амалда кўриниши керак, деган фикрни билдирмоқчиман. Кўпроқ ишбилармонларга, кўпроқ бозор иқтисоди қоидаларига эътибор беришимиз керак. Эскича ёндашиш, эскича фикр юритиш замонини бизлар

унутишимиз лозим. Эркинлик деган гап — бу жуда катта маъноли гап. Бизлар бозор иқтисодига ўтмоқчи бўлсак, аввало, ўз мафкурамизни ўзгартиришимиз керак. Агар фақат беринг-беринг, деб ўтираверсак, бизлар ҳеч нарсага эриша олмаймиз. (131—139)

4. ЯНГИ УЙ ҚУРМАЙ ТУРИБ, ЭСКИСИНИ БУЗМАНГ

*“Комсомольская правда” саволларига жавоблар,
1993 йил 12 февраль*

Бозорга босқичма-босқич ўтиш лозимлигига ишончим комил. Сохта, инқилобий сакрашларсиз, мақсад сари қадам-бақадам ҳаракат қилиш керак. Мен тараққиётнинг эволюцион йўли тарафдориман.

Мисол учун нарх-навонинг оширилишини баъзи мутахассислар нархга эрк бериш дейишади. Монополия шароитида нархга эрк бериш шунга олиб келдики, ҳаётнинг ўзи тўхтаб қолаёзди. Истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, соғлом рақобат учун шарт-шароит яратмаслик нарх-навони давлат томонидан шунчаки оширишга айланди. Ишлаб чиқариш таназзули давом этмоқда. Менимча, Аркадий Вольский бунаниқ қилиб «домино эффекти» деб атади. Нарх-навонинг ортиши, аввало, агар у ҳеч нарса билан чекланмаса ва рақобат бўлмаса, ишлаб чиқаришнинг таназзулига олиб боради. Аҳоли даромадлари даражаси камайиб кетади, одамлар ҳеч нарса сотиб ололмайдиган бўлиб қолади ва таажжубки, ишлаб чиқариш камайган тақдирда

ҳам моллар ўтмай қолади. Ана шуни «домино эффекти» дейишади.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига бошқа давлатлардан яққаланган ҳолда ўта олмайди, албатта. Ўзбекистон илгари халқ хўжалиги деб аталган кўзга кўринмайдиган мажмуанинг бир қисмидир. Биз хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, барча собиқ СССР республикалари — ҳозирги мустақил давлатлар бир-бирига қарамдир. Агар биз ҳар бир давлатнинг ўз мустақил сиёсатига ҳеч қандай тазйиқ ўтказмай, тўғри тушуниб, ҳурмат билан қарайдиган бўлсак, ана шу қарамликни неъматга айлантириш мумкин.

— Яқинда сиз банклар пойтахти — Швейцарияга бориб келдингиз. Ўзбекистон ўз пулини жорий этмоқчи эмасми?

— Пул босиб чиқарадиган станок Россиянинг қўлида, у ерда пулнинг қадрсизланиши қанчалик авж олгани сизга маълум. Шу сабабли ўрта-мизда муайян зиддият вужудга келмоқда. Агар биз битта рубль зонасида турган эканмиз, пул босиб чиқарадиган станок ҳам давлатлардан юқори туриши керак. Рубль ҳамма учун ва ҳамманинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда босилиши лозим. Очигини айтаман, эртага Россия рублни алмаштиришни хоҳлаб қолса-чи, деб хавф-сираяпман. Унда биз қандай аҳволга тушиб қоламиз?

Россия ўз миллий пулини жорий этмас экан, Ўзбекистон ҳам бундай қилмайди. Биз битта рубль зонасида эканмиз, ўз валютамизни жорий этмай-миз... (142—143)

5. «ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКЛИГИГА ИШОНЧИМ КОМИЛИ»

*Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги хорижий
мухбирлар халқаро уюшмаси аъзолари билан
Тошкентда бўлиб ўтган суҳбат. 1993 йил 4 март*

ЛЕЙЛА БОУЛТОН, «Файненшл Таймс»,
Буюк Британия: Президент жаноблари, сиз мо-
лиявий сиёсатингизни Россиянинг Марказий
банки билан келишиб юритмоқчисиз? Аввалги-
дек рублдан миллий валюта сифатида фойдала-
наверасизми?

ПРЕЗИДЕНТ: Бу гап жуда муҳим. Таъбир жоиз
бўлса, нозик масалалардан бири. Бу масала Ҳам-
дўстлик давлатлари бошлиқларининг ҳамма уч-
рашувларида муҳокама қилинди. Тегишли хуж-
жатлар ҳам имзоланди. Бироқ, афсуски, бу
хужжатларга шу пайтгача ҳам риоя қилинмаяпти.
Россия ўтказаетган сиёсат бу йўлдаги асосий тў-
сиқдир. Минск шаҳридаги сўнгги учрашувда Рос-
сия раҳбарлари МДҲ мамлакатлари ўртасидаги
ҳисоб-китоблар учун давлатлараро банк тузишга
рози бўлган эдилар. Назаримда, бу Россия сиё-
сатидаги ижобий жиҳатдир.

Бироқ муайян доиралар рубль зонасидаги мам-
лакатларга нисбатан қаттиққўл молиявий сиёсат
ўтказиш тамойилини бошлаганликлари сизларга
сир эмас. У ердагилар «рубль доираси»ни торайти-
ришмоқчи деса ҳам бўлади. Бу масалада Қозоғис-
тон Президенти Нурсултон Назарбоев каби ме-
нинг ҳам фикрим равшан: рубль зонасидан чи-
қиш — шунчаки бир мақсад эмас. Ўз қадрини

билувчи ҳар бир мутахассис пул муносабатлари нималигини, миллий валютани жорий қилиш учун қандай шарт-шароитлар талаб этилишини, бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини билади. Биз ўз пулини жорий этишга қарор қилган мамлакатларнинг, аввало, Болтиқбўйи мамлакатлари, Украинанинг тажрибасини жуда синчиклаб ўрганиямиз. Маълумки, украин карбованеци «ғарқ» бўла бошлади ва зўр-базўр муомалада турибди. Шу сабабли Россия ўз валютасига ўтмагунча Ўзбекистон рубль зонасида қолади. Бу нарса бизга қанчалик оғир таъсир ўтказишини жуда яхши англаб турибман. Бироқ Россия раҳбариятининг ақл-заковати эҳтирослардан устун бўлиб чиқишига аминман. Башарти бундай бўлмаса, Ўзбекистон ҳам, Қозоғистон ҳам, рубль зонасидаги бошқа республикалар ҳам маълум тазйиққа тоқат қила олмайди. Охир-оқибатда Россиянинг ўзи ҳам жуда кўп қийинчиликларга дуч келади...

Хуллас, биз сиёсий мулоқотимизга салбий таъсир қиладиган ўринсиз шахсиятпарастликни тарозининг бир палласига ва ўзаро муроСага келиш йўлини иккинчи палласига қўйганимизни равшан англаб олмоқ керак. Сиёсий мулоқот, Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг фикрига ўзаро ҳурмат билан қараш ана шу чигал масалани ҳал қилиб беради, деб ҳисоблайман. (149—150)

ИКЕДА МОТОХИРА, «Нихон Кейзай», Япония: Ҳисоб-китоб маълумотлари тўғрисида бир неча савол. Айтинг-чи, 1992 йилда саноат ишлаб чиқариши 1991 йилга нисбатан камайдими? Агар камайган бўлса, қанча камайди? Пулнинг кадр-

сизланиш даражаси ва фаразларга кўра унинг кутилаётган суръатлари, ялпи миллий маҳсулотга нисбатан бюджет камомоди қандай? Сизнинг давлатингиз Россиянинг энергетика ресурсларига қанчалик қарам, давлатингиз ўзини ўзи қанчалик таъминлай олади?

ПРЕЗИДЕНТ: Ҳисоб рақамлари — қайсар нарса, уни алдаб бўлмайди. Ўтган йилнинг якунларига кўра, собиқ Иттифоқнинг барча мамлакатларида ишлаб чиқариш камайиб кетди. Бизда бу камайиш тўрт ярим фоизни ташкил этди. Ҳолбуки, бир қанча бошқа давлатларда бу кўрсаткич анча юқори. Россияда йигирма беш, Қозоғистонда — ўн олти ва ҳоказо. Ялпи миллий маҳсулотга нисбатан бюджет камомоди беш бутун ўндан олти фоизни ташкил этди. Халқаро стандартларга кўра, бу кўрсаткич меъерий ҳисобланади ва катта ташвишга сабаб бўлмайди. Шу билан бир вақтда саноатнинг енгил, нефть ва газ, нефтни қайта ишлаш каби тармоқларида ишлаб чиқаришнинг юксалиши кўзга ташланмоқда.

Пулнинг қадрсизланиши тўғрисида гапирадиган бўлсак, рубль зонасидаги бирорта мамлакат ҳам унинг суръатларини аниқ белгилай олмайди. Бунинг калити рубль чиқарадиган марказ — Москвадир. Рубль зонасида эканмиз, бошқа давлатлар каби биз ҳам шундай оқим гирдобиди бўлишимиз табиийдир. Шунинг учун ҳам ўзимизнинг ҳимоя тадбирларимизни қабул қилишга мажбурмиз. Шулар қаторида озиқ-овқат товарлари маълум хилларини талон орқали сотиш ва савдода купон системасини жорий этишдир. (161—162)

6. ЭЛНИ ВАТАН МАНФААТИ БИРЛАШТИРАДИ

1993 йил апрель

Ўзбекистонда 1965 йилдан буён қанча олтин қазиб олингани маълум. Кейинги 15 йилда терилган пахтанинг ҳам ҳисоб-китоби аён. Ўзим ҳисоблаб чиққанман: шу давр мобайнида камида 35 миллиард долларлик бойлик — пахта ва олтин Марказ эҳтиёжи учун олиб чиқиб кетилган. Бошқа нарсалар ҳали бу ҳисобга кирмайди.

Ана шу йиллар мобайнида бизга нима берилган? Ўзбекистонга қилинган ёрдам, сармоялар ўша 35 миллиардга тўғри келадими, солиштириб бўладими? Хуллас, ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, агар бу ердан фойда кўрмаса, ҳеч ким бир тийин ҳам бермайди. Бу ҳол, айниқса, сўнгги икки йилдан бери анча кўриниб қолди. Биз бойликларимизни ўзимизда қолдираётган пайтимизда улар сездик, энди илгаригидек бўлмайди. Пахта майдонини камайтиряпмиз, алмашлаб экишни тартибга солдик. Бу — биринчидан. Иккинчидан — пахтани четга, долларга сотмоқчимиз. Россияни биз билан боғлаб турган нуқта бор, бу клиринг орқали савдо қилиш — Россия ўз нархи билан бизга нефть беради, биз шунга қараб пахта беришга мажбурмиз. Пахтани бермасак, улар бизга нефть бермайди. Мен ҳам доим айтаман: олдимизда турган энг катта ғов шуки, бизнинг коммуникациямиз чатоқ. Иккита темир йўл бор, холос — биридан кирилади, иккинчисидан чиқилади. (188—189)

7. БУЮК МАҚСАД ЙЎЛИДАН ОФИШМАЙЛИК

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
XII сессиясида 1993 йил 6 майда сўзланган нутқ*

Ҳақли бир савол туғилади: хўш, бизда иқтисодий ислохотлар қандай кетяпти? Бирор ижобий натижа борми?

Бор. Яхши, қувонса бўладиган натижалар бор. Ўтган йили бюджетимизда узилиш бўлмади. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш мўътадил қолди, ҳатто 1 фоиз ошди. Енгил саноатда 17 фоизга ўсишга эришдик.

Бировнинг ҳолига қулиш яхши эмас. Лекин таққосласак айб бўлмас: биз бу кўрсаткичларга собиқ СССРнинг бошқа республикаларида ишлаб чиқариш суръати 50—60 фоиз пасайиб кетган бир пайтда эришдик. (209)

Бозор инфраструктурасининг дастлабки куртаклари — биржалар, тижорат банклари, суғурта компаниялари, савдо уйлари, турли ширкатлар, кичик ва қўшма корхоналар пайдо бўлди ҳамда синовдан ўтди. (210)

8. ЯНГИ ВАЛЮТАГА ЎТИШ ИНҚИЛОБ БИЛАН БАРОБАРДИР

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
XII сессиясида 1993 йил 7 майда сўзланган нутқ*

Сессия кун тартибидаги масалалар сирасида «Ўзбекистон Республикасининг пул тизими тўғрисида»ги қонун лойиҳаси алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу боисдан ҳам мен мустақил республи-

канинг Президенти сифатида бу масалага ўз муносабатимни билдиришни истардим.

Биз мустақил давлат бўлдик. Лекин ҳар соҳада мукамал мустақиллик даражасига етдикми, деган савол туғилади. Биз ҳозирча сиёсий мустақилликка эришдик. Мустақилликнинг иқтисодий асосларини эса бир кунда яратиб бўлмайди. Иқтисодий мустақилликка эришиш учун, авваламбор, хом ашё базаларимизни, саноатимизни, қазилма бойликларимизни, мавжуд салоҳиятимизни ишга солишимиз керак. Токи халқ хўжалигимиз мустақил тарзда узлуксиз ишлай олсин. Ҳозирги пайтда биз ана шу мақсад учун замин яратишимиз керак. Чунки собиқ Иттифоқ таркибида бўлганимизда биз яхлит катта халқ хўжалигининг бир бўлаги эдик. Лекин республиканинг ўз ўрни, ҳиссаси сезилиб турарди, миллий даромад ҳосил қилиш борасида ҳиссамиз тахминан 6 фоизни ташкил қилар эди. Собиқ Иттифоқ таркибида бўлган давлатларнинг халқ хўжалиги шу даражада чамбарчас боғланиб кетганки, ҳозирги кунда уларни бир кунда узиб қўйиш ёки мустақил, алоҳида ишлашини таъминлаш мумкин эмас. Гарчанд мустақил бўлганимизга эндигина икки йил тўлаётган бўлсада, ишлаб чиқаришда, қазилма бойликлардан фойдаланишда, хом ашё базасини мустақамлашда ва ташқи иқтисодда унча-мунча ютуқларга эришдик. Лекин биз иқтисодий соҳанинг кўп тармоқларида ҳар томонлама Россияга боғлиқ бўлганимизни яна такрорлаб ўтишга тўғри келади.

Бунга мисоллар жуда кўп. Биргина ёнилғи-энергетика ресурслари масаласини олайлик. Гап фақат бензин ёки керосин устида эмас. Агар биз алоқамизнинг шу қиррасини узиб қўйсак, оқибатда нима бўлишини бир ўйлаб кўрайлик: трактор заводимизда ишлаб чиқариш тўхтайдими, авиация заводиди яратилган янги самолётларимиз учолмай қолади ва ҳоказо. Мана, биргина соҳада алоқаларнинг узилиши оқибатида келиб чиқадиган муаммолар.

Ўзбекистоннинг ҳозирги таъминотига шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, ташиб келтириладиган молларнинг 60—65 фоизи Россия билан боғлиқдир. Булар нималардан иборат эканини такрорлаб ўтишимнинг ҳожати бўлмаса керак. Саноат, ишлаб чиқариш соҳасида, қишлоқ хўжалигида ишлайдиган одамларимиз, мутахассислар ҳам, колхоз раислари ҳам, хўжалик раҳбарлари ҳам буни жуда яхши тушунишади. Бир кун узилиш бўлса, бунинг таъсири ҳамма жойда — хўжаликларимизда, оддий фуқаролар дастурхонида яққол сезилади. Ҳолбуки, мустақил давлат бошқа давлатлардан айри тарзда иқтисодий ҳур бўлиши учун ўз пулига, ўзининг миллий валютасига эга бўлмоғи керак. Бу — иқтисодий мустақилликнинг асосий шартларидан биридир.

Валютаимиз тўғрисида жуда кўп мунозаралар бўлмоқда. Олдинги сессиямизда ҳам шу залда бу масала бўйича ўзаро фикр алмашиб олган эдик. Бугунги кунга келиб нега яна шу мавзу кун тартибига чиқарилди? Ўзбекистонни таъминот масаласида ипсиз боғлаб қўйишга уринишлар да-

вом этар экан, ўзимизнинг валютамизни муомалага чиқаришга албатта эҳтиёж бўлади. Воқеаларнинг ривожини ҳаммамизни шунга даъват этмоқда. Россияда пулнинг қадрсизланишини бир кузатиб кўринг: бугун 800—900 сўмнинг қадри — 1 доллар. Эртага бу нисбат бирга — минг бўлиши аниқ. Россия рублининг қадри кун сайин янада пасайиши муқаррардир. Россияда 25 апрелда ўтказилган референдум пайтидаги сиёсий курашларда жуда катта ваъдалар берилди ва шу ваъдаларни бажариш учун ҳеч қандай товар билан таъминланмаган тахминан икки ярим триллион рубль оборотга ташланди. Буларни пул эмас, қуруқ қоғоз дейиш мумкин. Референдумдаги мубоҳаса халққа ана шуни олиб келди. Ана энди ақлни пешлаб ўйлаб кўрайлик: рубль зонасидаги ҳар қайси давлат мол билан таъминланмаган пулни сочаверса, нима бўлади? Пулнинг қадри, қиймати қандай бўлади? Кеча агар бирон молнинг пулга нисбати бир сўмга тўғри келган бўлса, биз эртага яна мол билан таъминланмаган 2 сўмни муомалага чиқарсак, шу молнинг пулга нисбати 3 сўмга тўғри келмайдими? Бу оддий ҳақиқат-ку. Шу жиҳатдан Россиянинг аҳволи жуда оғир, рублнинг қадри эса ундан ҳам мушкулроқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон ўзининг миллий валютасига ўтиши керак. Бу масалада биз кўп бош қотирдик. Очигини айтсам, бир йилдан бери бу масала билан шуғулланаяпмиз. Дунёдаги энг йирик, нуфузли банклар, етук мутахассисларни таклиф этиб, шу соҳада тайёргарлик кўряпмиз. Ҳозир барча ви-

лоятларимизнинг банкларида чет элда тайёрла-тиб келинган миллий валюта сақланмоқда. Биз пулимизни «сўм» деб атаймиз. Бу ҳеч кимга сир эмас. Бу масалада биз катта тайёргарлик кўрган-миз, ўз пулимизни чиқаришга шаймиз. Бу — масаланинг бир томони.

Лекин масаланинг ана шу жиҳати амалга оширилиши иккинчи муаммони келтириб чиқаради. Биз пулимизни муомалага чиқардик, дейлик. Хўш, унинг оқибати, тақдири нима бўлади? Бу кишини ташвишга соладиган оғир саволдир. Яна такрорлайман: истиқлолимизни мустаҳкамлаш, уни барқарор иқтисодий йўлга солишимиз учун албатта миллий пулимизни чиқаришимиз керак. Лекин оқибати нима бўлади? Ўзаро ҳисоб-китобларимиз қандай амалга оширилади?

Янги пулимизнинг муомалага чиқарилиши яна бир муаммони кўндаланг қилиб қўяди. Аввало, биз чет мамлакатлар билан муносабатларимизни қайта-қайта кўриб чиқишимизга тўғри келади. Бундан ташқари, тагин ўйлаб кўрадиган жиҳатлар пайдо бўлади, яъни биз республикадан ташқарига чиқарадиган ва республикага ташқаридан ташиб келтириладиган молларнинг мувозанати, нисбати қандай бўлади? Биз ташқарига чиқарадиган молнинг ҳажми кўпроқ бўладими ёки олиб кириладиганими? Агар биз шу нисбатни ҳисобга олмасак, эртага нима бўлади? Хўп, пулни чиқардик, дейлик, унда бизнинг сўми-мизга ташқаридан ким мол сотади? Россияга, Украинага, Беларусга, бошқа давлатларга Ўзбе-

кистоннинг сўми керак эмас. Туркменистон ёки Қозоғистонга ҳам бизнинг сўмимиз керак эмас. Айтмоқчи бўлган фикрим шундан иборатки, бизлар четга, кўшни давлатларга сотадиган мол нисбати қанча кўп бўлса, бизда чет элларнинг валютаси — у сўм бўладими, рубль бўладими, карбованец бўладими, шунча кўп бўлади. Бу валюталар хазинамизда доим бўлиб туриши керак. Шунда биз хоҳлаган пайтимизда уларнинг молини ўз пулларига сотиб олишимиз мумкин. Шундай даражага эришсак, шунга шароит туғдириб берсакки, ўз пулимизга ўтишимиз мумкин. Бошқа йўл йўқ. Агар шуни қилмасак, боя айтилган қийинчиликлар келиб чиқади.

Масаланинг яна бир нозик жиҳати хусусида икки оғиз сўз. Бизнинг чет эл валюта жамғармамиз бақувват бўлиши керак. Шундай жамғармага эга бўлишимиз керакки, хоҳлаган пайтда — маркагами, долларгами, фунт-стерлинггами истаган нарсамизни сотиб олиш учун қурбимиз етсин. Бунга нималар эвазига эришиш мумкин? Тўғри, осонгина йўлни танлашимиз мумкин: четга фақат пахта ёки бошқа маҳсулотларимизни сотиб, эвазига шундай валюталарга эга бўламиз. Аввалги сессиялардан бирида айтган эдим: Ўзбекистоннинг экспорт имкониятини кучайтирмасак, Ўзбекистоннинг хом ашёсини эмас, тайёр маҳсулотини четга сотмасак, бизга валюта келмайди, деб. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: қачонгача пахта сотамиз? Қачонгача олтин сотамиз? Ахир бунақада биз бола-чақаларимиз учун мерос қолдириш ўрнига келажак авлодга нисбатан хиёнат

қилган бўламиз. Буни мардона тан олишимиз керак. Пахтани ўзимизда тайёр маҳсулотга айлаштириб, одамларимизни иш билан таъминлаб, ишлаб чиқарган маҳсулотимизни четга қимматроққа сотиб, иқтисодиётимизни кучайтирибгина юксак тараққий топган давлатлар қаторига қўшилишимиз мумкин. Агар шундай қилмасак, валютанинг келиши фақатгина, ҳали айтганимдек, осон, лекин нотўғри йўл билан қўлга киририлиши мумкин. Яна такрорлайман: бу нафақат келажак авлод учун, балки бугунги кунимиз, ҳозирги авлодимиз учун ҳам нобоп йўлдир.

Яна республикага четдан ташиб келтирилаётган маҳсулотлар хусусидаги масалага қайтмоқчиман. Ўзбекистонга Россиядан 10 миллион тонна нефть маҳсулотлари ташиб келтирилади. Чунки нефть маҳсулотларимиз етишмайди. Иккинчи манбамиз — Туркменистон. Ўзимизнинг қардош, жондош Туркменистонда имконият кўпроқ бўлса, шу ердан олиб келамиз, деган ниятда у ерга бориб шартномалар туздик. Лекин Туркменистоннинг нефти ўзига базўр етяпти. Биз улардан мўлжалдаги нефтни оляпмиз. Лекин Россия нефть маҳсулоти масаласида бизни боғлаб турибди. Бундан депутатларимиз албатта бохабар бўлишлари лозим. Савол туғилиши мумкин: бошқа республикаларга мурожаат этиш яхшироқ эмасми?

Келинг, Украинанинг тақдирини олайлик. Украинанинг эҳтиёжи учун 50 миллион тонна нефть керак. 1993 йилда Россия Украинага 12 миллион тоннагина нефть беришни ваъда қилмоқда. Украинанинг ўзи офир аҳволда. Карбова-

нещнинг қадри тушаётганининг асосий сабабларидан бири ҳам шу.

Яқинда Украина Министрлар Советининг Раиси Кучма Форс кўрфазига, араб мамлакатларига ҳам бориб келди. Украина четдан нефть келтириш учун денгиз йўлига эга. Нефтни денгиз орқали олиб келганда ҳам маҳсулотни кемалардан цистерналарга қуйиб олиш учун турли эстакадалар қуриш керак экан. Бу эса қўшимча миллиард-миллиард маблағ сарфланишини талаб қилади. Бу масалани ҳал этмас экан, Украина Россияга шунча кўп илтимос қилишга мажбур бўлади. Хулоса шуки, Украинага ҳозир фақат Россиядан нефть олиш фойдали. Яна бир марта такрорлайман: темир йўл, денгиз йўли борасида Украинанинг шароити бизникидан анча афзал. Мен доим айтаман: Ўзбекистонинг энг заиф жойи — коммуникация. Шу жиҳатдан биз фақатгина Шимолга чиқишимиз мумкин. Худо кўрсатмасин, Шимолга чиқадиган йўлимизни кимдир ёпиб қўйса! Унда дардимизни кимга айтамыз? Мен бу масалага алоҳида эътибор қилаётганимнинг сабаби нимада? Бу масаланинг моҳиятини, сиёсий-иқтисодий жиҳатларини чуқур ўрганишимиз керак. Агар кимдир бу ташвишлардан холи бўлса, образли қилиб айтганда, ҳозир ухлаётган, уйқуда бўлса менинг бу ташвишим уни йўлда ҳам, уйда ҳам, тушида ҳам тинч қўймасин. Оғир гап бўлса ҳам айтишим керак: ватанпарварлик тушунчаси ана шунақа масалаларни ҳал этиш орқалигина инсон онгига киради. Ёқилғи масаласида биз мутлақо мустақил бўлишимиз учун ка-

мида икки йил керак. Биз Қашқадарёдаги Кўкдумалоқ конини ишга солиш учун чет эллардан мутахассис чақиряпмиз. Уларнинг сармояларини ишлатяпмиз. Бугун ҳам Швейцария банкининг раҳбарларини таклиф этганмиз. Улар билан учрашув чоғида Кўкдумалоқ конини ишга солишимиз учун чет эл сармояси масаласи кўрилади...

Озиқ-овқат масаласининг муҳимлиги нефть муаммосидан кам эмас. Ҳаммамизга маълумки, бугдой, ғалла маҳсулотларини четдан олиб келяпмиз. Бу масалаларни ҳал қилиб олишимиз учун ҳам камида бир-икки йил керак. 1993 йилда суғориладиган сувли ерларга кўпроқ ғалла экдик. Ахир, қачонгача ғаллани четдан олиб келамиз? Бу ҳозир олти ярим миллион тоннага тенг. Мустақил давлат жуда бўлмаса шу масалада ўз таъминотини ҳал этиши керак. Биз ҳозирча бу масалада заифмиз. Бизнинг йўлимизни тўсмоқчи бўлганлар айна шу масалада ипсиз боғлаб қўйиши мумкин. Унда мустақиллик қуруқ гапга айланаиб қолади. Истиқлолимиз ҳам ана шу ғовга тақалиб қолади. Эзгу ниятларимизга эришиш учун мана шу ғовларни енгиб ўтишимиз керак.

Агар биз иқтисоддаги йўлимизни бироз ўзгартириб, фақат тайёр маҳсулотни сотишга зўр бериб, уни дунё бозорига чиқармасак, иқтисодий мустақилликка эриша олмаймиз. Бир вақтлар раҳматли Турғут Ўзал жаноблари 1983 йили Туркиянинг иқтисодиётини ривожлантириш масаласи кўрилаётганда, Туркиянинг келажagini ўйласак, агар унинг экспорт масаласи ечилмаса, Туркиянинг келажаги йўқ, деган эди. Бизлар ҳам маса-

лага шу йўсинда қарашимиз керак. Агар Ўзбекистон тамғаси қўйилган маҳсулотлар дунё бозорида пайдо бўлиб, энг зўр моллар билан рақобат қила оладиган даражага эришилса, бу — бизнинг келажак авлод олдидаги қарзимиз бажарилгани ва катта ютуқларга очиб берган йўлимиз бўлади.

Боя шимолга дарвоза борлиги тўғрисида гапирдик. Жанубга ҳам дарвоза очишимиз керак. Афғонистон орқали Покистонга боришимиз керак. Ҳинд океанига чиқишимиз керак. Эрон орқали Туркияга, Форс кўрфазига чиқишимиз керак. Хитой орқали Шарқ билан алоқа боғлашимиз лозим. Шу тарзда коммуникацияларимизни йўлга қўйиб олганимиздан кейингина ўзимизни иқтисодий мустақил деб ҳисобласак бўлади.

Россия бизга сувдек, ҳаводек зарур. Унинг имкониятлари, у билан алоқалар керак. Оғир бўлса ҳам, Россия валютасига боғлиқ бўлиб туришга мажбурмиз.

Куни кеча қўшнимиз Қирғизистон ўз валютасига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу масалада Жаҳон валюта фондининг мутахассислари уларга асосий маслаҳатчи бўлдилар. Биз ҳеч қачон ҳеч кимнинг тавсиясига кулоқ солмаганмиз.

Биз, авваламбор, халқ манфаатларини кўзлаб, бугунги ҳаётимизни, мустақил йўлимизни танлаб олганмиз ва шу йўлдан бораверамиз. Бизга куруқ тавсиялар керак эмас. Тақдиримиз ўзимизнинг қўлимизда. Бизга ҳеч ким текинга холисона ёрдамга келмайди. Бизларни тан олгандагина келади. Ҳар бир давлатнинг ўз валютасини жорий этиши — ички сиёсат, албатта. Мен Қирғизистоннинг

ички ишларига аралашмоқчи эмасман. Лекин му-
тахассис сифатида айтмоқчиманки, бу — хомха-
ёллик билан қилинган иш. Бу фақат Қирғизистон
учун эмас, эртага водийда жойлашган вилоятла-
римизнинг аҳволига ҳам жуда қаттиқ салбий таъ-
сир кўрсатади. Бизлар Қирғизистон билан дўсто-
на алоқалар боғлаш масаласидаги ҳужжатларга ўз
муносабатимизни қайта кўриб чиқишга мажбур
бўламиз. Чунки Қирғизистоннинг янги пулга ўти-
ши — мана шу минбардан туриб очиқ айтишим
керакки, Ўзбекистон учун рубль интервенцияси
бўлади. Бу нима дегани? Бунинг маъноси шуки,
уларда бўшаб қолган рубллар республикамизга
оқиб келади. Қизилқиядан Қувасойга пулни ўтка-
зиш қийинми? Эртага Фарғона, Наманган, Ан-
дижондаги магазинларнинг пештахталари бўшаб
қолади. Чунки кечаги пул қоғозга айланиб, улар
вабодек Ўзбекистонга ёпирилади. Қоғозни ишла-
тиш мақсадида улар ҳар қандай йўллар воситаси-
да кўшни давлат бойликларига ёпишадилар. Ле-
кин, минг афсуслар бўлсинки, бизнинг баъзи
одамларимиз, савдо ходимларимиз, виждони йўқ
кимсалар халқимизнинг ризқ-рўзини ўйламай,
ҳамма молни у ёққа чиқаришга тайёр. Билиб
қўйинг, ҳар қандай қинғир ишнинг охири вой.
Тарихдан мисоллар кўп бунга. Вилоятда ишлай-
диган депутатларимиз, масъул одамларимиз шу
масалада қаттиқроқ туришлари керак. Ризқ-рўзи-
мизни ўйлашимиз керак, ўртоқлар. Тақдиримиз-
ни ўйлашимиз керак, бола-чақаларимизни ўйла-
шимиз керак. Эртага ана шу рубллар оқиб кели-
шининг олдини олишимиз керак.

Қирғизистон раҳбарияти, Олий Кенгаши, эҳтимол, бу ишни пухта ўйлаб, эзгу мақсадларда амалга ошираётгандир. Бу — уларнинг иши. Ҳеч ким уларнинг йўлини тўсмоқчи эмас. Лекин қондош, жондош қўшнимиз биз билан оғаларча ҳисоб-китоб қилиб, мана, оғайнилар, биз янги валютага ўтяпмиз, қирғиз валютасига, сиз нима дейсиз, деган савол берса, бизлар билан келишиб олса ёмон бўлмасди. Энг ёмон нарса шуки, у ерда — Жалолободда яшаётган ўзбекларимиз, қон-қариндошларимиз қандай аҳволга тушади? Улар қаерда бўлмасин, Конституциямизда ёзилганидек, биз улар учун жавобгармиз. Хулоса шуки, биргина валюта масаласи бир талай муаммоларни келтириб чиқаради. Янги валютага ўтиш — инқилоб билан баробардир.

Демак, тайёргарлик ишларининг ғози ҳам, масъулияти ҳам, жавобгарлиги ҳам шунга яраша бўлиши керак. Ҳар қандай инқилоб эса шошма-шошарликни ёқтирмайди. (219—226).

9. ЎЗБЕКИСТОН — УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

*Швейцариядаги “Форум фонд” халқаро иқтисодий
ташкilotи IV сессиясида 1993 йил 18 июнда
сўзланган нутқ*

Катта иқтисодий захирага эга бўлган Европа-Осиё қитъасида стратегик жиҳатдан муҳим жуғрофий-сиёсий ўринни эгаллаб турган республикамиз ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилиб, иқтисодий салоҳиятимизни узлуксиз ривожлан-

тиришда, ислоҳотлар ўтказишда ва иқтисодиётнинг тузилишини қайта қуришда давлатимизга кўмак бериш тарафдори бўлиб турибди. Ҳозир бу ерда сармоя ва олисни кўзлаб маблағ сарфлаш учун ҳамма шароит бор. Бу маблағ ва сармоялар салмоқли самара бериши шубҳасиз.

Хўш, бизнинг тасарруфимизда нималар бор, савдо-саноат доираларига, ишбилармонларга ва барчага мақбул халқаро меъёрлар доирасида биз билан ҳамкорлик қилишни хоҳловчи ҳамма кишиларга нималарни таклиф қила оламиз? Мен ажратилган вақт доирасида бу саволларга қисқача жавоб беришга ҳаракат қиламан.

Ўзбекистон олтин ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми юзасидан дунёда саккизинчи ўринда ва аҳоли жон бошига олтин ишлаб чиқариш жиҳатидан бешинчи ўринда турибди. Мамлакатда топилган 30 та олтин конининг жами захираси 4000 тоннадан ошади. Аммо уларнинг атиги 10 тасидан фойдаланилмоқда. Ўзбек олтинининг сифати дунёдаги олий андозаларга мос ҳелади, кейинги йигирма йил мобайнида унинг сифати ҳақида шикоят тушгани йўқ. Сўнгги икки йилда эса уч марта халқаро сифат соврини билан тақдирланди.

Ўзбекистонда катта захирага эга бўлган ўттизта уран кони бор. Ҳар йили 80 минг тонна мис қазиб оляпмиз, Ўзбекистондаги мис захиралари беҳисоб, қўрғошин, рух, вольфрам, литий ва бошқа стратегик муҳим нодир металлларнинг йирик конлари ҳам бор. (250—251)

Кенг ҳамкорлик, барқарор иқтисодий алоқалар банк суғурта муассасаларининг замона-

вий тармоғини, молия-пул тизимини ислоҳ қилишни талаб этади, албатта. Республикада хорижий сармоя иштирокида банклар таъсис этиш имконияти қонун йўли билан белгилаб қўйилган. Биз билан Швейцария (ЮБС, Кредисвисес), Германия (Дойчебанк) банклари ўртасида иш юзасидан яхши алоқалар ўрнатилган. Биз валюта тарзидаги олтинимизни гаров тариқасида шу банкларда сақлаёмиз. Шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Жаҳон банки билан ҳам алоқамиз бор. Бу соҳа учун мутахассислар тайёрлашга алоҳида аҳамият беряёмиз. (252)

Ўзбекистон Республикаси амалий ҳамкорларга ҳурмат ва ишончга асосланган тенг, ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёр. Ҳозир республикада хорижий фирмалар билан биргаликда ташкил этилган мингга яқин корхона ишлаб турибди. Американинг «Ньюмонт», Германиянинг «Сименс», Жанубий Кореянинг «ДЭУ» ва «Самсунг», Япониянинг «Мицубиси», Франциянинг «Элф-Акитен» каби жаҳонга машҳур компаниялари, Туркия, Италия ва бошқа мамлакатларнинг фирмалари Ўзбекистонда қўшма корхоналар барпо этмоқдалар.

Биз Ўзбекистон билан узоқ муддатли алоқа ўрнатмоқчи бўлганлар учун жуда қулай шароит яратиб беришга шай бўлиб турибмиз, чунки иқтисодий ҳамкорлик — давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг, одамлар тинчлиги ва фаровонлигининг асосий омили эканига ишончимиз комил. (253)

10. ИСЛОҲОТДАН МАҚСАД ХАЛҚ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

1993 йил 29 июнь

Ўзбекистон эндиликда иқтисодий мустақиллик сари дадил одим отмоқда. Сир эмаски, мамлакатимиз иқтисодиёти кўп жиҳатдан Россия билан боғлиқ. У ерда кечаётган жараёнлар республикамизга ҳам таъсир этмай қолмайди. Айниқса, Россия иқтисодиётидаги танглик рублнинг ҳалокатли даражада қадрсизланишига олиб келди. Бир долларнинг баҳоси 1100 рубл атрофида. Бундай шароитда аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш мамлакатимиз раҳбариятининг бош вазифаси бўлиб қолаверади. Лекин бу муҳофаза асосий озиқ-овқат маҳсулотлари турларига давлат томонидан фақатгина дотация ажратиш орқали амалга оширилади дегани эмас. (257)

Бугунги кунда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари учун давлат хазинасидан каттагина дотация ажратилмоқда. Масалан, нон учун йилига 29,2 миллиард сўм, ун учун эса 37 миллиард сўм дотация бериляпти. Шакар учун, унинг чакана нархини 200 сўм қилиб белгиласак-да, 31,8 миллиард сўм, гўштнинг нархи 400 сўм бўлгани ҳолда йилига 80 миллиард сўм дотация ажратилмоқда. Нархлар икки баробар кўтарилгани туфайли озиқ-овқат молларининг асосий турларини сотиб олиш учун давлат фуқароларга 250 миллиард сўм дотация беришга мажбур бўлмоқда. Шу тўғрими? Транспорт, коммунал хизмат, электр энергия-

си, сув, квартира ҳақи учун берилаётган имтиёзлар-чи? Масалан, 1 киловатт электр қувватининг таннархи давлатга 18—19 сўмга тушаётган бир пайтда истеъмолчилар 1 сўм, шаҳар транспортида ҳар бир пассажирни ташиш таннархи 39 сўм бўлгани ҳолда ҳар бир киши 6 сўм тўламоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Давлат бюджети даромад қисмининг 40 фоизи аҳолига дотация сифатида қайтарилмоқда.

Бу ерда ижтимоий адолат тамойили бузилма-яптимикиан? Битта ноннинг таннархи 80 сўм бўлгани ҳолда 20 сўмга сотиляпти. (258—259)

Биз Россия билан ҳам, бошқа қўшни давлатлар билан ҳам ҳозирча «рубль зонаси»да қолиш тўғрисида келишиб олган эдик. Ўзбекистон Парламенти ҳам «рубль зонаси»да қолиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Бироқ Россия ҳукумати-нинг Ҳамдўстликдаги бошқа давлатларни бу зонадан сиқиб чиқариш борасида юритаётган сиёсати уларга, жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам оғир зарба бўлмоқда.

Агар эҳтиёт чоралари кўрилмаса, Ўзбекистон олтин ва пахта эвазига сотиб олган озиқ-овқат маҳсулотлари бошқа республикаларга оқиб кетиши муқаррар. Четдан ғози кетган пулнинг ёғилишига қачонгача чидаш мумкин? Лекин миллий валютани муомалага киритиш, аввал айтилганидек, инқилоб билан тенгдир. Бу ҳар бир ои та, ҳар бир киши ва ҳар бир корхона ва жамоа манфаатларига дахлдор масала эканини эсдан чиқариб бўлмайди. Иқтисодий мустақилликка эришиш учун республика ўзини нефть ва нефть маҳсулот-

лари билан таъминлаши, ривожланган мамлакатлар билан алоқаларни йўлга қўйиш учун халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш каби муаммоларни ҳал этиши зарур. (261)

11. ҲАМКОРЛИК — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

*Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти давлатлари
раҳбарларининг олий даражадаги иккинчи учрашувида
сузланган нутқ. 1993 йил июль*

Ҳамкорликнинг XXI аср бошидаги истиқболи муҳим йўналишларини таҳлил қилар эканмиз, кўзлаётган режаларимизга етиш учун, шак-шубҳасиз, барча тан олаётган умумий мазмундаги бир қанча шартларни кўришимиз мумкин.

...Биз ўзаро алоқа боғлашимиз, турли муҳим ва тўғри ҳужжатларни имзолашимиз мумкин, аммо молиявий, банк-кредит ташкилотлари ишини йўлга қўймасдан туриб, яхши натижага эришиб бўлмайди. Энг кучли миллий банклар, халқаро банклар, хусусан, Осие тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Европадаги йирик банклар ёрдам бермаса, биз берган баёнотларни, биз амалга оширмақни истаган лойиҳаларни жонлантириш қийин.

...Ишимизни тез суръатлар билан ривожлантирмақчи эканмиз, ўзаро амалий фаолият шаклини топишимиз зарур. Бизнинг фикримизча, ҳаммамиз биргалашиб, Истанбул декларацияси лойиҳасида кўрсатилган махсус техник-иқтисодий асослаш фонди қаторида ҳамкорлик фонди-

ни таъсис этиш ҳақида ўйлашимиз керак. Ҳар бир давлат шу масалага доир таклифни берсин. Шубҳа йўқки, бундай фонд барча учун бирдек фойдали бўлади.

Ўзаро Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилоти — хайрия жамияти эмас. Унга аъзо бўлган ҳар бир мамлакат энг аввало ўз халқининг келажаги ва манфаатини кўзлаб иш юритади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзаро инвестиция фонди 2000 йилгача кўзда тутилган ўзаро манфаатли улкан лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга ва амалга оширишга кўмак бўлади. (266—267)

12. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ: ИЛК САМАРАЛАР

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
1998 йил 27 июлдаги йиғилишида сўзланган нутқ*

Яқинда хорижлик меҳмонларни қабул қилдим. Улар суҳбат чоғида: «Нимадан хурсандсиз-у, нимадан хафасиз?» — деб савол берди. Ўшандаги жавобимни сизларга ҳам айтмоқчиман. Мен шундан хурсандманки, аста-секин бўлса-да, жамият, одамлар ўзгаряпти, ишбилармон, талбияркор, мураккаб муаммоларни еча оладиган янги авлод дунёга келяпти. Бизнинг вазифамиз ана шу ёш авлод қалбига ота-боболаримиздан қолган буюк виқорни, «Биз дунёда ҳеч кимдан кам эмасмиз!» деган ғурур ва ишончни сингдирмоқдир. Ана шу ишонч билан дунёга чиқмоқ, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганмоқ лозим. Ҳозирги даврда хориж билан алоқа қилмаган меҳнат жамоаси ҳеч нарсага эриша олмайди.

Кўнгил тўлмаётган жойига келсак, ўн йиллар давомида миямизга сингиб кетган боқимандалик касалидан қутула олмаётганимиздан таассуф қиламан. Битта мисол келтирай: ҳозир республикада 111 та давлат хўжалиги зарар кўриб ишламоқда. Бундай хўжаликларни тезда давлат тасаруфидан чиқариш, зарар келтираётган, ўзини маблағ билан таъминлай олмаётган корхоналарга қарз беришни тўхтатиш лозим. (272—273)

13. ЎЗБЕКИСТОН — БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ

1993 йил август

Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни давлат йўли билан тартибга солиш ҳаммага маълум бўлган воситалар — молия, кредит, солиқ, валюта сиёсати, нарх-навони назорат қилиш ва билвосита таъсир ўтказишнинг бошқа чоралари ёрдамида амалга оширилади. Монополияга қарши сиёсатни юритиш иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солишнинг ҳал қилувчи масалаларидан биридир. Тавсиявий режалаштириш ҳам давлатнинг бозор муносабатлари шакллариغا мос бўлган умумиқтисодиётни тартибга солишга хизмат қилади. Ривожланган мамлакатларда бундай режалаштиришдан кенг фойдаланилади. У юқоридан бериладиган кўрсатмага мувофиқ режалаштиришдан тубдан фарқ қилади, асосан йўналтирувчи ва тавсия тусида, аниқ мақсадга қаратилган дастурларни шакллантириш воситаси бўлиб хизмат қилади. (314)

Бозор муносабатларини шакллантиришнинг янги босқичида қуйидагилар ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

...Иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли учун давлат меҳнатни рағбатлантиришнинг кучли воситасини жорий этиш ҳисобига бу табақанинг меҳнат ва ижодий имкониятини тўлиқ даражада рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиб бериши керак. Ходимлар бир текисчиликни келтириб чиқарадиган идора қондаси бўйича эмас, балки меҳнатига қараб тақдирланиши лозим. Меҳнаткаш ўз малакасига, ишининг сифатига яраша маош олиши керак. Фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини рағбатлантириш зарур. Меҳнатдан манфаатдорликни кучайтириш, меҳнат ҳақи, уни табақалаштириш даражаси меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини ўстириш билан чамбарчас боғлиқлиги масалаларини юқоридагилар билан боғлиқ ҳолда ҳал этиш зарур. Рублнинг харид қуввати ва қадри тушиб кетаётганлиги сабабли шу вақтга қадар ушбу муаммони ҳал этиш мушкул эди. Молиявий аҳвол барқарорлашган шароитдагина уни ҳал қилиш мумкин.

Дотация эмас, балки эркин ҳаракат қилиш имкониятини бериш пайти келди. Ҳар бир корхона мустақил хўжалик фаолияти натижасида ўз ходимларига меҳнатга яраша ҳақ тўлаш имкониятини топиши лозим. (330—331)

Ташқи савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларда қуйидаги йўналишлар устувор ҳисобланади...

Хорижий сармояларни, асосан бевосита капитал маблағлар тарзидаги сармояларни республика иқтисодиётига кенг кўламда жалб этиш учун зарур ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда бошқа шарт-шароитларни вужудга келтириш, қўшма корхоналар ташкил қилишда кўмаклашиш, шунингдек сармоядорларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш. (338)

Халқаро ҳуқуқ ва ташқи иқтисодий фаолият, банк тизими, ҳисоб-китоб ва статистик ҳисобот соҳасида малакали кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш. Талабалар, аспирантларнинг, инженер-техник ходимлар ва мутахассисларнинг чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларда, хорижий фирмалар, банклар ва компанияларда таълим олиши ҳамда малака оширишини ташкил қилиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилиши лозим. (339)

Мана шу босқичда қуйидагилар энг муҳим ва биринчи навбатдаги чоралар сифатида олга сурилади:

— республика бюджетидagi етишмовчилик (дефицит)ни чеклашга ва уни изчиллик билан жуда камайтиришга қаратилган қаттиқ молиявий сиёсатни ўтказиш. Бошқарув апаратини сақлаш учун давлат маблағлари сарфлашни, зарар кўрувчи корхоналарга ва бошқа нозарур мақсадларга дотация ажратишни камайтиришга қаратилган йўл изчиллик билан ўтказилади. Бюджет маблағлари сира кечиктириб бўлмайдиган давлат эҳтиёжлари ва ижтимоий эҳтиёжларга ажратилади. Солиқ сиёсати янада такомиллаштирилиши ло-

зим. Бундай сиёсатнинг вазифаси — бир томондан, бюджет даромадларининг барқарор тарзда сафарбар этилишини таъминлаш бўлса, иккинчи томондан, республика учун зарур маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда корхоналарни рағбатлантиришдир;

— кредит-банк тизимини, пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш, банк кредитлари биринчи навбатда халқ истеъмол моллари, бинокорлик материаллари, деҳқончилик маҳсулотлари ҳамда бошқа ҳаётий муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилишини таъминлашга қодир бўлганларга берилади. Айни пайтда, асоссиз кредит экспансиясига, қарзга берилган маблағларнинг сочиб юборилишига йўл қўймасликда қатъий туриш керак. Нақд тўлов маблағлари оборотини тартибга солиш ҳам пул муомаласини соғломлаштиришга кўмаклашади;

— пулнинг қадрсизланишига қарши ва монополиячиликка йўл қўймасдан бошқариш борасида амалий чоралар кўриш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож табақаларини давлат томонидан муҳофаза қилишнинг ишончли тизимини вужудга келтириш.

Аниқ-пухта ишлаб чиқилган ва етарли даражада қаттиқ бўлган молия-кредит сиёсатини амалга ошириш республиканинг бозорга ўтишидаги энг муҳим бўғин ҳисобланади. Ўтказилаётган ислохотларнинг бу йўналиши энг заиф бўғиндир. Корхоналар ва ташкилотлар ҳамон давлат томонидан бериладиган маблағларга кўз тутмоқдалар.

Тижорат банклари асосан Марказий банкдан олинаётган кредитлар билан ишламоқдалар. Уларнинг ўз кредит маблағларининг улуши эса арзимас даражададир.

Мустақил молиявий сиёсатни республиканинг бюджет тизимини мустаҳкамлаш, бюджет даромадларининг тўлдирилишини таъминлайдиган ва амалий фаолликни рағбатлантирадиган изчил солиқ сиёсатини ўтказиш, шунингдек, корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, уларнинг тadbиркорлик ва сармоядорлик фаолиятини ривожлантириш йўли билан шакллантириш мўлжалланмоқда.

Бозорга ўтиш шароитида бюджет давлат иқтисодий сиёсатининг гоят муҳим воситаси бўлиб бормоқда. Давлат бюджетидаги етишмовчиликни энг оз даражага тушириш бош вазифа бўлиб қолмоқда. Бюджет етишмовчилигини бирданига, бирикки йил ичида тугатиш амримаҳол, чунки республика бюджетида гоят салмоққа эга бўлган ижтимоий эҳтиёжларга харажатларни камайтириб бўлмайди. Айни пайтда бюджет етишмовчилиги давлат томонидан қатъий назорат қилиб борилиши керак. Уни ялпи миллий маҳсулотнинг 3—5 фоизига қадар камайтириш чораларини кўриш зарур.

Бюджетнинг даромад қисмини кенгайтиришнинг асосини иқтисодий вазиятни умумий равишда соғломлаштириш ташкил этиши лозим. Бу эса даромадларнинг солиқ олинадиган негизини кенгайтириш ва бевосита ҳамда билвосита солиқ солиш тизимларини ўзида қовуштирадиган со-

лиқ сиёсатини турмушга татбиқ этиш имконини беради.

Бошқарувга сарфланадиган харажатларни камайтириш, ижтимоий ҳимоялашнинг табақалаштирилган номма-ном тизимини белгилаш, дотацияларнинг ҳар хил турларини ва нархларни қоплаш учун маблағ ажратишни тугатиш, моддий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга марказлаштирилган тарзда маблағ ажратишни кескин чеклаш ҳисобига бюджет харажатлари ўсишини қатъиян чегаралаб қўйиш — бюджет етишмовчилигини тугатишнинг асосий манбаларидан биридир.

Давлат билан корхоналарнинг молиялари бири-бирдан ажратиб қўйилиши муҳим қоида ҳисобланади. Корхоналар ўз ресурсларига, ёки тижорат банкларининг кредитларига умид боғлашлари лозим.

Бюджет маблағларидан асло кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларни, аввало, ижтимоий соҳани, янги таркибий йўналишларни пул билан таъминлаш учунгина фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда банklar инвестиция дастурларининг қатнашчиларидан бири бўлиб майдонга чиқишлари, ҳар бир тармоққа бевосита сарфланадиган маблағларга кафил бўлишлари лозим. Бунда барқарорлашиш даврида бюджет етишмовчилиги ортиши қатъий хатлаш принциплари асосида чекланиши, сарф-харажатлар эса (биринчи навбатдаги харажатлар бундан мустасно) даромадларнинг тушишига қараб пул билан таъминланиши керак.

Республикада бутунлай янги банк тизимини вужудга келтириш мустақил кредит-пул сиёсатини ўтказиш имконини яратади. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки бошчилигида икки босқичли банк тизимини ташкил қилиш республиканинг иқтисодий мустақилликка эришиш ҳамда бозор муносабатларига ўтиш эҳтиёжларига мос келади.

Бозор муносабатларини шакллантириш шароитида кредит сиёсатини амалга ошириш воситаси тубдан ўзгаради. Кредит маблағлар биринчи навбатда озиқ-овқат маҳсулотлари, бошқа халқ истеъмол моллари ва уларни тайёрлаш учун хом ашё бойдикларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, якка тартибдаги уй-жой қурилишини кенгайтириш, ижтимоий соҳани, республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи асосий тармоқларни, экспорт маҳсулотлари ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни кенгайтириш билан боғлиқ юксак самарали тадбирларни ўтказишга сарфланади.

Нархларнинг барқарорлашувидан, пулнинг қадрсизланиши камайишидан манфаатдор бўлган давлат пул муомаласини бошқаришнинг ишончли воситаларига эга бўлиши ва, аввало, унинг иқтисодиётни кўнгилдагидек ривожлантириш учун йўл қўйиш мумкин бўлган ҳажмини олдиндан билиши лозим. Шу боисдан Марказий банк муомаладаги пуллар ҳажмини олдиндан билиб бориши самарали пул-кредит сиёсатининг шартларидан бири, деб қаралиши керак.

Бу ҳол, нархлар эркин қўйиб берилган шартда айниқса долзарб бўлиб қолмоқда, чунки нархлар эркин белгиланганида муомаладаги пулнинг ўзи нарх-наво даражасига жиддий таъсир ўтказди.

Марказий банк олдида пул муомаласини тартибга солишнинг иқтисодий усуллари эгаллашдек гоъят мураккаб вазифа турибди. Шу жумладан:

— тижорат банкларининг операцияларини қайтадан пул билан таъминлаш. Бунда Марказий банкнинг тижорат банкларига фоиз ҳисобидан кредит бериши кўзда тутилади. Бу эса банкларни ўз маблағлари даражасини Марказий банк маблағлари даражаси билан боғлашга мажбур қилади;

— пул билан қайта таъминлашга кредитлар бериладиган, расмий ҳисобга олинadиган миқдор ўзгаришларини тартибга солувчи фоиз сиёсати;

— тижорат банкларининг Марказий банк ҳисобларидаги маблағларининг бир қисмини резерв учун олиш меъёрларини белгилаш. Марказий банк мажбурий захираларнинг меъёрини тартибга солиб, тижорат банклари операцияларининг ҳажмларига ва муомаладаги пулларнинг ҳажмларига самарали таъсир қила олади.

Шу билан бирга, барқарорлаштириш босқичида фоиз миқдорлари воситаси билан кредит сиёсатини банк орқали тартибга солишнинг аҳамияти чекланган тарзда бўлади, чунки кўпгина корхоналар хўжалик юритишнинг бозор усул-

ларини ҳали ўзлаштириб олишмаган. Шундай шароитда Марказий банк қаттиқ пул-кредит сиёсатини ўтказиш борасида барча зарур чораларни кўриши керак. Бундай сиёсат бозорда товарлар таклифини рағбатлантиришга, уларнинг захира-ларда тўпланиб қолишини чеклашга, нарх-наво-нинг ўсишига йўл қўймасликка қаратилган бўли-ши лозим.

Кредит ва бюджет тизимлари ўртасидаги ўза-ро муносабатлар воситаси такомиллаштирилиши даркор. Бюджет етишмовчилиги чоғида унга қў-шимча кредит бериш зарурати юзага келади. Аммо бюджет етишмовчилигининг асосий қисми пул эмиссияси (пулларни ортиқча чиқариш) йўли билан эмас, балки молия бозорида давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиш йўли билан қоп-ланиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг миллий пул бир-лигини муомалага киритиш тўғрисидаги масала алоҳида эътиборга моликдир. Ўз валютамуноси жорий этишни тақозо қилувчи бир қанча сабаб-лар яққол кўриниб қолди. Энг аввало, бошқа давлатлардан иқтисодий мустақил бўлиши учун республика ўз пулига, ўзининг миллий валюта-сига эга бўлиши лозим. Бу ҳар қандай давлатга хос бўлган белгигина эмас, шу билан бирга, иқтисодий мустақилликнинг асосий шартлари-дан бири ҳамдир. Россиянинг Марказий банки бир томонлама ўтказаетган эмиссия сиёсати ва ягона тўлов воситаси бўлмиш рублнинг беқар-рорлиги — иккинчи сабаб. Рубль қадрсизланиб бораётганлиги, унинг харид қобилияти пасайиб

кетганлиги Ўзбекистонда ҳам молиявий-иқтисодий аҳволга салбий таъсир қилмоқда. Банк ҳисоб-китоблари ва тўловлари, республиканинг нақд пулга бўлган эҳтиёжини таъминлаш масалалари анча қийинлашди. Молия-кредит сиёсатини ўтказишда республиканинг мустақиллигини чеклашга оид ультиматум тарзидаги талаблар кўйилмоқда.

Айни пайтда, ўз валюта-мизни жорий этиш инқилоб билан баробар бўлган ниҳоятда масъулиятли қадамдир. Бир қанча хорижий мамлакатларда пул ислоҳотини ўтказиш тажрибасидан шу нарса маълумки, бундай ислоҳот иқтисод ва ижтимоий турмушнинг барча соҳаларига таъсир қилади. Аслини олганда, бу ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг бутун тизимини ўзгартиришдан иборатдир. Бу ишдаги ҳар қандай нотўғри қадам бажарилган ҳамма ишларни йўққа чиқариши, республикани жар ёқасига олиб келиши мумкин. Ҳозирдаёқ рубль минтақасидан чиққан бир қанча собиқ иттифоқдош республикалар (Украина, Қирғизистон, Озарбайжон, Болтиқбўйи мамлакатлари)нинг тажрибаси ҳам шунини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистоннинг рубль минтақасида бундан буён ҳам бўлиб туриши зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини тақозо этувчи талайгина бошқа муҳим сабаблар мавжуд.

Шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, ўз валюта-мизни жорий этиш, ҳеч шубҳасиз, одамларнинг, аввало туб жойли бўлмаган аҳолининг кайфиятига таъсир қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, ўз валютамуноси муомалага чиқариш техник жиҳатдан катта қийинчилик туғдирмайди. Миллий пул бирлигини жорий этишдан тийиб турган жиддийроқ муаммолар айнан иқтисодий муносабатлар соҳасига тегишлидир. Энг аввало, бошқа республикалар билан ўзаро ҳисоб-китоблар принциплари кескин ўзгаради, хорижий давлатлар билан ўзаро муносабатларни ҳам тубдан ўзгартириш талаб этилади.

Вужудга келган шароитда валютамуноси жорий этишимиз — биринчи навбатда, ҳисоб-китоб операцияларини мураккаблаштиради, баъзан эса шаклланган хўжалик алоқалари тўғридан-тўғри издан чиқишига олиб келиши мумкин. Республика ҳозирги вақтда бунга иқтисодий жиҳатдан тайёр эмас.

Ўзбекистон Россия ва собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари билан иқтисодий жиҳатдан жуда яқин боғлангандир. Маълум сабабларга кўра, республика ҳозирча халқ хўжалиги ва аҳоли жуда қаттиқ эҳтиёж сезаётган товарларнинг 65 фоизгача бўлган қисмини ташқаридан келтиришга мажбур. Ёқилғи, станоклар, асбоб-ускуналар, ёғоч-тахта ва ёғоч материаллар тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади. Улар ҳам четдан келтирилади. Кўпчилик собиқ иттифоқдош республикалар билан салбий тўлов баланси вужудга келган.

Маълумки, ўз валютамуноси республикада товар билан қопланганидагина ҳақиқий кучга ва қадрга эга бўлади. Унга бирор нарса сотиб олиш мум-

кин бўлгандагина у ўз қийматини, харид қилиш қобилиятини сақлаб қолади. Республикамиз ҳозирча ўзини зарур товарлар билан таъминлай олмайди ва бу борада биз ҳали кўп иш қилишимиз керак бўлади.

Бошқа муаммо ҳам мавжуд. Миллий валюта фақат олтин захираси билангина эмас, балки барқарор, эркин алмаштириладиган валюта билан ҳам етарлича мустаҳкамланган бўлиши зарур. Бундай валюта ўз маҳсулотимизни экспорт қилиш натижасида тушиши мумкин. Бунинг учун маҳсулот биринчи навбатда рақобатга қодир бўлиши керак.

Шарқий Германия бунинг яққол мисолидир. Бизнинг ўлчовларимиз бўйича, у социалистик мамлакатлар орасида энг ривожланган имкониятларга, энг такомиллашган иқтисодий тузилмага эга бўлиб, унда техникавий мураккаб тайёр маҳсулот устунлик қилар эди. Ҳозирги вазиятда Ғарбий Германия Шарқий Германия билан бирлашганидан кейин, унинг техник даражасини кўтариш, рақобатга қобил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ҳар йили 100 миллиард маркагача сарфлашга мажбур бўлмоқда. Бугунги кунда собиқ ГДРнинг кўплаб корхоналари ишламаяпти, ишсизлар сони аллақачон хавфли белгидан ошиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 20—30 фоизини ташкил этмоқда. Мутахассислар у ерда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш учун камида 10 йил зарур деб ҳисоблашмоқда.

Географик ҳолатимизни ҳисобга олган ҳолда, бизда мавжуд ишлаб чиқариш тузилмаси, унинг техникавий жиҳозланиш даражаси, маҳсулот чиқариш ва келтиришнинг вужудга келган мувозанати, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг турлари ва сифати билан ўз валютамизнинг барқарорлиги ҳақида сўз юритишга ҳали эрта. (347—354)

**БИЗДАН
ОЗОД ВА ОБОД
ВАТАН
ҚОЛСИН**

1. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши
XIII сессиясида сўзланган нутқ. 1993 йил 2 сентябрь*

Бозор иқтисодиётига ўтиш биринчи навбатда ҳаётимизда, иқтисодиётимизда барқарорликка эришиш билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни, молиявий аҳволни барқарорлаштириш — иқтисодий ислохотларимизни амалга оширишнинг муҳим шартидир.

Иқтисодиёт барқарор ишлагандагина бозор муносабатларига муваффақиятли ўтиш мумкин. Ҳозирги вазият тангликни бартараф этиш ва пулнинг қадрсизланишини жиловлашни тақозо этмоқда. Аҳолининг турмуш даражаси кескин ёмонлашуви-га йўл қўймаслик керак. Бунинг учун тезкорлик билан, қаттиқ, баъзида кўпчиликка хуш келмайдиган чоралар кўрилиши зарур. Иқтисодиётни барқарорлаштириш — бозорни шакллантириш йўлидаги қонуний ва муқаррар босқичдир. Биз иқтисодиётни барқарорлаштира бориб, бозор муносабатларини нормал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтирамыз.

Шу мақсад учун:

биринчидан, қатъий молиявий сиёсат ўтказиш. Бундан буён ҳам бюджет маблағлари қаттиқ назорат остида, давлат томонидан даромад туши-

шига қарабгина ажратилиши лозим. Солиқ сиёсати ҳам янада такомиллаштирилиши зарур. Иқтисодий вазиятни умумий тарзда соғломлаштириш бюджетнинг даромад қисми кўпайишининг асоси бўлиши керак. Бу эса солиқ солинадиган базани кенгайтириш имконини беради. Давлат ва корхоналарнинг молиявий маблағлари алоҳида ажратилиши лозимлиги муҳим қоидадир. Корхоналар ўз маблағларига ёки тижорат банкларининг кредитига умид қилишлари керак;

иккинчидан, кредит-банк тизимини, пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш. Банк кредитлари биринчи навбатда халқ истеъмол моллари, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалик ҳамда бошқа ҳаётий муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиганларга берилиши лозим. Айни вақтда, асоссиз кредит экспансиясига, заём маблағлари сочиб юборилишига йўл қўймаслик қатъий қоидадир. Бугунги кунда банклар инвестиция дастурларининг қатнашчиларидан бири, ҳар бир тармоққа тўғридан-тўғри қўйиладиган сармояларнинг кафиллари бўлишлари керак;

учинчидан, ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришга кўмаклашиш, ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини рағбатлантириш. Ишлаб чиқаришни қайтадан тикламай туриб, ички молиявий ва ижтимоий барқарорликка умид боғлаб бўлмайди;

тўртинчидан, пулнинг қадрсизланишига ва монополияга қарши таъсирчан чора-тадбирларни ўтказиш, монополист корхоналарнинг улгуржи

ва чакана нархларни ошириб юборишларига йўл қўймасликдир. (5—6)¹

Биз хом ашё бойликларига эгамиз. Чет эл технологияларини олиб келишимиз ва комплекс замонавий қўшма корхоналарни барпо этишимиз мумкин. Ана шу корхоналар замонавий техникадан фойдаланиб, рақобатга қодир маҳсулот ишлаб чиқара оладилар.

Бу борада икки принципга амал қилиш зарур. **Биринчиси**, биронта корхона, биронта идора агарда хорижий сармояни чет элга экспорт қилинишига ва қатъий валютада даромад келтира оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфламас экан, бундай сармояни олмасликлари керак. **Иккинчиси**, чет эллардаги илғор фирмалар билан алоқа боғламаган корхона бўлмаслиги лозим. Ўшандагина жаҳон бозори ва ривожланган мамлакатлар билан очиқ иқтисодиётни барпо этиш мумкин...

Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислоҳотларимиз стратегиясининг жуда муҳим шартидир.

Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, экспорт имкониятини кенгайтириш соҳасида белгиланган йўналишлар кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш билангина рўёбга чиқади.

Мана шу устувор вазифани амалга ошириш учун қуйидагилар талаб қилинади:

биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш борасида аниқ мақсадни

¹ *Ислом Каримов*. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. Т.: «Ўзбекистон», 1996. 5—6-бетлар. (Ушбу бўлимдаги манбалар ана шу китоб бўйича кўрсатилган).

кўзлаб сиёсат ўтказиш зарур. Товарларни экспорт ва импорт қилишда хорижий сармоядорлар ўз даромадларидан эркин фойдаланишларида бирмунча имтиёзли тартибни жорий қилмоқ керак;

иккинчидан, хорижий сармояларни, асосан бевосита капитал маблағлар тарзидаги сармояларни республика иқтисодиётига кенг жалб этиш учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни янада такомиллаштириш лозим;

учинчидан, Ўзбекистонга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб келадиган, халқ хўжалигининг замонавий структурасини вужудга келтиришда ёрдам берадиган хорижий сармоядорларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини ўтказиш зарур;

тўртинчидан, маблағларни энг устувор соҳаларга — республика мустақиллигини таъминлайдиган аграр секторни, ёқилғи-энергетика комплексини ҳамда бошқа базавий тармоқларни ривожлантиришга, рақобатга қодир, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга сарфлаш керак! (11—12)

Бунда амалий фаолиятда халқ хўжалигининг бошқарилишини сақлаб қолишга, ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига йўл қўймасликка, аҳолининг турмуш даражасини қўллаб-қувватлашга жиддий аҳамият берилмоқда.

Авваламбор, бу гап молия-кредит тизимига таллуқлидир. Республика бюджети энг асосий, ҳаётий муҳим вазифаларни бажаришни пул билан таъминлаб турди. Биз даромадга қараб буромад қабилида иш тутишни, маблағга яраша яшаш-

ни ўрганиб олдик. Натижада давлат бюджети даромадлари харажатлардан оширилган ҳолда ижро этилаяпти.

Пухта ўйланган бюджет ва пул-кредит сиёсати, халқ хўжалигини тартибга солиш воситаларининг давлат қўлида сақланиб қолиши ташқи салбий жараёнларнинг иқтисодиётга таъсирини камайтириш имконини берди. Иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг дастлабки белгилари пайдо бўлди. (17)

Республикадаги вазиятнинг барқарорлиги, хорижий сармоядорларга имтиёзлар берилганлиги Ўзбекистонга сармоялар келишини кучайтириш имконини берди. Хорижий сармоялар қўйилган корхоналарнинг умумий сони 800 тага етди.

Дунёда ғоят машҳур бўлган Туркия давлати, Хитой, Германиянинг, Жанубий Кореянинг, Америка Қўшма Штатлари ва бошқа давлатларнинг кўзга кўринган фирмалари билан қўшма корхоналар барпо этилмоқда. Бу шундан далолат берадики, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини жиддий равишда оширмай туриб, юқори сифатли маҳсулотлар олиш, айниқса, жаҳон бозорига чиқиш мумкин эмас.

Германия, Туркия, Корея Республикаси, Индонезия, Малайзия, Ҳиндистон билан инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида битимлар тузилди. Ана шу битимлар халқаро инвестиция ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар билан, дунёдаги энг катта банк-

лар ва савдо-саноат доиралари билан алоқалари мустаҳкамланмоқда. Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Швейцария, Германия ва Туркия банклари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилган.

Чет эл инвестицияларини жалб этар эканмиз, биз айни пайтда шуни аниқ биламизки, ички жамғарма манбаларини сафарбар этмай туриб, корхоналарнинг ўзлари фаол инвестиция ишлари билан шуғулланмай туриб, иқтисодиёт структурасини тубдан ўзгартириш вазифасини ҳал қилиш қийин бўлади.

Бутун инвестиция сиёсатида асосий эътибор корхоналарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта қуриш ва техника билан қайта қурулантириш учун маблағ қидириб топишга рағбатлантиришга қаратилмоғи лозим.

Капитал сарфларни маблағ билан таъминлаш манбаларининг структураси ўзгармоқда. Марказлаштирилган тартибда бериладиган капитал сарфлар улуши анча қисқарди. Бугунги кунда капитал сарфларнинг қарийб тўртдан уч қисми корхоналарнинг ўз маблағларидир. Ваҳоланки, 1990 йилда улар 40 фоиздан камроқни ташкил этган эди. (23—24)

2. ЯҚУНЛОВЧИ НУТҚ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

XIII сессиясида сузланган нутқ.

1993 йил 3 сентябрь

Авваламбор, ҳаммамизни ташвишга солаётган пул ва валюта масаласи. Бу масала атрофидаги гап-сўзлар, тортишувлар ҳақида ахборот берма-

сам, ҳар хил миш-мишлар тарқалиши мумкин. Бу масалада биз доимо бирга кенгашиб, очиқ сиёсат олиб борганмиз. Ҳайдаманки, бундан кейин ҳам шундай йўл тутамиз.

Ҳозир вазият қандай? Ҳўган сессияда бу масалани қараб чиққан вақтимизда шундай қарорга келдикки, ҳар бир мустақил давлат, аввало, ўз валютасига эга бўлиши керак. Ҳар бир давлат пул, банк, молия сиёсатини ўз қўлига олмаса, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлолмайди. Бу ҳаммамизга аён. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, мустақилликка эришган ҳар бир давлат ҳам шундай йўл тутган. Бугунги вазият, иқтисодий аҳволимиз, хўжалик алоқаларимиз янги-янги чоралар кўришни тақозо этмоқда. Айтмоқчиманки, Иттифоқ даврида Ўзбекистон асосан хом ашё етказиб беришга мослашган ўлка бўлиб, иқтисодиёти ҳар жиҳатдан Марказга ипсиз боғланган эди. Иқтисоди заиф давлат эмас, бир мустамлака бўлган эди. Ҳозир мустақиллигимизга бор-йўғи икки йил бўлди. Бу қисқа давр ичида мустамлака асоратларига барҳам бериб бўлмайди. Бунга анча вақт керак. Мен аввал айтган эдим: биз учун жуда нозик бўлган, бизни ипсиз боғлаб қўйган масалаларни ҳал этиш учун яна бир-икки йил вақт керак. Ана шу масалаларни ҳал этганимиздан кейин ўз валютамизга ўтиш имкони пайдо бўлади, деган эдик. Кеча ўз маърузамда нефть маҳсулотлари масаласини, базавий, яъни иқтисодимизга асос соладиган тармоқларни ривожлантириш масаласини ҳал этмай иқтисодий жиҳатдан мустақилликка эришиб бўлмайди, деб масалани кўндаланг қўйганимнинг сабаби бор.

Мана, бир ўйлаб кўринглар. Ҳозир Ўзбекистон пахтасининг тахминан 600 минг тоннасини Россияга беришга мажбурмиз. Россия тарафдорлари ҳам шу ерда ўтиришибди, буни улар ҳам эшитиб қўйса ёмон бўлмайди. Умуман, кўпчилик ҳам эшитиб қўйсин. Биз бу пахта толасини нефть маҳсулотларига алмашишга мажбурмиз. Бу фақат битта мисол. Агар биз тола бермасак, Россия ҳам нефть маҳсулотлари бермайди. Ҳозир пулга нефть сотмаяпти. Украинадаги, Беларусдаги аҳволни кўряпсизлар. Шундай экан, бизга нефть маҳсулотлари бериши қандайдир ҳомийлик эмас, кўмак эмас, балки бугунги бир ғалати иқтисодий алоқалар натижасидир. Бундай алоқа «клиринг» дейилади, яъни пахта толасини халқаро нархларда баҳолаб, шунга яраша нефть маҳсулотлари берилмоқда.

Бир фараз қилайлик: эртага бизга нефть маҳсулотлари келмай қолди. Украина ёки Беларуснинг аҳволига тушиб қоламиз. Саноат корхоналаримиз тақа-тақ тўхтайдди. Шундай ҳолга тушмаслик учун бизга озгина вақт керак.

...Идоралар Кўкдумалоқ каби нефть фаввораларини тезроқ ўзлаштириб олса, айти муддао бўлар эди. Ўшанда иқтисодий жиҳатдан бутунлай мустақил бўлиш, халқимизни бемалол боқиш имкониятига эга бўламиз. Ишонаманки, иншоолло, бу кунлар ҳадемай келади. Шунда мана шу залда яна учрашамиз, ўшанда мен бемалол кўзингизга қарай оладиган бўламан. Бу йўлда бизга Аллоҳ таоло мадад берсин. Шу кунларга етганимизда дадил айтамыз: «Биз энг оғир қийинчи-

ликларни енгиб ўтдик, биз чинакам мустақил бўлдик».

Мана шу мақсадларга эришиш учун қўшниларимиз билан ҳам «Отанг яхши, онанг яхши» деб муомалада бўлишимиз керак. Ҳеч ким билан алоқаларни узмай, ўз мамлакатимизда барқарорликни сақлайдиган сиёсат юритиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

...Дунё бозорига чиқиш биз учун жуда муҳим масаладир. Биз маҳсулотларимизни жаҳон бозорида сотсак, қатъий валютага эга бўламиз. Ана шунда иқтисодимизга нима керак бўлса, ҳеч кимга ялинмай, ҳеч кимга тиз чўкмай, жаҳон бозоридан сотиб олаверамиз. Ривожланган давлатлар амал қилаётган тартибга риоя этган ҳолда иш юритаверамиз. Бунинг учун темир йўл, автомобиль йўли, ҳаво йўли каби коммуникацияларимизни жойига қўйиб олишимиз керак. Хитой орқали Шарққа, Эрон ва Туркия орқали Ғарбга, Форс кўрфазига чиқиш ҳаракатини қилмоқдамиз. Биз Ҳинд океанига ҳам чиқишимиз зарур. Булар қуруқ гап эмас. Бунинг учун имкониятимиз бор. Олдимизда бир эмас, тўрт дарвоза очилмоқда. Шунда савдо-сотиқни, импорт ва экспортни ривожлантириш, демакки, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш имкониятига эга бўламиз. Бу реал имконият. Мен Президент сифатида эмас, сохта обрў-эътибор топиш мақсадида эмас, иқтисодчи сифатида айтаяпман. Бу даврлар албатта келади.

Бир фараз қилинг: агар эртага нефть маҳсулотлари билан ўзимизни ўзимиз таъминлай оладиган

бўлсак, 600 минг тонна пахта толаси ёнга қолади. Агар бу пахтани жаҳон бозорида сотсак, қанча валютага эга бўламиз? Буни ҳисоблаш учун ҳўжалик раҳбари ёки иқтисодчи бўлиш шарт эмас. Оддий фуқаро ҳам бунинг ҳисобини қила олади. Мен биргина пахта толасини мисол келтирдим. Ундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Насиб қилса, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари чегарасидаги Қоровулбозор нефть маҳсулотларини қайта ишлаш заводини қуриб олсак, биз ўзимизни ўзимиз таъминлашдан ташқари, нефть маҳсулотларини Афғонистон орқали Покистон ва бошқа давлатларга ҳам сотишимиз мумкин. Қаранг-а, агар биз битта муаммони ҳал этсак, қанча яхши натижаларга эга бўламиз. Ана шунда қаддимизни ростлаб, белимизни бақувват қилиб, бошқалар билан бемалол гаплашишимиз мумкин. Шунинг учун мавжуд қийинчиликларни ҳал этиш йўлида ҳаракат қилиш ўрнига сунъий равишда яна муаммолар келтириб чиқариш биз учун асло керак эмас.

Янги валютага ўтиш ҳисоб-китоб ишларини мутлақо ўзгартириб юборади. Фараз қилинг: ҳозир биз шериклар билан ҳисоб-китобларни қандай қилаёпмиз-у, ўз валютамызни жорий этгандан кейин қандай қиламиз?! Дейлик, бир одам Москвага, Россияга ёки бошқа бир қўшни мамлакатга бормоқчи. Шунда ўзимизнинг «сўм»ни рублга ёки бошқа пул бирлигига алмаштириш учун қанчалик қийинчиликлар вужудга келади. Хўш, ҳозиргилари етмагандек, яна бундай қийинчиликларни сунъий равишда келтириб чиқаришнинг ҳожа-

ти бормикин? Эртага ўз валютамизни қабул қил-
сак, рублга нисбатан унинг курси қандай бўла-
ди? Долларга нисбатан-чи?

Мана, яқин кўшнимиз Туркманистонда халққа
кўп ваъдалар бермоқдалар. Кўшнинг тинч бўлса —
сен тинч, дейди халқимиз. Туркманистон билан
ҳам муомалани бузмаслигимиз керак. Лекин, мени
кечирасизлар, уларнинг хом нияти шундайки,
эртага бир манат бир долларга тенг бўлармиш.
Буни ҳаёт кўрсатади. Ҳеч ким бир фармон, бир
ҳужжат билан ўз пулининг қадрини ошира ол-
майди. Бундай тажриба дунё тарихида йўқ.

Мана, Қирғизистоннинг «сом»ини олиб кўрай-
лик. Бир «сом» кечагина 200 рублга тенг эди.
Ҳозир унинг қадри тушиб кетди. Сентябрь ойида
Халқаро валюта фонди Қирғизистонга кўмак бе-
риши керак. Шу ёрдам туфайли «сом»нинг харид
қувватини сунъий равишда сақлаб қолишга ҳара-
кат қилишмоқда.

Ўзбекларда ота-бобомиздан қолган бир нақл
бор: «Киришдан олдин, чиқишни ўйла». Шунинг
учун ҳам, қарз олишдан олдин уни тўлашни ўйла-
шимиз даркор. Биз бировдан кредит олишдан ав-
вал уни қайтариш ҳақида ўйламоқдамиз. Шунинг
учун ҳозир биз ҳеч кимдан қарздор эмасмиз.

Ҳар хил миш-мишлар тарқалмаслиги учун шу
минбардан туриб айтишим керакки, ҳозир жа-
ҳондаги учта йирик банкда, хусусан, Германия
ва Швейцария банкларида каттагина жамғарма
сифатида маблағимиз бор. Бу маблағ йилига 5
фоиз фойда келтирмоқда. Насиб қилса, 6 фоиз
бўлиши ҳам мумкин. Бошқача қилиб айтганда,

бу маблағ йилига 18—20 миллион доллар фойда келтиради.

Хазинада олтинни бекор сақлаб туриш мутлақо нотўғри сиёсат экан. Бу олтин ҳам ишлаб туриши керак. Хазинамиз катта, деб гердайиб ўтириш мутлақо нотўғри. Ҳозирги замонда бу номақбул иш. Ҳар қандай пул эртага ўзига қўшимча пул олиб келиши керак. Биз шу сиёсатни секин-аста ўзлаштириб оляпмиз. Катта-катта банкларда олтинимизни валютага алмаштириб, қўшимча маблағ топаяпмиз. Мен яна такрор айтаманки, биз ҳеч кимдан қарздор эмасмиз. Биронта муддати ўтказиб юборилган ёки қайтарилмаган қарзимиз йўқ. Шунинг учун биз бошимизни бемалол, адл кўтариб қарашимиз мумкин. Мустақил сиёсат олиб боришимиз мумкин. Ҳеч кимнинг олдида Худо бизларни муҳтож қилмасин.

Шундай экан, бу сиёсатни олиб боришда бизлар ота-боболардан қолган нақлга амал қилиб, етти ўлчаб бир кесишимиз керак. Бу гапларни нима учун айтаяпман? Россиянинг сиёсати ҳозир шунга олиб келаяптики, уларнинг 93-йилги рубль намунасини бизларга бериш ҳикоясини (ҳикояга айланиб кетяпти ўзи, эртага масалга айланиб кетади) мен айтиб беришим керак. 26 июлда Россия ҳукумати бизни чақириб, биргаллашиб рубль ҳудудида, яъни рубль теграсида бўламиз, деб хабар қилди. Бизлар — Қозоғистон, Ўзбекистон, Россия раҳбарлари яқинда Москвада учрашиб, шу рубль ҳудудини сақлаймиз, Ўзбекистон ҳам 1993 йилги янги рубль намунасини олади,

Россия банки бизларни керакли даражада шундай пул билан таъминлайди, деган қарорга келдик. Шу тасдиқланган қарорда шундай топшириқ берилганки, Россия ҳукумати икки ҳафта ичида бу масала бўйича ўзининг охириги саволларини, айтайлик, синовларини маълум қилиши лозим. Бизларни синаб, олдимизга қандайдир талаб ва масалаларни қўйиб, уларни ечиш учун муддат қўйилган. Ҳали қўшимча саволлар ҳам жуда кўп бўлиши мумкин.

Яқинда Россия вакиллари томонидан катта-катта масалалар кўтарилди, муҳокамалар бўлди, ҳамма берган саволларига жавобини ҳам бердик. Бизнинг вакилларимиз бир ойдан бери Москвада шу муаммоларни ҳал этиш ташвишида.

Энди, азиз дўстлар, сизларга очигини айтсам, Россиядаги айрим сиёсатдонлар ҳозирги вазиятдан четдан туриб фойдаланмоқчи. Бизларга қўшимча шартлар қўйиб, 93-йилги рубль намунаси беришни катта-катта талаблар билан боғлаб қўймоқчи бўляпти. Мен шахсан шунга ҳам розиман. Шу масалалар бўйича ҳамма талабларга розиман. Лекин юрагингизда нима бор, очигини бизларга айтинглар, қачонгача бизларни қийнайсизлар, деб Россия раҳбарларига шу саволни бермоқчиман. Яқинда Қозоғистонда бўлганимизда дўстимиз, менинг шахсан яқин дўстим Назарбоев билан учрашганимизда шу масалалар атрофида бафуржа гаплашиб олдик. Бу масалада у ҳам жуда қийналаяпти. Қозоқ биродарларимиз ҳам жуда қийналишяпти. Энди, давр зўравонники десак, зўравон дегани ҳукм қўлида бўлгани учун албат-

та ўз талабини, ўзининг зўрлигини ўтказишга ҳаракат қилади. Бу — очик гап.

Шу сессияда айтилган гапларни ҳаммамиз тўғри англашимиз керак. Ким ҳозир зуғум қилмоқчи-ю, ким бизларга шарт қўймоқчи, ким бизнинг вақтинчалик қийинчилигимиздан фойдаланмоқчи — буни ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатяпти. Лекин бизлар чидамли бўлишимиз керак, охиригача ўз мақсадимизга эришиш учун қизишмасдан, чегарадан чиқмасдан, ҳар томонлама сиёсат олиб боришимиз керак. Биз Ўзбекистонда барқарор сиёсат олиб боришда нималарга асосланамиз? Авваламбор, миллатлараро бир-биримизга ҳурмат, иноқлик шу барқарорликни сақлаяпти. Бу — биз учун энг улкан бойлик. Тошкентнинг марказидаги катта бир кўчада: «Ҳозирги ҳаётимизда энг катта бойлик — барқарорлик», — деб ёзилган. Мен шунга юз фоиз қўшиламан. Барқарорлик учун ҳамма кучимизни, керак бўлса, жонимизни ҳам беришга тайёرمىз! Шундай экан, нима учун барқарорликни бузишимиз керак? Халқлар орасида бўлган тотувлик, аҳиллик нима учун бузилиши керак? Шу масалада мен Россия раҳбарларига очикчасига айтдим: билиб қўйинглар, биз ўз валютамызга ўтсак, шу қадамдан кейин иккинчи қадам, учинчи қадам қўйишга мажбур бўламиз. Умуман айтганда, бу нарса Россиядан узоқлашишга олиб келади. Шу ерда ўтирган одамларнинг ҳаммаси, қайси миллатдан бўлмасин, шунини аниқ тасаввур қилиши керакки, у ҳолда эртага нима бўлади, эртага қандай аҳволда қоламиз?

Ҳаётнинг жуда қаттиқ қонунлари бор. Ҳаёт шундай нарсаки, хоҳлаймизми-хоҳламаймизми, узоқлашиш бошланади ва шундан кейин эртага, айтайлик, бир-биримизга бугунги иноқлик, бугунги аҳиллик билан муносабатда бўла оламизми? Шундоқ ҳам ҳозир ўзаро ҳисоб-китоб жуда оғир бўлаяпти. Бу ерда ўтирган кўпгина хўжалик раҳбарлари яхши билади, нима ҳисобидан баъзи бир корхоналар — трактор заводи, авиация ва бошқа бирлашмаларимиз ишида сунъий қийинчиликлар пайдо бўлаяпти? Ҳисоб-китоб жиҳатидан бўлаяпти. Бу масалалар бугун ечилмас экан, эртага уларга кўшимча яна қийинчиликлар пайдо бўлади. Шунинг учун сизларга айтадиган асосий фикрим шуки, сизларнинг ваколатингизни олиб, шу масала бўйича, яъни 93-йилнинг рубль намунасини олишга охиригача ҳаракат қилсак. Агар бу ҳаракатимиз эртага натижага эришмаса, шу масалада уларнинг сиёсатчилари, «ўйинчилари» бизлар кўйган очиқ фикрларни ижобий қабул қилмаса, бирга бўлайлик, бирга ҳаракат қилайлик, деган мақсад уларнинг юрагига кирмаса, ўн йилдан кейин, ўн беш йилдан кейин нима ишлар бўлади, бизлар қай аҳволда қоламиз — буни ҳозирдан ўйлаш лозим.

Биз ёлғиз қолмаймиз, албатта. Шунини тушунмайдиган одамлар агар эртага устунлик қилса, эртага ўзининг зўравонлигини, ҳукмронлигини ўтказмоқчи бўлса, мен сизлардан битта ваколатни сўрамоқчиман: менга рухсат беринглар, ҳукуматга рухсат беринглар, ўзимизнинг чора-тадбирларимизни қабул қилайлик! Агар шундай ваколат

берсангизлар, вазиятга қараб биз шу сессиянинг қароридан ва сизларнинг фикрларингиздан фойдаланиб, бошқа имкон қолмаса, ўзимизнинг валютамизга ўтишга ҳаракат қилайлик.

Албатта, янги валютага ўтиш ҳар қайси оилани, ҳар қайси фуқарони, ҳар қайси минтақани катта ташвишга солади. Катта-катта қийинчиликлар олиб келади. Бизлар шунга ҳам, ҳар эҳтимолга қарши, тайёргарлигимизни кўряпмиз. Яна такрорлаб айтаман: шундай қадам қўйишга мажбур бўлсак, эртага шу қийинчиликларни енгишга ҳаракат қилишимиз керак. Ўзимизнинг йўлимизни, сиёсатимизни аниқ белгилаб, шу ҳаракатни охиригача етказишга ҳаракат қиламиз. Мана, 24 сентябрда Москвада яна учрашув бўлади. Агар шу ерда келиша олмасак, у тақдирда, ўз сиёсатимизни охиригача олиб боришга ҳаракат қиламиз.

Янги валютага ўтган давлатларнинг мисолида кўряпмизки (мана, Қирғизистон, Беларусь, мана, Украина, «карбованец»га ўтган), қийинчиликлар албатта бор. Шунинг учун биз Қозоғистон билан келишиб олган ҳолда, агар валютага ўтсак, икковимиз — икки давлат бирга ўтади, деган битимга келдик. (29-35)

3. ХАЛҚАРО БАНҚЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛИШИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

1993 йил 6 сентябрь

Республикамиз давлат ва миллий мустақиллигини қўлга киритганининг икки йиллигини нишонлаётган шу кунларда сизларни ўзбеклар

диёрида самимий қутлайман. Мамлакатимиз ва унинг молия ташкилотларининг халқаро молия-кредит муносабатлари тизимига қўшилишига бағишланган бу муҳим конференцияда иштирок этиш таклифини қабул қилганингиз учун барчангизга миннатдорлигимни билдираман.

Мустақил давлат қуриш йўлида ўтган икки йил биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга:

— мамлакатимиз ҳамда хориждаги қатор социолог ва сиёсатчиларнинг башоратларига зид ўлароқ, биз жамиятда сиёсий барқарорлик ва ижтимоий тотувликни мустаҳкамлаш, кишиларнинг тафаккурини янги қадриятлар сари йўналтириш учун барча ишни қилдик;

— республикада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳаётийлиги таъминланди, эркин бозор муносабатлари принципларига асосланган демократик жамият қуришнинг мустаҳкам асоси яратилди;

— шу қисқа вақт ичида Ўзбекистон жаҳон ҳам-жамиятининг сиёсий эътирофини қозонибгина қолмади. Жаҳоннинг ишбилармон, хусусан, молиявий доиралари ҳам Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қарайдиган бўлиб қолди.

Ўзбекистон собиқ СССР маркази тазйиқидан қутулиб, жадал одимлар билан олдинга қараб бораётган, аммо ҳали халқаро капитал ўзлаштириб улгурмаган бозордир. Республика ноёб табиий бойликларга, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, ақлий ва маънавий салоҳиятга эга. Тарихнинг ўзи Ўзбекистонга Евроосиёнинг Фарбни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан

боғлайдиган асосий йўллари чорраҳасидан жой тайин қилган. Республикамиз товарлар, капитал ва хизмат кўрсатишнинг халқаро йўлида ўзига хос марказ бўлиши учун барча имкониятлар мавжуд. (39—40)

Ҳар қандай иқтисодий тизимни, хусусан Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар мавжуд бўлган тизимни чуқур ислоҳ қилиш, энг аввало, ички бойлик ва имкониятлар ҳамда ташқаридан сармояни жалб қилиш ҳисобига жуда катта куч сарф қилишни талаб этади. Шунинг учун ҳам биз ички имкониятларимизни сафарбар қилиш билан бир қаторда хорижий сармояларни жалб этишга ҳам аҳамият беряпмиз.

Ўзбекистонда бунинг учун чинакам ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратилган. Уларнинг асосийларигагина эътиборингизни қаратмоқчиман:

— жумладан, валюта бойликларининг бир қисмини чет эл банкларида сақлаш ҳисобига миллий суғурта жамғармаси шаклланыпти;

— хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарни барпо этиш, рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятига анча эркин тус берилди. Ўз маҳсулотини рухсатномасиз экспорт қилиш ҳуқуқи берилган бундай корхоналар сони бугунги кунда 800 га етиб қолган;

— кўшма корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, технологияни янгилашга ва ижтимоий дастурларни амалга оширишга сарфланадиган маълум қисми солиқдан озод қилинган;

— четдан келтириладиган барча товарларга солиқ бекор қилинган, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ҳамда уларни ишлаб чиқарадиган жиҳозлар ва хом ашёни четдан келтириш божхона тўловидан озод қилинган.

Табиийки, иқтисодий тараққиётни тезлаштиришда банклар ва бошқа молия ташкилотларининг аҳамияти жуда катта. Банкларсиз саноат бўлмаслигини, банкларсиз экспорт бўлмаслигини, банкларсиз сармоялар бўлмаслигини биз жуда яхши биламиз. **Банк соҳалари ва уларнинг тараққиёти Ўзбекистон ҳукуматининг диққат марказида турибди.** Бу тараққиёт доирасида биз хорижий банклар ва молия ташкилотлари билан ҳамкорликни маъқуллаймиз ва рағбатлантираемиз.

Шу муносабат билан мен эътиборингизни қуйидаги йўналишлар бўйича мустаҳкам ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишга қаратмоқчи эдим.

Биринчиси — кон-металлургия саноати. Ўзбекистон олтин ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда олтинчи ўринни эгаллаши барчангизга маълум. Аниқланган захиралар ва мамлакатнинг иқтисодий имконияти рангли металлар қазиб олишни икки барабар кўпайтиришимизга имкон беради.

Биз ҳозирнинг ўзида «Ньюмонт Майнинг» корпорацияси билан ҳамкорликда ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида олтин қазиб чиқариш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш тажрибасига эгамиз.

Бу лойиҳада Англиянинг «Барклай» ва «Родгшильд», Швейцариянинг «Креди свисс», «Юбс», «Свисс банк корпорейшн» ва АҚШнинг «Кеми-

кал» ва «Чейз Манхеттен», Германиянинг «Дрезднер банк», «Байерише ферайн», Франциянинг «Креди Лионе», «Париба», Австриянинг «Жирокредит» ва «Банк Аустрия» сингари нуфузли банклари ҳам иштирок этаётгани қувончлидир.

Мен лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишига, иштирокчиларга қутилганча наф келтиришига, ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш учун замин яратишига ишонаман.

Рангли, қимматбаҳо ва нодир металларни қазиб чиқариш ва қайта ишлашни кўпайтириш соҳасидаги лойиҳалар ҳам истиқболлидир. Бу лойиҳалар юқори рентабелли бўлиб, тижорат жиҳатидан жуда жозибалидир.

Ўзбекистондаги нефть ва газ конларини ўрғаниш ва ўзлаштириш стратегия жиҳатидан муҳим йўналишдир. Ҳозирги вақтда республикада 150 та нефть ва газ кони топилди, шундан 92 таси ўрганилмоқда. Газ қазиб чиқариш ҳажми ҳозирнинг ўзидаёқ республика эҳтиёжини тўла таъминлайди ва газни қўшни мамлакатларга экспорт қилиш имконини беради. Ўзбекистон яқин йиллар ичида чет мамлакатлардан нефть маҳсулотлари сотиб олиш заруратидан холи бўлиши, сўнгра эса нефть ҳамда уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳисобига экспорт имкониятларини кўпайтириши лозим.

Ўзингизга маълумки, бу соҳа жуда катта сармоя сарфлашни, катта ҳажмдаги қидирув, лойиҳақидирув ишларини, мураккаб технология ускуналарини сотиб олиш ва ўрнатишни талаб қилади. Айни шу ишда биз учун энг мақбул ечимларни

топишга қодир бўлган тажрибали, ишончли ҳам-корлар керак.

Тўқимачилик саноати сармояларни сарфлаш учун учинчи йўналишдир. Ўзбекистон — жаҳонда кўп пахта етиштирадиган давлатлардан биридир.

Бундан ташқари, ипак, сунъий тола, жун, калава ишлаб чиқарамиз. Тўқимачилик корхоналарини янгилашнинг дастлабки лойиҳалари **Туркия, Швейцария ва Германия фирмаларининг иштирокида амалга оширилмоқда.** Биз тўқимачилик тармоғини ҳар томонлама янгилаш лойиҳасини тайёрлашга доир ишни қўллаб-қувватлаймиз. Бу ишни идораларимиз Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан биргаликда Швейцария ва англиялик маслаҳатчилар иштирокида бажармоқда. Бу улкан лойиҳа тармоқнинг ва умуман мамлакатнинг имкониятларига тўла мос келади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётида транспорт ва коммуникация алоқалари тизими ҳал қилувчи ўрин тутади. Республикада яқин ва олис хориждаги мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни таъминлайдиган кенг тармоқли транспорт тизими барпо этилган.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг денгиз портларига бевосита чиқа оладиган йўли йўқ. Шу сабабли, юкларнинг кўп қисми давлатлараро савдо-иқтисодий алоқалар асосида бошқа мамлакатлар орқали етказиб берилмоқда. Бу эса минтақалараро алоқа йўллари ривожлантиришни устувор йўналишга айлантиради.

Саёҳатни ривожлантириш учун имкониятларимиз жуда катта. Республика ҳудудида 4 мингдан

ортиқ меъморлик ёдгорликлари мавжуд. Уларнинг кўпларини ЮНЕСКО ўз муҳофазасига олган. Бу ерда сайру саёҳат билан боғлиқ ёрдамчи тармоқларни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор.

Ўзбекистон — саноати ривожланган аграр мамлакатдир. Аҳолининг 60 фоизи қишлоқ жойларда яшайди. **Шу сабабли қишлоқ хўжалигини ва деҳқончилик билан боғлиқ саноатни ислоҳ қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда.** Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳалари ва уларнинг маркетинги фоят манфаатли ва фойдалидир.

Бизнинг биринчи навбатда саноатни ривожлантиришга доир катта лойиҳаларни пул билан таъминлаш учун халқаро молия доираларининг мададидан фойдаланишга интилишимиз кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда техникавий, технологик янгилаш зарурати билан боғлиқдир. Бироқ, бу — ташқи савдони пул билан таъминлаш муҳимлигини унутиб қўйиш, деган гап эмас.

Экспортни пул билан таъминлаш соҳасида АҚШдаги «Эксимбанк», Швейцариядаги «Юбс» банки ва бошқа банклар билан амалий ва дўстона муносабатлар ўрнатдик. Ўзбекистонга биринчи бўлиб халқаро қарз берган Туркия экспорт-импорт банкни алоҳида миннатдорлик билан тилга оламан. Ислоҳотларимиз амалга оширилгани сари экспорт-импортни пул билан таъминлаш соҳасида Ўзбекистон билан хорижий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик фаол ривожланишига аминман.

Ўзбекистоннинг банк тизими вужудга келиши ҳақида гапирсак, бу — иқтисодиётнинг энг тез ривожланаётган соҳаси, ислоҳотлар яққол сезилаётган соҳа эканлигини айтиш керак. Биз бошқа банкларни пул билан таъминлаб турадиган давлат банкини, яъни Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкини ташкил этдик. Миллий ташқи иқтисодий фаолият банки эса мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ ташкил этилган эди. Ҳозир мамлакатда ўттизга яқин тижорат банклари ишлаб турибди, деҳқончилик банки, саноат-қурилиш банки ва жамғарма банки шу банкларнинг энг катталаридир.

Бу йил «Тадбиркор» банки ишлай бошлади. У кичик ва ўрта бизнесга доир лойиҳаларни пул билан таъминлашга ихтисослашган бўлиб, шаҳарларда ва қишлоқ жойларида бўлинмалари мавжуд.

Ўзбекистоннинг молияга доир ёрдамчи тармоқларини, мамлакатнинг банк тизимини такомиллаштириш биз учун биринчи навбатдаги вазифадир. Бу соҳада ҳамкорлик қилишимиз учун жуда катта имкониятлар вужудга келмоқда. Мен Европа ҳамжамиятлари комиссиясининг, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва Туркия банклар уюшмасининг бугун Тошкентда очилаётган банк мактабини барпо этишга қўшган ҳиссасини жуда қадрлайман. Бу бутун Марказий Осиё учун катта аҳамиятга молик воқеадир.

Дастлабки қадамлар ҳамиша қийин ва унутилмас бўлади. Шу сабабли биз Швейцариядаги «Юбс» ва «Креди свисс» банкларининг олижаноб ташаб-

бусини алоҳида миннатдорлик билан эслаймиз. Бу банклар Ўзбекистон тижорати учун биринчилардан бўлиб қарз йўлини очиб беришди.

Биз АҚШдаги «Эксимбанк» билан ҳамкорлигимиз бошланганидан мамнунмиз. Бу банк бизга жуда муҳим бўлган Америка бозорини очиб берди. Биз Франция, Швейцария ҳамда Италиядаги банк тузилмалари билан ҳам ана шундай муносабатлар юксак суръат билан ривожланишига умид боғлаймиз.

Германияга ташрифимдан сўнг икки томонлама савдо-сотиқни ҳамда молия соҳасидаги бошқа алоқаларни «Гермес» давлат суғурта жамияти, «Ақа» тижорат банклари консорциуми, Федерал таъмирлаш маҳкамаси каби ташкилотлар орқали пул билан таъминлашга ишончим кучайди.

Бу ерда нуфузли кишилар тўпланганидан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг ҳозирги замон бозор иқтисодиётида жуда катта ўрин тутган Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки билан ҳамкорлик муносабатлари тўғрисидаги мулоҳозаларимни айтиб ўтмоқчиман.

Валюта жамғармасининг нуфузи деярли йигирма йилдан буён хусусий сармоядорлар учун йўл очиб бераётган жаҳоннинг йирик банкларига ўзига хос омил бўлиб келаётганлигини тушунамиз.

Шу билан бирга, биз қарз берувчи қўяётган шарт ва талаблар амалий тусда бўлиши ҳамда иқтисодий манфаатлар доирасидан четга чиқмаслиги лозимлигини айтиб ўтмоқчимиз. Бизнингча, энг муҳими — бизнинг асосли кафолатлари-

миз, тўлов қобилиятимиз, шунингдек, қарз бераётган банкларнинг улар ажратаётган маблағ одамлар бахт-саодати учун хизмат қилишига ишончидир...

Мазкур халқаро банк анжумани гоят долзарблиги туфайли бизга тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилишимиз учун зарур бўлган ижобий мулоқотлар ўтказишга, алоқалар ўрнатишга имконият беради.

Мавжуд муаммоларни муҳокама этиш ҳамда уларни биргалашиб ҳал қилиш йўлларини излаш учун шу ноёб имкониятдан фойдаланилишига ишонаман. (41—46)

4. БАТАН, ЭЛ МАНФААТИ — МУҚАДДАСДИР

*Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши сессиясида
сўзланган нутқ. 1993 йил 9 октябрь*

Бюджет маблағларининг ўта танқислиги ша-роитида вилоятда зарур бўлмаган харажатларни камайтириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмаган. Бунинг устига бюджетда кўзда тутилмаган тадбирлар учун кўплаб маблағлар ажратилган.

Айрим ташкилотларнинг раҳбар ходимлари айби билан бюджет ҳисобидан товон пулларини олишда кўплаб қўшиб ёзиш ҳоллари рўй бермоқда.

Ташкилот, муассаса ва корхоналарда давлат маблағларидан фойдаланишда кўпол молиявий хатоларга, кўплаб талон-торож қилишлар, ғайриқонуний сарф-харажатлар, асоссиз тўловларга йўл қўйилган. (65)

5. ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК — ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
1993 йил 5 ноябрдаги мажлисидаги нутқ*

Республика аҳолисини тўлқинлантираётган муаммо — пул, миллий валюта масаласи. Бизнинг олдимизда учта йўл турарди. Шулардан биринчиси — Россиянинг 1993 йилги янги пулдан фойдаланиш эди. Биз охирги сессияда ҳам бу масалани халқ депутатлари билан муҳокама қилган эдик. Маълумки, 7—9 ойдан бери «рубль минтақаси»да қолишда ҳаракат қилиб келдик.

Аввало, нима учун биз мустақил давлат бўла туриб, миллий валютага ўтмасдан «рубль минтақаси»да қолишга интилдик, деган савол туғилади.

Шуни тўғри тушуниш зарурки, сиёсий мустақиллик, бу — ҳали иқтисодий мустақиллик, дегани эмас, унга эришиш учун анча вақт керак. Иқтисодий мустақил бўлиш учун халқ хўжалиги тизимларини бутунлай ўзгартириш лозим бўлади.

Четдан олиб келинадиган озиқ-овқат, дастгоҳлар, хом ашё миқдорини камайтириш тақозо этилади. Биз 60 фоиз хом ашёни Россия ва бошқа давлатлардан келтирамиз. Чет мамлакатлардан келадиган сармояларни ишга солиб, хом ашё етказиб берадиган минтақадан тайёр маҳсулот чиқарадиган мамлакатга айлансаккина иқтисодий мустақилликка эришамиз. Айниқса, ёқилғи масаласида биз Россияга боғланганмиз, дастгоҳлар, ёғоч, темирни ҳам ўша ердан олиб келамиз. Эски тизимнинг сиёсати шундай эдики, Ўзбекис-

тонда бир завод қурилса, бутловчи маҳсулотлар юзлаб жойдан келтирилар эди. Тошкент трактор заводи, авиация заводи бунга мисол бўла олади. Алоқалар узиладиган бўлса, 35—40 минг киши ишсиз қолади. Коммуникация, юк ташиш масаласида ҳам фақат шимол билан боғлайдиган темир йўлимиз бор. Агар вазият ўзгарса, аҳволимиз нима бўлишини кўпчилик тушунади.

Миллий валютани муомалага киритиш илгари айтганимдек, инқилоб билан тенг. Ўзбекистоннинг ўзига хос сиёсатига содиқ қолиб, ҳозирги оғир пайтда халқимиз бошига яна бир қийинчилик тушмасин, дея «рубль минтақаси»да қолишга ҳаракат қилган эдик. Бу Россия раҳбарларига, мутахассисларига ҳам тушунтирилган, битим ва шартномалар имзоланган, Россия Президенти, Бош вазири ва мутахассислар билан келишилган эди. Лекин бу ҳаракатларимиз кутилган натижани бермади.

Мазкур масалада бир неча марта учрашув бўлди. Биз, ахири, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан «Бу масаланинг чекичегараси борми ўзи» деган саволни кўндаланг қўйдик. Кейин улар ҳукумат аъзоларини тўплаб, шу масалани кўриб чиқиб, шартларини айтди. Улар, хабарингиз бор, матбуотда эълон қилинди. **Биринчидан**, улар бизга керакли рублни давлатлараро қарз сифатида бермоқчи. Нақд пул билан ёки пулсиз алоқалар учун 1,5 триллион рубль берилса, демак биз шунга яраша бойлик ёки маҳсулот тўлашимиз керак. **Иккинчидан** эса, пулни олишдан аввал унинг 50 фоизи миқдоридан

ги АҚШ доллари ёки Ўзбекистон олтинини гаров тариқасида Россия марказий банкига қўйишимиз лозим экан. Бундай талабга ким кўнади? Ўзбекистон олтини баъзи бир кимсаларнинг тинчини бузаётгани, уларга уйқу бермаётгани аниқ. Бу бориб турган андишасизлик эмасми? Эртанги кунимизнинг замини ва ризқ-насибамиз бўлмиш олтинимизни нима учун уларга қоғоз пул эвазига берар эканмиз? **Учинчи шарт** шуки, ўзлари бизни шу пайтгача таъминлаган 1961-92 йилги пулларни янги 1993 йил намунасидаги пулга 3 сўмга 1 сўм нисбати билан алмаштириб беришар экан. **Тўртинчидан**, шартноманинг бирон моддаси бажарилмай қолса, биз яна товон тўлашга мажбур эканмиз. Илгари МДХ кенгашида давлатлараро ягона банк бўлишига келишиб олган эдик. Россия раҳбарлари буни ҳам инкор этиб, **бешинчи шартни** қўйишди. Унга кўра, Россия Марказий банки барча масалаларда ҳукмронлик қилар, Ўзбекистон Марказий банки уларга қарам бўлиши, ҳисобот бериши керак эмиш. Бизларни ана шундай ноилож аҳволга туширишга ҳаракат қилинди.

Иккинчи йўл — 1961-92 йилги пул намунасини ҳозирча ишлатиб туриш. Шундай қилишимиз мумкинми? Албатта, йўқ! Чунки Россия ва айрим қўшни давлатлар миллий валютасига ўтиш оқибатида республикамизга кўп миқдорда рубль оқиб кела бошлади. Шундай вазиятда биз пештахталаримиз бўшаб қолишига йўл қўймаслигимиз керак. Четдан келганлар миллион-миллион сўмлик молни қаердан оляпти? Сурхондарёда.

Хоразмда шундай ҳоллар бор. Айрим сотувчилар нима учун виждонини ҳам пуллаб юборяпти? Нимага бу борада жавобгарлик йўқ? Дейлик, четдан одамлар ўз манфаатини кўзлаб келади. Лекин ўзимизнинг одамларга нима бўлган? Буни қандай тушуниш керак?

Бундан чиқадиган хулоса шуки, қандай бўлмасин, учинчи йўл — ўз миллий пулимизга ўтишимиз керак.

Миллий валютамызга ўтишда баъзи бир масалаларни ҳал этмоқ керак. Биринчидан, ҳалол топилган пулни халқимизга тўлиқ алмаштириб беришимиз лозим. Одамларнинг харид имкониятларини ҳисобга олиб, зарар етмайдиган қилиб, нарх-навонинг кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолининг эҳтиёжини тўла қондиришимиз керак. Мавжуд ижтимоий ҳимоя тизими — ночор оилаларга, талабаларга, қарияларимизга бериладиган имтиёзлар сақланиб қолади. Эски пулни алмаштиришда шов-шувсиз, узоқни кўзлаб, зарур ишларни амалга оширишимиз, жорий этилаётган ўз валютамызни мол билан таъминлашимиз даркор. Халқимизга кундалик молларни етказиб беришда узилишга йўл қўйиб бўлмайди. Олиб келинадиган ва олиб кетиладиган моллар нисбатини бизга мақбул тарзда ўзгартириш учун бир-икки йил вақт керак бўлади. Мингбулоқ ва Кўкдумалоқ нефть конларини ишга туширсак, ўзимизни ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлаймиз. Лекин эртага бизга нефть бермай қўйишса, нима қиламиз, ким билан боғланамиз? Мана шу саволларга олдиндан чора кўриб қўйиш

зарур. Кимки шу юртнинг ватанпарвари бўлса, бу ҳақда бош қотириши керак. Ўзбекистоннинг манфаатини ўйлаб, оғир масалаларни ечишда елкадош бўлишимиз даркор. Нефть маҳсулотларини тежаш тўғрисида ҳали бежиз гапирмадим. (88—90)

6. БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган таяннали йиғилишда сузланган нутқ. 1993 йил 7 декабрь

Ҳозирги кунда Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида бир қанча йирик лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалга ошириляпти. Жумладан, куни кеча Буюк Британияга қилган расмий ташрифимиз вақтида Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан битим имзоланди. Ушбу битимга кўра, республикада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва олтин қазиб чиқарувчи «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасининг молиявий таъминоти учун 160 миллион доллардан кўпроқ маблағ ажратиладиган бўлди.

Дунёдаги энг катта Жаҳон банки, «Дойче банк», «Малайан банк», «Креди коммерсаль де Франс» каби бир қанча банклар Тошкентда ўз ваколатхонасини очган. Бугунги кунда республика 70 дан ортиқ хорижий банк билан ўзаро муносабатлар ўрнатган.

Ўзбекистонда истиқболли инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқаришда бутун дунёга маш-

хур бўлган чет эл компания ва фирмалари фаол қатнашмоқда. Уларнинг кўпчилиги ҳозир Ўзбекистонда ваколатхоналарини очиб, қўшма корхоналар барпо этишда иштирок этипти.

Ҳозир республикада 900 дан кўпроқ қўшма корхона жаҳондаги 65 мамлакатдан келган шериклари билан биргаликда фаолият кўрсатаётир. Шунингдек, фақат хорижий сармоя билан барпо этилган 53 та корхона рўйхатга олинган. 1990 йилда республикада фақат 30 та қўшма корхона қайд этилган бўлса, улар шу йилнинг ўзидаёқ 310 тадан ортди.

Қўшма корхоналарнинг ҳар учтасидан бири халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга, ҳар тўрттасидан бири эса хизмат кўрсатишга қаратилган. Бугунги кунда қўшма корхоналар салкам 100 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиши билан республика бозорини бойитишга кўмаклашмоқда. (102)

Молиявий аҳволимиз ҳам барқарорлашмоқда. Республика бюджетининг камомати ялпи миллий маҳсулотнинг 5 фоизидан ошмайди. Бу эса халқаро мезонларга кўра молиявий барқарорликнинг далили бўлиб хизмат қилади.

Собиқ Иттифоқ таркибида бўлган мустақил давлатлар иқтисодининг бугунги ачинарли аҳволи билан таниш одамлар юқорида айтиб ўтилган рақамлар билан таққослаб, тегишли хулоса чиқариши мумкин.

Бир нарсани очиқ айтишимиз керак, албатта, бизларнинг иқтисодимизда, одамларни ижтимоий ҳимоя қилишда, олаётган даромадида, ҳаёт

даражасида бошқаларга нисбатан анча фарқ бор. Бизларни яхши кўришадими, ёмон кўришадими, кўролмайдими — ҳаммаси мана шу масалага тақалапти. Лекин, одамлар сўраяпти: ҳозирги қийинчиликлар қачонгача давом этади, деб. Шу нуқтаи назардан мен бир нарсани мана шу залда ўтирганларга очиқ айтишим мумкин, 1992 йил оғир келди. 1993 йил ҳам энгил бўлмади. Энди ҳаммамиз 1994 йил арафасида турибмиз. Агар бизлар 1994 йилда ўз валютамизга ўтиб, пул масаласини ҳал қилсак, билиб қўйинглари, 1994 йилда 1993 йилга нисбатан анча энгил бўлади. 1994 йил Ўзбекистон ўзининг ҳақиқий ўсиш сурьатларига кўтарилади, деб мен ишонаман...

Ҳозир олдимизда навбатдаги катта синов турибди. Давлат мустақиллигини ифодаловчи асосий шартлардан бири — ўз миллий пулимизни жорий этишдир. Биз халқимизга ҳам, халқаро ҳам-жамиятга ҳам илгари бу масаладаги муносабатимизни бир неча бор айтганмиз.

Дастлабки қадамларни қўйдик: ўзимизнинг «сўм-купон»ларимизга ўтдик. Бу тўғрисида алоҳида айтишимиз керак. Эътибор беринглари: 1 сўмлик, 3 сўмлик, 5 сўмликларга 1992 йил деб ёзилган. Савол тушяптики, нима учун бу пуллар энди, 1993 йилда пайдо бўляпти. 1992 йилнинг бошида «катта оға»мизнинг шунақа ўйинларига тайёр бўлиб, бу тадбирларни кўрган эдик. Бизларга яна бир-икки йил керак эди. Бу ҳақда катта мажлисларда, кенгашларда, халқ ноиблари олдида айтган эдим.

Ўзимизнинг «сўм-купон»имизни Россия руб-
лига тенглаштириб олдик. Нима учун? Бунинг
тагида катта маъно бор. Халқимизни аяш, асраш,
авайлаш учун шундай йўл тутдик. Кучини йўқот-
ган, қоғозга айланиб қолган эски пулни бундай
муомаладан чиқариб, ўзимизнинг «сўм-купон»-
имизга ўтиб, аҳолини ҳимоялаб, иқтисодиёти-
мизни ҳимоялаб, чегарамизни ҳимоялаб, шун-
дан кейингина бамаслаҳат пул-валюта ислоҳоти-
га ўтишга замин туғдирдик. Буни кўпчилик,
халқимиз тўғри тушунапти. Минг раҳмат халқи-
мизга!

Бу қадамимиз — биринчи қадам, энди орқага
қайтиш йўқ. «Сўм-купон»ни чиқардикми, энди
албатта ўз валютамизга ўтишимиз керак. Ҳали
кўрасиз, қандай чиройли ўз миллий пулимизга
эга бўламиз.

Сўмимиз нуфузли, тан олинган валютага ай-
ланиши учун ҳаммамиз тер тўкиб меҳнат қили-
шимиз керак бўлади. Бу — сир эмас.

Иқтисодий ислоҳотнинг бошқа йўналишлари
бўйича биз муайян тажриба орттирган бўлсак ҳам,
пул муомаласини йўлга қўйиш — энг мураккаб
муаммодир. Бугун масалани кўндаланг қўймоқ
керак: сўмимизни мустаҳкамлай олсак, умуман
иқтисодий ислоҳотларимиз муваффақиятини таъ-
минлаган бўламиз, ҳақиқий иқтисодий мустақил-
ликка эришамиз. Бу жараён нафақат давлатимиз-
ни, балки республикада яшаётган ҳар бир фуқа-
рони синовдан ўтказди. Бунга тайёр туришга
даъват этаман. (106—108)

7. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗ АСОСИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
кенгашидаги нутқ. 1993 йил 22 декабрь*

Халқаро иқтисодий алоқаларимиз янада мустақамланди. Жаҳондаги йирик банклар, хорижининг таниқли олимлари ва мутахассислари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди, молия ва банк фаолиятини жаҳон талаблари даражасига олиб чиқиш борасида кўп ишлар қилинди. (123)

Яна бир масала. Мавжуд имкониятдан тўлиқ фойдаланмаяпмиз. Хорижий шериклар билан фаол мулоқот ўрнатиш, чет эл сармоясини, илғор технологияни мумкин қадар кўпроқ жалб этиш зарурлиги тўғрисида мунтазам гапиряпмиз. Чунки бу янги иш жойи, тайёр маҳсулот демакдир. Бу жаҳон бозорига чиқиш ва пировард натижада республикамиз, халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир. Биз биргаликда ҳамкорлик қилишга чет элликларни қизиқтира олиш маҳоратини эгаллашимиз, уларнинг сармоясини келтиришимиз зарур. Чет эл сармоялари билан алоқа ўрнатмаган хўжаликнинг келажаги йўқ.. (124)

8. ВАТАНИМИЗНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ОБРЎЙИНИ ЯНАДА ОШИРАЙЛИК

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XIV сессиясида
сузланган нутқ. 1993 йил 28 декабрь*

Очигини айтадиган бўлсак, бизнинг иккита чинакам бойлигимиз ганимларимизга тинчлик бермайди, уларнинг уйқусини бузади.

Биринчиси — Ўзбекистондаги миллатлараро, фуқаролараро ҳамжиҳатлик, жипслик ва тотувлик.

Иккинчиси — Ўзбекистоннинг олтини. Бутун жаҳонга машҳур бўлаётган, халқаро бозорда обрў қозонаётган юксак сифатли тилломиз. Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, ҳар бир яхши ниятли инсон буларни билиб, тўғри баҳо бериб, ана шу бизга куч-қудрат бағишлаётган бойликларимизни асраб-авайлаб, абадий сақлаш учун барча кучини, бутун борлигини бағишлаши ҳам қарз, ҳам фарздир. (131)

Марказий Осиё минтақасидаги қўшнилари билан, авваламбор, иқтисодий алоқаларни яхшилаш, соддароқ айтганда, пировард оқибатда бозорларимизни бирлаштириб юбориш, ўртадаги сунъий тўсиқларга барҳам бериш керак.

Бу улуғ ва олижаноб мақсадга етиш учун, узоқ келажагимизни кўзлаб, қўшни давлатлар билан даставвал шу масаланинг қонунга доир, ҳуқуқий асосларини яқинлаштириш, керак бўлса, уларни бирлаштириб юбориш зарур. Шундан кейин амалий ишларимизда — ҳукуватимиз фаолиятини ўзаро келишиб олиб, нарх-наво, молия, даромад ва буромад, молия ва кредит масалаларида бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз лозим. (132—133)

Ўзимизнинг валютага ўтиш — иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим масаласидир.

Халқимизнинг турмуш даражаси, жамиятнинг, давлатнинг тақдири ва келажаги нафақат молиявий ва иқтисодий барқарорликка, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, валюта ислохоти, унинг куч-қудра-

ти, обрўси, харид имконияти, жаҳоннинг бошқа валюталари билан муносабатига ҳам боғлиқдир.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бирор давлат ўз валютасига ўтаётганда қийинчиликлардан холи бўлгани йўқ.

Илгаридан айтиб юрибмиз: пул зарб этиб, уни муомалага киритиш қийин иш эмас. Энг муҳими — унинг кейинги тақдиридир. Янги пул давлат ва халқнинг собит ҳимоячиси бўла оладими? Фуқаронинг «белини бақувват» қила оладими? Ўзга юртларга борганда тан олинадими ёки пуч қоғозга айланиб қоладими? **Ҳамма гап ана шу саволларга жавоб топишда.**

Бу ҳақда ҳаммамиз жуда пухта ўйлаб кўришимиз керак.

«Сўм-купон»га ўтиш бизга катта синов бўлди. Танланган йўлимиз «юмшоқ» услублар билан халқимизга кўп озор ва зарар етказмасдан, ортиқча ваҳима кўзгамай, кучини йўқотган рублдан халос бўлишдан иборат бўлди.

Миллий валютамызга ўтиш йўлида дастлабки ва энг қийин қадам қўйилди. Эндиликда унинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш, сўм-купоннинг обрўсини ошириш вазифаси турибди. Бунинг учун нималар қилишимиз, қандай чоралар кўришимиз даркор?

Авваламбор — молиявий аҳволимизни барқарорлаштириш, бюджет — давлат хазинасини тартибга солиш, даромадга қараб буромад қилиш, бюджет камомадига йўл қўймаслик, ортиқча, бугун ўта зарур бўлмаган харажатлардан қандай бўлмасин вақтинча воз кечиш.

Бундай талаб давлат миқёсидагина эмас, балки барча тармоқ, бирлашма, ташкилот, корхона, хўжалик, вилоят ва туманга ҳам бирдай тегишлидир.

Иккинчидан, ҳисоб-китобни тартибга келтириб, ички имкониятларни ишга солиш, 1994 хўжалик йилини молиявий томондан пухта режалаштириш, хўжалик-иқтисодий алоқаларни танқидий назар билан баҳолаш, ишлаб чиқариш технологияси ва таъминот соҳасида тўлиқ ишонч уйғотмайдиган ҳолларда эса алоқаларни қайтадан, арзонлаштириш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш лозим. Янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур барча йўлларни ахтариш ва топиш керак.

Киришдан олдин чиқишни ҳам ўйлаш керак, дейдилар. Шунинг назарда тутиб, кредит олишдан аввал уни қайтариш муддатларини ва фойиз ставкаларини ҳисоблаган ҳолда сиёсат юритиш зарур.

Учинчи муҳим масала — молия-кредит сиёсатини танқидий кўриб чиқиш, имтиёзли кредитларни кескин камайтириш, уларни фақатгина халқ таъминотига бевосита боғлиқ тармоқ ва хўжаликларга ажратиш.

Биз қишлоқ хўжалигига кредит беришни давом эттиришимиз керак. Сабаби, бу соҳа асосий соҳа бўлиб, ҳаммамизни боқади. Қишлоқ хўжалигига фойда олиш имкониятини яратиб берсак, бошқа соҳалар ҳам унинг арзонроқ хом ашёсидан фойдаланиши мумкин бўлади. Агар кредит ставкаларини осмонга чиқариб қўйиб, қишлоқ хўжалигини қийнасақ, хом ашёнинг ҳам, озуқа-

нинг ҳам нархи ошади. Оқибатда иқтисодиёти-
миз зарар кўради, халқимиз ҳам мушкул аҳволга
тушиб қолади. Шу жумладан мелиорация соҳа-
сига ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Ер унум-
дорлигини ошириш учун давлат сиёсатида ирри-
гация масаласи катта ўрин тутиши лозим.

Албатта, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа
соҳалардаги аҳволни назардан қочирмаслик ке-
рак.

Умуман айтганда, кредит масаласида кескин
ўзгаришлар ясашимиз даркор, тармоқлар, бир-
лашмалар, корхоналар аввало ўз кучига ишони-
ши керак.

Яна бир масала — тўлов муаммоларини ҳал
этиш. Умуман, тўловлар масаласи қийин кечяпти.
Марказий банк ва бошқа банкларнинг раҳбарла-
ри масъулиятни чуқур ҳис этиши лозим. Нима
учун тўлов Фарғонадан Тошкентга 20 кун ёки
бир ой ичида келиб тушади? Бу ўтакетган тўра-
чилик эмасми? Бир шаҳримиздан бошқасига пул
ўтказиш шунчалик қийинми, ахир? Бунинг за-
мирида қандайдир нопоклик борга ўхшайди. Бу
масалани охиригача ўрганиб, салбий кўриниш-
ларнинг илдизини топишимиз керак. Банк тизи-
мида ишлайдиганларнинг орасида қўли эгрилар
ҳам йўқ эмас. Одамларнинг қўлига, «шапка»сига
қараб турадиганлари бор.

**Янги сўммимизнинг «белини бақувват» қилиш
учун, биринчи навбатда, бозоримизни кенг ис-
теъмол моллари билан тўлдириш, бунинг учун
эса ҳамма имкониятларни ишга солиш керак. Бу
молларни мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариш**

учун, зарур бўлса, икки-уч йилга барча имтиёзларни берайлик, тегишли рағбатлантирувчи қонун ва фармонларни қабул қилайлик. Авваламбор, нарх сиёсати ва солиқлар борасида шундай бир муҳитни вужудга келтириш керакки, истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи, шунча сармояси ва имконияти бор компаниялар, тижоратчи фирмалар ва шахслар юртимизга меҳр қўйиб қолсин. Ҳам ўзининг соф фойдаси ва даромадини топсин, ҳам бозоримизни обод қилсин. Узоқдан ҳам, яқиндан ҳам бизларга керакли мол узлуксиз оқиб келаверсин. Шу мақсадга эришиш учун чет эл валютасига эга бўлган сармоядорларни юртимизга даъват этиш, уларнинг фаолиятини рағбатлантириш, қўшма корхона, тижорат дўконлари очиш зарур. Бозоримизда бундай дўконлар қанча кўп бўлса, ҳаётимиз ҳам шунча обод бўлади.

Дарвоқе, «Дўкон» атамаси ҳақида. Бундан кейин «Магазин» эмас, «Дўкон» деган иборани ишлатмас. Дўкон деганда қандайдир файз, баракани тушунасан киши. Кўнглинг тўқ бўлади, чунки, унда мол серобдек туюлади. Шунинг учун бозоримизда чет эл дўконларини кўпайтиришимиз лозим. Керак бўлса, чет элликлар дўконларни, меҳмонхоналарни, сервис, яъни хизмат кўрсатиш шохобчаларини бутунлай сотиб олишига қаршилиқ қилмаслик керак. Чунки, улар бу биноларни ҳеч қаерга орқалаб кетмайди. Аксинча, ўз молини олиб келиб сотади.

Биз эса, дўконларнинг уруғини қуритиш билан оворамиз. Қаердаки бир дўкон пайдо бўлса, ўша ерда камида ўн милиционеру бир прокурор

ҳозиру нозир. Натижада дўкончилар қочиб кетади. Бу хатти-ҳаракатлардан, ножоиз бўлса ҳам айтаман, эски замоннинг нохуш ҳиди келяпти. Савдо-тижорат ишларига эркинлик беришимиз керак. Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда айтганимдек, эркинлик деганда росмана хусусийлаштиришни назарда тутмоқдаман. Биз хусусий мулк эгаларига эркинлик бермаяпмиз. Уларни ҳимоя қилмаяпмиз. Бир дўконнинг эгаси бўлса-ю, мустақил иш юритолмаса. Буни қандай тушуниш мумкин? Назоратчиларни, «сўрайдиган»ларнинг сонини камайтирсак, хусусий мулк эгасига тазйиқ ўтказмасак, уни ҳимоя қилсак — бозоримиз обод бўлади, фаровон ҳаётга замин яратилади. Шундай иш юритсакки, мақсадимизга эришишимиз мумкин. Акс ҳолда, эскилик ботқоғига ботиб ётаверамиз.

Кайфиятимизни, онгимизни ўзгартиришимиз керак. Энг аввало, ҳокимлар ўз иш услубларини ўзлаштиришлари лозим. Мен шуни талаб қиламан.

Мана, янги йил яқин қолди. Иш тартибимни ўзгартиришга мажбурман. Ўзим кўпроқ жойларга бораман. Дўконларга, бозорларга кираман. Шикоят кўп бўлса, жавобгарлигини, энг аввало ҳокимлардан сўрайман.

Янги Ўзбекистон пулининг мустақиллигини таъминловчи энг муҳим омил — чет эл валютасидан иборат, хорижда, дунёнинг энг машҳур банкларида сақланаётган захираларимиздир. Давлатни давлат қиладиган, унинг келажагини таъминлайдиган валюта захираларимиздир.

Бу борада биз кейинги йилда катта ютуқларга эришдик. Бунинг асосий омили — Ўзбекистонга Аллоҳ инъом этган олтин ва бошқа қимматбаҳо бойликларимиз ва уларни ишлаб чиқарувчи салоҳиятларимиздир. Бу масалага мен алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўзбекистоннинг олтини қаерга кетяпти?

Аввало, олтинимиз ҳисобидан озиқ-овқат, дори-дармонларга бўлган эҳтиёжимизни қондирыпмиз. Замонавий технологиялар, ускуналар олиб келиб, катта заводлар қуряпмиз. Андижонда автомобиль заводи қад ростлаяпти. Яна бошқа йирик корхоналар барпо этиляпти. Улар ишга тушгач, дунё бозорига чиқадиган, рақобатбардошли маҳсулот бера бошлайди. Одамларни иш билан таъминлаймиз.

Яна бир нарсани ошкор этай: олтинимиз дунёдаги энг машҳур банкларда сақланяпти. Аниқроғи, кўпроқ даромад олиш мақсадида банкларда сақлаб, олтинимизни валютага айлантиряпмиз. «Дойче банк», Швейцариядаги «Юбс» банки ана шулар жумласидандир. Булар Ўзбекистонга кредит ажратиш учун кафолат беряпти.

Ҳозир бойлигимиз ярим миллиард доллардан ошди. Бу валютамиз эртага қўшимча фойда-даромад келтиради. Кеча вакиллар йиғилишида бир нарсани таъкидлаб ўтдим: Агар Президент сифатида сохта обрў топмоқчи бўлсам, ана шу пуллар эвазига Ўзбекистонга турли хил керак-нокерак нарсаларни олиб келиб соттирар эдим. «Кўриб қўйинглар» қабилида иш ту-

тар эдим. Лекин менинг фикрим бўлакча: олтин фақат бизники эмас, келажак авлоднинг ҳам насибасидир, давлатимиз фаровонлигининг пойдеворидир. Шундай экан, хорижий банклардаги валютаимиз захирасини янада кўпайтиришимиз зарур.

Албатта ана шу кўзлаётган имкониятларимизни тўла ишга солиш учун биз Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди ҳамда бошқа нуфузли банк ва халқаро молия ташкилотлари ёрдамига муҳтожмиз. Улар билан узлуксиз иш олиб боришимиз, уларнинг тавсияларини ҳаётга татбиқ қилишда талай чора ва тадбирларни амалга оширишимиз зарур...

Миллий валютаимизга ўтиш муддатлари ҳақида алоҳида келишиб олишимиз керак. Нега деганда, сўнгги пайтда баъзи бир қўпоровчи ва ваҳима тарқатувчи кимсалар эл орасида ҳар хил мишмишларни ёйишга уриниб, одамларнинг тинчлигини бузишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бир гапни аниқ айтишим зарур: «сўм-купон»га ўтгандан кейин, муомалада ўзимизнинг пулимиз юрганини кўриб, ҳеч ким унга четдан таъсир ўтказа олмайди, унинг сонини камайтириб-кўпайтира олмайди. Бошқача қилиб айтганда, четдан оқиб келаётган ва қадрини йўқотган рублнинг йўлини тўсдик. Чунки «сўм-купон» — ўзимизники, ўзимиз зарб этяпмиз, шукрки, шундай имкониятга эга бўлдик. Шу боис «сўм-кўпон»дан кейин янги, ҳақиқий валютаимизни муомалага киритаётганда ҳам амалга оширилажак ишларимиз-

ни батафсил белгилаб, режалаштириб олишимиз мумкин.

Барча тайёргарлигимизни кўриб, белгиланган муддатда ҳақиқий пулимиз — **ўзбек сўмига** бемалол ўтамиз. Бировни шошилтириш, ортиқча ташвишга солиш ниятимиз йўқ.

Бир нарсани тўғри тушунишимиз керак: сўм-купон ўзимизники, чегарамиздан ташқарида муомалада эмас. «Сўм-купон»ни жорий этаётганимизда четдан рубль оқиб келади, деган хабар бор эди. Хавфсирашимиз асосли эди. Пул алмаштириш пайтида бозорда нархлар осмонга чиқди, чунки пул кўпайиб кетди. Тошкент бозорларида бир килограмм гўшт 25 минг сўмгача кўтарилди. «Сўм-купон» ўзимизники, уни ўзимиз чиқарамиз. Демак, хавфсирашга асос йўқ.

Ғарб мамлакатларида валюта ўзгартирилмоқчи бўлса, эски нусхадагиси ҳам барабар ишлатилаверади. Банкка тушган эски нусхаси қайта муомалага чиқарилмайди. Бизлар ҳам шу тартибда иш тутамиз. Ҳеч қандай қийинчилик бўлмайди. Мол бўлса — бас. Таъкидлаб айтаман: пул алмаштиришдан ҳеч ким хавотирга тушмасин. Қўлида қанча «сўм-купон» бўлса, бемалол алмаштириб олади.

Тайёргарлик ишлари 1994 йилнинг биринчи ярмида тугайди, аниқроғи — келгуси йил 1 июлдан янги пулга ўтиш учун ҳамма чораларимиз ва имкониятларимизни ишга солишга ҳаракат қиламиз. (137—142)

9. ҲАМҚОРЛИК ЙЎЛИДАН ТАРАҚҚИЁТ САРИ

*Саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси
кенгаши йиғилишида сўзланган нутқ.
1994 йил 25 январь*

Сармоя мажмуида ҳам муҳим ўзгаришлар бўляпти. Сармоя солишнинг бозор муносабатларига мос келадиган тузилмаси вужудга келмоқда. Халқ хўжалигига сармоя ажратишда бюджет маблағларининг улуши кескин камайди.

Айни пайтда республикамизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниб, сув хўжалиги қурилиши, олтин қазиб чиқариш, қисман нефть саноати, шунингдек бир қанча ижтимоий иншоотларни бюджетдан пул билан таъминлашнинг салмоқли ҳиссаси сақлаб қолинмоқда.

Жуда қаттиқ молия-кредит ва пул сиёсатига ўтишни пул кадрсизланишини жиловлаш йўли деб биламиз. Бироқ, бизнинг фикримизча, кредит ва фойда олиш сиёсати ишлаб чиқаришнинг камайишига, айниқса рақобатбардошли, истиқболли ишлаб чиқаришнинг камайиб кетишига ва оборот маблағининг қисқаришига эмас, балки моддий ишлаб чиқаришга кредит сарфлаш учун эҳтиёжнинг кўпайишига ва пировард натижада меъёрий қайта ишлаб чиқариш жараёнига олиб бориши керак.

Давлат ишбилармонлик фаолиятини ривожлантиришга мадад бермоқда. Республикада ишбилармонликни ривожлантириш, кичик ва ўртача бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш жам-

фармалари тузилган. Қишлоқ фермерларига пул қарз бериш учун «Тадбиркор» банки тузилган. Бозор муносабатларининг ёрдамчи тармоқлари вужудга келмоқда, монополияга қарши ишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини вужудга келтириш давом этмоқда.

Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига ўтиш чоғида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар мустақиллигининг анча кенгайтириши таъминланмоқда. Давлат буюртмаси ҳажми анча қисқарди, маҳсулотларнинг асосий қисми эркин шартнома нархлари билан сотилмоқда.

Ҳозир моддий ишлаб чиқариш соҳасида бирорта ҳам вазирлик йўқ.

Куни кеча республикада қабул қилинган Фармонда иқтисодий ислохотни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилиш кўзда тутилган. Жумладан, ижозатнома олиш лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини анча камайтириш, давлат эҳтиёжлари учун буюртмаларни қисқартириш, улгуржи ярмаркалар ва маҳсулот — хом ашё биржалар мавқеини ошириш, очиқ тусдаги акциядорлар жамиятларини кенг барпо этиш, умри тугаган бошқарув тузилмаларини тугатиш ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Бизда айниқса сўнгги вақтда замонавий солиқ ва банк тизимларини барпо этиш, қаттиқ молиявий ва кредит-пул сиёсатини ўтказиш соҳасида жиддий қадамлар қўйилди. Бу сиёсат пулнинг қадрсизланишини тўхтатишга қаратилган. Биз ўз

пул бирлигимизни барқарорлаштириш ва миллий валютага ўтиш йўлида дастлабки қадамларни қўйяпмиз.

Шу билан бир вақтда катта иқтисодийётни бошқаришнинг мониторинг усуллари имкониятларига умид қилмаймиз. Биз ислохотнинг «фалаж қилиб даволаш» усуллари билан воз кечиш, молия-пул тизимини барқарорлаштиришни ишлаб чиқариш ва халқ турмуши даражасини ошириш билан қўшиб олиб бориш йўлини тутганмиз.

Бундай пухта ўйлаб ёндашув айрим мамлакатлардан фарқли равишда, ҳукумат билан саноат — ишбилармонлар доиралари тутган йўлларнинг ўхшаш бўлишига эришиш имконини берди. Уларнинг ўртасидаги сиёсий курашни эмас, балки самарали ҳамкорликни таъминлади, давлат ташкилотлари ҳаракатлари қўйдан бошланган ташаббус билан мустақамланди.

Кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш биз учун ислохотларнинг ҳамма босқичларида устун йўналиш ислохотлар муқаррарлигининг гарови бўлди. Аслида мустақиллик йилларида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг янги воситалари вужудга келтирилди, у бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолининг эҳтиёжманд табақаларига аниқ-равшан мадад бериб боришга қаратилган.

Бу сиёсат иш ҳақи ва пенсиянинг кафолатли энг кам миқдорида, энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан белгиланган миқдорда таъминлаб туришни ташкил этишда, компенсация тўловлари ва бошқа чораларда ўз ифодасини топди.

1 январдан бошлаб бизда иш ҳақининг энг кам миқдори 30 минг, меҳнат пенсиясининг миқдори 32,5 минг сўм-купонни ташкил этади. Ҳамдўстликдаги мустақил давлатлар орасида бу энг юқори кўрсаткичдир.

Ўзбекистонда ташқи муносабатларнинг очиқ бўлиши тамойили қабул қилинган, бу ҳам иқтисодиёт ички таркибини қайта қуриш талабларига мос келади. Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг бошланғич давридаёқ кўпгина нуфузли халқаро иқтисодий ва молия ташкилотларининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида ишлаб чиқилган бир қанча катта лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Сайёрамиздаги Жаҳон банки, «Дойче банк», «Креди коммерсаль де Франс» банки каби катта-катта банклар Тошкентда ваколатхоналарини очган. Республика бугунги кунда 70 дан ортиқ хорижий банклар билан алоқа ўрнатган.

Ўзбекистоннинг ташқи савдо обороти кўпайиб, ҳозир деярли 1,7 миллиард долларни ташкил этади. 50 дан ортиқ мамлакат фирмалари ва компаниялари билан иқтисодий алоқалар ўрнатилган.

Республикада хорижий сармоя иштирокидаги 900 дан ортиқ корхона рўйхатга олинган. Ўзбекистонда сармоя сарфлаш билан боғлиқ истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда машҳур хорижий компаниялар ва фирмалар фаол иштирок этмоқда. Туркия, Германия, Франция, Буюк

Британия, Голландия, Австрия, Корея Республикаси, Хитой, Индонезия, Малайзия, Ҳиндистон билан сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида икки томонлама битимлар имзоланган. (149—152)

...Шу пайтгача кўпгина корхоналар бозор муносабатларига ўтишни, энг аввало, нархни ошириш деб тушунди. Бироқ бозорда сифатли хорижий моллар пайдо бўлаётган пайтда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни нархни туширишгина кутқариб қолиши мумкин. Бунга ҳозирданоқ тайёргарлик кўриш керак.

Ҳам саноатчилар ва ишбилармонлар, ҳам давлат тузилмаларининг биргаликдаги ҳаракатларини талаб қиладиган энг қийин муаммолар орасида тўловлар ва ўзаро ҳисоб-китоб тизимида тартиб ўрнатиш муаммоси ҳам бор. Тўловлар танглигининг сабаблари кўп. Ҳамма корхоналар самарадорлиги даражасидан қатъи назар, молиявий қийинчиликларга ва пул айланишининг кескин секинлашиб кетишига дуч келди.

Рубль зонаси барбод бўлгач, ўзаро ҳисоб-китоб муаммоси жуда кескин тус олди. Мен миллий валютани жорий этиш иқтисодиёт учун, умуман ижтимоий турмуш учун аҳамияти жиҳатидан инқилобга тенгдир, деб бир неча бор айтган эдим. Бу — шошмашошарликка йўл қўйиб бўлмайдиган, узоқ ва пухта тайёргарликни талаб қиладиган мураккаб жараёндир.

Ўзбекистон янги тусдаги рубль зонасига тенг ҳуқуқли шароитда, барқарор иқтисодий аҳволизмга муносиб равишда кириш учун ўзига боғ-

лик бўлган ҳамма ишни қилди. Бизни сунъий равишда миллий валютани муомалага киритишга мажбур этишди.

Эндиликда янги воқеликка асосланиш керак. Ўзаро ҳисоб-китоб қилиш муаммосини ҳал этишнинг асосий йўли — тўлов иттифоқини тузишдир, шу иттифоқ доирасида миллий валюталар холисона баҳоланиши ва ўзаро тўловлар амалга оширилиши мумкин бўлур эди.

Ваколатли банкларнинг корреспондентлик ҳисобварақалари орқали ҳисоб-китоб қилиш билан бирга бу муаммони бартараф этишда МДХ давлатлари бошлиқлари қарорига мувофиқ тузилган давлатлараро банк тағин ҳам фаолроқ иш қилиши лозим.

Ҳисоб-китоб қилишнинг халқаро қоидаларига ўтиш Шарқий Европа мамлакатларидаги бир вақтлар мавжуд бўлган кенг алоқаларимизни анча қисқартириб юборди. 1990 йилда Ўзбекистон экспортда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларининг улуши салкам 60 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтда 8 фоиздан ҳам камроқ. (155—156)

10. ЙЎЛИМИЗ — МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

*Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг ХУ сессиясида сўзланган нутқ.
1994 йил 23 май*

Бизнинг олға юриш учун қилаётган бугунги саъй-ҳаракатларимиз муҳим бир масалага тақалиб турибди.

Мана, ярим йилдирки, «сўм-купон»имиз муомалада. Бу, очиқ тан олиш керак, кўп жиҳатдан мажбурий чора эди. Мен миллий валютани жорий этиш инқилоб билан тенг, деган иборани ишлатган эдим. Ҳақиқатан ҳам, бу — шошқалоқликни хуш кўрмайдиган гоят мураккаб жараён бўлиб, узоқ ва пухта тайёргарликни талаб этади. Айрим кишилар, муваққат валюта шартми, бирданига доимий валютага ўтган маъқул эди, деб юрганини биламиз. Аммо, бу масалада ҳам ўтиш даври бўлмоғи фойдадан холи эмас. Негаки, биз «сўм-купон» орқали миллий пул бирлигини жорий этиш стратегияси ва механизмини ўргандик. «Сўм-купон» орқали инфляцияга қарши чоралар ишлаб чиқилмоқда ва синаб кўрилмоқда. «Сўм-купон» орқали ўзаро ҳисоб-китоблар механизми тайёрланмоқда ва жаҳон валюталари билан муомалада пулимизнинг кучи, қадри ва харид қуввати аниқланмоқда.

Албатта, Ҳамдўстлик мамлакатларининг миллий валюталари, шу жумладан, Россия рубли каби «сўм-купон» ҳам инфляция жараёнини бошдан кечирмоқда. Биз нарх ошаётгани аҳоли елкасига оғир юк бўлиб тушаётганини биламиз ва бу юкни енгиллаштириш чораларини кўряпмиз.

Муаммони узил-кесил ҳал этиш йўли — инфляцияга қарши кенг миқёсли, яхлит ва таъсирчан дастур ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат. Шу мақсадда сўнгги пайтда «сўм-купон»нинг қувватини мустаҳкамлаш, уни товар ва олтин-валюта захиралари билан таъминлаш чоралари кўрилди. Валюта биржасида дастлабки савдолар

бўлиб ўтди. Улар «сўм-купон»нинг курси доллар ва бошқа «қаттиқ» ва «юмшоқ» валюталарга нисбатан анча барқарор эканини кўрсатди.

Миллий валютага ўтиш ва бугунги молиявий сиёсатни юритишда биз жаҳондаги обрўли, етакчи халқаро ташкилотлар билан бамаслаҳат иш олиб боряпмиз. Инфляциянинг олдини олиш учун молия-кредит ва пул сиёсатини қаттиқ ушлаш, иқтисодиётимиздаги айрим номутаносибликларни бартараф этиш, умуман, харажатларни камайтириш тадбирлари шулар жумласидандир.

...Барча фуқароларни, фаолларимизни қизиқтираётган муҳим муаммолардан бири — Ўзбекистон давлатининг миллий валютасини муомалага киритиш, уни жорий этиш тартибидир.

Ҳаммамизга маълум: миллий валюта — мустақил, эркин давлатнинг асосий белгиларидан биридир. Мустақил давлатнинг валютаси ҳам, Марказий банки ҳам, молия ишлари ҳам мустақил бўлиши шарт.

Молия-кредит сиёсати, ички бозорни нақд пул билан таъминлаш, пул чиқариш миқдори, унинг харид кучи, келажак истиқболимиз учун сармоя ажратиш, кимга қарз бериш ва кимдан қарз олиш, қарзни тўлаш ва ундириб олиш муддатлари, фоиз ставкалари ва шунга дахли бор масалалар — буларнинг барчаси ҳам ташқи ва ҳам ички иқтисодиётнинг асосий омилларидир.

Лўнда қилиб айтганда, ана шу ҳуқуқлардан ва имкониятлардан жудо бўлган давлат ҳеч қачон ўзини мустақил деб ҳисоблаши мумкин эмас ва уни ҳеч ким мустақил деб тан олмайди.

Мен нима учун бу масалаларга алоҳида диққатингизни жалб этипман?

Барчамизга аён бўлиши керак: қайси давлатки ўз миллий валютасига эга бўлолмаса, ўз манфаатини кўзлаб мустақил равишда молия-кредит, банк сиёсатини аниқ юргизолмаса, у давлат ҳеч қачон ўз тақдирини, ташкилотлар, хўжаликлар ва инсонлар тақдирини белгилай олмайди ва пировардида бошқа кучли давлатлар кўрсатмаларига муте бўлиб қолади, оқибатда мустақиллигидан муқаррар тарзда жудо бўлади.

Шу хулосани инобатга олсак, бир фикрни яхши англашимиз керак: модомики биз мустақил давлат қурмоқчи эканмиз, ўз келажагимизни ўзимиз тузмоқчи эканмиз, **бунинг асл пойдевори — миллий валютадир.**

Шуни яна бир қарра такрорлаб айтиш ва онгимизга сингдириш зарурки, миллий валюта — биз учун олий мақсаддир. Ва бу валюта ўзини мустақкам тутган, бошқа валюталар, авваламбор, кучли валюталар орасида обрўли ва қадри баланд валюта бўлмоғи даркор.

Шу билан бирга, аниқ билмоқ керакки, бу олий мақсадга эришиш — бир кунлик вазифа эмас, албатта. Дунё тажрибасини кўз олдимизга келтирсак, бунга эришмоқ учун давлатлар жуда узоқ ва машаққатли йўлларни босиб ўтган ҳамда бор қудратини сафарбар этган.

...Бир нарсага эътибор берсак, бугунги вазиятни кўз ўнгимизга келтирсак, табиий бир савол туғилади: нима учун Россия рублига эҳтиёж катта-ю, ўзимизнинг «сўм-купон»га эътибор

паст? Бунинг асл сабаб ва омиллари нималардан иборат?

Сабаб шуки, бизнинг минтақамиз, жумладан, Ўзбекистон ҳам, асосан хом ашё худуди сифатида ҳар томонлама собиқ марказга боғлаб қўйилган эди. Бу жуда пухта ўйлаб ва ҳар томонлама ҳисоб-китоб қилиб юритилган, жуда кўп йиллар давомида уюштирилган сиёсатдир. (217-219)

Бугунги кунда эса мавжуд қийинчиликларни енгиш учун давлатимиз ўз захираларидаги маблағни рублга алмаштириш йўли билан корхона ва хўжаликларнинг талабларини бажо келтиришга ҳаракат қилмоқда.

...Энди икки офиз гап янги валюта жорий қилиш муҳлати ва унинг услублари ҳақида.

Очиқ айтиш керак: бугунги кунда миллий валютамиз чоп қилиняпти. Қоғоз пул билан бир қаторда металл тийинлар ҳам зарб этиляпти. Бу йирик тадбирнинг ҳамма томони ҳисоб-китоб қилинган ва насиб этса, тайёргарлик ишлари шу йилнинг биринчи ярмида тугалланади.

Муваққат валюта ўз заминимизда қўлланаётгани ва ўзимизда чоп этилганини ҳисобга олсак, уни янги, замонавий, беқиёс даражада чиройли миллий валютамизга алмаштиришда — ишонтириб айтишимиз керак — катта муаммолар бўлмайди.

Тегишли курс ва нисбат билан бугунги «сўм-купон»лар эндиликда — ҳақиқий миллий валютамизга бемалол алмаштирилади. Ўйлаймизки, бу тадбир яна жамғарма банклари орқали амалга оширилади. Чунки бу тажриба 1993 йил ноябрь ойида ўзини оқлаган эди. Фикримизча, бу нарса одамларимизга ҳам маъқул бўлади. (220—221)

11. ҲАЛОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИК — ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ БЎЛСИН

*Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида
сўзланган нутқ. 1994 йил 15 июль*

Бугун биз тарихий воқеани бошдан кечирмоқдамиз. 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб мамлакатимизда миллий валюта — сўм муомалага киритилди. Сўмни муомалага киритиш юзасидан чиқарилган фармон ва қарорларнинг энг муҳим жиҳати шундаки, уларда серфарзанд оилалар, нафақахўрлар, қаровчиси йўқ кишиларни ижтимоий ҳимоялаш кўзда тутилган.

Халқимиз «сўм-купон»нинг 1 августга қадар янги пул билан баравар муомалада юришини давлатнинг яна бир ғамхўрлиги сифатида мамнуният билан қабул қилди.

Миллий пулга эга бўлиш ҳам бир саодат. Энди ҳамма гап — ана шу саодатнинг қадрига етишда. Тўғри, пулнинг қадр-қиммати унинг тайёр маҳсулот, олтин захираси билан қай даражада таъминлангани ва яна бир қанча мезонлар орқали белгиланади. Аммо унинг нуфузини кўтарадиган яна бир муҳим омил борки, бу — биз ўз пулимизни мустақиллигимиз белгиларидан бири сифатида асраб-авайлашимиз, унинг куч-қудрати, қадри баланд бўлиши йўлида фидокорона меҳнат қилишимиз лозимлигидир. Зеро, миллий пулимиз миллий ғуруримиз демакдир. Мен бугунги учрашувдан фойдаланиб, эътиборингизни яна бир муҳим масалага жалб қилмоқчиман. Ал-

батта, ҳар қайси одам, фуқаро бозорга, магазинга чиққанда қўлида, чўнтагида бўлган пулнинг харид имконияти кучли, қиймати баланд, бақувват бўлишини истайди. Шу мақсадга эришиш учун республикамизда бугунги кунда миллий валютани муомалага киритиш билан бирга қуйидаги муҳим дастурларни амалга оширишимиз зарур:

1. Ички бозоримизни истеъмол моллари билан тўлдириш.

2. Давлат харажатларини кескин қисқартириш, қатъий молия, банк-кредит сиёсатини ўтказиш.

3. Экспорт имкониятларини кескин кучайтириш. Шу йўл билан чет мамлакатлардан, аввало, эркин валюта олиб келиш. Чунки биз четдан маҳсулотни ана шу давлатларнинг пулига харид қиламиз. Яъни четга қанча кўп маҳсулот чиқарсак, шунча ўзимизга керакли мол, асбоб-ускуналар сотиб олишимиз мумкин.

4. Республикада пул эмиссиясига, яъни мол билан таъминланмаган ортиқча пул муомалада бўлишига йўл қўймаслик. Аҳолига берилган пулни товарлар сотиш, хизматлар кўрсатиш орқали, уларнинг эҳтиёж ва талабини қондириш билан давлат хазинасига қайтариш.

Пул муомаласини барқарорлаштириш ҳақида гапирар эканмиз, биринчи навбатдаги энг муҳим масала — пулимизни ички конвертация қилиш, содда тил билан айтганда, миллий пулимизни эркин валютага (доллар, марка, иен ва ҳоказо) алмаштиришга эришиш. Бу борада алмаштириш курсини Марказий банкда ўтказилаётган

биржаларда аниқланаётган даражада ташкил этиш, яъни эркин бозорнинг асосий талабларини қондириш, шу орқали дунё бозори таркибига кириш мақсади қўйилапти. Айтмоқчиманки, бугунги кунда шу тадбирларни амалга ошириш учун катта ва пухта тайёргарлик кўряпмиз.

Бундай муҳим вазифаларни бажариш халқимиздан кўп синовларни бошдан кечиришни, ишимизда ҳалоллик ва фидойилик бўлишини талаб қилади. (266—267)

Энди қурилиш масаласини олиб кўрайлик. Шаҳарда якка тартибда уй қуриш ниятида қарийб 12 минг талабнома берилган. Шундан атиги 4800 тагина талабнома қондирилган, холос, қолган 7200 талабнома шу кунга қадар эътибордан четда турибди.

Якка тартибдаги уй-жой қурувчилар учун кредит маблағлар ажратиш жуда муҳим масаладир. Шуниси ачинарлики, кредит сўраб берилган 14 минг талабномадан шу йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида бор-йўғи 60 таси қондирилган, холос. Ана шу талабномаси қондирилганларга ҳам қарийб 3 миллион сўм ўрнига 1,5 миллион сўмгина ажратилганини қандай тушунмоқ керак?

Бизда ота-боболардан мерос ажойиб фазилат бор: маҳаллий миллат топганини, аввало, уй қуришга сарфлайди. Эртага ўғлимни уйлантирсам, қайга жойлайман деб ташвиш чекади.

Оғирлигини давлат зиммасига юкламай, ўзим уй қуриб оламан, деган ана шундай одамларга нега имтиёзли кредитлар бермаймиз? Нега уларни овораю сарсон қиламиз? Қаранг, 14 минг

муурожаат бўлибди-ю, шундан 60 таси қондирилибди. Бу ўтакетган расмиятчилик, лоқайдлик эмасми?

Одамларга ғамхўрлик қилиш, 20—30 йилга, керак бўлса, 40 йилга кредит бериш лозим, ўзи тўламаса фарзандлари тўлайди. (274—275)

Биз одатда иқтисодий қудратни фақат ишлаб чиқариш қувватларида деб тушунамиз. Аммо жаҳонда бошқа тажрибалар ҳам бор. Оқилона йўлга қўйилган банк тизими, биржалар фаолияти ҳам ўз давлатларига жуда катта фойда келтирмоқда.

Кейинги пайтларда Тошкентда бир неча машхур хорижий банкларнинг ваколатхоналари очилди. Шунга қарамай, биз банкларимиз фаолиятида кескин ўзгаришларни сезмаяпмиз. Очиғини айтганда, уларнинг молия бозоридаги «шогирдлик» даври анча чўзилиб кетмоқда.

Банкларимиз фақатгина мамлакатимиз ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришни таъминлабгина қолмасдан, хорижий мижозлар маблағи билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўядиган пайт келди. Яқиндагина Алматида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон раҳбарларининг аҳдлашуви асосида Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг таъсис этилиши бунга янги имкониятлар очиб беришига аминмиз. Қардош дўстларимиз билан алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтиришнинг аҳамияти катта. Тошкент шаҳрида бу борада хайрли ишлар қилинаётганини айтишимиз керак. Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Жанубий Қозоғистон вилояти ўртасида тузилган шартнома бунинг ҳуқуқий

асосларини яратади. Шу билан бирга, ҳамкорлик кўлами ҳозирча Тошкентдек шаҳри азим имкониятлари даражасида дея олмаймиз. (278—279)

12. ИЖОБИЙ ИШЛАРИМИЗНИ ОХИРИГА ЕТКАЗАЙЛИК

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
VI сессиясида сўзланган нутқ. 1994 йил 22 сентябрь*

Шу йилнинг 1 июлидан жумҳурият ҳаётида иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш соҳасида янги босқич бошланди. Янги миллий пул бирлиги — сўмни муомалага киритдик. Биз бу муҳим ишга узоқ ва пухта тайёргарлик кўрдик. Миллий валюта — бу миллий ғурур, давлат мустақиллиги рамзи ҳамда эгамен давлат белгисидир. У юксак қадр-қиммат ва куч-қувватга эга бўлмоғи керак.

Бунга эса рақобатга бардошли маҳсулотларнинг, шунингдек, захираларнинг етарлилиги билан эришилади. Асосий вазифа миллий пул бирлигимизни мустаҳкамлаш ва уни дунёда ҳамма бирдай қадрлайдиган валютага айлантиришдан иборатдир.

Жумҳуриятимиздаги ҳар бир кишининг, корхонанинг фаровонлиги муомаладаги миллий валютанинг барқарорлигига боғлиқ эканини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Ўз валютаимизнинг барқарорлиги ва эркин муомаласини таъминлаш учун ишлаб чиқилган ва ҳукумат қабул қилган тўртта дастурни амалга оширишимиз зарур.

Биринчидан. Сўмнинг харид қувватини ошириш учун тез орада бозорларни харидоргир маҳсулотлар билан тўлдириш зарур. Асосий вазифа халқнинг энг зарур эҳтиёжларини қондириши керак бўлган ўз маҳсулотларимизни ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иборат.

Бунинг учун биз халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарга ҳар томонлама ёрдам бериб борамиз, инвестицияларни биринчи навбатда ўша тарафга йўналтирамиз, уларни хом ашё ва кредит ресурслари билан таъминлаймиз. Ушбу йўналиш бўйича сезиларли ижобий ўзгаришлар бор. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу — енгил, озиқ-овқат ва маҳаллий саноатлар хизматидир.

Аҳолига сотилаётган истеъмол товарларининг умумий ҳажмида ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар улуши ортиб бормоқда. Бу ҳол, шубҳасиз, барчамизни қувонтиради, лекин хотиржамликка берилмаслигимиз керак.

Биз ҳали кўплаб зарур озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларини четдан олиб келишга мажбур бўляпмиз. Бу муаммони тезроқ ҳал этиш лозим.

Иккинчидан. Биз такрор-такрор таъкидлаганимиздек, ислохотнинг асосий йўналишларидан бири — экспорт имкониятларини кенгайтириш, корхоналарни экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришга мувофиқлаштириш, жаҳон бозорида ўзимизнинг мустақкам мавқеимизни эгаллашдир. Бундан кейин ҳам экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш йўлини белгилаб олган корхоналарга

хом ашё билан таъминлашда ҳам, инвестиция олишда ҳам имтиёзлар бериб борамиз. Биз шундай имкониятлар, шундай механизмлар яратайликки, токи корхоналаримиз жаҳон бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришга тўла юз тусин.

Улар ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқиб, қатъий валюта ишлаб топишни ўрганишлари ва республика хазинасини тўлдиришлари шарт. Бу уларнинг давлат олдидаги, ўз жамоалари олдидаги, бутун халқ олдидаги вазифаси, муқаддас бурчидир.

Учинчидан. Молия-кредит сиёсатини изчил ўтказиш шарт. Биз ўз молиявий қувватларимиздан тежаб-тергаб, ҳисобдонлик билан фойдаланишни ўрганайлик, унинг сочилиб кетишига йўл қўймайлик. Халқ хўжалигига сарфланган ҳар бир сўм катта фойда билан қайтиши ва республиканинг эртанги кунини учун, келажаги учун ишлаши шарт.

Корхоналар, ишбилармонлар давлатдан олган маблағлари, кредитларини фойдали ва аниқ мақсадлар учун йўналтириш масъулиятини таъминлаш ёзилмаган қонунга айланиши шарт. Айни пайтда кредитларни ўз вақтида қайтаришга ҳам ўрганиш керак. Ва ўз навбатида кредит бериш шартлари шундай бўлсинки, корхона қарз олиш масъулиятини доим ҳис этиб турсин. Ундан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун самарали равишда фойдаланишга ҳаракат қилсин.

Тўртинчидан. Энг муҳим масала — ички бозоримиздаги истеъмол моллари ва муомаладаги

нақд пул ҳажмининг мутаносиблигини таъминлаш — пул қадрини сақлаш ва кучайтиришнинг асосий гарови ва шартидир. Фақатгина шу йўл билан инфляцияга қарши курашиш ва унинг даражасини кескин пасайтириш имконига эга бўлишимиз мумкин. Фақат шунинг ҳисобидан миллий валютамиз саломатлигини сақлаймиз.

Сўميمиз қандай куч билан ишлай бошлаганини биз ҳаммамиз ҳис этиб улгурдик. Деҳқон бозорида нарх-наво кескин тушди, пулнинг қадрсизланиши кескин даражада пасайди. Ва бу ижобий жараённи мустаҳкамлаш керак.

Зикр этилган фикрларнинг асосий маъноси шуки, муомаладаги пул ҳажмини кўпайтирмаслик, яъни пул эмиссиясининг ошишига, пулнинг аҳоли қўлида ушланиб қолишига йўл қўймаслик керак. Ҳаётдаги оддий бир қоидага эътибор берайлик: аҳолининг қўлидаги нақд пулнинг ҳажми кўпайиши билан одамларнинг ҳаёт даражаси ўсмайди.

Дастгоҳ — ўз қўлимизда деб, миллий пулимизни кўпроқ босиб чиқариш, шунинг ҳисобидан, аҳоли қўлига кўпроқ қуруқ пул етказиб бериш бугунги кунда қийин вазифа эмас.

Ҳаёт даражаси ўсишига эришмоқ учун, албатта, меҳнатчилар оладиган маош, нафақахўрларга бериладиган нафақа, студент ва ўқувчиларнинг стипендияси, умуман одамларнинг даромадлари ўсиши керак. Лекин пул ҳажми ўсишига нисбатан, ундан ҳам олдин ички бозоримиздаги моллар ва пуллик хизматлар ҳажмини тез суръатлар билан оширишни таъминлашимиз лозим.

Содда қилиб айтганда: ҳар қайси кишининг киссасида бўлган пулига бозоримизда етарли даражада керакли мол ва эҳтиёжимизни қоплайдиган хизмат турлари бўлиши керак. (306—308)

Ҳар бир банкнинг маҳаллий бўлимларида махсус ҳисобварақалари орқали, маҳаллалар қарорларига биноан, кам даромадли ва муҳтож оилаларга ёрдам бериш ҳақида фармон чиқардик.

Ишонамизки, бундай олижаноб ишларни ҳаётга татбиқ этишда, адолат сақлашда маҳаллаларимизнинг оқсоқоллари ва ишончли фаоллари ўз куч-ғайратини кўрсатади ва халқимиз назаридан обрўсини янада оширади. (309)

13. МУСТАҚИЛЛИК — УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
йигилишидаги нутқ. 1994 йил 13 октябрь*

Инфляцияни пасайтириш, миллий валютамизнинг харид қувватини мустаҳкамлашнинг яна бир йўли пул эмиссиясини камайтириш, яъни одамлар қўлида пул тўпланиб қолишига йўл қўймаслик, уни товарлар таклиф этиш, хизмат кўрсатиш орқали банкка қайтаришдир. Афсуски, жойларда бу борада ҳам етарли чора-тадбирлар кўрилмаяпти. Қорақалпоғистон Республикасида, Хоразм, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида берилган пулнинг ўртача 70—75 фоизи одамлар қўлида қолиб кетяпти. Вилоят ва туман ҳокимлари эса ойлик бериш учун пул юборинг, дейишдан нарига ўтмаяпти. Ваҳоланки, улар ички ис-

теъмол бозорини тўлдириш, янги пуллик хизмат турларини ташкил этиш ҳақида қайғуриши керак! (317)

14. ТАДБИРКОРЛИК — ИҚТИСОДИЁТ КЕЛАЖАГИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва хорижий
сармоялар бўйича идоралараро Кенгашнинг навбатдан
ташқари мажлисидаги нутқ.
1994 йил 16 декабрь*

Энг муҳими, давлат, жамият ҳаётининг асосий қонуни — янги Конституциямиз қабул қилинди, мазкур жараённинг ҳуқуқий асослари яратилиб, тегишли қонун ва фармонлар чиқарилди ва ҳаётга татбиқ этила бошлади. Давлат бошқаруви, вазирликлар, ташкилот ва корхоналар тизими ўзгартирилиб, улар янги тартиб — ҳаёт талаблари асосида ишламоқда. Бозор инфраструктурасини шакллантириш мақсадида банк, молия, солиқ тўзималари янги шароитга мослаштирилди.

Миллий валютамиз — сўмни муомалага чиқариб, унинг мавқеини мустаҳкамлаш, харид қувватини кучайтириш чора-тадбирларини кўришга киришдик. Куйи поғоналардаги ташкилот ва корхоналарга иқтисодий эркинлик бериб, уларни давлат тазйиқидан халос этиб, янги усулда ишлаш йўлига ўтдик. Иқтисодимиздаги заифликка барҳам бериш, халқ хўжалигининг кўп муҳим соҳаларида бошқа минтақа ва давлатларга қарамликдан қутулиш, яъни иқтисодий мустақилликка эришиш йўлида катта қадамлар қўйдик. Хусу-

сан, илгари республикага олиб келинадиган маҳсулот миқдори четга чиқариладиганига нисбатан ортиқ эди. Ҳозир бу нисбат ўзгарди. Бунинг нечоғлик аҳамиятга эга экани кўпчиликка аён.

Ислоҳот одамлар тақдирига, онгига қандай таъсир этяпти? У одамларга нима бeryпти? Бу ўзгаришлар халқимизга маъқулми, йўқми? Мана шу — фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиши керак. Зеро, ислоҳот халқ манфаати учун қилинади. Биз вақти-вақти билан ўзимизга ана шу саволларни бериб, ишимизни таҳлил этиб туришимиз даркор.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнининг навбатдаги босқичи, бу йўлдаги вазифалар хусусида гапирар эканмиз, қуйидаги муаммолар ва устувор йўналишларга алоҳида аҳамият бермоқ даркор.

Биринчи ва асосий масала — мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасидаги ишларни охирига етказишдан иборат. Ислоҳотнинг асосий маъноси ва, керак бўлса, негизи бу — мулкни ҳақиқий эгасига топшириш, тadbиркорликка кенг имкониятлар очиб беришдир.

Иккинчи муаммо ва устун йўналиш — иқтисодимиз таркибини кескин ўзгартириш, яъни хом ашё эмас, тайёр маҳсулот чиқаришга ўтиш, унинг сифати ва рақобатбардошлилигини дунё бозори талабларига жавоб берадиган ҳолга етказиш. Ана шу мақсадда юртимизга янги технология, замонавий жиҳозлар, ускуналар келтириш, ихчам, қилинган харажатни тез қоплайдиган корхоналар қуришдир. Бу хорижий сармояларга кенг йўл очиб беришни тақозо этади.

Ҳеч бир мамлакат хорижий сармояларсиз тараққиётга эришмаган. Ҳозир дунё бўйича 160 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги чет эл сармояси айланади. Шундан бир қисмини Ўзбекистонга жалб этиш имкони борми? Бор! Биз билан ҳамкорлик қилишни истаган чет эл фирмалари, компаниялари кўп. Фақат ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиш керак. Инвестициялардан фойдаланиш лойиҳаларимизда мана шу инвестиция қаерга сарфланади, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводига қанча, у қандай самара беради — бари олдиндан аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиқилади. Фақат бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш лозим.

Бунинг йўли эса чет эл фирмалари билан ҳамкорликда кўшма корхоналар тузишдир. Мен бу ҳақда илгари ҳам айтган эдим. Яна такрорлайман, хориж билан алоқа боғламаган корхонанинг, тадбиркорнинг келажаги йўқ. Лекин бизда шундай раҳбарлар борки, чет эллик бизнесменлар билан гаплашишни истамайди. Бундай кайфиятларга барҳам бериш вақти етди.

Учинчи муҳим вазифа — миллий пулимиз нуфузини янада мустаҳкамлаш, унинг Америка доллари, немис маркаси, япон иени каби дунёдаги обрўли валюталар билан эркин алмашувига эришмоқдир. Зеро, миллий пул кучли бўлгандагина иқтисод бақувват бўлади. Биз банклараро валюта биржасида бир миллиард АҚШ доллари айланишига эришмоғимиз даркор. Токи, ҳар бир корхона, тадбиркор ва фуқаро истаган вақтда, истаган миқдордаги пулини эркин муомаладаги

валютага ёки ишлаб топган валютасини миллий пулимизга алмаштира олиш имконига эга бўлсин. (335—337)

Хом ашё сотиб, юртнинг табиий бойликларини совуриб, эл фаровонлигини ошираман дейиш — хомхаёлдан ўзга нарса эмас. Вақтинча тўкинлик мамлакат келажаги учун қимматга тушиши мумкин. Чунки бундай шароитда одамларда боқимандалик кайфияти кучаяди, меҳнатни унутади. Бойлик, фаровонлик асоси — меҳнат эканини унутмайлик. (339)

15. ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

Давос шаҳрида ишбилармонлар доираси вакиллари билан учрашувда сўзланган нутқ. 1995 йил январь

Муболағасиз айтиш мумкинки, ўтган 1994 йил биз учун муҳим бурилиш йили бўлди. Бозор инфраструктураси барпо этилди, ишбилармонлар синфини шакллантириш жараёни тезлашди. Деярли барча бюрократик устқурмалар тугатилди. Биз миллий валютамиз — СЎМни муомалага киритдик.

Қатъий бюджет ва пул сиёсати юритилиши сўмнинг барқарорлашувига, давлат бюджетига камомаднинг озайишига, пул қадрсизланиши жараёнларининг сустлашувига кўмаклашди. Биз ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда аҳоли даромадининг кескин камайиб кетишига йўл қўймасликка муваффақ бўлдик.

Маълумки, жаҳондаги бирон-бир давлат хорижий сармояларни жалб қилмасдан туриб та-

раққиётга ҳамда иқтисодиёт ривожига эришолган эмас.

Шунинг учун ҳам бу иш бизнинг иқтисодий сиёсатимиз устувор йўналишларидан бирига айланган. Биз бу сиёсатни қуйидаги тамойиллар асосига қурмоқдамиз:

— ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш;

— республика иқтисодиётига капитал маблағларни жалб этишни таъминловчи ҳуқуқий асос, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни шакллантириш;

— жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган технологияларни етказиб берувчи ҳамда халқ хўжалигининг замонавий тузилмаларини барпо этишга кўмаклашувчи хорижий сармоядорларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини мунтазам равишда юритиш;

— маблағларни рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш билан боғлиқ энг муҳим устувор йўналишларга сарфлаш.

Биздаги мавжуд қонунчилик хорижий сармоядорларга бир қатор кафолат ва имтиёзлар берилишини таъминлайди.

Турли хавф-хатардан кафолатлаш мақсадида Ўзбекистонда «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси барпо этилган. Асосий капитали 100 миллион АҚШ долларидан иборат «Ўзбекинвест Интернешнл» халқаро компанияси таъсис этилган.

Биз жаҳондаги 20 мамлакат билан сармояларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича битим тузиб қўйдик. Хорижий сармоядорларга улар-

нинг қонуний фаолият натижасида қўлга киритган фойда ва бошқа маблағларини хорижга ўтказиш кафолати; даромадни республика ҳудудида бемалол яна сармоёга қўйиш ёки мулк эгасининг ихтиёрига қараб ундан бошқа тарзда фойдаланиш ҳуқуқи берилади. (362—363)

16. САВДО УЙИДАН ИПАК ЙЎЛИНИ ТИКЛАШ САРИ

*Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида Ўзбекистон
савдо уйини очиш чоғида сўзланган нутқ.
1995 йил январь*

Миллий валютани мустаҳкамлаш ҳамда уни эркин алмаштиришга тайёрлаш юзасидан жадал иш олиб борилмоқда.

Саноат ишлаб чиқаришини ўстиришда биз яхши суръатга эришдик. Пулнинг қадрсизланиши даражасини анча камайтиришга муваффақ бўлдик. (366)

**БАТАН
САЖДАГОҲ КАБИ
МУҚАДДАСДИР**

1. ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИЁСИЙ- ИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚВОЛИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

*Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси
биринчи сессиясидаги маъруза. 1995 йил 23 февраль*

Миллий валютанинг жорий қилиниши ташкилий янгиликларни амалга оширишда янада муҳим омил бўлди. Республика валюта биржаси ташкил этилиб, бу биржада ўтказилаётган савдо натижасига қараб пулнинг расмий алмашув қиймати белгилана бошланди.

I августдан бошлаб сўмнинг чекланган конвертация жараёни жорий этилди.

Ҳукумат миллий валютани мустақкамлаш мақсадида бюджет ва пул-кредит сиёсатини кескинлаштириш, истеъмол бозорини тўлдириш, экспортни кенгайтириш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш, пул айланишини тезлаштириш ва муомаладаги нақд пулни камайтириш юзасидан тўртта дастур ишлаб чиқиб, қабул қилди.

Давлат бюджетда харажатларни камайтириш ва даромадларни кўпайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар туфайли 1994 йилда бюджет камомадини чеклаш, пул қадрсизланиши жараёнини сезиларли даражада секинлаштиришга эришилди. Аҳолига меъёрли тарзда ўлчаб бериладиган маҳсулотлар турини ҳам кескин қисқартириш,

оқибатда савдо соҳасини бутунлай эркинлаштириш имконини берди.

Иқтисодиётда барқарорлик ва маълум даражадаги иқтисодий ўсиш аломатлари кўрина бошлади. Нефть ва газ конденсати қазиб олиш 1991 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайди, олтин, дон, енгил саноат, озуқа саноати ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш анча ошди. МДХдаги барча давлатлар билан савдони яхши йўлга қўйишга эришилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларда сифат жиҳатидан янги ривожланишга, яъни ўзаро савдода биринчи марта ижобий сальдога эришдик.

Иқтисодий соҳада эришилган ютуқларнинг кўламини фақат қиёслаш орқали аниқ тасаввур қилиш мумкин.

Масалан, Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 1994 йилда 1991 йилдагига нисбатан 83 фоизни ташкил этди. Ялпи ички маҳсулот 1991 йилдагига нисбатан атиги 17 фоиз камайган.

Ваҳоланки, бу кўрсаткич Қозоғистонда 43, Россияда 39, Украинада 40, Беларусда 35 фоизни ташкил этганини яхши биламиз.

Саноат маҳсулотлари ҳажми эса Ўзбекистонда 1991 йилга нисбатан атиги 2 фоиз камайган бўлса, Қозоғистонда 48, Россияда 44, Украинада 38, Беларусда 32 фоизга камайиб кетди. 1994 йилда республикамизда саноат ўсиши суръатлари 1993 йилга қараганда 101 фоиз ўсди. Ялпи ташқи савдо обороти 1993 йилга нисбатан 5,5 фоизга кўпайди ва 3 млрд 800 млн АҚШ долларини ташкил

қилди. Республика йиғма бюджетининг тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг 3,5 фоизини ташкил этди.

Инфляция балоси МДХ мамлакатларининг бирортасини четлаб ўтгани йўқ. Лекин, шунга қарамасдан, кейинги пайтда Ўзбекистонда нарх сакрашини бирмунча жиловладик. Дейлик, 1994 йилнинг октябрида истеъмол нархлари 24 фоизга ўсган бўлса, декабрга келиб тахминан 11 фоизни ташкил этгани бунга ёрқин мисолдир.

Таққослаш учун яна бир рақамни келтираман: 1991 йилга нисбатан нархлар бизда 1129 баробар, Беларусда 3207, Қозоғистонда 5618, Украинада эса 10800 баробар ошди.

Бундай рақамларни чакана товароборот, капитал маблағлар ҳажми, аҳолининг даромадлари каби муҳим кўрсаткичлар бўйича ҳам келтириш мумкин.

1994 йил якунлари тўғрисида гапирар эканмиз, иқтисодийётимизда эришилган натижалардан энг муҳимларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсатини амалга ошириш сари илк қадам ташладик. Пухта ишлаб чиқилган пул-кредит, бюджет ва аксиэмиссия сиёсатини қўллаб, нарх ўсиш суръатларини пасайтиришга, валютамизни мустаҳкамлаш муаммоларини ечишга дадил киришдик.

Иккинчидан, саноатни, умуман ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишларини давлат томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланишини таъминлай олдик. Бу эса ўз навбатида ишсизликни чегаралашга, меҳнат ресурсларининг банд

бўлишига, уларнинг даромади ва бюджет даромадини барқарорлаштиришга олиб келди.

Учинчидан, давлатимиз иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишини назарда тутиб, халқимизнинг эҳтиёжини қондирадиган ғалла, дон, гўшт, сут маҳсулотларини четдан олиб келишни кескин камайтирдик. Нефть ва нефть маҳсулотларини кўшни давлатлардан олиб келишни камайтириш сари ҳал қилувчи қадам қўйилди.

Тўртинчидан, хорижий сармояларни мамлакатимизга жалб этиш учун кенг имкониятлар ва муҳим шарт-шароитларни яратдик.

Шу билан бирга ижтимоий-иқтисодий вазият ҳамон анча мураккаб эканини ҳам эътироф этиш лозим. Қишлоқ хўжалиги ва бошқа халқ хўжалик соҳаларида мулкчиликнинг янги шакли қарор топиши чинакамига таъминланмаяпти, бозор инфраструктураси зарур даражада ривожланмаяпти. Ишлаб чиқариш суръатининг пасайиши кўп тармоқларда давом этмоқда, сармояларнинг етарли эмаслиги иқтисодиётни яхшилаб қайта қуришга тўсиқ бўлмоқда. Тўлов, ҳисоб-китоб масалалари ҳамон оғир аҳволда. Пулнинг ойлик қадрсизланиш суръатлари нисбатан юқори ҳолда сақланаётгани аҳолининг ҳаёт даражасига салбий таъсир қилмоқда. Соғлиқни сақлаш, халқ таълими, фан, маданият ва бошқа ижтимоий соҳалар молиявий жиҳатдан кўшимча ёрдамга муҳтож. (24—27)¹

¹ *Ислом Каримов*. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. 24—27-бетлар. (Ушбу бўлимдаги манбалар ана шу китоб бўйича кўрсатилган).

Олий Мажлис давлат мулкани хусусийлаштиришга, кичик корхоналар ташкил этиш ва бу мулкни сотиб олишга Ўзбекистон фуқароларининг шахсий сармояларини жалб этишнинг қонуний асосларини ишлаб чиқиши лозим. Айни замонда у солиқ солиш тартибининг ҳуқуқий жиҳатдан шаклланишини ҳам таъминлаши керак.

Бунда маблағларни узоқ муддат мобайнида ва манфаатли тарзда ишлатишнинг пишиқ-пухта тизимини яратиш кўзда тутилади.

Шунинг учун ҳам банк, молия, кредит тизимларини такомиллаштириш, уларни жаҳон талабларига кўтариш, тўловларни тартибга солиш борасидаги ислохотлар бугунги босқичда муҳим ўринни олиши даркор.

Бюджет сиёсатини, биринчи навбатда иқтисодий ва ижтимоий масалаларга тааллуқли вазифаларни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш соҳасида Олий Мажлиснинг таъсири сезиларли даражада ошиб бормоғи зарур.

Иқтисодиётимизни барқарорлаштиришни, пул қадрсизланиши — инфляцияни камайтиришни, товар ва хизматлар бозорида рақобат ташкил қилишни, ички миллий маҳсулот ҳажмининг ошиб боришини таъминлаш, тўлов балансини мустақамлаш ва бошқаришни қўллаб-қувватлаш, ташкилий янгиланишларни чуқурлаштириш — булар, албатта, мураккаб, аммо бажариш мумкин бўлган вазифалардир. (30—31)

2. ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ — ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ҚЎШИЛИШ ЙЎЛИДИР

1995 йил 29 март

Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки билан ўзаро муносабатларимиз ҳам мустақкамланиб бормоқда. Биз бунга катта аҳамият берамиз. Февраль ойининг охирида Парижда Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат делегацияси Жаҳон банки фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси бўйича маслаҳат гуруҳининг биринчи мажлисида иштирок этди. Ҳукуматнинг ислоҳотлар дастури, шунингдек, Ўзбекистоннинг сармоявий ва техник ёрдамга эҳтиёжи ва бу ёрдамнинг устувор йўналишлари 18 ҳукумат ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан муҳокама қилинади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, сармоядорларнинг ислоҳотларга қўмаклашиш учун Ўзбекистонга киритиш мажбуриятини олган сармоя миқдори қарийб 1 миллиард долларни ташкил этади.

Бош шиори бутун инсоният манфаатлари йўлида хизмат қилиш бўлган Давосдаги ҳар йилги учрашувлар жаҳондаги ижобий жараёнлар ва воқеаларга сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Ўзбекистон бу анжуманларнинг доимий иштирокчисидир.

Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида Ўзбекистон Савдо уйининг очилиши муҳим воқеа бўлди. Бу маскан бутунги кунда Савдо уйигина бўлиб қолмай, Ўзбекистоннинг Европа ва жа-

ҳонда ҳақли равишда бизнес ва савдо маркази ҳисобланадиган мамлакатдаги ваколатхонасига ҳам айланиб қолди.(66)

3. ДАВР ТАҚОЗОСИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
мажлисидаги нутқ. 1995 йил 16 май*

Бугун иқтисод, ишлаб чиқаришга энг катта тўсиқ бўлиб турган яна бир масала ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг вақтида амалга ошмаётганидир. Шундай раҳбарлар борки, ўз истеъмолчиларининг молиявий аҳволини суриштирмай, уларга ишлаб чиқарилган маҳсулотларини етказиб туришибди. Ваҳоланки, мижозларининг «чўнтагида» бир тийин ҳам йўқ. Оқибатда бундай корхона раҳбарлари истеъмолчиларидан тегишли пулни ундира олмай, меҳнат ҳақини тўлашимиз керак, деб ҳукуматга пул сўраб мурожаат қилади.

Шунинг учун ҳам «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» Президент Фармони чиқди. Унда истеъмолчиларнинг молиявий аҳволини инобатга олмай, пухта ҳисоб-китоб қилмай туриб, уларга маҳсулот етказишни давом эттираётган корхона раҳбарларига нисбатан қаттиқ жавобгарлик чораларини қўллаш кўзда тутилган. Бу борада республика Прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, тижо-

рат банклари ҳамда корхона раҳбарлари тегишли хулосаларни чиқаришлари керак.

Шу билан бирга, баъзи бир тижорат банкларидаги қўли эгри кимсалар ўз ҳамёнларини ўйлаб, корхоналарнинг маблағларини бошқа мақсадларга ишлатиб юрибди. Оқибатда бу корхоналар «айбсиз айбдор» бўлиб қолмоқда. Бундай ҳолатлар билан ҳам шафқатсиз курашмоғимиз лозим. Марказий банк бу масалага юзаки қараб келяпти. Бу масалада назоратни кучайтириш зарур. Керак бўлса, бундай тижорат банкларини ва уларнинг бўлимларини ёпиш, раҳбарларини эса жавобгарликка тортиш лозим.

Яна бир муҳим масала шундан иборатки, нақд пул ва кредитлар қўшимча эмиссиясига кескин чек қўйиш керак. Ҳозир Марказий банк бу масалада қатъий йўл тутмоқда. Биз буни қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳар бир вилоят, шаҳар ва туман раҳбарлари ўз ишларини шундай ташкил қилишлари керакки, *токи нақд пул ҳисобида берилаётган иш ҳақи*, нафақа ва бошқа даромадлар аҳолининг харид қилиш қувватини ошириш, хилма-хил хизмат кўрсатиш ташкилотларини кўпайтириш орқали банкларга қайтиб келиши лозим. Бунинг учун эса вилоят, шаҳар ва туманларда катта ишларни амалга ошириш керак. Аввало, аҳоли олаётган даромадларнинг ички бозор товар ресурслари билан мувозанатини таъминлаш, қўшимча мол-мулк келишига кенг йўл очиш керак. Хуллас, юқоридан қўшимча пул ёки товар беришади, деган кайфиятдан воз кечиш лозим.

Пул қадрсизланмаслиги учун бир қоида доимо эсимизда бўлиши керак. Яъни ҳар қандай маош, нафақа кўпайишидан олдин, бозоримиздаги мол ҳам шу даражада, балким ундан ҳам тезроқ кўпайиши шарт. Бу қоидага ҳаммамиз риоя қилишимиз зарур. Бу — умумиқтисодиёт қонуни. Мутахассислар ҳисоб-китобига қараганда, агар қўшимча маҳсулот бозорга етказилмасдан нақд пул миқдори 1 фоизга кўпайса — нархлар миқдори 1,2—1,4 фоизгача ошиб кетади.

Агар бу йўлни танласак, Ўзбекистонда нафақат инфляцияга, яъни нарх ошишига, балки гиперинфляцияга, бошқача тил билан айтганда, оқибатда ҳеч қандай жиловланмайдиган офатга, нарх ошиб кетишига олиб келади. Бу эса, гирдобга ўхшаган даҳшатли нарса — тушгандан кейин чиқиб кетишнинг иложи йўқ, десак ҳам бўлади. Унинг оқибати, яна такрорлайман, табиий офатга тенгдир. (94-96)

4. ҚИШЛОҚ ИСТИҚБОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва чет эл сармоялари бўйича идоралараро кенгаш мажлисидаги нутқ. 1995 йил 4 июль

Кичик ва ўрта бизнесга мўлжалланган кредит маблағларни Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жуда суст суръатларда ажратмоқда. Бу кредит ресурсларидан фойдаланишни кўриб чиқадиган кенгаш ташкил этиш зарур. (123)

5. ФАОЛИЯТИМИЗ ВАТАН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

1995 йил 4 июль

Автомобилсозлик, электроника, коммуникация ва бошқа соҳаларда республикада илғор технологиялар бозорини шакллантириш, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва импортнинг ўрнини босувчи корхоналарни ривожлантириш имконини берадиган бир қанча йирик инвестиция лойиҳалари ҳам амалга оширилмоқда.

Бу эса, табиийки, республикага чет эл сармоясини жалб этишни тақозо қилади. Шу мақсадда халқаро ва минтақавий молия ташкилотлари ва муассасалари билан ҳамкорлик кенгайтирилмоқда. Хусусан, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Япония иқтисодий ҳамкорлик фонди, Германия банклар консорциуми, Германия кредит идораси, Европа Иттифоқи комиссияси каби халқаро ташкилотлар билан кредит битимлари имзоланди.

Ўзбекистондаги устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун ётқизилган чет эл сармоялари миқдори бугунги кунда 3 миллиард 500 минг долларни ташкил этади.

Шунингдек, Ўзбекистонга узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлар ҳам ажратилмоқда. Кредит миқдори 600 миллион АҚШ долларидан ошди. Бироқ инвестиция лойиҳаларини фақат хорижий кредитлар ҳисобига маблағ билан таъминлаш мақбул эмас. Миллий иқтисодиёт қарз ҳисобига яшай олмайди. Ўзбекистон шу кунга қадар ҳеч

кимдан қарздор эмас ва келажакда ҳам бундай бўлишига йўл қўйилмайди. Бунинг учун эса ўзимизнинг салоҳиятимиз ва ресурсларимизга таяниб дунё бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сотиш эвазига маблағ топиш керак бўлади. (126)

Бунёд этилаётган улкан иншоотларни сармоя билан таъминлашда, қолаверса, миллий валюта-миз — сўмнинг харид қобилиятини мустаҳкамлашда, унинг хорижий валюталар билан том маънодаги эркин алмашувига эришишда ташқи иқтисодий фаолиятнинг, хусусан, четга товарлар экспорт қилишнинг аҳамияти каттадир... Зеро, хорижга қанча кўп маҳсулот сотсак, республикага шунча чет эл валютаси кириб келади ва у сўмимиз қудратини таъминлашга хизмат қилади.

Шуни унутмайликки, сўмнинг конвертациясига эришиш — бу йилги фаолиятимизнинг энг муҳим вазифасидир. Чунки, кучли миллий валюта — мамлакатнинг нуфузи, иқтисодий қудратининг белгиси, унинг келажакдир.

Бизнинг пул эмиссиясини қисқартирганимиз, асоссиз кредитлар ажратишни тўхтатганимиз — бошқача айтганда, қаттиқ пул-молия сиёсатини ўтказаяётганимизнинг моҳияти ҳам айнан ана шу мақсадга қаратилгандир. Бу осон кечмайди, албатта.

Маошни оширишни, керакли-кераксиз кредитлар беришни тарғиб этаётган айрим сохта обрў тарафдорларининг гапига учмай, ана шу сиёсатни амалга оширсак, бу ҳаракатларнинг натижасини кўрамиз. Бозорларимизда нархнинг

барқарорлашиб қолгани, айрим ҳолларда эса унинг туша бошлагани шундан далолат бериб турибди.

Мамлакат иқтисодиётига чет эл сармоясини жалб этиш — ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий жиҳатларидан биридир. Бунинг учун эса жойларда қулай шароит — инфраструктура яратмоқ лозим бўлади.

Асака, Қоровулбозордаги улкан қурилишларга чет эллик сармоядорларнинг қизиққани, ўз маблағини иккиланмай сарф этганига сабаб шуки, бу заводларнинг корпуслари асосан тикланган, газ, сув, йўл ўтказилган эди. Бундан шундай хулоса чиқадики, ҳеч бир хорижий ишбилармон, фирма ёки компания қуруқ ерга сармоя киритмайди. У сарфланган маблағининг фойда келтиришига ишонч ҳосил қилгандагина ишга қўл уради. Демак, кимки ўз фаолиятида чет эл сармоясидан фойдаланишни истаса, шунга яраша инфраструктура яратиш хусусида ўйламоғи керак.

Чет эл сармоясини иқтисодиётга жалб этишнинг яна бир йўли — ишлаб турган завод ва фабрикалар негизида қўшма корхоналар ташкил этишдир. (128—129)

6. ИСЛОҲОТИМИЗ ТАМОЙИЛЛАРИ

*“Российская газета” мухбирининг саволларига
жавоблар. 1995 йил 7 июль*

Ўзбекистон раҳбарияти вакилларининг шу йил март ойида сармоядор мамлакатлар ва-

киллари билан Париждаги маслаҳат учрашувида Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг яқунлари ижобий баҳоланди. Халқаро молия ташкилотлари — Халқаро валюта жамғармаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки мутахассислари пул билан таъминлаш учун Ўзбекистон таклиф этган лойиҳаларнинг кўп қисмини маъқулладилар.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси шу йилнинг октябрига қадар 650 миллион доллар миқдорида тикланиш заёми олади. Бу пул миллий валюта — сўмни мустаҳкамлаш учун ҳамда бевосита муайян лойиҳаларни амалга оширишга сарфланади. Пахта лойиҳасини амалга оширишга (чигитли пахтани сертификациялаш ва шу кабиларга) 60 миллион доллар олинди. Кўкдумалоқ нефть конини ривожлантиришга 170 миллион доллар, Муборак нефть-газ конларини ривожлантиришга 60 миллион доллар, Шўртан-газ мажмуига 120 миллион доллар, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишига 160 миллион доллар олинади. Сармояларнинг умумий ҳажми деярли 1 миллиард долларга етади.

Айни пайтда булар давлат сармояси эмас, балки компанияларнинг бевосита сармояси эканини алоҳида таъкидлаш керак. Ўзбекистон — барча МДХ аъзолари орасида ташқи қарзи бўлмаган ягона давлатдир. (137)

7. КЕЛАЖАККА ҚАТЪИЙ ИШОНЧ БИЛАН БОҶАМИЗ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
1995 йил биринчи ярим йиллик яқунларига
бағишланган мажлисида сўзланган нутқ.
1995 йил 29 июль*

Ҳозирги босқичнинг муҳим вазифаларидан бири — бу молиявий барқарорликка эришишдир. Ўтган ярим йил ичида бу соҳада бирмунча ижобий натижалар қўлга киритилди. Хусусан, инфляция даражасининг кескин пасайиши бу борадаги сиёсатимизнинг муҳим натижаларидан биридир. Уни йил бошидаги 16—17 фоиздан июнь ойида 1,9 фоизга туширишга эришдик. Ёки, 1995 йилнинг биринчи чорак яқунлари бўйича бюджет камомати ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,2 фоизни ташкил этган бўлса, бу ҳолат ярим йиллик давомида ҳам шу даражада сақлаб қолинди.

Молиявий барқарорликка эришишнинг ҳозирги кундаги энг асосий муаммоси миллий валютамизнинг қувватини оширишдир.

Халқимизнинг фаровонлиги, ҳаётнинг кўркамлашиб бориши кўп жиҳатдан шу масаланинг ҳал этилишига боғлиқ. Шу сабабли ҳам бу масалага энг устувор йўналишлардан бири деб қарамоқ лозим.

Бу борадаги асосий муаммо — сўмимизнинг ички конвертациясига, унинг бошқа мустаҳкам валюталар билан эркин алмашувига эришиш. Бу эса ҳозирги кунда нақд пул эмиссиясини зудлик билан тартибга солишни талаб этади.

Биринчи ярим йилликда бу борада сезиларли натижаларга эришилди. Агар жорий йилнинг биринчи чорагида эмиссия даражаси 17,6 фоизни ташкил этган бўлса, иккинчи чорада 8,2 фоизгача камайди.

Айни вақтда айрим вилоятларда эмиссия муаммосига старли эътибор берилмаяпти. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида эмиссия даражаси республикадаги ўртача кўрсаткичдан анча юқори ҳолда қолмоқда. Бунинг сабаби шундаки, бу жойларда аҳолига зарур товар, хизматлар таклиф этилмаяпти. Содда қилиб айтганда, халқимизнинг эҳтиёжлари қондирилмасдан қолиб, уларнинг қўлида бўлган нақд пул хазинага қайтиб тушмасдан, эмиссия даражаси ортиб кетмоқда. Бу ерларда Самарқанд, Наманган, Андижон, Қўқондагидек одамнинг «жони» дан бошқа ҳамма нарса топиладиган дўконлар жуда кам.

Аҳвол шундай бўлгач, ўша вилоят-туманларда маош тўлашда қийинчилик пайдо бўлганда кимни айблаш керак?

Кўп марта айтилган фикрни яна бир карра такрорлашга мажбурман. Агар валютаимиз етарли даражада товарлар билан қопланмаса, унинг қувватли ва обрўга эга бўлиши амримаҳол. Буни ҳаммамиз англаб олишимиз лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, биринчи ярим йилликда, Тошкент шаҳрини мустасно қилганда, барча вилоятлар чакана товар айланмасини 1994 йилнинг биринчи ярмига нисбатан кескин камайтириб юборганини қандай баҳолаш мумкин?

Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Тошкент вилоятларида аҳолига пуллик хизмат кўрсатишга етарли эътибор берилмади. Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг ўтган йилдагига нисбатан камайишига йўл қўйилди. (146—147)

Банклар мижозлар билан биргаликда векселларни жорий қилиш амалиётини кенгайтиришлари зарур.

Яна бир бор таъкидламоқчиман: миллий валютамиз — сўмни мустақкамлаш мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигига эришишнинг энг зарур шarti ҳисобланади. (150)

8. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

1995 йил

Биринчи босқичда иқтисодиётни дастлабки ислоҳ қилишнинг фоят муҳим йўналишларини белгилаб берган асосий устувор йўналишлар сифатида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш талаб қилинди...

Ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш, молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлаш иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришнинг фоят муҳим шarti бўлмоғи керак эди.

Иқтисодиёт барқарор амал қилиб турган тақдирдагина бозор муносабатларига муваффақият-

ли ўтиш мумкин. Биринчи босқичда вужудга кел-
лаётган вазият тангликни бартараф этиш учун
жадал, қаттиқ, баъзан унча одат бўлмаган чора-
лар кўришни, аҳолининг турмуш даражаси кес-
кин ёмонлашиб кетишига йўл қўймасликни та-
лаб қилди.

Биринчи босқичда ғоят муҳим ва биринчи
даражали чора-тадбирлар ҳамда устувор йўналиш-
лар сифатида қуйидагилар илгари сурилди.

Молия ва солиқ сиёсати соҳасида:

— қаттиқ молиявий сиёсатни амалга ошириш,
давлат бюджети дефицитини иложи борича ка-
майтириш, бюджетдан бериладиган дотациялар
ва субсидияларнинг барча турларини босқичма-
босқич қисқартириб бориш;

— бюджет маблағлари даромад тушганидан
кейингина тақсимлаштирадиган йўлдан оғишмай
бориш, биринчи даражали, энг зарур умумдав-
лат эҳтиёжлари учунгина бюджетдан маблағ аж-
ратиш;

— халқ хўжалиги тармоқларини, айрим кор-
хоналарни ривожлантириш учун бюджетдан пул
билан қайтармайдиган қилиб таъминлаш амали-
ётидан воз кечиш. Ана шу мақсадлар учун инвес-
тиция кредитларидан кенг фойдаланиш;

— солиқ тизимини такомиллаштириш, бюд-
жет даромадлари барқарор суратда тўлдириб ту-
рилишини таъминлайдиган, кичик ва хусусий
корхоналарнинг, чет эл капитали иштирокида-
ги, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишла-
диган ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқа-
радиган қўшма корхоналарнинг ривожланиши-

ни рағбатлантирадиган пишиқ-пухта солиқ сиёсатини олиб бориш.

Кредит-пул сиёсати соҳасида:

— Марказий банк бошчилигида ҳамда кенг тармоқли мустақил тижорат ва хусусий банклар икки босқичли банк тизимини вужудга келтириш, республика ҳудудида йирик чет эл банкларининг бўлимлари ва ваколатхоналарини очиш учун қулай шароит яратиш;

— барқарор пул муомаласини таъминлаш, кредит ва нақд пул эмиссиясини, жами пул массасининг асоссиз ўсишини кескин чеклаш;

— Ўзбекистон Республикасининг миллий пулини муомалага киритиш учун зарур иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар ҳамда имкониятларни яратиш.

Нарх-наво бўйича ва пулнинг қадрсизланишига қарши сиёсат соҳасида:

— нарх белгилаш тизимини янада тартибга солиш, бозорни тартибга солиб турувчи восита сифатида нархнинг ролини мустаҳкамлаш;

— нарх-навони эркин қўйиб юборишнинг «эсанкиратадиган» механизми Ўзбекистон учун номақбул эканлигини қатъиян эътироф этган ҳолда, улгуржи ва чакана нархларни босқичма-босқич эркинлаштириш, эркин (келишилган) нархларда сотиладиган товарлар доирасини кенгайтириш йўлини изчил амалга ошириш;

— жуда тор доирадаги ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари, энг аввало, ун ва ноннинг нархини давлат томонидан бошқариб туриш тартибини вақтинча сақлаб қолиш;

— қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархларини изчил суръатда ошира бориб, уларни жаҳон нархлари даражасига етказиш;

— монополияларга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш, юксак даражада монополлашган тузилмаларни ажратиш ҳисобига нарх-наво-нинг сунъий равишда ошириб юборилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш, рақобатчиликни вужудга келтириш учун шароит яратиш. (185—187)

Хўжаликларни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш учун кредиторлик ва дебиторлик қарзлари бўйича бир неча бор ўзаро қарз суришиш тадбири амалга оширилди. Илгари берилган кредитларни узиш муддати уч йилга кечиктирилди.

Шундай қилиб, биринчи босқичда хўжаликларнинг давлат билан ўзаро муносабатлари катта ўзгаришларга дуч келди, бу ҳол деҳқонларнинг ўз меҳнатлари натижаларидан манфаатдорлигини оширишга имкон берди. (224)

Нархларни эркинлаштириш шароитида Давлат нарх кўмитаси батамом тугатилди. Молия вазирлиги таркибида эса нарх-наво-ни белгилашда яккаҳокимликни тугатиш ва яккаҳокимлик билан ўрнатилган юқори нархларни назорат қилиш бўйича махсус бошқарма тузилди. Унинг асосий вазифаси яккаҳоким тузилмалар вужудга келишига йўл қўймасликдан, республикада рақобатчилик муҳити шаклланишига ёрдам беришдан иборатдир.

Бозорга ўтиш шароитида молия ва банк тизимининг роли тубдан ўзгармоқда. Бозор муносабатларини бошқариш соҳасида давлат томонидан

олиб бориладиган барча ишларнинг оғирлик маркази худди ана шу асосий тизимларга кўчди. Айнан ана шу структуралар фискаль ва монетар сиёсатни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши керак. Иқтисодиётнинг умумий ҳолати ана шу сиёсатни амалга оширишга боғлиқ бўлади.

Шу туфайли кейинги йилларда республика Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг вазифалари ҳамда таркибий тузилиши анча ўзгартирилди. Молия вазирлиги зиммасига республика бюджетини вужудга келтириш билан бир қаторда, ҳозирги вақтда давлат солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва қоидаларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштирилган молиявий сиёсат олиб бориш ва валюта ишларини бошқариш вазифаси юклатилди.

Банк тизимини такомиллаштириш, банкларнинг мустақиллигини ва пул муомаласидаги аҳвол учун жавобгарлигини ошириш, пул-кредит муносабатларини тартибга солиш мақсадида банк тизимини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча қарорлар қабул қилинди. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мустақил ва эркин банк тизимининг қарор топишига ёрдам берди.

Республикада икки босқичдаги банк тизими амалда шакллана бошлади. СССР Давлат банкининг таркибий бўлинмаси ҳисобланган, айнаи вақтда кредит ва ҳисоб-китоб операция муассасаси вазифасини бажариб келган собиқ республика Давлат банки тугатилди. Марказий банк зиммасига федерал резерв тизимига хос бўлган ва-

зифалар юклатилди. Давлат шу билан бир қаторда тижорат банкларининг ривожланишига ҳам ёрдам берди. Банк тизимининг қуйи бўғинлари мустақил иш олиб бориши учун янги тузилмалар ташкил этилди. Собиқ тармоқ доирасида иш юритувчи давлат банклари тугатилди. Агросаноат банки ва Саноат-қурилиш банки ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банкларига айлан-тирилди. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки тузилди.

«Ўзжамғармабанк»ка кредит-молия муассасаси мақоми ҳамда кредит ресурсларидан жисмоний ва юридик шахсларга қарз бериш учун фойдаланиш, шунингдек, кредит ресурсларини банклараро пул бозорида ким ошди савдоси орқали сотиш ҳуқуқи берилди. Банкнинг кичик корхоналар барпо этиш ва уларни ривожлантиришга, фуқароларнинг давлат мулкани хусусийлаштириб олишига, уй-жой бинолари қуриш, уларни таъмирлашга ва аҳолининг бошқа эҳтиёжларини қондиришга қарз бериш имконияти анча кенгайди.

Айни маҳалда янги тижорат ва хусусий банклар тармоғи вужудга келди. Улар мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиши, давлатга қарашли бўлмаган янги корхоналар ҳамда фермер хўжаликларга молиявий ёрдам бериши керак.

Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банклари — «Фаллабанк», «Мевасабзавотбанк», «Тадбиркорбанк», «Савдогарбанк» ва бошқа банклар тузилди. Бу банклар тадбиркорлик иш-

ларига хизмат қилади, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, истеъмол бозорини энг зарур товарлар билан бойитиш манфаатларини кўзлаб инвестициялар учун маблағ беради. (229—231)

Мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотлар дастурини қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш учун халқаро ташкилотлар ва қарз берувчи 21 та мамлакат томонидан Ўзбекистонга кенг миқёсда техникавий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу ёрдам 1993—1994 йилларнинг ўзида салкам 75 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Мазкур техникавий ёрдам мутахассислар тайёрлашга, иқтисодиётни бошқариш ва бозорга ўтишни давлат йўли билан тартибга солиш тизимини такомиллаштиришга, иш кучини ривожлантиришга, энергетика ва транспорт тизимини такомиллаштиришга, соғлиқни сақлаш, дори-дармон билан таъминлаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги техникавий ҳамда инсонпарварлик ёрдамига, молля, солиқ ва банк тизимларини мустаҳкамлашга, иқтисодиётнинг турли соҳаларини компьютерлаштиришга йўналтирилди. (250)

Хорижий сармоя иштирокида корхоналар барпо этиш, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш ва четга чиқариладиган маҳсулот учун рухсатнома (лицензия) бериш тартиби анчагина соддалаштирилди. Рухсатнома асосида четга чиқариладиган маҳсулотлар турларининг сони 1994 йилнинг ўзида 74 тадан 11 тагача камайтирилди. Буларнинг барчаси ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтиришга, экспорт ва импорт таркибини яхшилашга ижобий таъсир қилди. (253)

Хорижий сармояларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосландик:

биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

иккинчидан, республика иқтисодиётига бево-сита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

учинчидан, республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган, халқ хўжалигининг замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий сармоядорларга нисбатан эшикларни очиб қўйиш сиёсатини изчиллик билан ўтказиш;

тўртинчидан, маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларда жамлаш. (256)

Республикада хорижий инвестицияларни жалб этиш учун имтиёзларнинг кенг тизими вужудга келтирилган, хорижий сармоядорлар учун имтиёзли солиқ жорий этилган. «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга биноан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналарни рўйхатга олинган пайтдан бошлаб беш йил муддатга хорижий валютадаги тушум-

дан солиқ тўлашдан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига валютани мажбурий сотишдан озод қилиш кўзда тутилган.

Амалдаги имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари тизимида:

— ишлаб чиқариши ҳажмида товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти камида 30 фоизни ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклларида қатъи назар, фойда солиғини амалдаги ставкалардан икки баравар камроқ тўлаш ҳуқуқини бериш;

— Республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан беш йил муддатга озод этиш;

— хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технологияни янгилашга сарфланадиган қисмидан солиқ олмаслик;

— ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз бемалол четга олиб кетиш;

— Ўзбекистон ҳудудида қўшма корхоналарнинг ва фақат хорижий сармоя билан ишлайдиган корхоналарнинг устав фондига ҳисса қўшиш учун мол-мулкни четдан бож тўловларисиз олиб кириш;

— жисмоний ва юридик шахсларнинг, жумладан, хорижликларнинг давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан кўчмас мулкнинг кенг миқёсда сотилишида бемалол иштирок этишларини таъминлаш;

— инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларидан фойдаланиш ва уларни

тасарруф этиш ҳуқуқини танлов асосида сотиб олиш кўзда тутилган.

Хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонунга мувофиқ хорижий ҳамкорлар учун уларнинг мол-мулкларини давлат ихтиёрига олиш ва мусодалара қилишдан халос этиш учун кафолатлар белгилаб қўйилган. Уларнинг ўз фаолияти натижасида олган фойдасини ва бошқа пулларни чет элларга ўтказишларига, олинган фойдани республика ҳудудида қайта инвестиция тарзида ишлатиш, республика банкларида счёта ва унда ҳар қандай валютада чекланмаган миқдорда маблағга эга бўлиш имконияти кафолатланади.

Хорижий сармоядорларга нисбатан инвестициялар амалга оширилган пайтда амалда бўлган қонун нормалари 10 йил мобайнида қўлланилиши кўзда тутилган қонун ҳужжатлари ўзгартирилмаслигига ишончли кафолатлар мавжуд. (257—258)

Ўзбекистон ҳукумати Канада, Хитой Халқ Республикаси, Туркия, Голландия, Германия, Швейцариянинг банклари ва фирмалари билан 1,5 миллиард АҚШ долларига яқин суммада ҳукуматлараро 32 та йирик кредит битими тузди ва ҳозир бу битимлар амал қилмоқда.

1994 йил мобайнида республикага 640 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция кредитлари бериш тўғрисида халқаро молия муассасалари ва хорижий сармоядорлар билан тузилган битимлар амал қила бошлади, шундан салкам 300 миллион доллари аниқ объектларни кредитлаш тарзида расмийлаштирилди. Чунончи, Тош-

кентда Халқаро савдо-кўргазма комплекси, Хоразм вилоятида қанд-шакар заводи қурила бошлади, Американинг «Ньюмонт-Майнинг» компанияси билан биргаликда қурилаётган олтин қазиб оладиган қўшма корхона иншоотлари битай деб қолди. (259)

Эндиликда ҳар бир мамлакат ўзи ишлаб чиққан ислоҳотлар стратегиясининг, уни амалга ошириш тамойилларининг тўғрилигини, ислоҳотларни амалга ошириш қандай бораётганини баҳолашига имкон берадиган етарлича вақт ўтди.

Бир қарашда бунда кескин тафовутлар бўлиши мумкин эмасдек туюлади. МДҲ га кирган барча мамлакатлар бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тамойилларига эга марказлаштирилган режатизимдан бозор иқтисодиётига олиб борадиган йўлни босиб ўтишлари керак. Барча мамлакатларда бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган қонунлар қабул қилинди, тегишли суратда ташкилий тузилмалар вужудга келтирилди, иқтисодий бошқарувнинг бозор муассасалари ташкил қилинди, давлат мулкани хусусийлаштириш жараёни амалга оширилди. Бироқ ислоҳотнинг биринчи босқичи натижалари турлича бўлди.

Бунинг сабаби нимада?

Авваламбор ислоҳ қилиш йўлларини, тамойилларини танлашда. МДҲ га кирган кўпгина мамлакатлар халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг берган тавсияларига амал қилиб, бозор йўлига ўтиш соҳасидаги ўз иқтисодий сиёсатининг марказига нархларни ва ташқи савдони тезроқ эркинлаштириш масалаларини қўйдилар.

Пулнинг қадрсизланишидан иборат тобора кучайиб бораётган муаммони ҳал қилишни эса амалда анчайин қаттиққўл пул-молия сиёсатини ўтказиш билан боғлиқ деб билдилар. **Яъни макро-иқтисодий бошқарувнинг соф монетар усуллари**ни ўзларига асосий дастак қилиб олдилар. Бу усуллар яхши маълум — банклараро валюта савдо-сотиғида Марказий банкларнинг валюта ташлашини кучайтириш эвазига бюджетдаги етишмовчиликни камайтириш, кредитга пул чиқаришни қисқартириб, миллий валютанинг амал қилишини барқарорлаштиришдан иборат. Бюджетдаги етишмовчиликни ўзига мақбул даражада сақлаб туриш учун давлат харажатларини тушаётган даромадларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида уларни давлат фойдасига жиловлаб туриш сиёсати мунтазам равишда олиб борилади.

Бунда ривожланган мамлакатларда яхши синалган монетар сиёсат усуллари МДХ мамлакатлари иқтисодиётида ҳам улардаги каби натижа беришига умид боғладилар. Бу ўринда ривожланган мамлакатларда монетар сиёсатни етарли даражада самарали қиладиган бозор иқтисодиёти тартиблари ҳали ўзларида амалда йўқлиги эътиборга олинмади.

Шундан келиб чиққан ҳолда пулнинг қадрсизланиши даражасини 1—3 фоизга қадар пасайтириш, бюджетдаги етишмовчиликни кескин қисқартиришни кўзда тутувчи макроиқтисодиётни барқарорлаштиришдан иборат баландпарвоз дастурлар ишлаб чиқилди. Чунончи, Россияда 1994 йил охирига келиб пулнинг қадрсизлани-

ши кескин кучайди ва ойига 16 фоиздан ошди, бюджетдаги етишмовчилик ялпи ички маҳсулотга нисбатан 13 фоизни ташкил қилди, рублнинг қиймати тез тушиб бормоқда. Қирғизистонда саноат, қишлоқ хўжалиги, кишиларнинг моддий фаровонлиги ўз валютасини барқарорлаштириш йўлида қурбон қилинди. Айтилганларнинг ҳаммаси кўйилган мақсадларга эришилмаганлигидан яққол далолат бериб турибди.

МДХ га кирган қатор мамлакатларнинг тажрибаси ислоҳ қилишнинг илк босқичида қаттиққўллик билан ўтказилган пул-кредит сиёсати ўз ҳолича фақат биргина самарага олиб келиши — ишлаб чиқариш кескин пасайиб кетиши мумкинлигини кўрсатди.

Ишлаб чиқариш ҳажмларининг камайишини, айниқса, саноатнинг асосий тармоқларида бу катта миқдорни ташкил қилишини МДХ мамлакатлари халқ хўжалигидаги тангликнинг умумий, бизнинг назаримизда, энг хатарли кўриниши дейиш мумкин. Чунончи, Россияда сўнгги уч йил мобайнида ялпи ички маҳсулот 39 фоизга қисқарган. Украинада — 40, Қозоғистонда — 43, Қирғизистонда — 48 фоизга камайган. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми тегишли равишда Россияда — 44, Украинада — 38, Қозоғистонда — 48 ва Қирғизистонда 58 фоиз камайиб кетди. (286—287)

Умумиттифоқ бюджетидан маблағ тушиши тўхтаб қолганлигига ва амалда ишлаб чиқариш ҳажми камайганлигига қарамай, биз молиявий аҳволнинг барқарорлигини таъминлай олдик, амалда давлат сарф-харажатларини чеклашга эри-

шиб, республикада давлат бюджетида етишмовчиликнинг ўсишига йўл қўймадик. Бунинг учун қатъий молиявий ва солиқ сиёсати ўтказилди.

Бир неча йилдан буён давлат бюджетидаги етишмовчилик ялпи ички маҳсулотнинг 4 фоиздан паст даражада бўлиб келмоқда. Бюджетдан маблағ ажратиш ойма-ой амалга оширилди ва бу фақат тушган маблағлар доирасида бўлди.

Қайта молиявий таъминлаш ставкалари 40 фоиздан 225 фоизга қадар оширилди, банкларнинг резерв маблағлари 10—30 фоизга қадар кўпайтирилди, кредит ва нақд пул эмиссияси кескин камайтирилди.

Ишлаб чиқаришнинг моддий ҳажмлари ўсиб боришига қараб иш ҳақи фондини тартибга солиб боришнинг жорий қилиниши, аҳолининг шахсий ҳисоб рақамлари бўйича депозит ставкаларининг оширилиши пул массаси ортиб боришининг секинлашувига олиб келди. Биргина 1994 йил давомида унинг ўсиши 1,7 баравар камайди.

Пул эмиссиясининг олдини олиш дастури амалга оширилиши натижасида нақд пулларнинг ҳаракатсизлик даражаси 1994 йилнинг биринчи ярмида ўрта ҳисобда 30 фоизни ташкил қилган бўлса, 1995 йил бошларига келиб 17 фоизга қадар камайди. Шу билан бир вақтда республика ички истеъмол бозорини тўлдириш, етакчи тармоқлар ва корхоналарнинг узлуксиз ишлаши, уларнинг бозор шароитларига тезроқ мослашиши учун қўшимча маблағ ва ресурслар қидириб топилди.

Ислохотларнинг илк босқичи давомидаги умумиқтисодий вазият нархларни эркинлаштириш-

нинг кучли таъсири остида кечди. 1994 йил охирига келиб эркин бозор нархларига ўтиш жараёни асосан ниҳоясига етди. Деярли барча турдаги саноат маҳсулотларига, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларига эркин шартнома нархлари белгиланди. 1995 йилда пулнинг пинҳоний қадрсизланишига сабаб бўлиши мумкин бўлган омилларга барҳам берилди.

Пулнинг қадрсизланишига қарши таъсирчан чоралар кўрилганлиги 1994 йилнинг иккинчи ярмида пул қадрсизланишининг ўртача ойлик даражасини 31,7 фоиздан 15,1 фоизга қадар камайтириш имконини берди, муомаладаги пулнинг айланиш тезлиги эса уч баравар ошди. Иккинчи ярим йилда пулнинг қадрсизланиш даражаси пасайишига миллий валютанинг муомалага чиқарилганлиги кучли таъсир қилди. (291—292)

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тангликка, ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш, иқтисодиётдаги таркибий бузилишларни тўғрилаш муаммоларини ҳал этиш соҳасида анча илгарилаб кетди. Иқтисодий ва ташкилий шартшароитлар вужудга келтирилди ва миллий валюта — сўм муомалага чиқарилди. Молия, солиқ ва пул-кредит тизимлари қатъиян такомиллаштирилди. Пул эмиссиясининг олдини олишни бошқариш ва пулнинг қадрсизланиш даражасини пасайтиришга қаратилган таъсирчан чоралар амалга оширилди. Ижтимоий ёрдам беришнинг қатъиян янги тизими вужудга келтирилиб, у ўтиш даврида аҳолининг, айниқса ижтимоий жиҳатдан яхши ҳимояланмаган қатламлари ва болали

оилаларнинг манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя қилди, ишсизлик кучайишининг олдини олди. (298—299)

Иқтисодий барқарорликка эришишнинг асосий мезонлари қуйидагилардан иборат бўлади: (320)

— агар ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш билан боғлиқ бўлмаса, унинг камайишига йўл қўймаслик;

— устувор тармоқларда ишлаб чиқаришни юксалтириш учун қулай шароитларни вужудга келтириш, ишлаб чиқариш фаолияти рағбатлантирилишига кўмаклашиш. Ўз ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватламасдан ва ички резервлардан фойдаланиш эвазига иқтисодиётни ичдан ривожлантирмасдан туриб, молиявий ҳамда ижтимоий барқарорликка умид боғлаш мумкин эмас;

— давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволининг барқарорлигини мумкин бўлган даражада таъминлаш;

— пулнинг қадрсизланиш жараёнларини тўхта-тиб қолиш. Пулнинг қадрсизланишига қарши таъсирчан чоралар кўриш йўли билангина миллий валютани мустаҳкамлашга эришиш, узоқ муддатга мўлжалланган инвестициялар ички бозорини жонлантириш, аҳоли турмуш даражасининг барқарорлигини сақлаш;

— тўлов баланси ва давлат валюта резервларининг ҳолатини яхшилаш учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ва шунинг негизда Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий муноса-

батларда тутган ўрнини мустаҳкамлаш. Шунингдек чет эл қаттиқ валюталарига нисбатан «Сўм» ни айирбошлаш курсининг барқарорлигини сақлаш. (320)

Муайян бюджетларни шакллантириш манбалари бўлган республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ чегара ўтказиш солиқ тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишидир. **Давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш зарур.** Бу эса минтақалар мустақиллигини ошириш, уларнинг ташаббускорлигини, бюджетнинг ижросидан манфаатдорлигини ва бу борадаги масъулиятини ошириш имконини беради. Бундан ташқари, бу нарса маҳаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбаларини қидириб топишга рағбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустаҳкамлайди. (324)

Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида кредит-банк тизими, пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Барқарорлаштириш дастурлари соф ички қарз беришни анча қисқартиришга қаратилиши лозим. Банкларнинг қарзлари биринчи навбатда стратегик жиҳатдан муҳим маҳсулот, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қодир бўлган, қарзга олинган маблағларни ўз вақтида қайтара оладиганларга берилиши лозим. Айни вақтда асосланмаган кредит эмиссиясига, қарз учун ажратилган маблағларнинг сочиб юборилишига йўл қўймаслик даркор.

Биз ҳаммамиз битта ҳақиқатни англаб олишимиз лозим — халқ истеъмоли моллари ва бошқа ҳаётӣ муҳим маҳсулот ишлаб чиқаришни қўлайтиришга қодир бўлмаганларга кредит берилиши пул қадрсизланиши жараёнини кучайтиради, миллий валюта барқарорлигига путур етади. Шу сабабли муомалага чиқарилган ҳар бир сўм тегишли товар билан қопланган бўлиши керак.

Пул-кредит сиёсати соҳасидаги ислоҳотлардан қўзланган асосий мақсад пулнинг қадрсизланишини изчиллик билан камайтириш, ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги учун шарт-шароит яратиш йўли билан кризисни бартараф этиш ва миллий иқтисодиётни соғломлаштириш учун зарур замин яратишдан иборатдир.

Пулнинг қадрсизланиш даражаси устидан қатъий назорат ўрнатиш ҳамда пулнинг қадрсизланишига қарши самарали тадбирлар қўллаш зарур. Пул қадрсизланиши суръатларининг анча пасайтирилиши ҳозирги босқичда барқарорлаштириш сиёсатининг ўзагидир.

Бунда пулнинг қадрсизланишидаги мақбул суръатни танлашга пухта ўйлаб ёндашиш зарур. Пул қадрсизланишининг сунъий паст суръатларига эришиш ва бунинг учун ҳамиша ҳам мақбул бўлмаган ва айниқса, иқтисодиётнинг орқага кетишига олиб борадиган ҳар қандай восита ва услублардан фойдаланиш тўғри бўлмайди. Пулнинг қадрсизланишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқламаган ҳолда унинг суръатини сунъий равишда пасайтириш бу иллатнинг илдизи чуқурлашиб кетишига олиб бориши, бу эса кейинчалик

ушбу жараённинг қайта бошланишига, кризиснинг бартараф этилишига эмас, балки унинг яна ҳам чуқурлашишига сабаб бўлиши мумкин.

Шуни айтиш муҳимки, пулнинг қадрсизланиши устидан назорат ўрнатилиши барқарорлаштириш дастури муваффақиятли амалга оширилишининг далили бўла олмайди. Пулнинг қадрсизланиши — иқтисодиётга чуқур номутаносиблик вужудга келганлигининг кўрсаткичи бўлиб, бу аҳволни дарҳол ўнглаб олиш керак бўлади.

Ҳар қандай инфляциянинг негизида асосий иқтисодий мувозанатларнинг бузилиши ётади. Шу сабабли инфляцияга қарши кураш — уни шунчаки бостириш эмас, балки иқтисодиётда вужудга келган номутаносибликни бартараф этишга қодир бақувват структура сиёсатини амалга оширишдир. Бир қатор чет мамлакатларнинг инфляцияга қарши кураш тажрибаси шуни кўрсатадики, улар инфляция билан иқтисодиёт структурасининг бузилиши бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлигини англаган ҳолда, муомала соҳасини қатъий бошқариш ва тўловга қобилиятли ортиқча умумий талабни бартараф этиш билангина чекланмадилар. Муайян мақсадларга қаратилган йирик инвестиция дастурларини ишлаб чиқдилар ва амалга оширдилар. Бу дастурлар ана шу номутаносибликни тугатиш ва бинобарин, инфляцияни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш имконини берди. (329—330)

Ёш давлатимиз амалга ошираётган иқтисодий ислохотлар стратегиясида ўз миллий валютамизни жорий этиш ва унинг барқарор муомаллада

бўлиши муаммосини ҳал этишга ғоят катта аҳамият берилаётир. Миллий валюта — миллий ифтихор, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белгидир. Бу республикага тегишли умумий бойлик ва мулкдир.

1994 йил 1 июлдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўла қийматли миллий валюта — ягона қонуний тўлов воситаси бўлган сўмнинг муомалага киритилиши ҳақиқатан ҳам инқилобий қадам бўлди. Бу бутун иқтисодиёт ислоҳотида сифат жиҳатидан янги босқич бошланганлигидан дарак берди. Биз бирор кишининг иродасига боғлиқ бўлмаган, Ўзбекистон халқининг манфаатларига мос молиявий, пул-кредит сиёсатини ва умуман бутун иқтисодий сиёсатимизни амалга оширишнинг аниқ механизмига эга бўлдик. Бу тадбирларни амалга оширишга биз узоқ вақт пухта тайёрландик. Миллий валюта муомалага киритилган дастлабки ойлар тажрибаси у иқтисодий барқарорликнинг, корхоналар ва тармоқлар молиявий аҳволини мустаҳкамлашнинг, республика аҳолисини ижтимоий ҳимоялашнинг ва истеъмол бозорининг кучли омили бўлиб қолганини кўрсатди.

Бугунги энг муҳим вазифа — валютамизни бақувват, дунёда обрўли валютага айлантиришдир. У юксак қийматга ва катта кучга эга бўлиши лозим. Сўмнинг барқарорлигини таъминлаш ва қадрини ошириш — умуммиллий вазифа. Республикамиздаги барча фуқароларнинг фаровонлиги ана шу вазифанинг ҳал этилишига боғлиқдир. Шу сабабли ислоҳотлар иккинчи бос-

қичининг стратегик жиҳатдан устувор вазифаси сўмнинг қувватини тобора ошириб боришдир. Унинг ички алмашувига, бақувват валюталар билан эркин алмашинувиге эришмоқ лозим. Ҳар биримизнинг, республикадаги ҳар бир кишининг, барча корхоналар аҳволининг яхшилиги миллий валютанинг муомаладаги барқарорлигига боғлиқ.

Миллий валютанинг барқарорлиги, унинг ички бозорда эркин алмашинуви етарли миқдордаги рақобатбардош маҳсулотлар, зарур резервлар орқали таъминланади. Бунга эришмоқ учун биз аниқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган тўртта алоҳида дастурлар тўпламини ишлаб чиқдик ва амалга оширмоқдамиз.

Биринчидан — ўз валютамиз товар билан барқарор таъминланган тақдирдагина реал куч ва обрўга эга бўлади. Сўмнинг харид қувватини ошириш учун республика бозорини мумкин қадар тезроқ истеъмол моллари билан тўлдириш зарур. Бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган моллар билан ҳам, четдан келтириладиган моллар билан ҳам тўлдириш чораларини кўриш керак.

Бунда ғоят муҳим вазифа одамларнинг энг зарур талабларини қондирувчи ўз маҳсулотимизни ишлаб чиқаришни имкони борича кенгайтиришдан иборат. Бунинг учун биз, мулкчилик шаклидан қатъи назар, халқ учун мол ишлаб чиқарадиган корхоналарга ҳар томонлама ёрдам кўрсатамиз, бу соҳага инвестицияни биринчи навбатда йўллаймиз, уларни хом ашё ва кредит ресурслари билан таъминлаймиз.

Бу йўналишдаги ижобий силжишлар ҳозироқ кўзга яққол ташланиб турибди. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш йил сайин ортиб бормоқда. Истеъмол молларини сотишнинг умумий ҳажмида ўз маҳсулотимизнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Айни вақтда ҳали бир қатор зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, ғалла, қанд-шакар, қуритилган сут, истеъмол спирти, шунингдек, саноат молларининг бир қанча турлари ва айниқса, маданий-маиший ашёлар четдан келтирилмоқда.

Шу сабабли бутун саноатимизни харидорларимизнинг юксак дидларига жавоб берадиган юқори сифатли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга қаратишимиз талаб қилинади. Замонавий истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган янги корхоналарни дадилроқ ташкил қилиш, аҳоли талабларининг, бозордаги талаб ва таклифнинг ўзгаришини тез пайқаб оладиган кичик корхоналар фаолияти учун кенг майдон очиб бериш зарур.

Оғир синовларни бошдан кечирган, ҳозирги мураккаб ўтиш даврида ўз ҳаётини яхшилик томон ўзгартириш иштиёқида бутун куч-ғайратини сарфлаётган халқимиз тўкин-сочин яшашга ва чиройли кийинишга, инсонга муносиб турмуш шароитига эга бўлишга тўла ҳақлидир. Биз халқимизга шундай шароит яратиб беришимиз зарур.

Ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам, истеъмолчиларнинг ҳам руҳиятини ўзгартириш лозим. Биз ўзимиз ишлаб чиқарадиган, харид қиладиган нарсалар билан, ўзимизда ишлаб чиқарилган

кийим-кечаклар билан фахрланишимиз керак. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ўз харидорини топмаса, ўзимизда тайёрланаётган молларнинг сифати одамларга ёқмаса, бу миллий шаънимизга доғ бўлиб тушади. Бу нарса меҳнатсевар халқимизга хос бўлмаган ўз меҳнатига совуққонлик билан муносабатда бўлиш натижаси бўлиши мумкин. Бу — ўзимизга, ўз мамлакатимиз ва ўз халқимизга зиён етказишдир. Биз «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деб тамға қўйилган маҳсулот дунёнинг ҳамма томонларида мамнуният билан харид қилинадиган, ортиқча рекламага муҳтож бўлмаган маҳсулотга айланишига эришмоғимиз даркор.

Маълум сабабларга кўра, кейинги пайтларгача биз бозоримизни ўзимизда ишлаб чиқарилган барча зарур маҳсулотлар билан тўла-тўқис тўлдирish имкониятига эга бўлмай келдик. Ҳозир ҳам товар обороти тузилмасида четдан келтирилган маҳсулотнинг ҳиссаси анча юқори бўлиб, аҳоли ана шу маҳсулотни кўпроқ сотиб олмоқда. Биз бундан буён ҳам аҳолимиз дунёнинг турли мамлакатларидан келтирилган сифатли молларни сотиб олиш имкониятига эга бўлиши учун зарур шароитлар яратаверишимиз даркор. Ҳаётий муҳим, харидоргир озиқ-овқат ва саноат молларини четдан олиб келувчиларни ҳар томонлама рағбатлантираверамиз. Ҳозир молларни четдан олиб келиш бўйича барча божхона пошлиналари бекор қилинди. Шу билан бирга биз истеъмолчиларимизни бозорларимизга истеъмол сифати паст бўлган ва одамларнинг соғлиғи учун

зарарли, нархи қиммат маҳсулотлар кириб келишидан ҳимоя қилиб, импорт моллар таркибини такомиллаштираверамиз.

Импортни рағбатлантириш билан бир вақтда маҳсулотимизнинг рақобатбардошлигини ошириш орқали аҳолида ўзимизда ишлаб чиқарилган молларни сотиб олиш иштиёқини тарбиялаймиз. Фақат чет элдан келтирилган молларга ружу қўйиш ҳақиқий ватанпарварга хос бўлмаган хусусиятдир.

Иккинчидан, валютанинг барқарор амал қилиши, унинг муқимлиги, эркин алмашинуви етарли валюта захираси бўлишига боғлиқ. Бизнинг валютамиз ҳар қандай барқарор валютага эркин алмашина оладиган бўлсагина, у тан олинган ва ҳурмат қозонган валюта бўлади. Бунинг учун бутун ташқи иқтисодий сиёсатимизни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

Биз қайта-қайта таъкидлаб келмоқдамизки, ислохотнинг асосий устувор йўналишларидан бири — экспорт имкониятини кенгайтириш, корхоналарни экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарга айлантириш, жаҳон бозорида ўз мустақкам мавқеимизни қўлга киритишдир. Биз илгари айтганимиздек, истиқболда экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўлини танлаган корхоналаргина хом ашё билан таъминланишда ҳам, инвестициялар билан таъминланишда ҳам устунликка эга бўладилар. Зотан бу бизнинг бош йўлимиздир.

Биз корхоналар жаҳон бозорида рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенг

қўламда авж олдиришлари учун рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтиришимиз зарур. Улар жаҳон бозорига ҳар қандай рақобатга бардош бера оладиган маҳсулот билан тезроқ чиқишлари, барқарор валюта ишлаб топишни ўрганишлари, республика хазинасини тўлдиришлари керак. Бу эса уларнинг давлат олдидаги, ўз жамоаси ва бутун халқ олдидаги муқаддас бурчидир.

Учинчидан — ҳар бир корхона, ҳар бир киши ишлаб топган сўмини қадрлашни ўрганган тақдирдагина миллий валюта реал тўлов воситасига айланади. Биз миллий валютани ҳурмат қилишни, у билан фахрланишни, уни эҳтиёт қилишни ўрганиб олишимиз даркор. Валюта — ҳар бир фуқаро меҳнатининг ўлчови ва баҳосидир.

Бунинг учун қатъий молиявий-кредит сиёсатини изчиллик билан ўтказиш зарур. Биз ўз молиямиздан ишнинг кўзини билиб, эҳтиёткорона ва тежаб-тергаб фойдаланишимиз, унинг беҳуда сарфланиб кетишига йўл қўймаслигимиз зарур. Халқ кўжаллигида сарфланган ҳар бир сўм салмоқли фойда билан қайтиши, эртанги кунга, республика истиқболига хизмат қилиши керак.

Корхоналар, тадбиркорлар давлатдан ўзлари оладиган маблағлар, кредитлар — еб кетарга бериладиган инъом эмаслигини аниқ англашлари лозим. Олинадиган маблағлардан самарали ва муайян мақсад йўлида фойдаланиш учун катта масъулият сезиш қатъий қонун бўлиб қолиши керак. Кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишига эришмоқ даркор. Шу сабабли кредит бериш шартида корхоналар уларни олиш учун масъулиятни

сезишлари, улардан ишлаб чиқаришни юксалтириш учун энг кўп самара билан фойдаланишга интилишлари лозимлиги кўзда тутилмоғи керак.

Тўртинчидан — миллий валютани мустаҳкамлашнинг энг муҳим шarti — инфляцияга қарши бақувват, пухта ўйланган сиёсат ўтказишдир. Инфляция даражасини кескин камайтиришгина миллий валютани барқарор валютага айлантира олиши мумкин. Бу ёш валютамыз қувватли ва яшовчан бўлишининг гаровидир.

Сўм ўзининг юксак тўлов қобилиятини узоқ муддат давомида сақлаб қолган тақдирдагина миллий валютамыз ўз қувватига ва обрўсига эга бўлади. Биз ўз сўмимиз ана шундай қувватга эга бўлиб бораётганини ҳозироқ ҳис қилмоқдамиз. Инфляция сезиларли даражада пасайди. Ана шу ижобий тамойилни мустаҳкамлаш керак. Муомалага чиқарилган ҳар бир сўм муайян миқдордаги моллар ва хизматларда намоён бўлиши, оила фаровонлигига хизмат қилиши қатъий қоидага айланиши лозим. Савдо корхоналарининг ишини тубдан яхшилаш зарур. Ҳозирча уларнинг ҳаммаси хусусийлаштирилган. Ишни савдо ташкилотлари харидор учун ўзаро кураш олиб борадиган, харидор учун, унинг талабларини қондириш учун ишлайдиган қилиб йўлга қўйиш керак.

Биз пул миқдори товарлар ва хизматларнинг миқдори тегишли даражада ўсиши билан мустаҳкамланмаган ҳолда ортиб боришига йўл қўймаслигимиз керак. Бунга йўл қўйишга ҳаққимиз ҳам йўқ. **Харид қилиш учун моллар етарли бўлмаган ҳолда аҳоли қўлида пулнинг ортиқча кўпайиб**

кетиши аввало нархларнинг ошишига, инфляциянинг яна авж олишига олиб боради. Бунда гиперинфляция авж олишига олиб борувчи хатарли ҳодисалар занжири вужудга келиши хавфи туғилади.

Хусусан, товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва тақсимлашда яккаҳокимлик мавжуд бўлган, нархлар эркинлаштирилган шароитда истеъмол бозорида уларнинг етишмаслиги, товар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва савдо ташкилотларини нархларни оширишга ундайди. Натижада реал иш ҳақи пасаяди, аҳолининг харид қобилияти ва унинг амалдаги истеъмол даражаси чекланади. Аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, одамлар турмуш даражасининг кескин пасайишига йўл қўймаслик мақсадида давлат аҳоли даромадлари нисбатини ўзгартириш, энг кам ва ўртача иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар миқдорини ошириш тадбирларини кўришга мажбур бўлмоқда. Тўловга қобил талаб ортиб бормоқда. Аммо истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш оширилмаса, бу талаб қондирилиши мумкин эмас. Моллар етишмаслиги, нархларнинг ўсиши давом этаверади, бу жараён кенгайиб, ҳалокатлироқ қўлам олиши мумкин. Бинобарин, ана шу ҳалокатли доира бўйича пойгани тўхтатиш юзасидан аниқ, кескин чоралар кўрилмаса, бу нарса узлуксиз такрорланаверади. Пул миқдорининг ва нархларнинг тобора ошиб бориши муқаррар равишда узок давом этадиган гиперинфляцияни келтириб чиқаради. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт тизгини

қўлдан чиқиб кетишига, бутун ишлаб чиқаришнинг издан чиқишига, аҳоли кенг табақаларининг қашшоқланишига ва ижтимоий ларзаларга, яъни бутун иқтисодий тизимнинг барбод бўлишига олиб келади. Уни қайта тиклаш учун кейинчалик кўп йиллар ва жуда қатта маблағ сарфлашга тўғри келади.

Шу сабабли ички бозорни мол билан тўлдиришда тақчиллик бўлиб турган ҳозирги босқичда истеъмол фондининг ўсишини ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматнинг моддий ҳажми кўпайишига бевосита боғлиқ қилиб қўйиш зарур. Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидан мақсад ички бозорни моллар ва хизматлар билан тўлдиришни жадаллаштиришдир. Айни маҳалда, ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан, пул муомаласини тўғри йўлга қўйиш, яъни унинг ўринсиз пул билан тўлдирилишига йўл қўймаслик керак. Шундай бир оддий ҳақиқатни англаб олиш муҳимдир.

Ички бозорни моллар билан тўлдириш — миллий валюта барқарорлигининг ва аҳоли турмуш даражасини ўстиришнинг энг муҳим шартидир. Шу сабабли истеъмол фондининг ўсиши билан ишлаб чиқаришнинг ўсиши устидан назоратни таъминлаш лозим. Бунга риюя қилинмаса, гиперинфляция келиб чиқиши мумкин.

Нақд пул ва кредит эмиссиясининг ўсишига, аҳоли қўлида пулнинг ҳаракатсиз туриб қолишига йўл қўймаслик биринчи даражали вазифага айланмоқда. Ажратилаётган пул миқдорининг қайтарилиши, маҳсулот тайёрлашнинг ўсишини

таъминламаган корхоналарга кредитлар берилишига йўл қўймаслик учун имкони борича барча чораларни кўриш лозим.

Белгиланган тўртта дастурнинг амалга оширилиши миллий валютаамизнинг мустақамланишига, муқим валюталарга нисбатан унинг алмашув курсининг барқарорлашувига албатта ёрдам бериши керак.

Ўзбекистон иқтисодиёти сингари очик иқтисодиёт шароитида миллий валюта алмашув курсининг барқарорлашуви макроиқтисодий барқарорлик сиёсатининг муҳим йўналишидир. Валюта курси барқарор бўлса, импорт нархлари ҳам барқарор бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ички бозордаги нархларнинг умумий ўзгаришига яхши таъсир кўрсатади. Инфляцияни пасайтирувчи қудратли омил бўлиб хизмат қилади.

Миллий валютанинг бошқа давлатлар валюталарига нисбатан алмашув курсини аниқ белгилаш мақсадида 1994 йил 15 октябрдан бошлаб биз Ўзбекистон Республика банклараро валюта биржасида мунтазам равишда валюта савдоларини ўтказаетирмиз. Валюта операцияларининг барча турлари учун валютага талаб ва таклиф натижасида шаклландиган ягона алмашув курси белгиланган.

Валюта алмаштириш операцияларининг дастлабки босқичида биз Банклараро валюта биржасида валютани нақд пулсиз алмаштириш ҳажмини кўпайтиришга устунлик берганлигимиз муҳимдир.

Биржа савдосида барқарор валютага талабни қондириш учун маҳсулотни марказлаштирилган

тарзда экспорт қилишдан тушган маблағлар, корхоналарнинг мажбурий тартибда Марказий банкка келиб тушадиган нақд валютасининг бир қисми, шунингдек, корхоналарнинг ўзига тегишли эркин валюта маблағлари чиқарилмоқда. 1994 йили валюта биржаси иш бошлаган пайтдан бери валюта савдосининг ҳажми беш баравар ошди.

Ҳозир Банклараро валюта биржасидаги оборот миқдорини ҳар қандай корхона ёки фуқаро хоҳлаган вақтида, хоҳлаган миқдорда ўз пулини эркин алмаштириладиган валютага айирбошлаш ёки эркин алмаштириладиган валютани сўмга айирбошлаш имкониятини берадиган даражага етказиш вазифаси қўйилаётир. Шу мақсадда маҳсулотимизни экспорт қилишни кенгайтириш юзасидан қабул қилинган чоралар билан бир қаторда Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки билан Ўзбекистонга институционал ва реабилитация қарзлари бериш ҳақида битимлар имзоланди. Бу тадбирлар 1995 йилдаёқ Ўзбекистон Республика валюта биржасининг умумий оборотини 1,5 миллиард АҚШ долларигача етказиш имконини беради.

1995 йил апрелидан валюта савдосини ҳафта-сига камида икки марта, кейинчалик эса, бундан ҳам кўпроқ ўтказишга қарор қилинди. Валюта биржаси қатнашчилари таркибини янада кенгайтириш сиёсати давом эттирилади.

Белгиланган тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши валютамизнинг алмашув курси барқарорлашувига, унинг қуввати ва обрўси ошувига сўзсиз ижобий таъсир кўрсатади. Мил-

лий валюта кучли бўлган тақдирдагина иқтисодиёт ҳам бақувват бўлади. Шунинча яна бир бор эслатиб ўтишни истардим. (331—338)

Биз ўз мамлакатимизда ўзимиз учун зарур жамғармаларни тўплаб олганимиздан кейин ва жамғармалар етакчи, аввало, ўзак тармоқларни ривожлантириш учун сармоя манбаи сифатида хизмат қила оладиган бўлган тақдирдагина чет эл сармоялари кела бошлайди. Одатда, чет эл сармоялари тез фойда келтирадиган соҳага сарфланади. Хорижий сармоядорлар биз учун муҳим бўлган таркибий ўзгаришларга оид муаммоларни ҳал этишга, катта фойда келтирмайдиган, лекин республика ҳаётини таъминлаш учун ғоят зарур бўлган тармоқ ва корхоналарни устувор ривожлантириш учун кўплаб сармоя сарфлашга унча қизиқмайдилар. Шу сабабли биз иқтисодий мустақилликни таъминлаш мақсадида ўзак тармоқларни ривожлантириш учун ўз сармоя манбаларимизни қидириб топишимиз шарт.

Шу боис иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири — ишлаб чиқаришга ва бошқа тадбирларга сармоя сарфлаш мақсадларига қаратилган маблағлардан солиқ ундиришнинг имтиёзли, рағбатлантирувчи тизимини жорий этиш ҳисобига корхоналар ва аҳоли инвестиция фаолиятини рағбатлантиришнинг бақувват механизминини вужудга келтиришдан иборатдир. (350—351)

**БУНЁДКОРЛИК
ЙЎЛИДАН**

1. ДЎСТЛИК, ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

*Грузия давлати раҳбари, Грузия Парламенти раиси
Э.Шеварднадзе шарафига уюштирилган қабул
маросимида сўзланган нутқ. 1995 йил 4 сентябрь*

Очигини айтаман: биз белгилаган туб ўзгартишларнинг моҳиятини Ўзбекистондан ташқарида дастлаб ҳамма ҳам бир хилда идрок этгани йўқ.

Шу ўринда буюк Шота Руставелининг: «Жангни ташқаридан кузатган ҳар қандай киши ўзини саркарда ҳисоблайди», деган сўзларини эслаш жоиздир. Бизга ақл ўргатмоқчи бўлганлар ҳам анчагина эди, бироқ биз ўз аҳдимизда қатъий турдик.

Бугун сохта камтарликларсиз айтиш мумкинки, «Ўзбек модели» деб ном олган тараққиёт модели республикадан ташқарида тобора машҳур бўлиб бормоқда.

Биз асраб қолишга муваффақ бўлган энг катта бойлик — мамлакатимиздаги сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлиқдир. Уч йилча бурун жамиятимиз ҳаётининг барча томонларини белгилаб берувчи мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинди. Янги парламент — Олий Мажлисга сайлов ўтказилди. Ҳақиқий кўп партиялилик пайдо бўлмоқда. Бугунги кунда республикада тўртта сиёсий партия ва бир қанча жамоатчилик ҳаракатлари фаолият кўрсатмоқда.

Ҳуқуқий ислоҳот ҳам ўтказилди. Қабул қилинган қонунлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга, жамиятни демократиялашни чуқурлаштиришга, бозор ислоҳотларини сакрашлар ва фалаж қилувчи ҳолатларсиз тезлаштиришга қаратилган.

Иқтисодий сиёсатда биз ижтимоий томонларни доимо ҳисобга олишга ҳаракат қиламиз.

Аҳолининг кам таъминланган қисмини қўллаб-қувватлаш, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни мунтазам равишда ошириб бориш, даромадларни индексация қилиш амалга оширилмоқда. Миллий валюта — сўм жорий қилинган бўлиб, у ҳозирнинг ўзидаёқ ички конвертацияга эга бўлди. Пул кадрсизланиши суръатлари мунтазам равишда ва изчиллик билан пасайиб бормоқда, давлат бюджети барқарорлик билан деярли камомадсиз бажарилмоқда. (28)¹

2. ЮКСАК МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиш
маросимида сўзланган нутқ. 1995 йил 3 октябрь*

Жамиятимиз ва иқтисодиётимизни ислоҳ қилишдаги мавжуд муаммоларга ва олдимизга қўяётган асосий вазифаларга яна бир бор тўхталиш мутлақо ўринли бўлади.

¹ *Ислоҳ Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. 28-бет. (Ушбу бўлимдаги манбалар ана шу китоб бўйича кўрсатилган).*

... Бугунги кунда шу нарса мутлақо равшан бўлмоқдаки, инфляцияни бартараф этиш мамлакатда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда бу — асосий муаммодир.

Инфляция даражасини тубдан қисқартирмасдан, инфляцияни кутиш кайфиятини йўқотмасдан туриб иқтисодий таназзулдаги барча нуқсонларни енгиш, иқтисодиётни барқарорлаштириш, корхоналарни ишлаб чиқариш ва сармоя жалб этиш борасидаги фаоллигини кўтариш, аҳолининг реал даромадларини ошириш мумкин эмас.

Ушбу йўналишда биз анчагина ишлар қилдик. Республиканинг банк ва молиявий тизими жиддий ўзгармоқда. Тижорат банкларининг яхлит тармоғи вужудга келди. Эмиссияга қарши тартибга солиш бўйича кучли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши нархларни янада эркинлаштиришда инфляция даражасини бирмунча қисқартириш имконини берди.

Агар йил бошида инфляция 16 фоиздан ошган бўлса, ҳозирги вақтда у ойида 1 фоиздан сал кўпроқни ташкил қилади.

Бироқ бу кўрсаткич гоят кескин, муҳим иқтисодий муаммони ҳал этишдаги дастлабки қадамлардир. Бугунги кунда ишлаб чиқиляётган макроиқтисодий мўлжаллар шунга асос берадики, келгуси йилда инфляциянинг ўртача ойлик даражасини тахминан уч баравар қисқартириш мумкин бўлади. (42—43)

... Миллий валютани мустаҳкамлаш ҳозирги даврдаги ва яқин истиқболдаги энг муҳим усту-

вор вазифадир. Миллий валютани жорий қилиниши билан ҳаётимизда сифат жиҳатидан янги босқич бошланди. Миллий валюта, бу — мустақиллик рамзидир. Бизнинг муқаддас бурчимиз эса — ўз валютамизни кучли, бутун жаҳонда ҳурмат қилинадиган ва бизнесменлар учун жозибадор валюта қилишдир.

Бугунги кундаёқ бизнинг сўмимизни жорий конвертациялаш таъминланмоқда. У етарли даражада барқарордир. Биз келгуси йилдаёқ уникатий валютага эркин алмаштирилишини таъминлашга реал яқинлашдик. (45)

Биз яхши англаб олишимиз керакки, ички сармояларни сафарбар қилиш ва хорижий сармояларни кенг жалб этиш билангина туб тузилма ўзгаришларига эришиш мумкин.

Бунинг учун биз мақбул ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитни яратиб қўйганмиз. Йилдан-йилга хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистонга қизиқиши ошиб бораётгани қувончли ҳолдир. Ҳозирнинг ўзидаёқ хорижий капитал иштирокида автомобиль, рангли металллар, нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича йирик корхоналар бунёд қилинмоқда, коммуникация ва алоқа тизимлари қайта қурилмоқда ва янгидан барпо этилмоқда.

Бу маблағлар иқтисодиётимиз тузилмасида ижобий ўзгаришлар юз беришига кўмаклашади. Эришилган ижтимоий-сиёсий барқарорликни, иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилаётганини ҳамда республикамизнинг келажагини юксак баҳолаган хорижий сармоя-

дорлар ва сармоя ажратадиган давлатлар ҳозирнинг ўзидаёқ иқтисодиётимизга ҳар йили тахминан бир ярим миллиард доллардан ортиқ сармоя сарфлаш истагини билдиришмоқда.

Бизнинг вазифамиз — иқтисодиётимизга қўшилган ҳар бир сўм ёки доллар сезиларли даражада рақобатга бардошли маҳсулот ва моддий нъматга айланишига эришишдан иборат. (46—47)

3. ХАЛҚ ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАЙЛИК

*Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши
сессиясида сўзланган нутқ.
1995 йил 21 ноябрь*

Жорий йилнинг 9 ойида вилоят бўйича муомалага қўшимча 1,2 миллиард сўм жалб этилган. Вилоятда эмиссия миқдори 5,6 фоиз қилиб белгиланган ҳолда Нуробод, Гўзалкент, Иштихон, Челак ва Пойариқ туманларида бу кўрсаткич 60—90 фоизни ташкил қилади. Умуман вилоятда эмиссия миқдори 29 фоизни ташкил қилади, бу — республиканинг ўртача кўрсаткичидан 7,9 фоиз юқори даражада, демакдир.

Касса тартибини бузиш, маблағларни ноаниқ йўналишда ишлатиш вилоятда оддий ҳолга айланган. Шу турдаги ноқонуний операциялар натижасида шаҳар ва туманларда 25 миллион сўмлик маблағ ноўрин сарфланишига йўл қўйилган.

Ташкилот ва корхоналарнинг умумий дебитор қарзлари 4,1 миллиард сўм, кредитор қарзлари 3,9 миллиард сўм бўлиб, унинг пасайиш

даражаси сезилмаяпти. Ўз ишини ижобий томонга ўзгартирмаган 15 корхона ва ташкилот касодга учраши кутилмоқда. Шунингдек, «Ўзбексавдо» уюшмасига қарашли 5 та ташкилот тамомила касодга учради.

Банк тизимидан унумли фойдаланиш, олинган қарзларни вақтида қайтариш, ташкилотларнинг бир-бири билан ҳисоб-китоб қилиши, корхоналарнинг молиявий аҳволидан хабардор бўлиш каби долзарб масалаларга вилоят ҳокимияти томонидан эътибор берилмаган.

Хусусий ва тижорат тузилмалари вилоят марказий банкининг инкассация аппарати билан шартномалар тузмаганликлари учун савдодан тушадиган нақд пулларни банк кассаларига тўлиқ топширмаяптилар. Натижада, аҳолига иш ҳақи ва нафақаларни ўз вақтида беришда кўп муаммолар туғилмоқда. **Шу йилнинг 1 октябригача бўлган маълумотга кўра тўланмаган иш ҳақи ва нафақаларнинг миқдори 281 миллион сўмни ташкил этади. (103)**

4. ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

*Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти
Кенгаши сессиясида сузланган нутқ.
1995 йил 29 ноябрь*

Молия-кредит тизимларини такомиллаштириш, тўловларни тартибга солиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, турмуш шароитини яхшилашга етарли аҳамият берилмаяпти. Вилоятда пул

эмиссияси 60 фоизни, дебитор қарзлар 6 миллиард сўмни ташкил қилади.

Натижада корхона ва ташкилотларнинг иш ҳақи бўйича қарзлари 665 миллион сўмга етди. Эмиссия Қарши, Деҳқонобод, Қамашн, Чироқчи, Яккабоғ, Касби, Нишон, Муборақ, Усмон Юсупов туманларида 60—90 фоиз атрофида қайд этилган. (146)

5. БУНЁДҚОРЛИК — ФАРОВОН ҲАЁТ АСОСИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
IV сессиясида сўзланган нутқ.
1995 йил 25 декабрь*

Бу йил эмиссия ва инфляцияни кескин пасайтиришга йўналтирилган пул-кредит сиёсати юритишга катта эътибор берилди. Шунинг натижасида, ўтган йил билан таққослаганда, инфляциянинг ўртача ойлик даражасини уч баробардан ортиқ камайтиришга ва унинг суръатларини изчил равишда сусайтиришга эришилди.

Буларнинг барчаси ўз навбатида банкларнинг қайта молиялаш ставкаларини камайтириш имконини бермоқда ва ишлаб чиқаришга сармоя солиш учун қулай шароит туғдирмоқда.

Мўътадил ва қаттиққўл бюджет сиёсати юритилаётгани ҳамда даромадлар тушишига қараб харажат қилинаётгани натижасида давлат бюджети камомади кескин қисқарди. Шунинг баробарида жорий йилда бюджетнинг харажатлар қисми тузилмасида инвестицияларга ажратила-

ётган маблағларнинг ўсиш тамойили кўзга ташланди.

Агар улар 1994 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан, тахминан 4 фоизни ташкил этган бўлса, 1995 йилда мос равишда 7 фоиздан иборат бўлди.

Бу нима дегани? Бунинг маъноси шуки, бугунданоқ иқтисодиётимизнинг изчил ўсиб бориши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Молиявий аҳволни ўнглаш учун молиявий интизомни яхшилаш, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш, хўжалик субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар муаммосини ҳал этиш борасида бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Векселлар муомалага чиқарилди. Халқ хўжалигидаги ҳисоб-китобларда вексел усулидан фойдаланиш, тахминан 52 миллиард сўм миқдоридаги ўзаро қарзлардан қутулиш имконини берди.

Республикада амалга оширилаётган изчил туб иқтисодий ўзгаришлар дастури халқаро молия муассасалари билан, шу жумладан, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш ишига ижобий туртки берди. Бу миллий валютанинг қадрини оширишга хизмат қиладиган валюта захираларини кўпайтириш учун молиявий ёрдам олишга имкон туғдирди.

1995 йил давомида миллий валюта қадрини ошириш билан боғлиқ пул-кредит сиёсатини валюта курси воситаси билан амалга ошириш, **босқичма-босқич унинг ички эркин алмашувиغا эришиш ва сўмнинг хорижий валюталарга алма-**

шин курсни барқарор ушлаб туриш учун шароит яратилди.

Турлича мулк шаклига эга бўлган корхоналар ва ташкилотлар қатори тадбиркорлик билан машғул жисмоний шахслар ҳам ташқи бозорга чиқадиган бўлди. Республиканинг ваколатли банклари томонидан аҳолининг нақд пулларини эркин муомаладаги валютага алмаштириш учун зарур шароитлар яратилди.

Чет эл сармояси иштирокида тузилган қўшма корхоналар ички валюта бозорида Ўзбекистонда ишлаб топган маблағларини эркин муомаладаги валютага алмаштириш ҳамда фойда ва дивидендларнинг бир қисмини четга олиб чиқиб кетиш имконига эга бўлдилар.

Республика валюта биржасида ҳафтада икки марта, аксарият ваколатли банклар иштирокида, мунтазам тарзда валюта савдоси ўтказилмоқда. Амалига оширилаётган операциялар ҳажми анча кенгайди. **Жорий йилда валюта биржасида уюштирилган 200 та савдода 1994 йилдагига нисбатан 13 марта кўп ёки 1,5 миллиард АҚШ доллари сотилди.**

1995 йилда Ўзбекистон иқтисодиётида сезиларли таркибий ўзгаришлар рўй берди. Мўлжалланган дастур бўйича мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, корхоналарни ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш, иқтисодиётда монополияга барҳам бериш, унинг нодавлат сектори ҳамда хусусий мулкнинг шаклланиш ва оёққа туриш жараёнлари давом этди.

Республикада бугунги кунгача **4 мингдан ошиқ** очиқ турдаги акционерлик жамиятлари рўйхатга

олинди. Йирик ва ўрта корхоналарни акциялаш бошланди. Эркин сотиш, шунингдек, хорижий сармоядорларга мўлжалланган акциялар ҳажми ортди.

Агар жорий йилнинг биринчи чорагида **200 миллион сўмлик**, иккинчи чорагида **100 миллион сўмлик** акция сотилган бўлса, бу кўрсаткич учинчи чорақда 500 миллион сўмни ташкил этди.

Бозор ислохотларини тезлаштириш мақсадида қимматбаҳо қоғозлар бозори шакллана бошлади.

Аммо, шунини ҳам айтиш лозимки, кўп ҳолларда акциялаш жараёни катта қийинчилик билан ўтмоқда. Сотилган акциялар ҳажми эркин сотувга мўлжалланган жами акцияларнинг **23,3 фоизини** ташкил этди, сотилган акциялардан тушган маблағ жами **55 фоиздан** ошмайди. Акцияларни чет эллик сармоядорларга сотиш иши ҳам кўнгилдагидек эмас. Ушбу йўналишда инвестиция фондлари, фонд биржаси, қолаверса, корхоналар ишида самарадорлик етишмаяпти. (161—163)

Биз 1996 йилда харажатларни қисқартириш, ортиқча пул чиқаришни — эмиссияни, хусусан, шу борада **аҳвол оғир бўлган жойлардаги эмиссияни камайтириш** бўйича бошлаган қатъий ишмизни давом эттиришимиз керак, албатта.

Белгиланган тадбирларни амалга ошириш, алмашув курсини барқарорлаштириш миллий валютани мустаҳкамлашда ўз самарасини кўрсатиши лозим. Бу, яқин орада республикага сармояларни жалб этиш учун мақбул шарт-шароит яратиш, миллий хўжалигимизнинг жаҳон хўжа-

лиги билан алоқасини мустаҳкамлашга имкон беради.

Миллий валютамининг мустаҳкамлаш ва унинг эркин муомаладаги қувватини ошириш **иккинчи устувор вазифа** — пул қадрсизланишини кескин равишда камайтириш билан бевосита боғлиқдир.

Бошқача айтганда, 1995 йилда бошланган иқтисодиётнинг макроиқтисодий, яъни умумиқтисодий кўрсаткичларининг мувозанатини таъминлаш, энг аввало, пул бирлигининг нақд ва нақдсиз муомалада назоратсиз равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик, кредит эмиссиясини кескин чеклаш керак.

Ўзаро тўланмаган маблағлар, дебитор ва кредитор қарзлар манбаи ва сабабларини бартараф этиш, капитал бозорини жадал ривожлантириш ҳамда пул қадрсизланишини жиловлашга қаратилган бошқа кескин чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутувчи сиёсатни давом эттириш зарур.

Пул қадрсизланишини бартараф этиш банк фоиз ставкасининг қисқаришига, банк, молия-кредит оборотининг жонланишига, кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш учун зарур шароитларни барпо этишга, янги корхоналар қуриш, янги иш жойлари очилиши, сармояларнинг ошишига имкон туғдиради. Энг муҳими — аҳолининг аниқ даромади ўсишига олиб келади.

Иқтисодиётимизнинг келажаги кўп жиҳатдан биз бугун **хорижий сармояларни** қай даражада кўпроқ жалб этишимизга боғлиқ. Миллий валютамининг ҳолати, устувор соҳаларнинг ривож-

ланиши, иқтисодиётимизга янги технологиялар ва материалларни жалб этиш ҳам маълум даражада бу билан боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим. Иқтисодиёт фақат унинг фондлари янги-ланиб турганида, янги технологиялар жорий этилганида, янги қувватлар ишга туширилганда ривожланиши мумкин. Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Зикр этилмиш масалаларни ҳал этишда капитал қурилишни жонлантириш дастури ҳамда республикамиз иқтисодиётига кириб келаётган сармояларни рағбатлантириш муҳим ўрин тутди. (170—171)

Мулкдорлар синфи шаклланишининг иккинчи манбаи — қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш, унга бўлган ишончни мустаҳкамлашдан иборат. Бу биз учун янгича бир ёндошувдир. Ўтган йиллар мобайнида биз бу жабҳага яқинроқ ёндошмаган, шуғулланмаган эдик.

Бозор иқтисодиёти — тараққий этган мамлакатлар тажрибаси кўрсатяптики, — ҳақиқий ўрта мулкдорлар табақасининг асосий қисми уларнинг пул маблағларини қимматбаҳо қоғозларга, кишилар учун манфаатли бўлган ҳар хил омонатларга, банк депозитларига жалб этиш йўли билан юзага келади.

Тан олиш керак: бугунги кунда мазкур йўналиш, таассуфлар бўлсинки, катта қийинчиликлар билан суёт ривожланмоқда. Бунинг асосий сабаби ушбу жабҳада зарурий шарт-шароитлар ташкил қилинмаганидир.

Тўғри, бунинг учун ҳуқуқий база амалда яратилапти, қонунчилик нормалари қабул қилинди, имтиёзлар тизими ишляпти, шунингдек иқтисодий замин ҳам мавжуд — корхоналарни акциялаш жараёни фаол бормоқда. Ишлаб чиқариш барқарорлашмоқда, инфляция камаймоқда.

Аммо бугунги кунда қимматбаҳо қоғозлар билан ишлашга етарли иштиёқ йўқ. Бу борада тажрибамиз озлиги сезилмоқда. Бу ғоялар юртимизнинг ҳозирги замон фуқаролари мафқурасига, онтига секинлик билан сингмоқда.

Оддий қилиб айтганда, совет даври тарбиясини кўрган кўпчилик кишиларимиз дивиденд, акция ва қимматбаҳо қоғозлар бўйича даромад олиш мумкинлигини тасаввурларига ҳам сиғдира олмайдилар. Тан олиш керакки, кишиларимиз ҳозирча, ана шуларнинг ҳисобига оила даромадини салмоғли даражада кўпайтириш, ўзининг фаровонлигини таъминлаши мумкинлигини тушуниб етмайдилар.

Шуни чуқур англашимиз шартки, биз қандай шарт-шароит яратмайлик, одамлар қимматбаҳо қоғозлар — бу оиланинг изчил даромад манбаи эканини ўз кўзи билан, аниқ мисолларда кўрмас эканлар, бу тасаввурни ўзгартириш қийин бўлади. Буни эса биз тезлик билан ва ёрқин мисолларда одамларга кўрсатишимиз керак.

Шу йил охирига келиб, кўплаб акционерлар ўзларининг сотиб олган акция ва пайлари эвазига дивиденд, яъни даромад олишлари керак. Ҳиссадорлик корхоналарининг, бирлашмаларининг, айниқса, банкларнинг раҳбарлари шуни

чуқур англаб етишлари керакки, бу муҳим масалани ташкил қилиш, охирига етказиш уларнинг зиммасида нафақат иқтисодий, балки сиёсий моҳиятга эга бўлган жуда катта масъулият бўлиб турибди. Бу масалани биз қаттиқ назоратга олишимиз керак.

Биз кишилар онгига қимматбаҳо қоғозлар ҳам аслида мулкка эгалик қилиш шакли эканини сингдиришимиз керак. (175—176)

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида, — мен хўжаликларни ва қайта ишлаш корхоналарини назарда тутяпман, — меҳнат қилаётган ҳар бир меҳнаткаш хўжалик эга бўлган асосий фондлар ва мулкнинг умумий қийматидаги ҳар бир хизматчи пайи ёки ҳиссасини (улушини) белгилаб берадиган сертификатлар — қимматбаҳо қоғозлар тизимини жорий этиш вақти келди. Шу йўл орқали ҳар бир меҳнатчи бу хўжаликнинг умумий, кооператив мулкнинг ҳақиқий ҳамсоҳиби бўлиши билан боғлиқ масалаларни ечиш пайти етди, демоқчиман... (177)

Шунинг учун ҳам аҳолига, 1992 йилга қадар омонат кассага пул қўйиб, шу пайтгача куйиб ўтирган омонатчиларга нисбатан адолатни тиклаш — бундан кейинги йиллардаги ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Давлат уларнинг олдида, хусусан кекса авлод вакиллари олдида қарздор бўлиб қолган. Бу воқеалар содир бўлган пайтларда Иттифоқ тизимлари ўта кучли эди ва жамғармаларда тўпланган пуллардан республикамиз бир тийин ҳам фойда олгани йўқ.

Бизнинг муқаддас вазифамиз, ҳатто айтган бўлардимки, маънавий бурчимиз — адолатни тиклаш, кишиларимизнинг йўқотган бойлигини қайтариб беришдан иборат. Ана шундай қилсак, биз уларнинг назарида давлатнинг фуқаролар ижтимоий ҳуқуқларининг ҳимоячиси ва гарови сифатидаги нуфузини, обрўсини янада мустаҳкамлаган бўламиз.

Даврнинг мураккабликларига, молиявий имкониятларимиз чекланганига қарамай, биз бу долзарб вазифаларни ҳал этиш лозим, деб ҳисобладик. Бунинг учун аҳолининг омонатларини бугунги пул қийматидан келиб чиққан ҳолда қайтадан ҳисоблаб, 1996 йилдан бошлаб уларга бу пулни тўлаш учун маблағ манбаларини қидириб топдик.

Табиийки, нега биз бу ишни олдинроқ қилмадик, деган ҳақли савол туғилади.

Тўғриси айтганда, бу масала анча олдин пишиб етилган, бироқ уни ҳал этиш учун шарт-шароитлар яратилмаган эди.

Биринчидан, миллий валютамиз йўқ эди. Биз уни фақат ўтган йилнинг июлидан бошлаб муомалага киритдик.

Иккинчидан, биз сўнгги вақтгача пул юқори даражада, ҳатто кескин даражада қадрсизланган, нарх-наво эса тез ўсиб кетаётган шароитда яшадик. Пулнинг бундай қадрсизланиш суръатлари омонатларни тиклаш йўлидаги барча тадбирларимизни чиппакка чиқариши турган гап эди. Уларни йил бошида тиклаган тақдиримизда ҳам йилнинг охирига келиб яна қадрсизла-

ниб қолган бўларди. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмасди.

Биз учун бундай муайян мисолда, **биринчидан**, халқнинг давлатга бўлган ишончини қайта тиклаш, **иккинчидан**, алоҳида инсон, яъни омонатчига нисбатан адолатни қарор топтириш ва **учинчидан**, энг асосийси, аҳолига, биринчи навбатда пенсионерларга қадрсизланиб кетган омонатлари ўрнини қоплаш тизими орқали амалий ёрдам бериш муҳим аҳамиятга эга. (180—181)

6. «ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗНИНГ ТЎҒРИЛИГИГА ИШОНЧИМИЗ КОМИЛ»

*Ислом Каримовнинг 1996 йил 16 февралда
Россия оммавий ахборот воситалари мухбирлари
саволларига жавобларидан*

САВОЛ: Ўзбекистон Республикаси хорижий сармояларни жалб этиш нуқтаи назаридан собиқ Иттифоқ худудидаги кўп давлатлардан ижобий фарқ қилади. Бу соҳада эришилган натижаларни умумлаштириб, келгуси режаларингизни айтиб бера оласизми?

ЖАВОБ: Аслида биз ўз йўлимизни, иқтисодий турмушдаги ислохотларимизнинг аниқ дастурини белгилаётганимизда Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳаддан ташқари бузилган тузилмаларини катта сармоялар жалб этмай туриб, иқтисодиётга кўп маблағ сарфламай туриб қайта ташкил этиш, ўзгартириш мумкин эмаслигини жуда яхши тушунган эдик. Чунки тарихан шундай вазият вужудга келдики, Ўзбекистон ўз вақ-

тида СССР таркибидаги хом ашё етказиб берувчи республика бўлиб қолди. Мен буни кўплаб мисоллар билан кўрсатиб беришим мумкин. Бунинг устига, кўп одамлар шу мавзу теварагида ҳозир бошқача тасаввурда, хомхаёлларга берилмоқда.

Ўзбекистон ҳақиқатда ҳам табиий хом ашё захираларига бой. Мен уларни ҳозир санаб ўтирмайман, ўзларингиз яхши биласиз. Негаки, Ўзбекистоннинг бойлигини санай бошласанг, баъзи бировларнинг ичи куяди... Нега шундай, билмадим? Ҳар ким ўз билганича тушунади, ҳар кимнинг ихтиёри ўзида...

Ҳали қазиб олинмаган фойдали қазилмалар, минерал хом ашёлар, қишлоқ хўжалиги борасидаги имкониятлар, ниҳоят, одам ва меҳнат кучи захиралари — буларнинг барчаси жамият манфаатлари, миллати ва динидан қатъи назар, Ўзбекистонда яшаётган бугунги ва эртанги авлод фаровонлиги учун ишлатилиши лозим. Буни фақат инвестиция йўли билан ва бу инвестицияларга қулай шарт-шароит яратиб, уларга ишончли кафолат беришимиз орқалигина амалга ошириш мумкинлигини жуда яхши тушунамиз.

Инвестиция ҳам ўз-ўзидан келиб қолмайди. Мана, кеча Борис Николаевич «биласизларми, биринчи июлгача инвестиция келмайди, чунки одамлар сайлов натижасини кутишяпти» деб айтди. Менимча, инвестиция ўз-ўзидан йўналишини ўзгартирмайди. Мен буни ўз тажрибамдан келиб чиқиб гапиряпман. Беш йилдан бери Давосга бориб, йирик фирмаларнинг таниқли вакил-

лари билан учрашаман. Ўзбекистонга келишганда ҳам улар билан учрашаман. Мамлакат раҳбарининг улар билан қизиқиши, агар билсангиз, уларга бўлган ҳурмат-эҳтиром белгиси ва маълум даражада уларнинг фаолияти учун кафолат ҳамдир.

Хуллас, сармоялар бир йил — ярим йил ичида ўзининг йўналишини ўзгартирмайди. Улар жуда қийинчилик билан ва узоқ вақт мобайнида белгиланади. Сармоядор — капитал эгаси. Сармоядорлар — бор бойлигини бир кунда йўқотиши ҳам, ундан фойда кўриши ҳам мумкин бўлган кишилардир. Умуман олганда, иқтисод қонуни шундан иборатки, капитал капитални кўпайтириши керак. Сармоядорлар фойдали тарзда маблағ қўйиб, ундан қўшимча фойда олиш мумкин бўлган майдонни қидиради. Капитал шунчаки ҳаракатсиз ётмайди. Бир пайтлар сиёсий иқтисод фанида қандайдир англаш қийин бўлган даромадлар ҳисобига яшайдиган рантьелар ҳақида ўқиган эдик. Бироқ мен, мисол учун, бутунги кунда Францияда ҳам, Германияда ҳам, Буюк Британияда ҳам бундай рантьеларни учратганим йўқ. АҚШда ҳам кўрганим йўқ. Ҳамма бизнес қилишни, яъни бойлигига бойлик қўшишни истайди.

Бу сармояларни жалб қилиш учун шароит яратилиши керак. Бу, албатта, энг аввало сармоядорнинг мазкур минтақада мавжуд сиёсий барқарорликка, бу давлатда қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқий меъёрлар ҳар бир капитал

эгаси олишни истаган фойда, даромадни кафолатлашига ишончи комил бўлишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам узоқ танлайди. Мисол учун, японлар бизни 3—5 йил мобайнида кузатишди. Энди, мана, бугун айтишим мумкинки, ниҳоят япониялик хусусий сармоядорларнинг Ўзбекистонга кириб келишига имкон берадиган «дарча» очиланти. Уни ким очяпти, деб ўйларсизлар? Энг аввало, «Мицуи», «Мицубиси», «Тойота» ва бошқа капитал эгалари очмоқда. Бироқ Японияда жуда қизиқ тартиб бор — у ерда давлат ташкилотлари ўзларининг сармоядорлари, банклари қайси минтақа маблағ қўйишда қай даражада истиқболли эканини яхши аниқлаб олиши учун уларга малакали ахборот бериш устида жиддий иш олиб боради.

Яна такрорлаб айтаман, у ерда хусусий фирмаларнинг ўзигина эмас, давлат ташкилотлари, ҳатто ҳукумат вазирликлари бу масалалар билан жиддий равишда шуғулланади. Кўп йиллар мобайнида Ўзбекистондаги вазият, унинг мен айтган талаблар доирасидаги имкониятлари ўрганилди. Ана шундан кейингина бу сармоялар мамлакатимизга кириб кела бошлади.

Бугунги кунда яна бир масала мавжуд: собиқ шўролар ҳудудидаги айрим давлатлар кейинги йилларда уларга миллиардлаб доллар келганини такрорламоқда, айримлари эса уларга сармоя келмаётганидан нолимоқда. Назаримда, Ўзбекистон бу масалада тўғри йўл танлаган. Капитал, сармоя бирон-бир мамлакатга умуман кириб кел-

маслиги керак. Капитал, сармоялар иқтисодиётимиз тузилмаси хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонга энг кўп фойда берадиган муайян лойиҳаларга берилиши тўғрилигига бизнинг ишончимиз комил.

Бундан беш йил бурун биз Ўзбекистонда қайси соҳалар устувор бўлиши лозимлигини белгилаб олган эдик. Устуворлик нима дегани? Устуворлик — иқтисодиётдаги бир ҳалқа. Айни шароитда уни тортиб олиш билан барча иқтисодий соҳаларни бир-бири билан боғлаб турган улкан занжирни тортиб олиш мумкин. Бизда мана шу устуворликлар муайян соҳалардаги лойиҳалар шаклини олган. Бу лойиҳалар эса бундан тўрт йил муқаддам тузилган эди. Биз ҳар йили уларни янгилаб турамиз.

Бизда Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси бор. Яқинда россиялик бир шарҳловчи уни қандайдир бир аждаҳога тенглаштирибди. Дарвоқе, қачондир ҳамма ҳам шу йўлга киради.

Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси нима дегани? Биз давлат режа қўмитасини тугатиб, уни статистика билан боғладик. Статистикасиз бирон-бир нарсани белгилаб бўлмайди. Одамлар статистика тайёрлаб берган таҳлилий материаллар асосидагина истиқболни белгилаш билан шуғулланади.

Дарвоқе, статистика хусусида. Бугунги кунда собиқ шўролар ҳудудидаги статистикага гоҳида унча ишониш қийин. Чунки, ҳар бир мамлакат ўзининг статистикасини яратяпти. Бизнинг ста-

тистикамизга ишонса бўлади — бизнинг халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорлигимиз статистикамиз тўғрилиги гаровидир. Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки статистикадаги бирон-бир сохталикни кечирмайди. Миллий даромад, ялпи маҳсулот, инфляция суръатлари ва нарх кўрсаткичларини оширадиган дефляторлар ҳисоб-китоб қилинганида Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг мутахассислари теран тадқиқот ўтказишади.

Шунинг учун ҳам биз гапираётган устуворлик ва лойиҳалар сармоядорлар учун қулай унсур ҳисобланиб, юртимизга эртанги кунда ҳам хорижий мамлакатлардан капитал ва сармоялар кириб келишига асос бўлиб хизмат қилади. Бироқ биз бу кредитлар қотиб қолган, яъни биз олаётган фоиз билан белгиланадиган истиқболдаги ҳисоб-китобга асосланишидан манфаатдор эмасмиз. Бу тор мақсад эмас. Агар биз ким биландир ёки қандайдир банк билан 10 фоиз фойдаси билан 1 миллиард доллар олишга шартнома тузган бўлсак, буни ютуқ деб бўладими? Бу, аслини олганда, ўзбеклар айтганидай, бўйнига арқон солиб, кейин уни ўша сармоядорнинг қўлига тутқизишдай гап. Бундай бўлмаслиги керак. Умуман, агар биз ўзимизнинг сармоя ва ресурсларимиздангина фойдалансак яхши бўларди, албатта. Лекин бунинг иложи йўқ. Ҳозирча ташқаридан келадиган сармояларсиз ишимиз олға силжмайди. Бироқ, Ўзбекистонга сармоялар давлат, ҳукумат кафиллигисиз келганида янада яхши бўларди.

Бизда лойиҳаси бўлган фирма, тузилма бор дейлик. Бу лойиҳани амалга ошириш учун фирманинг ўзи сармоя жалб этади ва ўзи бўлажак ишлаб чиқариш асосида ҳисоб-китоб қилади... Бизнинг ишимиз эса бу сармоянинг сўмга алмаштирилишини, бу қўшма корхонадан олинган даромад қаттиқ валютага айлантириб жўнатилишини таъминлашдан иборат. Бу — менинг вазифамга киради. Бошқа ҳамма ишда эса фирма, ҳар бир тармоқ, ҳар бир корпорация барча масалаларни ўзи ҳал қилиши энг яхши йўл бўлур эди.

Ўтган йили биз, Ўзбекистон 1 миллиард Америка долларини ўзлаштирдик, таъкидлаб айтаман, ўзлаштирдик. Ҳозирги кунда амалга оширилаётган лойиҳаларни оладиган бўлсак, мен уларни ҳисоблаётганим ҳам йўқ. Тўғри, айрим кишилар уларни ҳисоблаб чиқиб, мамлакатимизда умумий қиймати шунча доллар турадиган мана шунча лойиҳа амалга оширилмоқда, дейишни ўз бурчи ҳисоблайди. Такрор айтаман, биз 1 миллиард доллар ўзлаштирдик. Бу кўпми, ё камми? Мен бу саволга бир хил аниқ жавоб бермоқчи эмасман. Ҳозирги пайтда қўлимизда қанча кўп ва жозибали лойиҳалар мавжуд бўлса, юртимизга шунча сармоя келиши керак. Биз уларга аввало барқарорлик, сиёсатимизнинг ўзгармаслиги нуқтаи назаридан кафолатни таъминлашимиз лозим.

Бу масаланинг бир нозик томони бор. Масалан, агар қўшма корхона барпо этилаётган бўлса, унинг ҳозирги пайтда амал қилаётган қандайдир

қонун меъёрларига асосан барпо этилиши, ана шу қонунга таяниши табиийдир. Агар ўн йил давомида олдинги қонундан фарқ қиладиган янги қонунларни қабул қиладиган бўлсак, бу ҳолда мазкур фирма ўн йил давомида унинг даромадларига кафолат берадиган олдинги қонун меъёрлари асосида ишлаш ҳуқуқига эгадир. Олдинги ажратма, фойда меъёрлари, биз барпо этаётган имтиёзлар — буларнинг ҳаммаси тадбиркорлар учун ўн йил давомида сақланиб қолади. Мамлакатимизга сармоялар келишига йўл очган омиллардан бири ана шу. Қўшма корхоналарни 5 йил давомида, айрим ҳолларда эса 7 йилгача фойдадан олинадиган солиқдан, шунингдек тарифлар ва божлардан озод қиламиз.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган лойиҳалардан қайси бирини ажратиб кўрсатишим мумкин? Андижонда Жанубий Кореянинг «ДЭУ» фирмаси билан ЎзДЭУ автомобиль заводи барпо этилаётганини айтиш мумкин. Бу лойиҳанинг қиймати жуда катта, ярим миллиард доллардан кам эмас. Бу корхона «Фифти-фифти», яъни «эллигу эллик» деган қоида асосида барпо этилмоқда. Сармоянинг 50 фоизини Ўзбекистон, 50 фоизини эса «ДЭУ» фирмаси ажратган. «ДЭУ» фирмасининг ўзи эҳтимол қандайдир заём маблағларини жалб этгандир, лекин бу бизга тааллуқли масала эмас. Ёки Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини олайлик: унинг қиймати 350 миллион доллар. У ҳам «фифти-фифти» қоидаси асосида барпо этилмоқда: сармоянинг 50 фоизи бизники, 50 фоизи уларники.

Ана шундай йирик лойиҳалардан ҳар бири юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорини қабул қиламиз, унда фирмаларнинг имтиёзларига, уларнинг истиқболларига кафолат берамиз. Шутинга эмас. Яқинда парламентнинг навбатдаги мажлисида сиёсий кафолатни таъминлайдиган, Ўзбекистонга ўз сармояларини сарфлашга тайёр турган фирмаларга фақат молиявий иқтисодий кафолат эмас, такрор айтаман — сиёсий кафолатни ҳам таъминлайдиган тегишли қонунлар қабул қилинди. Саволингизга жавобимни яқунлар эканман, яна бир бор такрорламоқчиман: биз эртага — 1996-97 йилларда мамлакатимизга жуда катта сармоялар келади, деб хомхаёлга берилаётганимиз йўқ. Биз аниқ лойиҳаларни, масалан, ёқилғига доир аниқ лойиҳаларни кўзда тутиб ишляпмиз. Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика мустақиллиги тўғрисида гапирамиз. Хўш, бу жиддий лойиҳами? Ҳа, жиддий лойиҳа. Биз 3 йил давомида шунга эришдикки, 1996 йилда четдан бирор тонна бўлсин нефть сотиб олмаймиз. Бир вақтлар пахта толамизнинг тахминан ярмини нефтга алмаштиришга мажбур эдик. Эндиликда бу пахта толасини жаҳон бозорига чиқараяпмиз. Бу — Ўзбекистонда 1996 йилда миллий валютаимиз қаттиқ валютага эркин алмаштирилишига эришамиз, деб айтишимизга имкон берадиган янги валюта манбаидир. Бу шунчаки сўз эмас. Сиз менга бундай савол берганингиз йўқ, лекин мен сизга шуни қатъий айтишим мумкинки, 1996 йилда Ўзбекистонда миллий валютаимиз тўла-тўқис эркин алмаштириладиган,

мамлакат ичкарасида эркин алмаштириладиган бўлади.

Бу ҳисоб-китобларимиз нималарга асосланган? Улар аввало бизнинг тасарруфимизда бўлган ҳақиқий манбаларга асосланган. Мен уларни қисман айтиб ўтдим — пахтани жаҳон бозорида сотяпмиз. Бизнинг кўлимиздаги олтин ҳамда, энг муҳими, биз ҳар томонлама рағбатлантираётган экспорт ана шундай манбалардандир. Дарвоқе, экспорт хусусида ҳам шундай масала бор. Бизнинг қонунчилигимиз, битта қонун эмас, балки бир неча қонун ўзаро боғлиқ ҳолда экспортчиларимизга, экспорт учун ишлаётган барча корхоналарга фойдадан олинадиган солиқни 50 фоиз қисқартиради. Бундай имтиёзни яна қайси мамлакатда кўргансиз? Бу жуда яхши, корхоналарни экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришга қизиқтирадиган имтиёз. Бундан ташқари, корхона ўз маҳсулотини оз бўлса ҳам четга сотиши учун биз яна ўнлаб шароитларни яратиб беряпмиз. Экспорт қилиш оз-оздан бошланади, сўнгра аста-секин изчил жараёнга айланади, фойдаси сезилади.

Айрим мамлакатларда шундай иш тутишади, маҳсулотни четга сотишдан тушган валютанинг ҳаммасини миллий валютага алмаштириш учун Марказий банкка олиб қўйишади. Бизда эса атиги 30 фоизи олинади. Биз бузга узоқ вақт давомида эришдик, лекин эндиликда унга қатъий амал қиляпмиз. Эртага эса бу кўрсаткични яна камайтирмоқчимиз. Биз валютанинг эркин алмаштирилишига эришсак, яъни бизда валюта биржамиз учун доимий ишлай-

диган манба яратилса ва шу пулимизни эркин алмаштириш имкониятига эга бўлсак, бу иш амалга ошади.

Биз ишлаб топилган маблағларни мажбурий равишда давлат ихтиёрига олиб қўйиш билан шуғулланаётганимиз йўқ. Ҳисоб-китобларимизнинг кўрсатишича, ўтган йили валюта биржамиз орқали 1,5 миллиард Америка доллари ўтди. 1996 йилда бу рақам 2,6 миллиард долларга етади.

Баъзиларингиз бюджет билан қизиқдингиз, ҳатто бюджетга доир рақамлар нима учун эълон қилинмайди, деб ажабландингиз. Сиз мендан сўранг, бюджет қаерда эълон қилинганлигини айтиб бераман, иккинчидан, агар қизиқсангиз, бюджетнинг ҳар бир моддаси бўйича аниқ рақамларни келтиришим мумкин.

Шуни айтмоқчиманки, конвертация тўғрисида гап борганида, бу аниқ рақамлар, ҳисоб-китоблар билан мустаҳкамланади. Бюджет тасдиқланаётганда ана шу ҳисоб-китобларнинг ҳаммаси кўзда тутилган ва уларнинг ижро этилиши кафолатланади.

Ўзбекистоннинг йўли тўғрисида тўхталадиган бўлсак, гап бирор модел ҳақида бормаслигини яна бир бор айтиб ўтмоқчиман. Бизнинг йўлимиз, бюджетни шакллантиришнинг ўз усуллари-миз бор. Мустақиллигимизнинг 3—4 йили ичида улар ўзини оқлади. Агар сиз буни «модел» деб аташни хоҳласангиз, майли «модел» бўла қолсин. Айрим газеталарингиз: Ўзбекистон Ўрта Осиё «Йўлбарси» деб ёзиб, Жануби-Шарқий Осиёда-

ги айрим мамлакатларга ўхшатмоқда. Бу ҳам уларнинг ўз иши.

Кеча Борис Николаевич ўз нутқида айтган бир фикр менга маъқул бўлди. Биз ислоҳот тарафдоримиз, лекин жуда қимматга тушадиган ислоҳот тарафдори эмасмиз. Ҳақиқатан ҳам ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, балки халқ манфаати учун амалга оширилади. Шу сабабли биз босиб ўтган босқич танлаб олган йўлимизнинг тўғрилигини тасдиқламоқда, деб ҳисоблайман. (213—220)

САВОЛ: Сиз мамлакатингизда мулк эгаларига суянилишини айтиб ўтдингиз. Бизда, Россияда энг бой одамлар — мулк эгалари — банкирлар ҳисобланади. Бироқ, менинг билишимча, сизларда атиги 2 та хусусий банк бор экан. Давлат банкларига суяниш — давлат сиёсатими?

ЖАВОБ: Кечирасиз-у, сиз иккита саволни бир-бирига қарама-қарши қўйдингиз. Биз мулкдорлар синфи ҳақида гапирганда банкирларнинг назарда тутмаймиз. Биз асосан ўрта синф ҳақида гапирамиз. Дарвоқе, мен сессияда нутқ сўзлаганимда, сизлар бу нутқ билан танишишларингиз мумкин, мулкдорларнинг ўрта синфини назарда тутган эдим. Европада ҳам, бутун дунёда ҳам ҳозир мулкдорларнинг ўрта синфи — кичик ва ўрта бизнесни қўмсаб қолишган. Бу маънода ҳам бизнинг фикримиз қатъий: мулк эгаси бўлиш керак. Бироқ, айти пайтда, мафкурамизда, жамиятни ислоҳ қилишга принципиал қарашларимизда биз ўта бой ва ўта камбағаллар бўлишига қатъиян қаршимиз. Биз бу тўғрида ба-

ёнот бериш билангина шуғулланаётганимиз йўқ, аксинча, муайян давлат сиёсатини амалга оширяпмиз.

Ўзингиз ўйланг: одамларнинг турли қатламлари даромади ўртасидаги фарқ 40 мартани ташкил қилишига йўл қўйиб бўладими, ахир? Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Сизларда бу назорат қилинмайди, давлат буни кузатмайди. Шунинг учун ҳам «янги руслар» деган қатлам пайдо бўлган. Мен умуман бу номга қаршиман. Бу қандай ном ўзи? Ким буни ўйлаб чиқарган? Нима учун «янги руслар»? «Эски руслар», «янги руслар» деб бўладими? Эҳтимол, «эски руслар» ҳар қандай ахлоқ ва маънавият бобида «янги руслар»дан яхшироқдир?

Бизда энг паст ва энг юқори маош оладиганларнинг 10 фоизи ўртасидаги нисбат бирга олтини ташкил қилади. Биз солиқ тизими орқали буни назорат қилиб турамыз. Сизларга «Маҳалла» дастури тўғрисида гапириб беришган бўлса керак. Бу дастур бўйича Молия вазирлиги тизими орқали ўз-ўзини бошқариш органларига маблағ ўтказилиб, маҳалла қўмиталари орқали тақсимланади. Чунки кимнинг қандай яшаётганини маҳалла фаоллари яхши билади. Серфарзанд оилаларга ёрдам кўрсатиб турилади, давлат пенсиялар даражаси турмуш даражасига мос бўлишини назорат қилади ва ҳоказо.

Биз шу тариқа ўта қашшоқ ва ўта бойлар бўлмаслигини назорат қилиб борамиз. Дарвоқе, жаҳон тажрибасида буни назорат қилиб турадиган давлатлар талайгина. Мисол тариқасида

Швеция, Австрия сингари мамлакатларни келтирсак бўлади.

Хуллас, саволингизнинг биринчи қисмига оддийгина жавоб бериб шуни айтмоқчи эдимки, ҳа, биз мулкдорлар синфи тарафдоримиз, бироқ айни пайтда ҳам ҳамма нарсага эга, ҳам барча нарсадан маҳрум одамлар бўлишига қаршимиз.

Республикада банк тизими ҳам ислоҳот қилинмоқда. Шуни айтишим лозимки, унинг натижалари ёмон бўлаётгани йўқ. Бизда Россиядаги сингари дастлабки сархушлик пайтида икки мингта банк ташкил этилиб, уларнинг кўпчилиги бугунги кунда ё фаолиятини тўхтатишга ёки бирлашишга мажбур бўлганидек ҳол кузатилмайди. Банк тизимини ислоҳ қилиш жараёнида аралаш модели кучга кирди. Кўпгина тижорат банкларида давлат ўз улушига эга. Яъни бирон-бир банкни ташкил этар экан, давлат бу банк акцияларининг, унинг асосий жамғармасининг қандайдир қисмини ўз қўлида сақлайди. Ҳозир давлат тижорат банклари ҳам барпо этилган.

Хусусий банклар ҳам бор. Оддий тижорат банклари ҳам бор. Бу банклар ўртасида ҳеч қандай қарама-қаршилиқ йўқ. Мен мулкдорлар синфи ўсиб бориши билан хусусий банклар сони ҳам кўпайиб боради, деб ўйлайман. Бугунчалик уларнинг кўпайишига ижтимоий асос, улар вояга етиши учун зарур замин йўқ. Биз ҳамма нарса мантиққа бўйсунмиши, ҳар бир нарсанинг асоси бўлиши лозимлигини яхши англаймиз.

Бизда бугунги кунда тижорат банклари ва давлат тижорат банклари бор. Марказий банк бор. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бор. У давлат тижорат банки ҳисобланади. Яъни биз унда ўз улушимизга эгамиз, банкнинг ўзи ҳам асосий жамғармада ўз капиталига эга.

Яқинда «Асака» деб номланган банк очилди. Сизлар бу банк тўғрисида маълумотга эга бўлишларингизни истардим. Сизлар албатта, йилига 180 мингта енгил автомашина чиқарадиган «ДЭУ» автозаводи Асакада қурилаётганини, биз «Асака» деб ном берган банк шу заводга хизмат кўрсатишини, унинг операцияларини амалга оширишини бирданига таққослаб кўрдиглар, албатта.

Бироқ, бу банкнинг асосий вазифаси сал бошқачароқ. Биз давлат тижорат банки ташкил этиб, унга давлатнинг, ҳукуматнинг пулини қўйдик. Нима учун? Эртага, конвейердан машиналар чиқа бошлаганида Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси бу машиналарни сотиб олишига шароит туғдириш учун шундай қилдик. Мен тахминий рақамлар келтираман. Айтайлик, энг яхши моделдаги машинанинг нархи 10 минг доллар туради. Бизнинг мўлжалимизга мувофиқ, халқ банки қўйилган маблағлар, киримлар, аҳоли жамғармаларининг бир қисмини, тахминан олсак, машина нархининг 25 фоизини йиғиш мумкин. «Асака» банки бу фуқарога кредит беради, қолган 75 фоизни у 10 йил давомида энг кам йиллик фоиз асосида тўлайди.

Шундай қилиб, фуқаро 2,5 минг долларга энг яхши русумли машина сотиб олиши мумкин. Қолган 10 йил давомида қарзидан қутилади. Бунинг учун айланма капитал, яъни Ўзбекистоннинг мана шу машинани сотиб олишга ҳаққи бор ҳар бир фуқароси манфаати йўлида бундай операциялар ўтказишимизга имкон берадиган капитал керак эди.

Сизлар биз ҳар бир фуқаро 10 йиллик муддатга кредит олиши учун шароит яратадиган айланма капитал сифатида таклиф этаётган бу пулни қаердан олганимизни сўрасизлар?

Биз қазиб олаётган олтинлар-чи? У — халқ бойлиги. У халқимизнинг, Ўзбекистонда яшаётган фуқароларнинг мулки. Айтайлик, биз бу олтинни сотиб, пулини бу банкка қўйдик. Ҳар бир фуқаро бу банк воситасида ўз улушини олади. Яъни, унинг бу олтинда ўз улушига эга бўлишига ҳаққи бор. Шу тариқа биз бу капитални ҳар бир кишига имтиёзли нархларда машина сотиб олиш имконини берадиган айланма капиталга айлантирамиз.

Мен сизларга биттагина банкни айтиб бердим. Бунақа банкларимиз кўп — «Савдогар-банк», «Ғаллабанк», «Пахтабанк» ва ҳоказо. Бугунги кунда бундай банклар, менимча, 25 тадан зиёд. Бироқ, ҳозир собиқ шўролар ҳудуди матбуотида ёзилаётганидек, кўпчилик мамлакатларда, ҳатто Болтиқбўйи мамлакатларида ҳам кўпгина банклар бугунги кунда банк ишида, капитал оламида пайдо бўлаётган меъёр ва рақобатларга бардош

беролмагани учунгина ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам саволингизнинг иккинчи қисмини биринчи қисмидан ажратишни таклиф қилган бўлардим. Бизда ҳам банкирлар катта пул олади. Дарвоқе, собиқ шўролар ҳудудидаги биронта мамлакатда бундай имтиёзлар яратилгани йўқ. Мана, мисол учун, биз жамғарма банкни халқ банкига айлантирдик. Бугунги кунда деярли ҳар бир қишлоқда бу банкнинг филиалларини очяпмиз. Бу банкни беш йил давомида солиқдан озод қилдик. У бюджетга ўз даромадидан бир гийин ҳам бермайди. Нима учун? Чунки у компьютер сотиб олиши, бугун жараёнларини компьютерлаштириши керак.

Ўзбекистонда пул жўнатишнинг электрон тизими ишлаб турганини ҳозир сизларга айтишим мумкин. Бир кун ичида айтайлик, Тошкентдан Қорақалпоғистонга ва у ердан Тошкентга 7 марга пул ўтказиш мумкин. Бу соҳада ҳеч қандай муаммо йўқ. Биз бунга қандай эришдик? Бунга банклар бюджетга ўтказиши лозим бўлган пулни уларнинг ўзига қолдириш йўли билан эришдик. Банклар бу пулни ҳозир қаттиқ валютага алмаширмоқда, компьютерлар сотиб олмоқда, ҳеч бўлмаса ташқи иқтисодий фаолият миллий банкимизга бориб, у қандай жиҳозланганини, у ерда қандай операциялар амалга оширилаётганини кўришингиз мумкин.

Биз қисқа вақт ичида ҳар қандай бозорнинг асосини ташкил этадиган бундай тизимни барпо этганимиздан хурсандмиз. Яхши ривожлан-

ган банк, суғурта, молия тизими бўлмаса, бозорнинг ёрдамчи тармоқлари тўғрисида гапириш мумкин эмас. Ҳозир биз бозор ёрдамчи тармоқлари аҳамиятини аввалгига нисбатан чуқурроқ англай бошладик: бу — банк, молия, суғурта, агар лозим топсангиз, аудитор хизмати, консалтинг ҳамда бозор учун энг яхши шартшароитларни таъминлаши лозим бўлган бошқа тизимлардир.

Шу сабабли бизда банклар давлат мадади билан ривожланмоқда, ўтиш даврида банкларнинг ривожланишига давлат ёрдам бериши зарур, деб биламиз.

САВОЛ: Бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисмини айтиб берсангиз. 1996 йилда бюджетнинг ижтимоий йўналиши сақланиб қолади-ми, ижтимоий харажатларга неча фоиз ажратилган, бюджетда индексация қилиш фонди кўзда тутилганми, бюджетдан неча фоизи фуқаролар омонатларини индексация қилишга сарфланади? Раҳмат.

ЖАВОБ: Сизни мутлоқ рақамлар қизиқтираётган бўлса, марҳамат, айтишим мумкин. Лекин мен энг муҳими бунда эмас деб ҳисоблайман. Чунки бизда пулнинг қадрсизланиш жараёни давом этмоқда ва барибир бир йилдан сўнг бошқа рақамлар кўрсатилади. Бюджетнинг даромадлар қисми 142 миллиард 197 миллион сўмни, харажатлар қисми — 155 миллиард 621 миллион сўмни, бюджет камомади эса 13 миллиард 424 миллион сўмни ёки 3,5 фоизни ташкил этади.

Ижтимоий эҳтиёжларга сарф-харажатлар икки моддада кўзда тутилган. Бу ижтимоий соҳа — маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, илм-фан, ижтимоий таъминот, яъни аҳолига хизмат қиладиган соҳалардир. Бу соҳаларга бюджет харажатлар қисмининг 37 фоизи ажратилган. Бундан ташқари, биз давлат бюджетида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги моддани киритганмиз. Бу — янгилик, бошқа мамлакатлар бюджетида бундай моддани топа олмайсиз.

САВОЛ: Бу модда 1996 йил бюджетигагина киритилганми?

ЖАВОБ: Йўқ, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги махсус модда бизда деярли 3 йилдан буён амал қилмоқда. 1996 йилда бюджетдан умумий харажатлар қисмининг 13,4 фоизи шу мақсадга сарфланади. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг ўзи нима? Бунга қайси моддалар киради? Масалан, коммунал хизматга дотация киради. Бизда коммунал хўжалик бўйича дастур тузилганини биласиз. Менимча, бу дастур 2000 йилгача мўлжалланган. Ҳозир аниғи эсимда йўқ. Ҳарҳолда коммунал хизмат учун дотация бу йил учун ҳам сақлаб қолинган. Чунки аҳоли ҳозирги пайтда коммунал хизмат ҳақини тўла-тўкис тўлашга қодир эмас. Шу сабабли бюджет умумий харажатлар қисмининг 4,4 фоизини шу дотацияга режалаштирганмиз. Болали оилаларга нафақа бериш моддаси бўйича бюджет умумий харажатлар қисмининг 7,3 фоизи айти шу мақсадга сарфланади.

Шу модданинг ўзида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўзда тутилган. Бу ёрдамга бюджет харажатлар қисмининг икки фоизи сарфланади. Пенсия фонди бўйича трансферт — биз уни бир вақтлар дотация деб атар эдик, сўнгра субвенция деб атай бошладик, энди эса бозор иқтисодиётига мос ном билан трансферт деб атаяпмиз. Пенсия фонди бўйича ана шу трансфертга 0,5 фоиз ажратилади.

Бундай трансферт нима учун керак? Корхоналарнинг пенсия фондига ажратмалари етмай қолса, маълум бир даврда пенсияларни бюджет фондидан ўз вақтида тўланишига кафолат тарзида керак.

Шундай қилиб, ижтимоий эҳтиёжларга мўлжалланган 37 фоизни аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга ажратилган 13,4 фоизга қўшсак, умуман ижтимоий соҳага бюджет харажатлар қисмидан 51,4 фоиз сарфланади. Бу озми ёки кўпми? Бошқа давлатлардагига нисбатан кўп бўлса керак. Ўтган ҳисобот йилдагидан кўпроқ. Чунки 1995 йили аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги модда харажатлар қисмининг атиги 9,6 фоизини, ижтимоий эҳтиёжлар 35,4 фоизни ташкил этганди. Кўриб турибсизки, 1996 йил бюджетда ижтимоий эҳтиёжларга ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга маблағни кўпайтирдик.

Бу ерда савол беришди: гўёки бизнинг парламентимизда бюджет моддама-модда кўриб чиқилмай овозга қўйилиб, қабул қилинар эмиш. Тушунаман, ҳар бир журналист қийинроқ, чалкашроқ савол беришни хоҳлайди. Баъзан мен ўзим

ҳам журналистларимиздан одатдан ташқари, қийинроқ саволлар беришларини сўрайман... жавоблар ҳамма учун тушунарли бўлсин деб, шундай талаб қиламан.

Шуни айтишим керакки, аслини олганда бюджет умуман деярли йил давомида тайёрланади. Ҳозир 1996 йил бюджетини тасдиқладикми, энди 1997 йил бюджетини тайёрлаш керак. Бу соҳада ўзим ишлаганман, шу сабабли бировларнинг гапига қараб эмас, ўз тажрибамга асосланиб гапиряпман.

Биз валюта фонди билан боғлиқ бўлган ҳозирги пайтда бюджетимизни мазкур халқаро молия ташкилотининг тегишли комиссиялари ва экспертлар бригадалари бир эмас, бир неча бор синчиклаб текшириб чиқади. Улар макроиқтисодиёт нуқтаи назаридан, бу бюджет барқарорлиги нисбатини, бирор доирадан четга чиқиб кетмаслиги учун камомад нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиқади. Бу уларнинг вазифасига киради.

Аммо депутатдан барча масалаларда мутахассис бўлишни талаб қилиш мумкинми? Депутат бир умр шу масалалар билан шуғулланаётган мутахассисдан кўпроқ нарсани била оладими?

Амалда эса бюджетимиз Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг назорати остида ҳаддан ташқари қийин экспертизадан ўтади, бундай синовга ҳамма ҳам бардош беравермайди.

Энди индексация масаласида. Индексация ҳақида қачон гап бошланганини ўқиган бўлсангиз керак, олдин биз шу индексациялаш схема-

сини тузиб чиқдик, яъни қарор қабул қилдик, бу қарор эълон қилинди. Бу олти ойлик меҳнат натижасидир. 1996 йилда биз қайта тикланган омонат дафтарчалари бўйича 1 июлдан бошлаб ҳақ тўлай бошласак (Халқ банкида бундай дафтарчалар сони 5 миллионга етади), у ҳолда биз омонатчиларнинг истагига мувофиқ ва йил охиригача фоиз ставкаларини ҳисобга олганда 3 миллиард 600 миллион сўм тўлашимизга тўғри келади. Қайта тикланган омонатларнинг 10 фоизигина ана шунча бўлади.

Бу пулни қаердан олиш мумкин? Биз бунинг учун қоплаш фонди ташкил этдик. Бу фонднинг 50 фоизи бюджет ҳисобидан, 50 фоизи эса бюджетга кирмайдиган фондлар ҳисобидан бўлади. Шундай қилиб, қўлимизда аниқ ҳисоб-китоб бор, омонатчиларнинг ҳаммаси қайта тикланган пулнинг 10 фоизини тўлашни талаб қилса, бунинг учун биз 1996 йил бюджетидан 1 миллиард 900 миллион сўмга яқин пул ажратишимиз лозим бўлади. Бу пухта ҳисоблаб чиқилган рақам: ҳатто Президент ёки Вазирлар Маҳкамасининг бюджетда кўзда тутилган умумий харажатлардан 1 фоиз миқдоридagi захираси ҳисобидан ҳам бу тўловларни амалга ошириш мумкин бўлади.

Нима учун мудофаа харажатларини сўрамаяпсиз? Ким шундай савол беради?

Залдан овоз: Сиз барибир айтмайсиз.

ЖАВОБ: Нега айтмас эканман? Ҳамма рақамларни айтиб бераман. Баъзи жойларда сиздан яширишаётган бўлса, биз ҳеч нарса яширмаймиз. Кулоқ солинг — маъмурий органларни сақ-

лаб туриш учун 19 миллиард 680 миллион сўм миқдорда харажат қилиш кўзда тутилган. Бу 12,6 фоизни ташкил этади. Шундан 4,4 фоизи ёки 6,8 миллиард сўми — Мудофаа вазирлигига, 4,5 фоизи — 7 миллиард сўми Ички ишлар вазирлигига ажратилган. Яна хавфсизлик хизмати, чегарачилар ва шу кабилар бор, соф мудофаага эса, яна бир бор айтаман, бюджет умумий харажатлар қисмининг 4,4 фоизи ажратилади. Бу кўпми ёки камми? Бу кам. Ҳали сизга биз ҳеч нарсани яширмаймиз деганимда, шу масалани ҳам кўзда тутган эдим. (223—230)

7. ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида
1995 йил якунлари ҳамда жорий йилдаги вазифаларга
бағишланган мажлисда сўзланган нутқ.
1996 йил 29 февраль*

Жамиятимиз учун янги бир жараён ўз таъсирини кўрсата бошлади. Акциялар бўйича тўланаётган дивидендлар хизматчиларнинг даромад манбаларидан бирига айланмоқда. Бир неча мисол келтиришим мумкин: «Нефтгазтаъмир» ҳиссадорлик жамияти йил якунлари бўйича 30,5 миллион сўм миқдориди дивиденд тўлади. Ҳар бир акция учун тўланган дивидендлар миқдори 5 минг сўмдан ошиб кетди, бу акциянинг номинал қийматидан 10 баробар кўп демакдир. (250)

Энг муҳими, бугун таркиб топаётган хўжалик механизми бозор қонунларига ва шароитларига қанчалик тўғри келади ва жавоб беради? Бозор талаблари қай даражада қабул қилинган қонунлар ва ҳужжатлар орқали ҳаётда ўз аксини топмоқда?

... Шунини очиқ тан олишимиз керакки, кўпгина қонунлар, ҳукумат қарорлари ҳозирча тўлиқ ишлаётгани йўқ. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, ташқи иқтисодий фаолият, қимматбаҳо қоғозлар бозорини вужудга келтириш юзасидан илгари қабул қилинган ва ислоҳотлар ривожини учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қарорлар ижроси текширилганида, улар жуда секин, чала-ярим амалга ошаётгани маълум бўлди. Вазирлар Маҳкамаси бу қарорлар ижросини етарли назорат қилмаяпти.

Ўзбекистон заминиди бугунги кунда бозор иқтисодиёти муносабатларини фаол жорий этиш бўйича зарур қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар замини амалда яратилди. Бунини кўпчилик тан олмақда.

Савол туғилади: нега улар ҳаётда тўлиқ амал қилмаяпти? Ким ёки нима халақит беряпти? Қаерда, қайси бўғинда оқсаш рўй бермоқда? Мана шу саволларнинг барчасига жавоб топишимиз керак.

Менинг назаримда, энг заиф жойимиз ижрочиларнинг ўрта бўғини, корхона ва хўжалик раҳбарларидир. Улар ҳамон эски тасаввур билан яшамоқдалар. Фондлар, ҳар хил лимитлар, имтиёзли кредитлар ундиришга асосланган бо-

қимандалик кайфиятидан халос бўла олмаяптилар. Бундай кайфиятдан қутулмас эканмиз, барча хайрли ишларимиз, ташаббусларимиз тўрачилик ботқоғига ботиб, оқсоқ бўлиб қолаверади.

Бозор инфратузилмасини ривожлантириш бугунги кун талабларидан ортда қолмоқда. У амалда эндигина яратилляпти. Тижорат банклари тизими, молиявий хизмат, аудиторлик фирмалари, суғурта компаниялари кўпроқ катта ва ўртача шаҳарларда, туман марказларида шаклланимоқда.

Очиқ айтиш керак: қишлоқ жойларда бозор инфратузилмаси, бозор хизмати йўқ ҳисоби. Мавжуд 31 та тижорат банки, 69 та суғурта компанияси мамлакатимиз эҳтиёжларини қондира олмаслиги турган гап. Бухоро, Қашқадарё, Навоий вилоятларида бирорта ҳам давлатга қарашли бўлмаган суғурта компанияси йўқ. Лизинг, инжениринг компаниялари каби бозорнинг муҳим муассасаларига эътибор йўқ.

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари кўпгина туманларида нақд пул эмиссияси 60—70 фоизни ташкил этаётгани бизни қаттиқ ташвишга солмоқда. Бошқа вилоятларда ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Табиий савол туғилади: агар ишчилар, нафақахўрлар қўлига олган нақд пулини сарф қилмаса, яъни берилган пул қайтиб хазинага тушмаса, бундай шароитга қачонгача ва қандай тизим, қандай давлат чидаши мумкин?

Наҳотки республикамизнинг аксарият аҳолиси ўзининг эҳтиёжи талабини, савдо-сотиқ юмушларини пойтахтга — Тошкент шаҳрига келиб ҳал қилиши, қондириши керак?

Энди биз масалани бошқача қўймоқчимиз. Эмиссия даражаси пасаймаётган, аксинча ўсаётган жойларда нақд пулларнинг банкка қайтарилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўрмагунча, ҳокимлар, уларнинг муовинлари ва Марказий банк бўлимлари раҳбарларининг маош олишга ҳаққи борми, шуни кўриб чиқишимиз керак. (251—254)

8. ХАЛҚИМИЗНИНГ ЙЎЛИ МУСТАҚИЛЛИК, ОЗОДЛИК ВА ТУВ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДИР

*Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши сессиясида
сўзланган нутқ. 1996 йил 16 март*

Жойларда тушунтириш ишлари олиб борилмаяпти. Акциядорлар ўз улушларининг моҳияти ҳақида тўлиқ тушунчага, ўз пайларига мувофиқ олишлари лозим бўлган дивидендлар миқдори тўғрисида етарли маълумотга эга эмас.

Умуман олганда, 1995 йил якунига кўра акция сотган корхоналарнинг 30 фоизи сотилган акциялари учун дивиденд тўлай олмади! Жумладан, Хивасут, Янгибозор агрохимсервис, Урганч туман тайёрлов-сотиш ҳиссадорлик жамиятлари, Богот агроқурилиш механизациялашган кўчма колоннаси ва бошқа ташкилотлар бу соҳада оқсамоқдалар.

Бундай нохуш аҳволни қандай изоҳлаш мумкин? Бу аҳоли ўртасида қимматбаҳо қоғозларга бўлган ишончни йўқотиш эмасми? Бу бутун иқтисодий ислоҳотларимиз обрўсини, самарасини ҳам пасайтирадиган, айти пайтда кечириб бўлмайдиган ҳол-ку!

Банклар, солиқ идоралари ва ҳокимларнинг таъсирчан чоралар кўрмаганлари, истеъмоладан моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш турларини кўпайтиришга эътиборсизлик билан қараётганликлари натижасида вилоятда пул эмиссияси ортиб бормоқда. Йил якунига кўра вилоятда эмиссия миқдори 64 фоизга етди. Бу режалаштирилган миқдорга нисбатан 42 фоиз кўп демакдир.

Боғот, Янгибозор, Қўшкўпир туманлари ҳокимликларининг бу соҳадаги фаолиятини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Келинг, яхшиси рақамларга мурожаат қилайлик.

Эмиссия миқдори Боғотда 77,6 фоизни, Янгибозорда 80,1 фоизни, Қўшкўпирда 85,5 фоизни ташкил этади. Ана энди мазкур туманлар ҳокимлари ўз фаолиятларига ўзлари баҳо беришсин.

Диққатингизни бир далилга тортмоқчиман. 16-асрда, Ҳожибхон замонида Хива хонлигида жами 800 минг, Хива шаҳрининг ўзида эса 18—20 минг одам яшаган.

Ўша замонда Хива шаҳрида 3 та катта очик бозор, 1 та тим, яъни ёпиқ бозор, 15 та бозорча, 3 та катта ҳаммом, яна йигирмата масжид-мадра-

санинг ҳар бирида тўла жиҳозланган ҳаммом мавжуд бўлган, яъни жами 23 та ҳаммом хизмат қилган. Ҳозирги кунда 52 минг одам яшаётган Хива шаҳрида ҳаммаси бўлиб 4 та ҳаммом, битта бозор ишлаб турибди, холос.

Буни қандай тушуниш мумкин?

Аҳоли сони ўсган, дунёқарашимиз ўзгарган, турмуш тарзимизни жаҳон андозаларига мослаштираётган бир пайтимизда бу аҳволни қандай баҳолаш мумкин? (274—276)

9. КЕЛАЖАГИНИ ЎЗ ҚЎЛИ БИЛАН ҚУРАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНГА ХАЛАҚИТ БЕРМАНГ

Ислом Каримовнинг Тошкентдаги дипломатик корпус вакиллари, Республика ҳамда хориж журналистлари саволларига жавоблари. 1996 йил 12 апрель

Ю.Галимов, Деловой мир (Россия): Жаноб Президент, Сиз Россия ҳамон Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий шериги бўлиб қолаётгани тўғрисида гапирдингиз. Бу икки мамлакатнинг кўплаб бизнесменларига ҳам тааллуқли. Бизнинг ўқувчиларимизни шундай савол қизиқтиради: зикр этилган тўрт давлатнинг ўзаро сиёсий ва иқтисодий яқинлашуви валюта бозори шаклланишига қандай таъсир кўрсатади? Мен МДҲ ҳудудида юмшоқ валюталарнинг курсини аниқлаш механизми, давлатлар ўртасидаги тўловлар механизмини назарда тутяпман.

И. КАРИМОВ: Менинг Тўртлар шартномаси қатнашчилари номидан гапириш ваколатим йўқ. Шунинг учун фақат ўз мулоҳазаларимни билдиришим мумкин. МДХ доирасида имзоланган битимларда сиз сўраётган муаммоларни ҳал этишнинг анча мақбул йўллари кўзда тутилган. Булар сирасига божхоналар иттифоқи, тўловлар иттифоқи тўғрисида битимлар имзолаш ва ундан кейин валюта иттифоқи тўғрисидаги битим билан боғлиқ масалаларни ечиш кабиларни киритиш мумкин.

Бугун божхоналар иттифоқи унинг таркибига кирган мамлакатлар ўртасидаги тўсиқларни олиб ташлаш, товар айланмасини кескин кўпайтириш имконини берди, деб гапирилганда, ўз-ўзидан бир савол туғилади. Агар тўловлар ҳамда бунинг учун маърифий меъёрлар яратиш билан боғлиқ муаммолар ҳал этилмаса, товар айланмасининг ўзи давлатларнинг маърифий муносабатларида ҳеч нарсани англамайди. Энди айтинг-чи, қайси корхона, қайси савдо тузилмаси, ўзаро тўловлар таъминланмай туриб, бошқа мамлакатга товар юбориши мумкин? Ахир бугунги кунда Россия корхоналари ўртасидаги ўзаро қарзлар миқдори, Россиянинг ўз матбуоти хабарларига қараганда, ниҳоятда кўпайиб кетган. Афсуски, улар камаймаяпти. Мазкур принципиал масалани ҳал этмай туриб, қандай қилиб савдо айланмаси тўғрисида гапириш мумкин? Агар Россиянинг ўзида тўловлар масаласи ҳал этилмаса, қандай қилиб уларни давлатлар ўртасида ҳал этиш мумкин?

Валюта ва валюта курси тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу масалани ҳал этиш ўта муҳим, бундан кейинги барча муносабатларимиз шу билан бевосита боғлиқдир. Россия Давлат банки бошқарувчиси жаноб Дубинин яқинда Россия тез орада Халқаро валюта фонди билан валютани жорий ҳисоб-китоблар бўйича конвертация қилишга тегишли битимни имзолашга ва мазкур фонд Уставининг 8-бандига қўшилишга тайёр эканини билдирди. Демак, ҳозирча валюта эркин конвертация қилинмайди, бироқ жорий ҳисоб-китоблар конвертация этилади. Бу Россия рублининг катта ютуғидир.

Бизга маълум бўлишича, бугунги кунда Россиянинг олтин-валюта ресурслари, захираси 14 миллиард АҚШ долларини ташкил этади ва бу Россиянинг уч ойлик импортини таъминлаши мумкин. Бу миллий валютани конвертация қилишнинг асосий шартларидан биридир. Россия билан савдо-сотик қилишни истаётган шерикларнинг аҳволи қалай, улар ҳам Россия билан тенг бўлишга тайёрми? Мендаги маълумотларга қараганда, Ўзбекистон собиқ совет республикалари ичида бу масалада Россия билан бир қаторда тура оладиган ягона мамлакатдир. Буни Халқаро валюта фонди ҳам тасдиқлайди.

Захираларимиз, жумладан, олтин-валюта захираларимиз билан импорт операцияларни уч ой эмас, олти ой ҳам қафолатлаш имкониятига эгамиз. Россия ўз рублини қандай қафолатлаган бўлса, миллий валютаимизни биз ҳам барча ме-

зонлар ва шартлар бўйича шундай кафолатлашга қодирмиз.

Бошқа давлатларга келсак, мен уларнинг ички имкониятларидан хабардор эмасман, шуни аниқ биламанки, том маънодаги савдо ва тўловни йўлга қўйиш учун барча ўша мезонларга интилиши, ўша шартларга сўзсиз амал қилиши керак. (322—324)

**ЯНГИЧА
ФИКРЛАШ ВА ИШЛАШ—
ДАВР ТАЛАБИ**

1. АҚШ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН БРИФИНГДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

1996 йил 24 июнь

Бугунги кунда Ўзбекистонда бизнес билан шуғулланиш гоят фойдали ишга айланиб бормоқда. Нима сабабдан? Фақат айрим, жуда муҳим жозибали шарт-шароитлар ва омилларнигина айтиб ўтаман.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори кундан-кунга ўсиб бормоқда. Яқиндагина Фарбда камдан-кам одамлар дунё харитасига қараб Ўзбекистоннинг чегараларини аниқ кўрсатиб бера олар эди. Ҳозир биз жаҳоннинг 94 мамлакати билан дипломатия алоқалари ўрнатганмиз. Тошкентда 35 мамлакат ва биринчи бўлиб АҚШ ўз элчихонасини очган.

Республикада 88 чет эл ваколатхонаси аккредитация қилинган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Халқаро Валюта фонди, Жаҳон Банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ), Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) ва бошқа халқаро ташкилотлар ўз ваколатхоналари ва бюроларини очишган.

Ўзбекистонда 257 чет эл компанияси ва фирмаларининг, шу жумладан 28 та Америка компанияларининг ваколатхоналари аккредитация қилинган.

Иккинчидан, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатларaro тотувлик таъминланмоқда, бу эса, ўз навбатида, ҳар қандай бизнес учун мажбурий ва зарурий шартдир.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг геосиёсий ва геостратегик мавқеи, унинг Марказий Осиё минтақасидаги коммуникациялари шундай бир калит, шундай бир таянчдирки, унинг асосида бутун кенг минтақанинг, 60 миллиондан ортиқ киши яшайдиган минтақанинг бозорини ўзлаштириш мумкин.

Учинчидан, Ўзбекистон бой ноёб табиий ва минерал-хом ашё ресурсларига эга бўлиб, уларнинг кўплари ҳали ишлаб чиқаришга тўла жалб этилган эмас.

Ҳозирги вақтда 50 дан ортиқ минерал ресурслар турлари излаб топилган ва фойдаланилмоқда, экспертлар уларни тахминан 3 триллион АҚШ доллари миқдорида деб баҳоламоқдалар. Кўпгина минерал-хом ашё ресурсларининг жойлашиши, қатламларнинг қалинлиги ва одатда очиқ ҳолдалиги сабабли жуда арзон усулда кавлаб олиниши туфайли ана шу ресурсларни чиқариб олиш ва қайта ишлаш иқтисодий жиҳатдан фойдали ва истиқболли ҳисобланади.

Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича жаҳонда учинчи ўринни ва уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринни, олтин қазиб чиқариш бўйича еттинчи ўринни, унинг захиралари бўйича тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Мис, кумуш, қўрғошин, рух, вольфрам ва баъзи бир бошқа фойда-

ли қазилмалар ҳамда стратегик материаллар захиралари бўйича Ўзбекистон жаҳонда етакчи ўринлардан бирида туради.

Республикада қудратли ривожланган энергетика базаси, катта миқдорда газ ва нефть захиралари мавжуд.

Ўзбекистон ривожланган кўп тармоқли қишлоқ хўжалигига эга. Ҳар йили қарийб 1,5 миллион тонна пахта толаси ишлаб чиқарилмоқда, салкам 5 миллион тоннага қадар мева ва сабзавотлар етиштирилмоқда. Ўзбекистон ипак, жун, қоракўл терилардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Тўртинчидан, Ўзбекистон яна шуниси билан ўзига ром қиладики, ҳозирги вақтда республикада қудратли ҳуқуқий ва қонуний база шакллантирилган, иқтисодий ислоҳотлар йўлининг изчиллиги, бу йўлдан орқага чекинмаслиги ва истиқболлилиги таъминланмоқда. Чет эл инвестициялари ҳамда тадбиркорлик учун кенг имкониятлар ва кафолатлар яратилган.

Ушбу масалалар устида бирмунча батафсилроқ тўхталиб ўтаман.

Республикада иқтисодий муносабатлар тубдан ўзгармоқда, ишлаб чиқаришда акциялаш жараёни фаол бормоқда, хусусий сектор кенгаймоқда, ҳақиқий мулкдорлар табақаси шаклланмоқда.

Ялпи ички маҳсулотнинг 64 фоизи, саноат маҳсулоти ҳажмининг 50 фоизга яқини, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 97 фоизи нодавлат секторининг ҳиссасига тўғри келмоқда. Ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг нодавлат секторидида меҳнатга

лаёқатли аҳолининг 60 фоиздан ортиғи машғул-дир.

Бозор инфратузилмасининг моддий базаси ривожланиб ва мустақамланиб бормоқда. Марказий Осиёда энг йирик Биржа маркази ишга туширилди, Фонд биржаси, Миллий депозитарий, Кўчмас мулк биржаси ишлаб турибди.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, Бизнес-фонд, Ўрта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун суғурта компаниялари тармоғи амал қилмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида 33 тижорат банки, 60 дан ортиқ суғурта ташкилотлари ишлаб турибди. 8 та йирик чет эл банки, шу жумладан «Чейз Манхеттен бэнк» ҳам ўз ваколатхоналарини очган. Умид қиламизки, Америкадаги бошқа таниқли банклар ҳам, шу жумладан бизнинг Миллий банкимиз бир-бирларини тушунуш ҳақида бугун меморандум имзолаётган «Бэнк оф Америка» ҳам ўз ваколатхоналарини очадилар.

Чет эл сармояси иштирокида қўшма корхоналар ташкил этиш жараёни мумкин қадар осонлаштирилган.

Хорижий инвесторларга берилаётган имтиёзлар ҳақида бир неча сўз айтмоқчиман.

Чет эл инвестициялари национализация ва реквизиция қилинмайди. Чет эл инвесторлари объектлар, шунингдек, уй-жой биноларини улар жойлашган ер участкалари билан бирга мулк ҳуқуқини сотиб олишлари, ерга ҳамда табиий ресурсларга эгалик қилишлари ва улардан фойдаланишлари мумкин. Давлат мол-мулкани хусу-

сийлаштириш жараёнига, шу жумладан, кўчмас мулкни сотиш жараёнига ҳам эркин қўшилиш кафолатланади.

Кўшма корхоналар беш йил мобайнида фойдадан олинадиган солиқдан озод қилинадилар, уларга олинадиган фойдани алмаштириш ва уни мамлакатдан олиб чиқиб кетиш кафолатланади.

Барча тижорат банклари, шу жумладан чет эл сармояси иштирокидаги банклар, шунингдек, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналари барча турдаги солиқларни тўлашдан уч йилга озод қилинган.

Инвесторлар ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган хом ашё ва материалларга бож тўлашдан озод қилинган.

Республикада инвестициялар учун ишончли суғурта базаси яратилмоқда.

«Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси ташкил этилган бўлиб, у сиёсий ҳамда нотижорат хавфларининг олдини олади. «Ўзбекинвест», Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки ва Американинг «АИГ Инкорпорейшн» молия гуруҳи биргаликда сиёсий ва нотижорат хавфларининг олдини олиш бўйича қароргоҳи Лондонда ва Тошкентда жойлашган суғурта компанияларини ташкил этдилар.

Амалга оширилаётган ислохотлар ва кўрилатган чора-тадбирлар ҳозирнинг ўзидаёқ ўз натижаларини бермоқда.

1995 йилда ялпи ички маҳсулотнинг пасайиши амалда тўхтатилди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 100,2 фоизни ташкил этди.

Шуни айтиш керакки, агар 1990 йилни оладиган бўлсак, ялпи ички маҳсулот Ўзбекистонда 17 фоиз, саноат маҳсулоти эса атиги 1,5 фоиз камайди, ҳолбуки, бу кўрсаткичлар бутун МДХ бўйича ва Россияда ярмидан кўпроқ миқдорда камайди.

Инфляциянинг ўртача ойлик даражаси йил охирига келиб 2,2 фоизгача камайди ва умуман йил давомида 1994 йилдагига қараганда 3,7 баравар паст бўлди. Бюджетнинг тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизини ташкил этди, холос. 1996 йилнинг 5 ойи мобайнида ўртача ойлик инфляция 2,8 фоиздан ошмади...

Рухсатингиз билан мен *бешинчи* ва бизнесчилар учун ғоят муҳим бўлган жалб этувчи омил — Ўзбекистоннинг ишончли ва тўловга қодир шерик эканлиги ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Ўзбекистон ҳамиша ўз зиммасига олган мажбуриятларини қатъий бажариб келган ва ҳозир кечиктириб юборилган қарзи йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий фаолият миллий банки жаҳондаги 30 дан ортиқ мамлакатда 235 та чет эл банки билан вакиллик муносабатларини ўрнатган. АҚШнинг «Чейз Манхеттэн Бэнк», «Сити Бэнк», «Банкерс Траст», «Кэмиклбэнк», «Бэнк оф Нью-Йорк», «Нэшнл Бэнк оф Нью-Йорк» ва бошқа нуфузли банклари билан ўрнатилган вакиллик муносабатлари муваффақиятли ривожланмоқда.

Бизнинг етакчи чет эл банкларидаги, шу жумладан вакиллари ушбу учрашувда ҳозир бўлиб турган банклардаги депозитларда жойлаштирил-

ган активларимиз ҳам Ўзбекистоннинг тўловга қодирлигининг гарови бўлиб хизмат қилмоқда. Бу активлар ҳозирги кунда 1,2 миллиард Америка долларидан ошиб кетган.

Қаттиқ валюта захираларининг ҳажми етти ойлик импорт қийматиغا тенгдир. Республика валюта захираларини мустақкамлаш валютани жорий операциялар бўйича айирбошлаш вазифасининг ҳал қилинишини таъминлашга имкон беради. Республика валюта биржаси барқарор ишлаб турибди, унда ҳафтасига 2 марта биржа ким ошди савдоси ўтказилмоқда. Ҳар бир савдода 30 миллиондан ортиқ АҚШ доллари айирбош қилинмоқда.

1996 йилнинг биринчи ярмида валюта биржасида 1 миллиард 400 миллион Америка доллари ҳажмидаги талабномалар айирбош қилинди.

Барча хорижий инвесторлар олган фойдаларини ҳеч қандай чеклашларсиз мамлакатимиздан олиб чиқиб кетиш имкониятига эга, импорт маҳсулотни ички бозорда миллий валютага сотаётган чет эл фирмалари эса тушумни қаттиқ валютага айирбошлаш имконига эга.

Ҳозир Ўзбекистон бозорида жаҳондаги 70 дан ортиқ мамлакатнинг вакиллари иш олиб бормоқда. 2000 дан ортиқ қўшма корхона тузилган. Ўзбекистоннинг ташқи савдо обороти 1995 йилда 6 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг қиймати 4,5 миллиард АҚШ долларига яқин...

Агар мен Ўзбекистон Америка бизнеси билан, Америка капитали билан ҳамкорлик қилиш-

га устун даражада аҳамият бермоқда деб айтсам ҳақиқатга асло хилоф бўлмайди.

Бугун мен шунни айтмоқчиманки, Ўзбекистоннинг АҚШ Савдо ва тараққиёт агентлиги билан ўрнатган ва ўрнатилаётган муносабатларидан ғоят хурсандман ва уни қадрлайман. Бугун жаноб Жо Гранд Мейсон билан ушбу Агентлик иккита хужжатни имзоламоқда. Аини Агентлик билан келишувга эришиб, биз мисли кўрилмаган қадамни ташладик.

Биз америкалик тадбиркорларнинг ғоят бой тажрибасини ва обрў-эътиборини ҳисобга олган ҳолда сизларга ўз манфаатларингизни рўёбга чиқаришингиз мумкин бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришларнинг кенг соҳаларини таклиф қилишга тайёрмиз.

Бизнинг фикримизча, минерал-хом ашё ресурсларини қайта ишлаш ва ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш энг истиқболли йўналишдир. Буларга мавжуд ва янги очилаётган нефть, газ, нодир ва қимматбаҳо металллар конларининг ишлатилиши киради.

Хом ашёни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, кўпгина саноат тармоқларига қарашли корхоналарни қайта қуриш, машинасозлик комплекси, тўқимачилик ва енгил саноатни модернизациялаш, транспорт коммуникациялари ва алоқа тизимларини қуриш, сайёҳлик ва бир қатор бошқа лойиҳалар катта истиқболга эга.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда Америка капиталини ишга солиш, Америка техно-

логияларини республикамизнинг бой хом ашё ва минераллар манбалари билан қўшиш учун катта имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон бозорига қизиқиш билан қараётган, шунингдек республика ҳудудида ўз фаолиятини бошлаган компаниялар орасида «Ньюмонт Майнинг», «АИГ», «Кэллог», «Дрессер», «Женерал Моторз», «Эксон», «Тексако петролеум», «Каргил Интернпрайзис», «Кэйс Корпорейшн», «Боинг Корпорейшн», «Энрон Ойл энд Гэз» ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. (6—12)¹

2. АМЕРИКА-ЎЗБЕКИСТОН САВДО ПАЛАТАСИНING ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАРАФИГА УЮШТИРГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

1996 йил 24 июнь Вашингтон

Энг муҳими — Ўзбекистон шерик сифатида мутлақо ишончлидир.

Эътиборингизни куйидаги фактга қаратмоқчиман. Ўзбекистонда бошланган биронта ҳам лойиҳа йўқки, у ўз натижасини, ўз дивидендларини бермаган бўлсин.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Биз катта ёки кичик лойиҳаларни қайси бир мамлакат — АҚШ, Германия, Япония, Жанубий Корея, Буюк Британия, Франция, Туркия, Швейцария билан, би-

¹ *Ислом Каримов*. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т. 5. Т.: «Ўзбекистон», 1997. 6—12-бетлар. (Ушбу бўлимдаги манбалар ана шу китоб бўйича кўрсатилган).

рор бир банк, фирма билан бошлаган бўлмайлик, бу лойиҳаларнинг биронтаси ҳам барбод бўлгани йўқ. Умид қиламанки, бундай бўлмайди ҳам.

Бу ҳолнинг изоҳи битта. Лойиҳани бошлашдан олдин биз имкониятларимизни пухта асослаймиз, ҳисоблаб чиқамиз.

Сизлар учун Япониянинг «Мицуи» фирмаси-Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи билан боғлиқ бир мисол келтираман.

1. Муддатларни 1997 йилга кўчирди.

2. Муддати ўтказиб юборилган тўловлар йўқ.

3. Бизнинг активларимиз.

4. Сугурта.

5. Энг йирик «Эксимбанк»лар ва АҚШ ҳам, Германия ҳам, Япония ҳам, Буюк Британия ҳам, Франция ҳам бизга ишонади. Бу эса, ўзингиз ҳам тушуниб турганингиздек, жуда кўп нарсани аңглатади.

Биз фақат молиявий кафолатлар эмас, балки сиёсий кафолатлар ҳам берамиз, қонунларда юз берадиган ўзгаришлардан ишончли кафолатлар мавжуд. Агар қонун ҳужжатлари ўзгарганида инвестициялаш шартлари ёмонлашса, чет эллик инвесторларга 10 йил мобайнида инвестиция амалга оширилган пайтда кучда бўлган қонун ҳужжатларининг меъёрлари қўлланилади.

6. Барқарорлик.

7. Танланган йўлнинг изчиллиги ва оқибатини кўриш мумкинлиги.

8. Катта имтиёзлар.

Бунда: агар жуда улкан табиий ва минерал-хон ашё ресурслари ҳисобга олинса, бу — биринчиси.

Иккинчиси, ривожланган энергетика базаси, коммуникация ва инфраструктура;

учинчиси, арзон ишчи кучи ва унинг етарли даражада юқори малакалилиги;

тўртинчиси, Ўзбекистоннинг тўловга қодирлиги, муддати ўтказиб юборилган тўловларнинг йўқлиги, олтин-валюта ресурслари ҳисобга олинса, Ўзбекистонда бизнесни биргаликда амалга ошириш учун очилаётган жуда катта истиқболлар аниқ кўринмоқда. (17—18)

3. ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ ТАРМОҒИДА ИНВЕСТИЦИЯ ИМКОНИЯТЛАРИГА ВАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

1996 йил 27 июнь

Республика энергетикасининг ўзига етарли бўлишини ва нефть-газ тармоғининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат стратегик вазифани ҳал этиш мақсадида биз чет эл инвесторлари иштирокида бир қатор устувор лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Бу лойиҳаларни амалга оширишда Америка фирмалари ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Улардан энг йирикларинигина айтиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, бу — Кўкдумалоқ конида компрессор станциясини биргаликда қуриш лойи-

ҳасидир. Уни амалга оширишда Америка ва Япония фирмаларининг «Келлог-Нишо Иваи» консорциуми қатнашмоқда.

Лойиҳа қиймати 163 миллион АҚШ долларига тенг. Уни Япониянинг «Эксимбанк»и, шунингдек, АҚШ «Эксимбанк» ининг суғуртаси билан «Жей Пи Морган» банки амалга оширмоқда. Шунини айтиш керакки, ушбу банкларнинг нефть-газ лойиҳалари учун маблағ ажратиши бизнинг дастлабки ва катта ютуғимиздир.

Бу лойиҳа конденсат ажратиб олишни кескин кўпайтириш имконини берадиган замонавий технологияни татбиқ этишни кўзда тутди. Конденсат ажратиб олиш коэффициенти 30 фоиздан 70 фоизга етади. Натижада йилига кўшимча 2,5 миллион тонна конденсат олиш имконияти туғилади.

Иккинчидан, 1995 йил май ойидан бошлаб «Текнип» (Франция) ва «Марубени — Жей Жиси» (Япония) консорциуми билан биргаликда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини тахт қилиб қуриб битказиш ишлари олиб борилмоқда.

У сифати жиҳатидан жаҳон андозаларига мос келадиган 660 минг тонна бензин, 1,3 миллион тонна дизель ёнилғиси, 300 минг тонна авиация керосини ишлаб чиқаришга қодир бўлади.

Лойиҳа технология қисмининг қиймати 262 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Бу қийматнинг қирқ фоизини Ўзбекистон улуши ташкил қилади. Завод қурилишини 1997 йилда тугаллаш кўзда тутилмоқда.

Учинчидан, Марказий Осиёдаги энг йирик Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи Япониянинг «Мицуи» фирмаси кўмагида таъмирланмоқда. Натижада маҳаллий нефтдан ишлаб чиқариладиган мотор ёнилғисининг сифати жаҳон андозалари даражасига кўтарилади. Заводни тахт қилиб ишга тушириш 1997 йилга мўлжалланган.

Тўртинчидан, ҳозирги вақтда ғоят мароқли ва истиқболли лойиҳа — полиэтилен ишлаб чиқарадиган Шўртан газ-кимё мажмуи қурилиши кўзда тутилмоқда.

Бунда Американинг «АББ Луммус Глобал» фирмаси бош пудратчи бўлади. Лойиҳанинг қиймати 600 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Лойиҳани амалга ошириш ва молия билан таъминлашни ташкил этиш учун Япониянинг «Мицуи» ва «Нишо Иваи» фирмалари иштирокида консорциум ташкил этилди.

Бу лойиҳа амалга оширилиши натижасида турли маркадаги 125 минг тонна полиэтилен, 137 минг тонна суюлтирилган газ ва 37 минг тонна энгил конденсат олиш мўлжалланмоқда.

Бу билан биз ички бозорни полиэтилен билан таъминлабгина қолмай, уни қўшни мамлакатларга экспорт ҳам қила оламиз.

Бешинчидан, дастлабки энг йирик инвестиция лойиҳаси — «Энрон Ойл энд Газ Интернейшнл» компанияси билан биргаликда ишлаб чиқариладиган табиий газни излаш, ишлаш ва экспорт қилиш бўйича қўшма корхона қурилиши соҳасида муваффақиятли иш олиб бориладиганлигини ҳам айтиб ўтмоқчиман.

Лойиҳа Бухоро вилоятидаги Қандим газ конлари гуруҳини ишлаб чиқиш ва айни вақтда Сурхондарё вилоятидаги Гаждан конини разведка қилишни кўзда тутди. Дастлабки босқичда ҳар икки томондан 180 миллиард кубометр ҳажмдаги исботланган захираларни ишлаш учун 300 миллион АҚШ доллари инвестиция қилинади. 20 йил мобайнида лойиҳага жами 1,3 миллиард АҚШ доллари сарфланиши керак. Қўшма корхонанинг пировард мақсади разведка ишларини ниҳоясига етказиш ва 0,5 триллион кубометрдан 1,0 триллион кубометргача газ қазиб олишдан иборат. (33—35)

4. ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗ ТЎҒРИЛИГИНИ ҲАЁТ ТАСДИҚЛАМОҚДА

*Дипломатия корпуси ва журналистлар
билан учрашув. 1996 йил 5 июль*

Ким БРУТ, «Коре Ильбо» газетаси мухбири:
— Менинг иккита саволим бор. Билишимча, Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодиёт соҳасидаги фаоллиги, энг аввало, хорижий сармояларни жалб этиш зарурати билан изоҳланади. Бугунги кунда беш йил давомида киритилган сармоялар ҳажми ҳамда бу борада айрим мамлакатларнинг алоҳида ҳиссаси қанча? Иккинчи савол: илгари иқтисодиётни ривожлантириш, маҳсулот, хом ашёнинг айрим турлари бўйича йиллик маълумотлар эълон қилиб турилар эди. Бу йил газета-

ларни унчалик диққат билан ўқимаганманми, ҳар холда буни кўрмадим.

Ислом КАРИМОВ:

— Бугунги кунда Ўзбекистонда хорижий сармоялар иштирокида қарийб беш миллиард Америка доллари миқдорида лойиҳалар амалга оширилмоқда. 1995 йилда Ўзбекистонда тахминан бир миллиард Америка доллари миқдоридаги хорижий сармоялар ўзлаштирилди. Бу сармояларда қайси мамлакатларнинг улуши салмоқли деган савол қизиқтирадим? Мен биринчилар қаторида Германияни тилга олишни истар эдим. Дарвоқе, мен бугун Ўзбекистонга айнан мана шу масалалар бўйича келган «Даймлер-Бенц» корпорацияси раҳбариятини қабул қиламан. Кейинги ўринларда Жанубий Корея, Япония, АҚШ туради.

Иккинчи саволингизга келсак, бугунги кунда бозор иқтисодиётига ўтаётган барча давлатлар қатори Ўзбекистонда ҳам ташкилий ўзгаришлар юз бермоқда. Биринчи галда статистика ҳисоботида ҳамда илгариги социалистик тузумда мавжуд бўлганидан мутлақо фарқ қиладиган барча индикатив маълумотларда акс этиши лозим. Совет тузуми даврида умумий маҳсулот, ўсиш суръати ва ҳоказоларнинг умумий ҳажминигина кўрсатадиган тизим мавжуд эди. Асосий мақсад — фақат ютуқларни кўз-кўз қилишдан иборат эди. Шунини яна таъкидлайманки, илгари асосий кўрсаткич — ўсиш суръати эди.

Бугунги кунда биз Америка Қўшма Штатлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, БМТнинг

тегишли дастурлари ёрдамида миллий ҳисоб-китоблар тизимини жорий қиляпмиз. У илгариги статистикадан тубдан фарқ қилади ҳамда биз уни муваффақият билан ўзлаштиряпмиз.

Макрокўрсаткичлар, шунингдек, молиявий, иқтисодий ҳамда бошқа мутаносибликлар ва барқарорликни ақс эттирадиган бошқа кўрсаткичлар янги тизимнинг асоси ҳисобланади. Газета маълумотларини билмадим, аммо бизда Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг махсус тўплами нашр этилади. Биринчи ярим йиллик натижалари бўйича ҳам албатта махсус тўплам чиқарилади. У турли тилларда — инглиз, рус ва ўзбек тилларида нашр этилади. (68—69)

5. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Мажлисида сўзланган нутқ. 1996 йил 25 июль*

Дастлабки ярим йиллик натижаларини рўй-рост ва танқидий кўз билан баҳолаганда, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчи хулоса. Бутун иқтисодиётимизни муваффақиятли ислоҳ этишининг энг муҳим натижаси бўлмиш мустаҳкам макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Бу нималарда кўринади? Аввало, пулнинг қадрсизланиш суръатлари кескин пасайди. Инфляцияни жиловладик, унга қарши кураш механизминини топдик ва унинг устидан тўла назорат ўрнатдик, деб бемалол айтишимиз мумкин.

Биз жорий йилда энергия манбалари, транспорт ва коммунал хизмат нархларини эркин қўйиб юбориш бўйича қўлланган чора-тадбирлар ва мавсумий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, инфляциянинг ўртача ойлик даражаси, умуман, ярим йиллик бўйича 4 фоиз атрофида бўлгани ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баробар кам экани бунинг ёрқин далилидир.

Пул муомаласи мустаҳкамланди. Нақд пул ҳажмининг ўртача ўсиш суръатлари 1995 йил даражасига нисбатан 1,3 фоиз камайди. Муомалага чиқарилаётган нақд пул миқдори — эмиссия ярим йилликда 15,8 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 1995 йилнинг шу даврида 20,7 фоизга тенг бўлган эди.

Умуман олганда, корхоналар ва давлатнинг молиявий аҳволи мустаҳкамланди. Агар 1995 йили зарар кўриб ишлаган корхоналар сони 630 тани ташкил этган ва биз уларга нисбатан махсус чоралар кўришга мажбур бўлган бўлсак, бугунги кунда ярим йилликни, бор-йўғи, 58 та корхона зарар кўриб яқунлади. Бюджетнинг даромад ва харажат қисмларини шакллантириш бўйича қўйилган вазифалар бажарилди. Бугунги кунда бюджет камомади ялпи ички маҳсулотнинг 2,1 фоизидан ошмайди, 1995 йил натижаларига кўра эса бу кўрсаткич 3,5 фоиз бўлган эди. Республикада бюджет маблағлари ёрдамида ўта муҳим объектлар қурилиши жадал амалга оширилаётганини ҳисобга олсак, бу нечоғли аҳамиятли эканини кўрсатади.

Иккинчи хулоса. *Миллий валютамиз — сўмимиз мустақкамланди.* Кейинги тўққиз ой давомида сўмнинг АҚШ долларига амалдаги нисбати барқарор бўлиб турибди. Агар 1995 йилнинг ноябрида бир АҚШ доллари 35,3 сўмга тенг бўлган бўлса, шу йилнинг июнь ойида эса 37,6 сўмга тенг бўлди.

Бугунги кунда жамланган олтин-валюта резервларимиз етти ойлик импортни таъминлаши мумкин. Бу Республика валюта биржасида доимий равишда савдо ўтказиш имконини бермоқда. Ярим йилнинг ўзида биржада сотилган валюта миқдори 1,5 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Бу бутун 1995 йил давомида алмаштирилган эркин муомаладаги валюта миқдоридан ҳам кўп демакдир. Биз бугунги кунда жорий операциялар бўйича миллий валютамизнинг тўлиқ конвертациясига кафолат беришимиз мумкин. (80—81)

Биз ўз ислохотларимиз учун мустақкам қонунчилик базасини, хорижий сармоядорлар учун кучли кафолат ва имтиёзлар тизимини яратдик. Биз бевосита кредитларни давлат учун эмас, балки бугун муваффақиятли амалга оширилаётган аниқ ва муайян лойиҳалар учун олдик.

Биз асосий эътиборни қўшма корхоналарни тузишга қаратдик. Аввал бошдан қайсики корхонанинг хорижий шериги бўлмаса, ўша корхонанинг келажаги йўқ, деган масала қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимизда хорижий сармоялар иштирокида тузилган 2400 корхона рўйхатдан ўтган. (90)

Хорижий сармоялар иштирокида тузилган қўшма корхоналар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга етарли ҳисса қўшмаяпти. Улар-

нинг умумий ҳажмдаги улуши атиги 2,4 фоизни ташкил этади. Хусусий тадбиркорларнинг ҳиссаси бундан ҳам камроқ — бор-йўғи 0,2 фоизни ташкил қилади. (94)

Халқ истеъмоли моллари — ўсиб бораётган истеъмол талабларини қондириш ва эмиссияни кескин қисқартириш демакдир.

Халқ истеъмоли моллари — пуянинг қадрсизланишини камайтириш, миллий валютамининг барқарорлигини таъминлаш демакдир. (95)

... Миллий валютани эркин муомаладаги валютага алмаштираётганда арзон-гаров, сифатсиз мол олиб келадиган тижоратчиларга нисбатан, замонавий технологияларни олиб келувчиларга кўпроқ эътиборни қаратиш лозим. Технология ва ускуналарга эътиборни кучайтириш керак. Улар бизни янги иш ўринлари билан таъминлабгина қолмай, бугунги кунда республикага ташқаридан олиб келинаётган товарларга қараганда сифатлироқ ва кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришимизга имкон ҳам беради. (96)

6. ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ НИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

*Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг VI сессиясида сузланган нутқ.
1996 йил 29 август*

Мустақиллик йиллари мобайнида иқтисодиёт соҳасида ҳам теран ўзгаришлар рўй берди. Кейинги пайтда биз, бу соҳадаги ишлар аҳволини бир

неча бор таҳлил этиб, амалга оширилаётган ўзгаришларга, иқтисодий ислоҳот натижаларига баҳо бердик. Шу боис, бу борадаги асосий яқунларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, иқтисодий муносабатларда, айниқса мулк масалаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш дастурини амалга ошириш натижасида, мамлакатимизда ҳақиқий кўп тармоқли иқтисодиёт шакллантирилди, нодавлат сектор мустақкамланди ва у иқтисодиётимизда фаол роль ўйнай бошлади.

Иккинчидан, хўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик усули, режали бошқариш ва тақсимлашнинг ўта марказлашган тизимига барҳам берилди, иқтисодий рағбатлантиришга, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигига ва рақобат тамойилларига асосланган бозор механизмлари тобора кенг жорий этилмоқда.

Учинчидан, бозор инфратузилмаси умуман шакллантирилди, янги банк, молия, солиқ тизимлари, фонд ва товар-хом ашё биржалари, суғурта, аудиторлик, лизинг компаниялари ва бошқа бозор тузилмалари тармоғи барпо этилди, қимматли қоғозлар бозори фаолиятини кучайтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Тўртинчидан, ўзимизнинг миллий пул тизимимиз яратилди, сўм мамлакатимизда ягона тўлов воситаси бўлиб қолди. Миллий сўмимиз бугунги кунга келиб барқарор, жорий операцияларда эркин алмашилиш қувватига эга бўлган пул бирлигига айланди.

Бешинчидан, иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришилди, инфляция даражаси кескин пасайди, ишлаб чиқаришнинг пасайиши тўхтатилди. Иқтисодий ўсишни таъминлаш ва биринчи навбатда чет эл сармоясини жалб этиш асосида инвестиция фаолиятини ривожлантириш йўллари белгиланди.

1996 йилнинг биринчи ярмидан бошлаб Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор юксалиши ва аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиши кўзга ташлангани барчамизга мамнуният бахш этади, албатта.

Олтинчидан, иқтисодиётнинг тузилма жиҳатидан янгиланиши таъминланмоқда, республиканинг ёнилғи-энергия мустақиллигига эришилди, ўзимизнинг ташқи бозорда рақобат қилишга қодир бўлган тайёр маҳсулотимиз улуши ошмоқда, саноат ва қишлоқ хўжалигининг бутунлай янги — автомобилсозлик, микробиология, галлачилик соҳалари барпо этилди. Импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотларнинг 500 дан ортиқ хили ўзлаштирилди, хорижий сармоядорлар иштирокида иқтисодиётимиз тузилмасини тубдан ўзгартирадиган йирик сармоя лойиҳалари муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Бу ўринда, шу йил июль ойида Ўзбекистон автомобилсозлигининг тўнғичи — «ЎзДЭУавто»нинг ишга туширилишини алоҳида қайд этмоқчиман ҳамда бу ишда бевосита иштирок этган барча кишиларга самимий миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим якунларидан бири — аксарият юртдошларимизда мулкка эгаллик, мулкдорлик туйғусининг уйғониши ва ривожланиши жараёни, ўрта қатлам, кичик ва хусусий корхона эгаларининг, мулкнинг, ер участкаларининг, акцияларнинг, бошқа қимматли қоғозларнинг, хуллас, даромад келтирадиган мулкнинг шаклланишидир. (110—111)

...Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий сармоялар ҳажми ортди. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига ишонч, тараққиётимиз истиқболига ҳамда кучли давлатнинг иқтисодиёти оёққа тураётганига бўлган ишончдан далолат беради. Биз ҳозирнинг ўзидаёқ 5 миллиард доллардан ортиқ хорижий сармоя жалб этдик.

Шубҳасизки, ўтган беш йилнинг энг муҳим натижаси халқимизнинг танланган йўлнинг тўғрилигига, ўз мамлакатининг буюк келажагига ишонччи ортиб бораётганидадир. (115—116)

7. БИЗ ЎЗ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗГА ИШОНАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги муҳбири саволларига жавоблари. 1996 йил октябрь

САВОЛ. Гўё пул ислоҳоти бўлиши ва ўзбек сўмини қатъий валютага алмаштириш муаммолари тўғрисида тарқатилган миш-мишлардан мақсад нима деб ўйлайсиз?

ЖАВОБ. Улар ҳам мен юқорида айтган мақсадларни кўзда тутишмоқда. Ўзбекистон ҳукумати ўтказаетган сиёсатни бадном қилишга, аҳоли орасида ишончсизлик ва шубҳа уруғини сочишга ва шу йўл билан республикадаги вазиятни беқарорлаштиришга ҳаракат қилишмоқда.

Бу саволга жавобан яна нималар дейиш мумкин? 1994 йилда биз муомалага чиқарган миллий валюта — сўм ҳозирги вақтда барқарор мустақамланиш тамойилига эга. Бунга, аввало, ислохотларни амалга ошириш натижасида умумий иқтисодий барқарорлашиш, 1996 йилнинг бошларида кўзга ташланган ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва ички истеъмол бозорининг рақобатбардошли товарлар билан тўлдирилгани ёрдам бермоқда. Молиявий барқарорлик, давлат бюджетидagi камомад ҳажмининг жуда камлиги келишган ҳолда бўлиши, ўзаро тўловлар масалаларининг ҳал қилингани, давлат қарзининг йўқлиги ва энг муҳими — бизда иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар тўлашда қарзнинг йўқлиги ҳам ўз валютамиз барқарорлиги туфайлидир.

Бундан ташқари, миллий валюта — сўмнинг хорижий қатъий валютага нисбатан қийматининг барқарорлигини ҳам эътиборга олиш керак. Деярли барча вилоятларда, шаҳарлар ва туманларда сарфланаётган сармоя ҳажмининг тобора ортиб бораётгани, республика иқтисодиёти учун ҳаётий муҳим ишлаб чиқариш иншоотлари қурилаётгани ва ишга туширилаётгани ҳам миллий

валюта барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Собиқ иттифоқ ҳудудидаги бошқа мамлакатларнинг иқтисодиётида бундай барқарорликни кузатиш қийин.

Энг муҳими, миллий валютани мустаҳкамлашда мамлакат олтин-валюта захирасининг аҳамияти жуда катта. Мамлакатимиз фуқароларини ишонтириб айтишимиз мумкинки, бу хусусда ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак. Давлатимиз захиралари, қисқа қилиб айтганда, кўпайиб бормоқда. Буни, аввало, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа нуфузли халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар тасдиқламоқда.

Яна бир муҳим далилни келтириш мумкин. Ҳозирги вақтгача Ўзбекистонда қиймати 200 ва 500 сўмлик қоғоз пуллар муомалага чиқарилмагани ҳам пул ва молия тизими барқарорлигидан далолат беради. Бундай пуллар қатъий зарурат бўлган тақдирдагина муомалага чиқарилади. Айни пайтда бошқа қўшни мамлакатларда 5, 10 ва ҳатто 100 минг сўмлик пуллар кўпдан буён муомалада юрибди.

Хуллас, тарқатилаётган миш-мишлар ва ғаразли уйдирмаларга ҳеч-қандай асос йўқ.

Пул муомаласида бизда ҳеч қандай муаммо йўқ, деб бўлмайди, албатта. Бу борада жиддий муаммолар ҳам мавжуд, лекин улар ҳал этиш ва назорат қилиш мумкин бўлган муаммолардир.

Ҳозир республикада сўмни нақдина ва нақдсиз қатъий валютага алмаштиришда тартиб ўрнатиш чоралари кўрилмоқда. Бу чораларнинг ҳаммаси аввало чайқовчилик, хизмат мавқеини суниестеъмол қилиш ва порахўрлик ҳолларини баргараф этишга қаратилган. Қисқа қилиб айтганда, яна бир бор такрорлайман: бу саъй-ҳаракатлар молия ва банк ислохотларининг бу муҳим соҳасида тегишли тартиб ўрнатишга хизмат қилади.

Айни пайтда шунини айтмоқчиманки, республикада сўмни қатъий валютага алмаштириш ҳажми камаймаяпти, аксинча кўпайиб бормоқда. 1995 йилда конвертациялаш ҳажми 1,3 миллиард АҚШ доллари бўлган бўлса, 1996 йилда сўмни қатъий валютага алмаштириш тахминан бир ярим барабар кўпайиб, 2 миллиарддан зиёд АҚШ долларини ташкил этади.

Таъкидлаш керакки, бу жараёнда хорижий шериклар билан биргаликда барпо этилган бирорта корхона ва қурилаётган ҳамда ишлаб турган супермаркетлар, республикамизга ички бозор учун зарур, такрор айтаман, зарур истеъмол моллари ва хизматларни олиб келаётган йирик воситачи ҳуқуқий шахслар, шунингдек, республикамизга илғор, замонавий техника ва технологияни етказиб бераётган қўшма сармоя лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этаётган шерикларимиз четлаб ўтилмаслиги ёки камситилмаслиги керак. Бу масалалар қатъий назорат остига олинади. (160—162)

8. ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ВА ИШЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

*Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши
сессиясида сузланган нутқ. 1996 йил 28 октябрь*

1993 йили вилоятда 5 та қўшма корхона тузилган. Шу йилга келиб уларнинг сони 17 тага етган. Лекин фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сони 5 талигича қолган.

Катта шов-шувлар остида Оқ олтин туманида Италия билан ҳамкорликда «Каррера», Гулистон туманида Россия билан ҳамкорликда «Фолиб» қўшма корхоналари ташкил этилган эди. Бироқ улар ишда изчилликнинг йўқлиги, ташкилотчилик ва ишбилармонликнинг етишмаслиги туфайли фаолият кўрсата олмади. (212)

Айниқса, вилоят иқтисодиётидаги боқимандалик кайфияти иқтисодий ҳамда молиявий аҳволни оғирлаштирди. Даромаднинг кескин камайгани туфайли корхоналарнинг дебитор ва кредиторлик қарзлари ўтган йилнинг шў даврига нисбатан 2—3 барабар кўпайган. 42 ташкилотнинг тўлов қобилияти йўқлиги аниқланиб, шундан 7 таси банкрот деб эълон қилинди.

Пул эмиссияси ўтган даврда қарийб 71 фоизни ташкил этди. Бу республика ўртача кўрсаткичидан қарийб 4 марта юқоридир. Меҳнатобод, Сайхунобод, Ш. Рашидов, Мирзаобод туманларида муомалага чиқарилган ҳар 100 сўм пулнинг 85-91 сўми қайтиб банкка тушмаяпти. Натижада нафақа, пенсия ва иш ҳақи бериш муддатлари бузилмоқда. Шу кунгача тўлов муд-

дати ўтган маблағ 800 миллион сўмни ташкил қилади.

Нақд пул тушумини кўпайтириш бўйича амалий ишлар қилинмаяпти. Бунинг сабаблари ўрганилганда, барча савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхона ва шохобчаларининг ярмидан кўпида ҳалигача назорат-касса аппаратлари йўқлиги аниқланди.

Кўпгина корхона ва ташкилотларда нақд пулларни банкка топширмай мақсадсиз ишлатиб юбориш ҳоллари кўплаб учрайди. (215)

9. ҲАЛОЛ ЯШАШ ВА ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚИЛИШ — БУРЧИМИЗ

Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ. 1996 йил 6 ноябрь

Жорий йилда акция сотиш режаси Тўрақўрғон тумани, Чортоқ, Косонсой, Чуст ва Ҳаққул-обод шаҳарларида ўртача 40 фоиз бажарилган, холос.

Миллионлаб сўм давлат маблағининг ҳаракатсиз «ўлик» сармоя бўлиб қолишига сабаб бўлаётган 200 та қурилиши тугалланмаган бинолардан атиги 9 таси «ким ошди» савдосида сотилганини қандай баҳоламоқ керак?

Наманган вилоятида эмиссия салмоғини пасайтириш, ўзаро ҳисоб-китобларни мустаҳкамлаш, тўлов интизомига қатъий риоя этиш, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида тўлашни ташкил этиш талаб даражасида эмас.

Маҳаллий бюджетнинг даромадлар режаси 103,5 фоиз бажарилган бўлсада, солиқнинг уч тури бўйича 61 миллион сўм кам маблағ тушди. Шу йил мобайнида бюджетга солиқдан тушмаган тўловлар 1,6 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Вилоят бюджетининг харажат қисми 105,6 фоизни ташкил этиб, 228 миллион сўм маблағ ортиқча сарфланди. Лекин болали оилаларга нафақага ажратилган маблағ атиги 32 фоиз ўзлаштирилганлиги ёки Наманган туманида умуман нафақа берилмаганлиги аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги сабъ-ҳаракатларимизга зид эмасми?

Вилоятда шу йилнинг 9 ойида эмиссия ҳажми 2,6 марта ўсди. Айниқса Норин, Поп, Чортоқ, Учқўрғон, Мингбулоқ, Чуст, Янгиқўрғон туманларида аҳвол яна ҳам аянчли.

Хўжалик субъектлари томонидан касса интизомининг бузилиши, яъни тушумни банкка топширмай, кўзда тутилмаган мақсадларга сарфлаш ҳоллари кўпаймоқда.

Корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамида маблағ бўлмаслиги ва улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг барқарор эмаслиги ҳамда пул муомаласидаги нуқсон ва камчиликлар натижасида иш ҳақи ва тўловлар ўз вақтида берилмаётир. (229)

10. ИСЛОМ КАРИМОВ КАТТА ТЕННИС ВА РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИ ЯХШИ КЎРАДИ

*«Новое Время» журнали мухбири билан суҳбат.
1996 йил, 45-сон*

— Ўзбекистоннинг иқтисодиёт билан боғлиқ ички ишлари хусусида тўхталсак, дегандим. Республикада хорижий сармоялар билан боғлиқ ишлар кўнгилдагидай эканидан хабарим бор. Бироқ бугунги кунда менда хорижий бизнесменларнинг бир қисмида ўзбек валютаси конвертацияси, яъни сўмни долларга айирбош қилиш имконияти йўқлиги билан боғлиқ хавф туғилгани тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Яъни мамлакат ичкарасида конвертация йўқ, аксинча, долларнинг баҳоси расмий нархдан 50 фоиз баланд бўлган бозор бор эмиш. Вазиятнинг бу қадар ёмонлашиши нима билан боғлиқ?

— Ҳақиқатан ҳам, сиз айтган гапларда жон бор. Модомики, савол туғилган экан, мен бирон-бир нарсани инкор этмоқчи эмасман... Бироқ вазиятга ҳолисона изоҳ бермоқчиман. Мана, сизга Ўзбекистон биржа ва бозорларида сўмнинг долларга алмашуви ҳажмининг ўсиши даражаси: 1995 йилда бу рақам 1 миллиард 300 миллион доллардан иборат эди. Бу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида бу кўрсаткич 1 миллиард 900 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Йил охиригача конвертация миқдори 2 миллиард доллардан ортиши кутилмоқда. Кўриб турибсиз-

ки, гап конвертациянинг камайиши тўғрисида эмас, аксинча, 60 фоизгача ўсиб бориши ҳақида кетаяпти.

Мен бу ўринда конвертациянинг ўзи нима-лиги ҳамда у қандай мақсадда амалга оширилиши хусусида тушунтириш бериб ўтишга мажбурман. Биз Халқаро валюта жамғармаси низомининг жорий конвертацияни, яъни фақат асосан савдо операцияларига тегишли конвертацияни амалга ошириш мажбурияти юкландиган 8- моддасини имзолаганимиз йўқ. МДҲ-даги биронта мамлакат ҳозирча бундай конвертацияни амалга оширмаяпти. Россиянинг 8-моддага қўшилиши ҳақида яқинда берган баёноти ҳозирча кўриб чиқилгани йўқ. Биз ҳам Халқаро валюта жамғармасининг асосий шarti: мамлакат импортининг камида уч ойлик резервини таъминлай оладиган олтин захирасига эга бўлганимиз учун бу моддага аллақачон қўшилишимиз мумкин эди. Бироқ биз бундай қилмаяпмиз. Шунинг учун ҳам бизга бу борада бўлаётган барча даъволар ҳуқуқий жиҳатдан ҳеч қандай асосга эга эмас.

Нима бўлаяпти? Ўтган йили Ўзбекистон озиқ-овқат ҳамда кенг истеъмол молларини олиб келишнинг ўзига 800 миллион доллар сарфлади. Биз дарвозаларимизни кенг очиб қўйганимиз учун, айтайлик, Фарб бозорида ўтмаётган барча нарса бизнинг бозоримизга келиб туша бошлади. Хорижга эмин-эркин бориб келаётган олиб-сотарлар, воситачи ташкилотлар қайсидир бир араб

мамлакатда, Покистонда, Туркияда шартнома тузади, бизга мол олиб келади, уни сотганидан тушган маблағни конвертацияга тақдим этади. Мана шу маблағ ўтган йили 800 миллион долларни ташкил этган эди. Бу йилнинг ўзида 750 миллион долларлик мол олиб келинди. Шунинг ҳам айтиш лозимки, бу воситачилар ҳукуматдан, Марказий банкдан ёки тижорат банкларидан майли, молларни олиб келаверинглар, бу пулларингизни алмаштириб берамиз, деган кафолат олган эмас.

Мен бундан иккита хулоса чиқараман: биринчидан, биз сифатсиз, ўзимизга керакли бўлмаган товар ишлаб чиқарувчи бегоналарни иш билан таъминлаяпмиз. Иккинчидан эса, мана шу маҳсулотнинг ўзини анчагина яхши тайёрлашга қобил бўлган ўзимизнинг корхоналаримизга жуда катта зарар етказяпмиз. Чунки ўзимиздаги хом ашё анча сифатли экани барчага маълум. Мана, макаронни олиб қарайлик: Ўзбекистонга макароннинг 8 хили, вермишелнинг эса 12 хили ташқаридан келтирилмоқда. Помидор-чи?.. Энг яхши помидор Ўзбекистонда етиштирилади. Биз — оми одамлар, уни уч литрлик банкаларда хорижга экспорт қиламиз, улар эса шу маҳсулотнинг ўзини чиройли ёрлиқ ёпиштирилган чиройли шишаларга жойлаштириб, ўзимизга қайтаради. Шу тариқа юз миллионлаб доллар фойда олинади. Биз — ношудлар, шунинг ўзимиз қилишимиз мумкин эмасмиди?

Бу бизнинг иқтисодиётимиз манфаатларига, унинг Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки қўллаб-қувватлаётган тузилма жиҳатидан қайта қурилишига мос келадими? Биз ҳар доим хом ашё базаси бўлиб келган эдик, Россиядан ўзимиз ишлаб чиқаришимиз мумкин бўлган энг жўн нарсалар олиб келинарди, ҳозир ҳам шу аҳволда қоляпмиз. Бироқ ҳозир бу... кечирасиз... номаъқулчилик Россиядан эмас, бошқа мамлакатлардан олиб келинмоқда. Биз бунинг учун ўша устмонларга доллар беришимиз, олтин билан пахтамизни жаҳон бозорида сотиб, пулини вермишел ҳамда чиройли ёрлик учун сарф қилишимиз керакми? Ўзини ҳурмат қиладиган ҳар қандай мамлакат ўз ишлаб чиқарувчиларини бундай қаллобликдан ҳимоя қилиши шарт.

Мабодо, айтайлик, «Файнэшнл таймс»да кимнингдир манфаатларига хизмат қиладиган ҳамда Ўзбекистон конвертация масаласида қандайдир қийинчиликларга дуч келиб қолди, деган афсона тарқатувчи мақола чиқса, бунга ишонманг. Мен сизга рақамларни келтирдим. Энг тўғри маълумот шундан иборатки, биз йўналишларни бироз ўзгартиряпмиз. Биз валютани ишлаб чиқариш ва технология билан шуғулланаётган фирма ва қўшма корхоналаргагина конвертация қилмоқчимиз. Мен бутун масъулиятни зиммамга олган ҳолда шуни айтаманки, бундай компанияларнинг биронтаси ҳам жабр кўрмайди: биз буни назорат қиладиган тегишли тузилмаларни барпо этганмиз. (240—242)

11. ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛИШ — БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

*Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши сессиясида
сўзланган нутқ. 1996 йил 14 декабрь*

Айни даврда озиқ-овқат маҳсулотларини четдан келтириш 31 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Буни қандай баҳолаш мумкин? Ахир шунча маблағга илғор технологияни сотиб олиб, шу ернинг ўзида маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эди-ку!..

Қачонгача энг керакли, кўпчилик истеъмол қиладиган озиқ-овқат ва бошқа товарларни четдан олиб келишга муҳтож бўлиб, ўзгаларга қарам бўлиб қоламиз?

Ҳолбуки, мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб қилиш, энг илғор технологияларни олиб келиш учун тегишли ҳуқуқий асослар яратилган. Лекин, минг афсуски, бундай яратувчилик ишларида вилоят раҳбарларининг сусткашлиги кўринмоқда.

Вилоятда хорижий инвестицияни жалб қилиш асосида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, эски ускуналарни янгилаш, энг илғор технологияларни ўзлаштириш асосида юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга етарли даражада эътибор берилма-япти.

Бухорода ишбилармон, тадбиркор одамлар кўплаб топилади. Гап ана шундай кишиларни топиб, уларни рағбатлантириб, муаммоларни ўз

вақтида ҳал қилиб, йўлини очиб беришда қолган.

Яна бир нарсани очиқ айтишимиз керак: четдан эркин валютага маҳсулот келтиришдан айрим одамлар манфаатдор. Шунинг ҳисобидан мўмай даромад олмақда. Уларнинг жиловини тортиш кўлимиздан келади, албатта.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати билан вилоятда ҳеч ким шуғулланмаяпти. Масъул шахслар маҳсулот умумий ҳажми билан кифояланиб қолмоқда.

Вилоят омборларида бугун 1 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот сотилмай қолганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Рўйхатдан ўтган 43 та кўшма корxonанинг атиги 14 таси фаолият кўрсатмоқда, холос. 3 та кўшма корхона тарқалиб кетиш арафасида турибди.

Қишлоқ жойларида ташкил этилган 8 та кўшма корxonанинг ярми ишламаяпти.

Вилоят бўйича 320 миллион сўмлик ускуналар ўрнатилмай ётибди. Бу ускуналарнинг асосий қисми эркин валютага — 524 минг АҚШ доллариغا сотиб олинган. (263—264)

Вилоятнинг молиявий аҳволи кўнгилдагидек эмас. Шу йилнинг 1 ноябрига қадар дебитор қарзлар миқдори 2,5 миллиард сўмга, кредитор қарзлар эса 2 миллиард 800 миллион сўмга етди. Бу вилоятдаги баъзи корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий равнақига тўсиқ бўлмоқда.

Пул муомаласига жиддий эътибор берилмаяпти. Вилоятда муомаладаги ҳар 3 сўмдан 1 сўми банкка қайтиб келмаяпти. Ўтган 11 ой мобайни-

да пул эмиссияси 64 фоиздан ошиб кетди. Бу рақам Қоровулбозор туманида салкам 92, Олот туманида 81, Шофиркон туманида 77 фоизни ташкил этади.

Мен вилоят раҳбарлари ва тегишли фаоллардан бир нарсани сўрамоқчиман: қани, айтинглари, қўлида пули бор одам қаёққа бориб савдосини қилади, қаерда ўз юмушларини битиради? (269)

12. ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР — ЖАМИЯТИМИЗ ЯНГИЛАНИШИ АСОСИ

*Дипломатия корпуси раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда сузланган нутқ.
1996 йил 27 декабрь*

Агар қисқа ва лўнда қилиб айтадиган бўлсак, иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий натижалари қуйидагилардир.

Биринчиси. Доимий иқтисодий барқарорликка эришилди. Ички ялпи маҳсулот биринчи марта ошди ва кутилган 99,8 фоиз ўрнига 101,6 фоизни ташкил қилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш деярли 6 фоиз, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 7,8 фоиз кўпайди. Асосий, етакчи тармоқлар — металлургия, кимё ва нефт кимёси саноати, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати жадал суръатлар билан ривожланди. Давлат бюджети камомати ялпи ички маҳсулотнинг 3,5 фоизидан ошмади. Ташқи савдо обороти 8,3 миллиард доллардан ошиб кетди ва 1995 йилдаги даражадан деярли 40 фоиз кўпайди.

Иккинчиси. Етарли даражада кескин пул-кредит сиёсатини ўтказиш ҳисобига пул ҳажмининг ўсиш суръати 1995 йилдаги 2,6 баравардан бу йил 2 бараварга камайди. Пулнинг қадрсизланиш даражаси йиллик ўртача ҳисобда 2 баравар камайди. Бироқ пулнинг қадрсизланиши ҳамон йилига 60 фоиз даражасида турганини тан олиш керак. Шу сабабли биз 1997 йилда пулнинг қадрсизланишини 26—29 фоизга камайтириш чораларини белгиладик.

Учинчиси. Иқтисодиётимиз тизимида, унинг етакчи соҳаларида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланиб қолди. Ялпи ички маҳсулотда саноат ва хизматнинг улуши кўпайди. Ишлаб чиқариш қувватлари тез суръатлар билан янгиланмоқда, замонавий технологиялар жорий этилмоқда, саноатнинг экспорт базаси кенгаймоқда. Йил давомида саноат маҳсулотининг 150 та янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, натижада бу маҳсулотларни четдан келтиришни камайтириш ҳисобига деярли 70 миллиард АҚШ доллари тежаб қолинди. Дон етиштириш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан кўпайди.

Тўртинчиси. Иқтисодиётга сармоя киритиш шароити анча яхшиланди, сармоя ҳажми ҳам кўпайди. Хорижий маблағ иштирокидаги сармояларнинг умумий ҳажми 1996 йилда 6 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди.

Иқтисодиётда ўзлаштирилаётган сармояларнинг умумий ҳажмида сармоянинг ички манбалари анча кўпайди. Жорий йилда жами 3,6 миллиард АҚШ доллари миқдоридан сармоя ўзлаш-

тирилган бўлса, шунинг 1 миллиард долларга яқини хорижий сармоядир.

Шу ҳисобдан «ЎздЭУавто», «Қобул—Тўйтепа—Текстайлз», «Ўзсаламан» каби қўшма корхоналар, Қарши шаҳридаги тўқимачилик мажмуи, бир қанча озиқ-овқат саноати иншоотлари ва бошқалар ишга туширилди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Қизилқум фосфорит заводи, Қўнғирот сода заводи қурилиши давом этмоқда, кимё, машинасозлик саноати ва бошқа тармоқлар корхоналари қайта қурилмоқда.

Американинг «Кейс корпорейшн» ва «Камминз эншин Ко ИНК» компаниялари билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини деярли 140 миллион АҚШ доллари миқдоридagi қишлоқ хўжалик техникасининг асосий турлари билан таъминлаш дастури амалга оширилмоқда.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Бироқ иқтисодиётдаги вазиятга баҳо берар эканмиз, барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича белгиланган маррага чиқа олмаганимизни ҳам тан олишимиз керак. Юқорида таъкидлаганимдек, бу аввало пулнинг қадрсизланиши даражасига тааллуқлидир. Жорий йилдаги оғир қишлоқ хўжалик мавсуми яқунлари, биринчи навбатда пахтачилик соҳасидаги натижалар иқтисодиётни ривожлантириш даражасига салбий таъсир қилди.

Миллий валюта — сўмни эркин муомаладаги валютага алмаштириш билан боғлиқ саволлар берилишини олдиндан сезиб қуйидагиларни айтмоқчиман. Республика валюта биржасида алмаштирилаётган хорижий валюта ҳажми йил сайин

кўпаймоқда. 1995 йилда Валюта биржасида 1,3 миллиард АҚШ доллари сотилган бўлса (бу 1994 йилдагидан 14 баравар кўп), бу йил 3,3 миллиард АҚШ доллари сотилди. Бунинг устига биржадаги савдо асосан республиканинг ўзидаги валюта тушумлари ҳисобидан таъминланмоқда.

Ноябрь-декабрь ойларида конвертация учун сарфланадиган марказлаштирилган валюта ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирларнинг моҳияти валюта сиёсатимизга баъзи ўзгартишлар, валютани алмаштиришга доир йўналишларимизга тузатиш киритишдан иборат.

Ўзгаришлар муносабати билан вужудга келган муаммолар тўғрисида гапирганда, бу масалага зарур аниқлик киритишни хоҳлар эдим.

Биринчидан, Ўзбекистон халқаро валюта жамғармаси низомининг жорий пул алмаштириш тўғрисидаги 8-моддасини ҳали имзолагани йўқ ва бинобарин бу борада зиммасига ҳеч қандай мажбурият олган эмас.

Иккинчидан, Ўзбекистон бозорида ишлаётган ва замонавий техника ҳамда технология етказиб бериш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, сифатли истеъмол маҳсулотларини сотиш билан шуғулланаётган бирорта катта фирма, компания, ҳуқуқий шахс бундан ҳеч қандай зарар кўргани йўқ. Аксинча, тегишли кафолатларга эга битимлар бўйича валютани алмаштиришда ҳеч қандай муаммо йўқ. Бизда муддати ўтиб кетган тўловлар йўқ. Шерикларимиз олган дивидендлар ва фойда ўз вақтида алмаштириб берилмоқда.

Шуни таъкидламоқчиманки, собиқ Иттифоқ худудидида кимки Халқаро валюта жамғармаси низомининг 8-моддасини имзолашга тайёрлигини ёки имзолаганини айтадиган бўлса, бу ё шуҳратпарастлик ёки бўлмаса халқаро жамоатчиликни чалғитишдир. Бундай гаплар ўз теварагида муайян сиёсий вазият ҳосил қилишга уринишдан бошқа нарса эмас.

Учинчидан, дарҳақиқат, биз айни пайтда Ўзбекистон ўзининг олтин-валюта ресурслари ва захираларини асосан истеъмол моллари харид қилиш учун сарфланишига йўл қўя олмаслигини эътироф этамиз ва бунини очиқ айтаемиз.

Ҳа, ислохотларнинг ҳозирги босқичида биз ички истеъмолни бирмунча чеклашга мажбурмиз, Мен бу ҳақда кўп марта гапирганман ва яна бир бор такрорламоқчиман. Ҳозирги пайтда бизнинг асосий вазифамиз тузилмаларни қайта ташкил этиш, иқтисодиётда тузилмавий ислохотлар ўтказишдан иборат.

Биз марказлаштирилган валюта ресурсларининг асосий қисмини биринчи навбатда замонавий технологияларни сотиб олишга, ишлаб чиқаришга йўналтирилган қўшма корхоналарнинг самарали фаолияти учун шарт-шароит яратишга сарфлашимиз шарт. **Қисқаси,** иқтисодиётимизнинг янги тизимини барпо этишга сарфлаймиз.

Иқтисодиётимизда, асосий ва етакчи тармоқларда тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириб-гина, биз маҳсулотларимиз экспорти кўпайишига, тўлов балансида ижобий қолдиқни таъминлашга ва шу йўл билан иқтисодий мустақиллигимизни кафолатлашга эриша оламиз.

Тўртинчидан, биз мавжуд олтин-валюта захира-ларини баъзи четдан келтириладиган мутлақо сифатсиз маҳсулотлар учун ҳақ тўлашга сарфлашга ҳаққимиз йўқ. Айрим виждонсиз фирмалар ва олиб-сотарлар бошқа бозорларда ўтмаётган сифатсиз маҳсулотни бизнинг бозоримизга келтиришларини хотиржамлик билан кузатиб тура олмаймиз.

Мен такрорламоқчи бўлган сўнгги гапим шуки, Ўзбекистон бозорида ишлаётган ва мамлакатимизда узоқ муддатли бизнес билан шуғулланаётган бирорта фирма, бирорта компания ҳеч қандай зарар кўрмаган, зарар кўрмайди ҳам. 1997 йилда олдиндан тузилган барча битимлар бўйича хорижий сармоёга эга ишлаб чиқариш корхоналарига бу йилгидан кўра кўпроқ миқдорда валюта алмаштирилишига кафолат берамиз.

Парламентнинг шу кунларда ўтаётган сессиясида **1997 йилги давлат бюджети кўрсаткичлари** тўғрисидаги масалалар кўриб чиқиладиганини ҳисобга олиб, сизларни қизиқтириши мумкин бўлган бир қанча масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Умуман, бюджет 1997 йилда давлат ва жамият тараққиётининг энг муҳим устувор вазифалари ҳал этилишини, иқтисодий ислоҳотлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилишини, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги вазифаларни амалга оширишни ва айниқса, ҳозирги босқичда жуда муҳим бўлган Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлайдиган ҳажмда тузилган. Бюджет камомати ички ялпи маҳсулотнинг 3 фоизи даражасида бўлиши кўзда

тутилган, бу эса давлатнинг молиявий аҳволи барқарорлигидан далолат беради.

Бюджетнинг ички мазмуни ҳамда уни шакллантиришга ёндашувлардаги ўзгаришлар ҳақида гапирадиган бўлсак, сизларнинг эътиборингизни қуйидагиларга қаратмоқчи эдим. Бюджетнинг даромад қисми тузилмаси ўзгарди — бевосита ва билвосита солиқлар улуши камайиб, ресурс тўловлари улуши ошди. Бунга қазилма бойликлар, ер солиқлари ҳамда сув учун тўловлар ставкасини ўртача 1,5 баравар оширган ҳолда даромад солиғи ставкасини 1 фоиз, энг зарур озиқовқат маҳсулотларига қўйиладиган қўшимча қиймат солиғини 17 фоиздан 10 фоизга камайтириш эвазига эришилди. Солиқ олинадиган базани кенгайтириш ҳамда солиқ йиғиш даражасини ошириш ҳисобидан бюджетнинг даромад қисмини кўпайтириш бўйича чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилган. Умуман олганда, солиқдан олинадиган даромад ялли ички маҳсулотнинг 25 фоизини ташкил этадики, бу 1995 ва 1996 йиллардагига қараганда 3 пункт камдир.

Бюджетнинг харажат қисмида ҳам жорий йилдагига нисбатан ўзгаришлар кўзда тутилган. Ижтимоий соҳани таъминлаш ва ривожлантириш ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза этишга кетадиган харажатлар улуши ошди. Бюджетдан ажратиладиган маблағнинг қарийб 47 фоизини шу мақсадларга йўналтириш мўлжалланмоқда. Сармоялар ҳамда халқ хўжалигини ривожлантиришга ажратиладиган маблағ миқдори ҳам сезиларли даражада ошган. Бюджет ҳисобидан таъ-

минланадиган сармоялар ҳажми 60 миллиард сўм ёки бюджетда кўзда тутилган барча харажатларнинг 19 фоизини ташкил этади. Айни пайтда шу йилнинг ўзидаёқ маъмурий-бошқарув ходимлари сонининг 20 фоиз қисқартирилгани ҳисобига бу мақсад учун ажратиладиган маблағ миқдори ҳам кескин камайтирилган.

Маҳаллий бюджетларни молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳажми, шу билан бир қаторда уларнинг масъулияти ҳам сезиларли даражада ошади. Республиканинг 1997 йил учун мўлжалланган бюджетининг даромад қисмида маҳаллий бюджетлар улуши қарийб 54 фоизни ташкил этади. Маҳаллий бюджетларнинг давлат бюджетининг харажат қисмидаги улуши ҳам тахминан шунча фоиздан иборат бўлади.

Бюджетимизнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда мудофаа учун жуда кам харажат кўзда тутилган. Бюджет тузилмасида мудофаага мўлжалланган харажат 4,3 фоизни ёки ялпи ички маҳсулотнинг 1,4 фоизини ташкил этади. Умуман олганда, барча маъмурий органлар харажатлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5 фоиздан ошмайди. (290—295)

13. МУЛҚДОРЛАР СИНФИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ

1997 йил 6 февраль

Иқтисодиётга маблағ жалб этишнинг асосий йўлларида бири акцияларни эркин тарзда со-

тишдир. Бу аҳоли қўлидаги ортиқча пулларни ишлаб чиқаришга киритиш имконини беради. Шу ўринда бу иш бизда нега кўнгилдагидек амалга ошмаётганига тўхталиб ўтишга тўғри келади. Нега бизнинг юртдошларимиз ҳамон ортиқча пулни ёстик остида сақлашни афзал кўради?

Мана, мустақиллик боис дунёга чиқдик. Чет элларни кўряпмиз. У ерларда бирор одамнинг кўлига пул тушса, уни кўпайтиришнинг йўлини кидиради. Пулини ё банкка кўяди ёки янги иш очади, бизнес қилади. Бизда эса кўлига пул тушган одамнинг негадир боши айланиб қолади, тўқликка шўхлик қилади. Нега шундай? Нега у пулини банкка кўймайди? Чунки унда шўро давридан қолган кўрқув бор. У пайтда бадавлат одамни кўролмаслик кайфияти ҳукмрон эди. Қолаверса, унда банкка тўла ишонч йўқ эди.

Бу вазиятни қандай ўнглаш мумкин? Бунинг учун аввало одамлар онгидаги ўша кайфиятларни ўзгартириш керак. Қолаверса, бу масалани давлат даражасига кўтариш, уларни ҳимоя қилиш лозим. Чунки фуқаролари бой бўлган мамлакатгина бой бўлади, деган ҳақиқат бор.

Фуқароларимиз шуни яхши билсинки, биз ҳеч кимнинг чўнтагидаги пулни ҳисоб-китоб қилмаймиз. Пул топибдими, ҳалоли бўлсин. Ҳуқуқ-тартибот, назорат идораларининг ходимлари ҳам ана шу ақидага амал қилишлари даркор. Бизда ўтмишда ҳам бойлар бўлган. Улар, бизга Шўро даврида уқтирганларидек, золим бўлмаган. Бой-бадавлат одамнинг бутун маҳаллага, қишлоққа нафи теккан. Шунинг учун ҳам биз бой-бадавлат одамлар-

га нисбатан қарашимизни ўзгартиришимиз керак. Давлат, жамоа ишини бажариб қўйгандан кейин ўз манфаати йўлида меҳнат қилсин, болачақасининг ризқини кўпайтирсин, бойлик ортирсин. Биз буни фақат қўллаб-қувватлаймиз.

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг яна бир йўли эса акцияларни хорижий инвесторларга кўпроқ сотишдир. Улар бу жараёнда корхоналарга сармоя киритиш орқали фаол иштирок этишлари мумкин. Шунга интилиш керакки, бундай акциялар салмоғи ўртача 25 фоизни ташкил этсин. Бу 1997 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасидаги устувор вазифалардан биридир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг натижаси тобора яққолроқ кўринмоқда. Буни Ҳамдўстлик мамлакатлари билан савдо-сотиқ кўрсаткичлари ҳам тасдиқлайди. Ўзбекистон уларнинг барчаси билан ижобий сальдога эга. Биз барча хорижий давлатлар билан маърифий савдонини йўлга қўйганмиз. Бу барча ҳисоб-китоблар эркин алмаштириладиган валютада амалга оширилади, демакдир. Россия эса бизни кўпроқ бартер йўли билан ҳисоб-китоб қилишга ундамоқда. Бу бизга маъқул эмас. Мисол учун, нега ҳар жиҳатдан афзаллиги аён «Кэйс» турганда, самараси паст комбайнларни сотиб олишимиз керак?

Хуллас, бозор иқтисодиётига ҳар ким ўз йўлидан бораётир. Бу гап инфляцияни жиловлаш усулларига ҳам тегишли. Ўзбекистонда бир неча ойлаб маош бермай қўйиш, шу йўл билан инф-

ляцияни сунъий равишда ушлаб туриш ҳолатлари йўқ. Аксинча, бизнинг барча ҳаракатларимиз, ўтказаетган ислоҳотларимиз халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга, ватанимиз равнақини таъминлашга, буюк келажагимизни бунёд этишга қаратилган. Бошқача қилиб айтганда, одамлар ислоҳотга эмас, балки ислоҳот инсон манфаатлари учун хизмат қилади. (336—338)

14. ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ОМИЛИ

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистоннинг 1996 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти якунлари ҳамда 1997 йилдаги иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида сўзланган нутқ. 1997 йил 26 февраль

1996 йил ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало у иқтисодий ва молиявий барқарорлик йили бўлганини тўла ишонч билан айтиш мумкин. Чунки бу йилда иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам пойдевор яратилди.

Ялпи ички маҳсулот 1995 йил даражасига қараганда 101,6 фоизни, саноат маҳсулоти ҳажми — 106 фоизни, истеъмол молларини ишлаб чиқариш — 108 фоизни ташкил этди. Бюджет камомади 3,5 фоиздан ошмади. Пулнинг қадрсизланиш ўртача йиллик даражаси 2 мартага камайди. Нақд пул эмиссияси даражаси эса 20,4 фоиздан 19,7 фоизга қисқарди.

Иккинчидан. Миллий валютани мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бу миллий валютанинг ягона тўлов воситаси сифатидаги мавқеини ошириш имконини берди. Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш учун ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар барпо этилди. Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 1995 йилда 1,3 миллиард доллар сотилган бўлса, 1996 йилда 3,3 миллиард доллар миқдориди хорижий валюта сотилди.

Учинчидан. *Иқтисодиётни таркибий тузилиш жиҳатидан ўзгартириш ишлари изчил амалга оширилди.* 166,5 миллиард сўмлик сармоя ўзлаштирилиб, бундан 66 фоизи ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга сарфланди. (360—361)

Пул қадрсизланиши даражаси қисқаришига қарамасдан, йил натижалари бўйича бу кўрсаткич кўзда тутилган тахминлардан юқори бўлди. Кўпгина корхона ва соҳаларнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда, айланма (оборот) маблағлари етишмаслиги сезилмоқда, ўзаро ҳисоб-китоб муаммоси ва тўловлар илгаритидай долзарб бўлиб турибди.

Корхоналарни акциялаштириш жараёни суст ва юзаки бормоқда, қимматли қоғозлар бозори ҳам яхши ривожланмаган, фонд бозори фаолиятида ҳам камчилик кўп. Корхоналарда мулк шакли ўзгарди, бироқ улар фаолиятида принцинал, сезиларли ўзгаришлар деярли юз бергани йўқ.

Бозор инфратузилмасини шакллантириш, банк, молия ва суғурта тизимларини қайта ташкил этиш, бу соҳаларда билимдон ва замонавий

фикрлайдиган мутахассисларни тарбиялаш бўйича ҳали жуда кўп иш қилиниши керак. (362)

Шуни эътиборга олиш муҳимки, халқаро тузилмалар, хорижий компания ва жамғармалар, жумладан, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Немис техник ҳамкорлик жамияти, Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Ўрта Осиё-Америка жамғармаси ва бошқа ташкилотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун салмоқли кредитлар ажратиш ва тегишли хизматлар кўрсатишга тайёр эканликларини билдириб, бу борада амалий ҳаракатлар ҳам қилмоқдалар.

Умумлаштириб айтганда, халқаро ва хорижий миллий молиявий тузилмалар ва банклар томонидан шу мақсадда таклиф этилаётган кредитларнинг ҳажми бугунги кунда 350 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бизнинг бу мақсадга йўналтириладиган ўз ички манбаларимиз бу ҳисобга кирмайди.

Шу ўринда мазкур маблағларни ўзлаштиришга бизнинг ўзимиз тайёرمизми, деган савол туғилади. Қани шундай одамлар, қани ўша мулк эгалари, қолаверса, қани зарур экспертизадан ўтган инвестиция лойиҳалари? Биз уларни амалга ошириш учун керакли маблағлар билан таъминлашга ва сарфланган маблағларнинг ўзини қоплашга эришмоғимиз лозим. (368)

1997 йилдаги устувор вазифалардан яна бири кредит-молия тизими фаолиятининг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлашдир.

Республикада молия, солиқ, банк тизимлари яратилди. Зарур қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Лекин, ана шу тизимлар бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадими, деган савол туғилади. Афсуслар бўлсинким, бу саволга ҳозирча «йўқ, тўлиқ жавоб бермайди», дейишга мажбурмиз. Молия идоралари ходимлари онгида эскича бюджет психологияси ҳукмронлик қилмоқда, бевосита хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволини яхшилаш, зарар кўриб ишловчи корхона ва хўжаликлар сонини камайтириш, уларнинг самарали фаолият юртиши, айланма маблағларига эга бўлиши учун зарур шароит яратишга етарли эътибор берилмаяпти.

Молия ва солиқ тизимлари фаолиятида солиқларни нима қилиб бўлса ҳам ундиришдек бир томонлама ёндашув устунлик қилмоқда.

Албатта, бу нарса солиқлар тўла йиғилишини таъминлаш, даромадларни яшириб қолишга қарши курашиши шарт бўлган молия ва солиқ хизматларининг бевосита вазифаси эканини ҳеч ким инкор этмайди. Лекин уларнинг вазифаси фақат шундан иборат эмас. *Оддий бир ҳақиқатни тушуниб етиш керакки, солиққа тортилувчи объектларнинг мустаҳкам молиявий аҳволи билан жуда кўп нарса, биринчи навбатда, бутун иқтисодиётимизнинг барқарорлиги ва ана шу корхоналарда ишлаётган одамлар ва уларнинг оилалари даромади ва фаровонлиги узлуксиз боғлиқдир. Яъни содда қилиб айтганда, ишлаб чиқариш корхона-*

ларининг аҳволи қай даражада мустаҳкам бўлса, иқтисодимиз ҳам шу даражада бақувват бўлади. Барча ишни, унинг мақсади ва йўналишини ана шу ҳақиқатни инобатга олган ҳолда ташкил этиш лозим. Ҳисоб-китобни тўғри йўлга қўйиш, ўзаро тўловларни вақтида амалга оширишга эришмоқ даркор.

Банк ҳисоб-китоби ва тўлов тизими замонавий талабларга мутлақо жавоб бермайди. Тўрачилик, баъзида коррупция ҳоллари мавжуд, фоиз ставкаларининг юқорилиги сабабли тижорат банкларидан қарз, айниқса инвестиция кредитлари олиш ниҳоят даражада мушкул. Бунинг яна бир сабаби — кредит бозорида рақобатнинг йўқлигидир. *Минг афсуски, банклар ҳали ҳам корхона ва тадбиркорликнинг ҳақиқий ҳамкори ва кўмакчиларига айлана олмадилар.*

Эътиборингизни яна бир муаммога қаратишни истардим. Кўплаб корхона раҳбарлари ва тадбиркорларда ҳали ҳам молиявий натижаларга жиддий муносабат шакллангани йўқ.

Корхона раҳбарлари ва тадбиркорларнинг барчасида ҳам ўз фаолиятининг молиявий натижалари билан боғлиқ масъулият ҳисси шаклланган, деб бўлмайди. Йўқса, биз бугунгидай дебиторлик ва кредиторлик қарзларига ботиб қолмаган бўлардик.

Ўз-ўзимга, дебиторлик қарзи нима, бозор шароитида шу нарса бўлиши мумкинми, деб савол бераман.

Уни қайта-қайта, аммо оддийгина тушунтириш мумкин:

бир тарафдан — мен маҳсулотни жўнатдим, лекин ҳақини олмадим;

бошқа бир тарафдан — мен маҳсулотни олдим, лекин ҳақини тўламадим.

Нима қилиш керак, ким ҳақ, ким ноҳақ? Ким жавобгар бўлиши керак?

Айбдорлар ҳам, жавобгарликка тортилиши керак бўлганлар ҳам хўжакўрсинга шартнома тузган кишилардир. Шунинг учун ҳам у амал қилмай, қоғозда қолиб кетаверади. *Бу — биринчидан.*

Иккинчидан, ўз маҳсулотига ҳақ ололмаслигини олдиндан била туриб, уни жўнатиб юборганлар айбдор.

Ва, учинчидан, бизга хўжаликлар олдиндан ҳақ олмасдан маҳсулот етказиб беришга мажбур, дейдиган, улар билан ҳисоб-китоб қилишни хаёлига ҳам келтирмайдиган боқибеғамлар жавобгарликка тортилиши керак.

Жиддий огоҳлантириб қўймоқчиман: агар кимки, корхона раҳбарими, туман, шаҳар ёки вилоят марказий ва тижорат банкларининг тўловлар ва ҳисоб-китоб ишларини назорат қилиб юрган мутасадди раҳбарларми, шу масалага масъулиятсизлик ва лоқайдлик билан қараб, тузилган шартномаларни кўпол равишда бузиб, бажармасдан, *қўлини қовуштириб ўтирганларни жиноий жавобгарликка тортиш керак.* Бугун бу масала-муаммо билан кўп жиҳатдан ишчиларимизнинг ўз вақтида маош олиши, корхоналарнинг ўз келажагини кўриши чамбарчас боғлиқдир. (370—372)

Навбатдаги устувор вазифа инвестицион фаолиятни кучайтириш ҳисобига иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларга эришишдир.

Ўтган йилларда биз, маблағлар етишмовчилиги шароитида ҳам, таркибий ўзгаришлар ўтказиш учун замин ҳозирлашга эришдик;

— маблағлар ишлаб чиқариш инфратузилмасини, транспорт ва телекоммуникация тизимларини ривожлантиришга сарфланди;

— халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган объектлар қурилиши бошланди;

— иқтисодиётга ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишни рағбатлантирувчи ҳуқуқий тизим яратилди.

Таъкидлаб ўтганимдай, бу сезиларли натижалар берди: янги корхоналар ва янги соҳалар яратилди, янги товарлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, энг асосийси, сармоя жалб қилишга қизиқиш пайдо бўлди.

Бироқ ҳали олдимизда бутун иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни бошлаш вазифаси турибди. 1997 йилда ушбу стратегик вазифани бажаришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Биз 1997 йил учун инвестициялар дастурини қабул қилдик. Унда инвестицияларни кўп миқдорда, ўтган йилдагига нисбатан 30 фоиз ошиқ жалб этиш кўзда тутилган. Бизнинг вазифамиз бу инвестицияларнинг ишлашини, маълум инвестицион лойиҳаларга айланишини, маълум иншоотлар қурилишига сарф қилинишини таъминлашдан иборат. (373)

Бизнинг хусусийлаштириш борасидаги сиёсатимиз қуйидагича бўлиши зарур: жамоа ва давлат мулки бўлмиш акциялар пакети улар умумий қийматининг 50 фоизи атрофида бўлиб, келгусида аста-секин давлат улушини камайтириб бориб, эркин бозорда сотилишини ташкил қилишимиз даркор. (374—375)

**ХАВФСИЗЛИК
ВА БАРҚАРОР
ТАРАҚҚИЁТ
ЙЎЛИДА**

1. ЎЗБЕКИСТОН ХҲІ АСР БЎСАҒАСИДА: ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД, БАРҚАРОРЛИК ШАРТЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТЛАРИ

1997 йил

Шу ўринда, назаримизда, муҳим бўлган яна бир масала устида тўхталиб ўтиш жоиз. Гап бозор иқтисодиёти қарор топиб бораётган шароитда товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳақида боради. Маълумки, советлардан кейинги макондаги кўпгина мамлакатлар ислохотнинг дастлабки босқичларида ички ва қарз олинган валюта захираларининг кўпчилиги қисмини энг аввало хориждан истеъмол моллари келтиришни кенгайтиришга сарфлади. Шу тариқа улар ўз ишлаб чиқарувчиларини ички бозорда истасамаси сикиб чиқарди. Оқибатда миллий саноат ва қишлоқ хўжалиги инқирозга юз тутди, баъзан эса барбод бўлгани ҳолда катта валюта маблағлари еб битирилди.

Биз эса энгил йўлни қидирмадик. Ислох қилишнинг дастлабки босқичларида истеъмол бозорини бир қадар чеклашга мажбур бўлдик. Айни чоғда маблағ ва захираларни иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга сарфлаб, хорижга маҳсулот тайёрлайдиган, илғор технология базаси билан жиҳозланган замонавий корхоналар барпо этиб, ички бозорни ўз молларимиз билан гўлдириш йўлидан бордик. Шу мақсадлардан

келиб чиқиб, ўз маблағларимиз ва олган қарзларимизнинг асосий қисми инвестицияларга, республикага янги технология ва техника келтиришга сарфланмоқда. Истеъмолни эмас, балки инвестицияларни кўпайтирдик. Бугунга келиб бу сиёсат ўз самарасини бермоқда. Бу — Асака шаҳридаги автомобиль заводидир. Бу — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини ишга туширишдан иборатдир. Бу — Кўкдумалоқ конларини ишга солиш, чет эллик шериклар иштирокида ўнлаб тўқимачилик ва ип-йигирув фабрикаларини, Андижон, Кўқон ва Янгийўлда спирт ишлаб чиқарувчи корхоналарни, Хоразм вилоятида қанд заводи, Қизилқум фосфорит комбинати, Қорақалпоғистондаги Кўнгирот сода заводини қуриш, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли материаллар комбинатини, Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатларини, кимё тармоғи корхоналарини қайта таъмирлаш, янги темир йўл ва автомобиль йўллари, янги телекоммуникациялар объектларини барпо этиш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, шунингдек, озиқ-овқат ва маҳаллий саноатга қарашли ўнлаб янги ва замонавий корхоналар демакдир.

Шу йилларда яратилган янги илғор ишлаб чиқаришлар ва тармоқлар ривож топгани сари, одамлар биз танлаган янгиланиш ва ислохотлар йўли тўғрилигини йил сайин кўпроқ ҳис этиб боришларига ишончим комил.

Ўз давлатчилигимизни ва мамлакатнинг иқтисодий базасини яратиш, республика ва унинг халқи манфаатларини ҳимоялаш учун аниқ мақ-

садни кўзлаб қаттиқ меҳнат қилинган қийин йиллар ортда қолди.

Ўзбекистонни дунёга танитиш, ҳамкорлик ва жаҳон иқтисодиётига қўшилиш учун зарур ҳуқуқий ва шартномавий негизни яратиш бора-сида анча иш қилинди.

Мустақиллик йлларида иқтисодиётни ислоҳ қилишда тўпланган тажриба бугунги кунда ислоҳатларни янада демократиялаш, жамиятни собитқадамлик ва барқарорликни таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган бир қатор муҳим ҳулосаларни чиқаришга имкон беради. (165—166)¹

... Бозор тузилмаси ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси ҳақиқий ўрта мулкдорлар қатламининг асосий қисми аҳолининг пул маблағларини қимматли қоғозлар бозорига, одамлар учун фойдали турли банк депозитларига ва омонатларга жалб этиш воситасида шаклланаётганлигидан далолат беради. Бинобарин, қимматли қоғозлар бозорининг аҳволига қараб бозор муносабатларининг қарор топиш жараёни қай даражада жўшқин бораётганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин.

Қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ҳисобига аҳолининг бўш турган маблағлари айланишга жалб этилади. Бу айтиш чоғда иқтисодиётни барқарорлаштириш соҳасидаги муҳим вазифани ҳал қилишга — пул муомаласини, демакки, миллий валютани мустаҳкамлашга ёрдам беради.

¹ *Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.* Т. 6. — Т.: «Ўзбекистон», 1998. 165—166-бетлар. (Ушбу бўлимдаги манбалар ана шу китоб бўйича кўрсатилган).

Энг асосийси — акциялаштириш, фонд бозорида қатнашиш орқали аҳолида қимматли қоғозларнинг эгаси бўлишга қизиқиш, улар билан муомала қилиш кўникмалари ва маданияти пайдо бўлади.

Муҳими, улар шунчаки акцияларнинг эгаси бўлганлик учунгина эмас, балки мол-мулк бир қисмининг реал мулкдорлари ҳисобланганликлари ҳамда мулкдорлар сифатида корxonанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятига таъсир кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлганликлари учун ҳам акциядорлар деб аталиши даркор. Одамлар қимматли қоғозларни сотиб олишга қодир бўлганларидагина мулкдорлар синфи амалда вужудга келади.

Яна бир гап. Республикада қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича қўйилган мақсадларга қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини жадал шакллантирган, бизнинг бозоримиз халқаро фонд ва валюта бозорларига чиққан ҳамда қўшилиб кетган тақдирдагина чинакамига эришиш мумкин. (170—171)

Иқтисодиётимиз вужудга келтирилган мустаҳкам ҳуқуқий нормалар негизида институционал ўзгаришларга таяниб, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич кириб, барқарор ва собитқадам бўлиб бормоқда. Ўтган йиллар, хусусан, 1996 йил якунлари шундан далолат беради.

Биринчидан, бутун иқтисодиётимизни муваффақиятли ислоҳ қилишнинг энг муҳим натижаси сифатида собитқадам макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Назарда тутилган дастурнинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида

асосий иқтисодий кўрсаткичлар ўсишига эришилди. Ялпи ички маҳсулот, саноат маҳсулоти ҳажми, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, давлат бюджети тақчиллиги энг кам даражада барқарор туриши, бир йилда пул қадрсизланиши даражаси икки барабар қисқарганлиги — буларнинг ҳаммаси чиқарилган хулосанинг ёрқин тасдиғи бўлиб хизмат қилади.

Республикада иқтисодиётнинг бундан буён ўсиши, инвестиция фаолиятининг кучайиши учун мустаҳкам моддий, молиявий, институционал асос яратилди.

Иккинчидан, миллий пул тизимимизни барқарорлаштириш иши ниҳоясига етай деб қолди. Миллий валютани мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу эса унинг ягона тўлов воситаси сифатидаги ролини кучайтириш имконини берди. Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш учун ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Етарли миқдорда ва барқарор олтин-валюта захиралари яратилган бўлиб, бу захиралар Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида ким ошди савдосини мунтазам ўтказиб туриш имконини бермоқда.

Учинчидан, умуман бозор инфратузилмаси шакллантирилди. Банк, молия, солиқ тизимлари, фонд ва товар-хом ашё биржалари, суғурта, аудиторлик, лизинг компаниялари ва бошқа бозор тузилмаларининг янги тармоғи вужудга келтирилди. Қимматли қоғозлар бозорининг фаолияти кучайтирилмоқда. Марказий Осиёда энг йи-

рик, замонавий компьютер техникаси ва телекоммуникация тизими билан жиҳозланган биржа маркази ишга туширилди. Энг муҳими, бозор тузилмалари амалда ишлай бошлади.

Тўртинчидан, хусусийлаштириш жараёни чуқурлашди ва кўлами кенгайди. Бозор ислохотлари натижасида ҳозирги вақтда халқ хўжалигида банд бўлган аҳоли умумий миқдорининг ва ҳосил қилинган миллий даромаднинг 70 фоизи, саноат маҳсулотининг 53,5 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 97,7 фоизи давлатга қарашли бўлмаган сектор ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шу билан бирга, хусусийлаштириш номигагина эмас, балки мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топиши учун, ишлашга қодир бўлган, бошқаришни ташкил этиш олдига кўйилаётган талабларни чуқур англайдиган, инвестицияларни жалб эта оладиган, одамларнинг ва бутун жамиятимизнинг манфаатларини кўзлаб рақобатга бардошли маҳсулот чиқарилишини таъминлай оладиган кишиларнинг қўлида бўлиши учун амалга оширилмоқда.

Бешинчидан, мўлжалланган инвестиция лойиҳаларининг натижаси ўлароқ, иқтисодиётда салмоқли таркибий ўзгаришлар рўй бермоқда. Саноатнинг мутлақо янги тармоқлари — автомобилсозлик, микробиология, целлюлоза-қоғоз тармоқлари ва бошқалар барпо этилди. Иқтисодиётимизнинг қиёфасини ўзгартирибгина қолмай, шу билан бирга, унинг ташқи омиллардан мустақиллигини ҳам таъминлайдиган ва ялпи ички маҳсулотни ҳамда аҳоли турмуш даража-

сини юксалтирадиган тармоқлар жадал ривожланмоқда. (176—177)

Биз аҳолини ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш, унинг самарасини кўтариш қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал этишга боғлиқ деб биламиз.

Биринчидан. Бу — ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва муттасил ривожлантириш. Пул қадрсизланишига қарши самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, миллий валютани ва ички истеъмол бозорини мустаҳкамлаш натижасида ислоҳотларнинг бошланғич босқичидаёқ турмуш даражасини сақлаб қолиш ва унинг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имкони яратилди.

Умр кўриш даражаси узайди, гўдаклар ўлими, жиноятчилик камайди. Бизда жиноятчилик МДХ мамлакатлари орасида энг паст даражада.

Иқтисодиётнинг барқарорлашуви, инвестиция фаолиятининг кучайиши, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш йўли янги ишчи ўринларини ташкил этиш, иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилиш, иш ҳақи сақланиб қолмаган ёки қисман сақланиб қолган ҳолда тўлиқсиз иш кунида ишлаётган ва мажбуран меҳнат таътилида юрган шахслар сонини кескин қисқартириш учун қулай замин яратди. (185)

Иқтисодий ривожланишнинг, қўйилган инвестицияларни ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати қонунчилик асосимизнинг барқарорлигидир.

Қисқа вақт мобайнида бир нечта Конституциялар қабул қилиб улгурган советлардан кейинги қатор мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда қонунчилик асосининг барқарорлиги принципига қатъий амал қилинмоқда. Қонунчилик фаолиятининг бутун тизими янги қонунларни тайёрлашга ҳамда амалдаги қонунларни, ислоҳотлар йўлидан жўшқин илгарилаб борилаётганини ва ўзгариб турган шароитни ҳисобга олган ҳолда, такомиллаштиришга қаратилган.

Ташқи сиёсатга доир принципларимизни белгилаб берувчи конституциявий қоидаларга асосланган ҳолда, «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, шунингдек, бир қанча бошқа қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Улар ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтириш, чет эллик инвесторлар учун қулай шароитлар яратиш ҳамда хорижий мамлакатлар тадбиркорлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш имконини берди.

Жамиятимизнинг жаҳон цивилизациясига кенг кўламда интеграциялашуви, иқтисодиётимизга инвестициялар олиб кирилиши учун ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратдик. Ўзбекистон «очиқ эшик»лар сиёсатини олиб бормоқда, чет эллик инвесторлар тадбиркорлик фаолияти билан шу-

гулланишлари учун ишончли ҳуқуқий кафолатлар ва кент иқтисодий имкониятлар бермоқда.

Хорижий инвесторлар учун энг қулай тартиблар яратилган ва улар муттасил такомиллаштириб борилмоқда. Чет эл сармояси иштирокида ишлаб чиқариш корхоналари очиш жараёни мумкин қадар осонлаштирилган.

Республикада қабул қилинган қонунлар ва қонун асосидаги ҳужжатлар чет эл фирмалари ва компаниялари Ўзбекистон бозорларида фаол иштирок этиши учун солиқ соҳасидаги имтиёзлар ва рағбатлантириш чораларининг, сиёсий ва тижорат соҳасидаги хавф-хатарлардан кафолатларнинг яхлит тизимини, қулай қонуний шароитларни яратиб беради.

Амалдаги қонунлар чет эллик инвесторларга берадиган асосий кафолатларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати қуйидагилар:

Биринчи. Ўзбекистон Республикасидаги хорижий инвестициялар национализация ва реквизиция қилинмайди.

Иккинчи. Хорижий инвесторларга қонуний фаолият натижасида олинган фойдани ва бошқа маблағларни ҳеч бир чекловсиз чет эл валютасида чет элга ўтказиш кафолатланади. Шунингдек, импорт бўйича олиб кирилаётган хом ашё, бутловчи буюмлар ва замонавий технологиялардан олинган тушумни ҳеч монеликсиз чет эл валютасига айирбошлаш таъминланади.

Учинчи. Чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан кўчмас мулк олди-сотдисини

да эркин қатнашиш кафолатланади. Чет эллик инвесторлар мулккий ҳуқуқларни, шу жумладан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларига ҳамда турар жой бинолари ва улар жойлашган ер участкаларига мулк ҳуқуқини, ер ва табиий манбаларга эгаллик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритишга ҳақлидирлар.

Тўртинчи. Чет эл инвестициялари иштирокида ташкил этилган корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспорт қилиш ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулотни импорт қилиш ҳамда қўшма корхоналарнинг устав фондига ҳисса қўшиш учун бож тўламасдан мулк олиб киришга ҳақлидир.

Амалдаги қонунлар чет эллик инвесторлар учун кафолатлар билан бир қаторда солиқ соҳасида кенг имтиёзлар ҳам беради. Агар улар давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни инвестициялашда қатнашсалар, етти йил мобайнида фойдадан солиқ тўлашдан озод қилинадилар.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги ташкил этилган корхоналар даромадларининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технология билан қайта жиҳозлашга сарфланадиган қисми ҳам солиқдан озод қилинади.

Қўшма корхоналарнинг қайта молиялашга ҳамда инвестицияларни амалга ошириш учун олинган кредитларни тўлашга сарфланадиган маблағларига ҳам солиқ солинмайди.

Чет эл сармояси иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун фойдадан солиқ олишнинг табақалаштирилган ставкалари жорий этил-

ган. Бу ставкалар хорижлик инвесторнинг қўшма корхона устав фондидаги улуши қанчалигидан келиб чиқиб, улар учун солиқ ставкаларининг тегишлича камайтирилишини назарда тутади.

Устав фондида чет эл сармоясининг улуши 30 фоиздан ортиқ бўлган, қишлоқ хўжалик маҳсулотини, халқ истеъмоли молларини ва қурилиш материаллари, тиббиёт ускуналари, қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати учун машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлашга, иккиламчи хом ашё ва рўзғор чиқиндиларини қайта ишлашга ихтисослашган қўшма корхоналар рўйхатдан ўтказилган пайдан бошлаб икки йил мобайнида фойдадан солиқ тўлашдан озод қилинади.

Чет эллик шерикнинг ўз эҳтиёжлари учун республикамизга олиб кираётган мулки, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг устав сармоясига мулк билан қўшадиган ҳиссаси ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётига умумий ҳажми 50 миллион доллардан ортиқ миқдорда қилинадиган инвестициялар ҳам бож тўлашдан озод қилинади.

Булар чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар учун ҳозир амал қилиб турган имтиёзларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир. Булардан ташқари, чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар республиканинг ҳамма корхоналарига солиқ соҳасида берилган имтиёзлардан ҳам фойдаланади.

Чет эллик инвесторларга ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистонда ихтисослаштирилган таш-

килотлар ва муассасалар тармоғи ташкил этилган. Булар — Чет эл инвестициялари бўйича агентлик, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, «Ўзбекинвест» Миллий экспорт-импорт суғурта компаниясидир. АИГ (АҚШ) билан бирга сиёсий хавф-хатарлардан суғурталаш бўйича қўшма корхона — «Ўзбекинвест Интернешнл» таъсис этилган. Унинг қароргоҳи Лондонда жойлашган. Лизинг компанияси ташкил этилди. Унинг муассислари — Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, «Малайзан Бэнк Берхард» (Малайзия) ва бизнинг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкимиздир.

Республикада чет эл инвестицияларини ишончли суғурта билан ҳимоялаш таъминланмоқда. Суғурталашнинг таянч ставкалари халқаро амалиётда қабул қилинганидан анча паст. Суғурта пули тўланмаган тақдирда ўз сармояларини Ўзбекистон Республикасига инвестициялаган чет эллик кредиторлар суғурта ҳодисаси юз бергач, атиги 30 кун ўтганидан кейин талаб билан мурожаат қилишлари мумкин. Ҳолбуки, жаҳон амалиётида бу муддат 180 кун қилиб белгиланган.

Чет эллик инвесторларга республикада мавжуд бўлган кафолатлар, имтиёзлар ва рағбатлантириш чораларининг тўлиқ бўлмаган рўйхатини келтиришнинг ўзигина Ўзбекистон капитал сарфлаш учун қулай, ҳамкорлик учун ишончли мамлакат эканлигидан далолат беради.

Биз қонунчилик тизимини тубдан ўзгартиришгагина эмас, балки қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни рўёбга чиқариш

борасида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари уйғун ҳаракат қилишига катта аҳамият бермоқдамиз. Шу сабабли қабул қилинган қонунларни кундалик ҳаётга татбиқ этиш масаласи биз учун ҳамма вақт долзарбдир. Олдинги маъмурий-буйруқбозлик тизимининг зўравонлигидан фарқли ўлароқ, қонун жамиятни бошқаришнинг мукамал воситаси, барча органлар фаолиятининг, ҳар бир фуқаро хулқ-атворининг мезонига айланиб бормоқда.

Қисқа қилиб айтганда, мустақиллик йилларида республикада халқаро миқёсда қабул қилинган юридик принциплар ва нормаларга асосланган кенг ҳуқуқий макон вужудга келтирилди. Мазкур норма ва принциплар инсон ҳуқуқлари, эркинликлари устуворлигига асосланади. Бу эса ислохотлар, тараққиёт ва ўзаро фойдали ҳамкорликнинг ортга қайтмаслиги учун кафил бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон тажрибаси, кейинги йилларда эса ўзимиз тўплаган тажриба ҳам шуни яққол кўрсатмоқдаки, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда кенг миқёсдаги ўзгаришларни муваффақиятли амалга оширишнинг, ижтимоий муносабатларни тубдан ислох қилишнинг, дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилиш ва фаол халқаро ҳамкорликнинг ғоят муҳим шарт — мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлашдан иборат.

Ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш, айниқса, энг қийин бўлган ўтиш даврида, дав-

латнинг узок муддатли истиқболга мўлжалланган аниқ сиёсатини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, миллий давлатчиликни қарор топтириш, халқаро муносабатларни мустақкамлаш, ислоҳ қилинаётган иқтисодиётга чет эл инвестицияларини кенг жалб этишнинг асосий шартидир.

Маълумки, чет эллик инвесторлар ва инвестициялар ўз фаолиятлари учун қонунчилик асослари яратилибгина қолмасдан, балки барқарор фаолият кўрсатиш учун реал шарт-шароитлар мавжуд бўлган, ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланган, сиёсий хавф-хатарлар энг кам даражага келтирилган, миллатлараро ва фуқаролараро нифоқлар бўлмаган мамлакатгагина келади. Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва чет эллик инвесторларнинг қизиқиш билан фаолият кўрсатишлари учун жуда яхши қонунчилик асосини яратиш, энг илғор қонунлар қабул қилиш мумкин. Бироқ агар жамиятда барқарорлик бўлмаса, сиёсий ларзалар, фуқаролар урушлари ва минтақавий можароларга қарши кафолатлар бўлмаса, қабул қилинган қонунлар ишлаши, ислоҳ қилинаётган иқтисодиётнинг таркибий тузилишини ўзгартириш учун зарур инвестицияларнинг келиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Айнан жамиятдаги барқарорлик ва давлат сиёсатини олдиндан айта билиш мумкинлиги катта кўламдаги тўб ўзгаришларни амалга ошириш, кенг инвестиция фаолияти учун асос бўла олади.
(230—235)

2. ЯНГИЧА ТАФАККУР — ЗАМОН ТАЛАБИ

*Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорги Кенгесининг
навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ.*

1997 йил 17 июль

Қорақалпоғистонда эмиссия, дебитор ва кредитор қарзлари миқдорини камайтириш, бюджетга муддатида тўланмаган қарзларни қисқартириш, нақд пул тушумини таъминлаш каби масалаларни ҳал этиш йўлларини қидириб топиш ўрнига, **марказдан қўшимча маблағ берилмаётганини баҳона қилиш одат тусига кирган.** Шунга қарамай, мамлакат ҳукумати қорақалпоғистонликларни пенсия ва нафақа билан тўла таъминлаб келмоқда.

Нақд пул назорати, унинг айланиши эътибордан четда турибди. Асосий савдо тармоқларида нақд пул тушуми пастлигича қолмоқда. 1996 йил давомида ғайриқонуний ҳаракатлар, камомад ва ўғирликлар оқибатида етказилган зарар миқдори 40 миллион сўмдан ошиб кетди. Бироқ айбдор шахслардан етказилган зарарнинг бор-йўғи 15 фоизи ундирилган, холос. (271)

Мамлакат ҳукумати ҳам бу масалаларда Қорақалпоғистон Республикасини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда, 1996 йили ушбу мақсадлар учун 10 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу Қорақалпоғистон миллий даромадининг 55 фоизини ташкил қилади. Бундан ташқари, Қорақалпоғистонга берилаётган молиявий ёрдам миқдори 1994 йилга нисбатан 18 баробар кўпайди.

Сиз, халқ ноибларига маълумот беришим керак. Бугунги кунда Ўзбекистон марказий бюджетидан Қорақалпоғистонга берилаётган субвенция, яъни молиявий ёрдам миқдори 9 миллиарддан ошиқ сўмни ёки бугун Қорақалпоғистон бюджети харажатларининг 75 фоизини ташкил этмоқда.

Республика раҳбарияти ана шу рақамларни жиддий таҳлил қилиши, ўлкани боқимандалик ҳолатидан олиб чиқиш йўлларини ахтариши, топиши зарурми, йўқми? (276)

3. АСОСИЙ МАҚСАД — ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШГА ЭРИШИШДИР

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
мажлисида сузланган нутқ. 1997 йил 29 июль*

Тошкент шаҳрида қўлланган «Тошуйжойжам-фармабанк» сертификатлари бўйича уй-жой қуриш тажрибаси яхши самара берди.

Қисқа вақт мобайнида 4 мингдан зиёд шаҳар аҳолисига банкда жамғарма ҳисоб-варақлари очилди. Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан уй-жой қийматининг 50 фоизини қоплаш йўли билан 500 га яқин шинам квартира қурилиб, сотилди.

Ҳозирги кунда 1,5 мингга яқин ана шундай квартира қурилиши давом этмоқда. Бу қурилишлар қийматининг етишмаётган қисмини қоплаш учун банк томонидан тўлов муддати 10 йилга узайтирилган ҳолда имтиёзли кредитлар берилмоқда.

Уй-жой сотиб олишнинг бундай шаклига аҳоли катта қизиқиш билан қарамоқда. Буни инобатга олиб, мазкур тажрибани барча вилоят марказла-

ри ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларга ёйиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу мақсадда барча вилоят марказларида ўз ҳудудий бўлимларига эга бўлган Ўзбекистон уй-жой жамғарма банки ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари бу бўлимлар фаолиятини зудлик билан йўлга қўйиши керак. Банк сертификатлари бўйича қуриладиган уйлар учун ўз вақтида ер майдонлари ажратилишини таъминлаш, тегишли муҳандислик коммуникациялари барпо этишда ҳар томонлама ёрдам беришлари зарур. (288—289)

Бугунги кунда биз ўтган йили макроиқтисодий барқарорлик соҳасида эришилган ижобий натижаларни мустаҳкамлабгина қолмай, барқарор иқтисодий ўсиш учун шароит ҳам яратдик. Бу ни-мада кўринади?

... Макроиқтисодий барқарорликни вужудга келтириш бўйича қўлланилган чора-тадбирлар инфляция даражасини 1996 йил декабридаги 13 фоиздан бу йил май ойида 2,9 фоизга, июнь ойида эса ҳатто минус даражасига — 3,1 фоиз қадар кескин камайтириш имконини берди. Инфляциянинг ўртача ойлик даражаси ярим йилликда айрим халқаро молия ташкилотларининг ҳисоб-китоблари бўйича 7 фоиз қутилгани ҳолда, 3,5 фоизни ташкил этди.

Бироқ, шуни тан олиш керакки, инфляциянинг ҳозирги даражаси биз ҳисоб-китобларимизда кўзда тутганимиздан кўра бироз баланд. Шунинг учун ҳам иккинчи ярим йилликда инфляцияга

қарши қатъий монетар сиёсат олиб боришга тўғри келади.

... Биринчи ярим йилликда кредит ва нақд пул эмиссиясининг ўсишига йўл қўймаслик бўйича ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, амалга оширилди. Натижада нақд пул эмиссияси ҳажми биринчи ярим йилликда ҳисоб-китобларда кўзда тутилган 17,5 фоиз ўрнига 6,1 фоизни ташкил этди.

Иккинчи чоракда Тошкент шаҳрида, Андижон, Тошкент ва Фарғона вилоятларида пулни муомаладан олиб қўйишга эришилди.

Шу билан бирга, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида эмиссия даражаси жуда баландлигича қолмоқда. (293)

Инвестиция дастурини амалга оширишда банкларнинг иштироки жуда заиф. Банкларнинг кредит улуши ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажмига нисбатан атиги 3,6 фоизни ташкил этди. Бу нафақат кичик ва ўрта корхоналарнинг, балки Қизилқум фосфорит комбинати, спирт заводлари ва республика учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа йирик объектларнинг ривожланишига ҳам тўсиқ бўлади. (296)

Кичик бизнесни ривожлантиришга турли халқаро молия ташкилотлари орқали 350 миллион АҚШ долларидан ортиқ хорижий сармоя жалб этилган эди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш бўйича сармоя лойиҳаларини танлаб олувчи махсус ишчи комиссиялари тузилган эди.

Бироқ экспертизадан ўтиш ва кредит олиш жараёни жуда мураккаб ва узоқ вақт талаб қилади. Орадан анчагина вақт ўтишига қарамай, кўпчилик лойиҳалар ҳали ҳам ё танлаб олиш, ё комплекс экспертиза босқичида турибди.

Ҳукумат тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантиришга қаратилган маблағларни, энг аввало, хорижий маблағларни фаол жалб этишга тўсиқ бўлаётган сабабларни батафсил таҳлил этиб, тегишли механизмлар ишлаб чиқиши зарур. (298)

Яна бир масала борки, у алоҳида таҳлилни тақозо этади. Биз хорижий инвестициялар иштирокида кўшма корхоналар тузиш ва уларни ривожлантиришга нечоғли аҳамият бераётганимиз яхши маълум. Биз ҳар бир корхона хорижий ҳамкорлари билан мустақкам алоқа ўрнатиши тарафдоримиз. Улар учун энг қулай шарт-шароит яратилган. Кенг имтиёзлар тизими жорий этилган, хорижий сармоядорларнинг манфаатларини мустақкам ҳимоя қилиш таъминланмоқда. Бу ишларнинг барчаси кўшма корхоналар рақобатбардошли бўлиши, жаҳон бозорига бевосита чиқа олиши, ўз маҳсулотини фаол равишда экспорт қила олиши учун амалга оширилмоқда.

Ўз-ўзидан шундай савол туғилади: кўшма корхоналар нима беряпти, уларнинг улуши қандай? Бундай корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми ярим йилликда 4,3 марта ортганига қарамай, уларнинг маҳсулот экспорт қилишдаги ҳиссаси атиги 6,9 фоизни ташкил этган, холос. Айни вақтда уларнинг импорт таркибидаги улуши қарийб 38 фоизга етган. (302)

4. ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ — ТҮКИН ҲАЁТ МАНБАИ

*Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг X сессиясида сўзланган нутқ.
1997 йил 25 декабрь*

Қишлоқда бозор инфратузилмасининг дастлабки кўринишлари намоён бўла бошлади. Ихтисослаштирилган тижорат банклари — «Пахтабанк», «Ғаллабанк», «Мевасабзавотбанк», «Тадбиркорбанк», «Туронбанк», «Заминбанк» банклар тузилди. Улар фермер хўжаликлари ва кичик корхоналарга хизмат қилмоқда. Қишлоқ корхоналарини табиий офатлардан ва уларнинг ўз шериклари билан муносабатларини суғурта қилувчи «Ўзагросуғурта» компанияси тузилди. (405)

**БИЗ
КЕЛАЖАГИМИЗНИ
ЎЗ ҚЎЛИМИЗ
БИЛАН
ҚУРАМИЗ**

1. БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасидаги маъруза. 1998 йил 25 февраль*

Иқтисодиётдаги ўсиш — инфляцияга қарши, молиявий барқарорлик ва пул муомаласи тизими-ни мустаҳкамлаш борасидаги тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилгани натижасидир.

1997 йилда давлат бюджетининг даромад ва харажат бўйича мўлжалланган кўрсаткичлари ҳам бажарилди. Бунда бюджет камомади мўлжалдагидан анча паст бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,2 фоизни ташкил этди.

Шуниси муҳимки, бу камомад инфляциядан холи бўлган манбалар — қисқа муддатли давлат облигацияларини 1,5 фоиз сотиш ва банк кредитларидан тушган даромадлар ҳисобидан қопланди.

1997 йилда нақд пул эмиссиясини назорат қилиш ва бошқаришнинг янги механизми жорий этилиб, самарали ишлай бошлади. Жойларда аҳолига савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш, пул ҳажмини товар билан мустаҳкамлаш масалалари билан фаол шуғулланилди. «Ўзбексавдо» ва «Ўзмаишийиттифок» тизимларининг янги асосда қайта ташкил этилгани ҳам бунга кўмаклашди.

1997 йилнинг январь-декабрь ойларида нақд пул эмиссияси 1996 йилдаги 26 фоиз ўрнига 7,8 фоизни ташкил этди. Бу ўринда шунини алоҳида

таъкидламоқчиманки, бюджет ташкилотлари ходимларининг маошлари, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида тўланиши таъминланмоқда.

Изчил пул-кредит сиёсати ўтказилиши туфайли умумий пул ҳажми ошиши суръати кескин равишда — 2,9 марта пасайди. Бу эса, инфляция даражасини жиловлашда, қисқартиришда ўз аксини топди. Инфляциянинг ўрта ҳисобдаги ойлик суръати 2,1 фоизни ташкил этди ёки 1996 йилдагига қараганда 2 баравар камайди.

... Пул муомаласининг мустаҳкамланиши, инфляция даражасининг пасайиши аҳолини аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилиш ва унинг даромадини кўпайтириш бўйича амалга оширилган тадбирлар билан биргаликда аҳолининг кўлгина қатламлари моддий аҳволини сезиларли даражада яхшилаш имконини берди. 1997 йилда аҳолининг муайян пул даромадлари жон бошига кўзда тутилганидан 10,5 фоиз ошди. (7—8)¹

1997 йилнинг устувор вазифаларидан бири — инвестицион фаолиятни, бошқача айтганда, иқтисодиётга сармоялар ётқизишни жадаллаштириш бўлди.

Ўтган йил молиявий таъминотнинг барча манбалари ҳисобига 270 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди ёки бу кўрсаткич 1996 йилга нисбатан 17фоиз ўсди. Инвестиция-

¹ *Ислом Каримов*. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. Т. 7. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. 7—8-бетлар. (Ушбу бўлимдаги манбалар ана шу китоб бўйича кўрсатилган).

лашнинг бундай юксак суръати кейинги ўн йилда кузатилган эмас.

Диққатга сазовор жойи шундаки, жами инвестицияларнинг 63 фоизидан ортиғи иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш секторида ўзлаштирилди.

Шу ўринда хорижий инвестицияни жалб этишга алоҳида эътибор берилганини айтиб ўтиш керак. 1997 йилда 1,1 миллиард АҚШ доллари ҳажмида хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, бу борада 1996 йилга нисбатан 1,3 баравар ўсишга эришдик. Капитал маблағлар умумий ҳажмининг бешдан бир қисми хорижий инвестиция ва кредитлар ҳиссасига тўғри келди.

Инвестиция ва тузилма сиёсатида асосий эътибор амалдаги ишлаб чиқариш тармоқларини жиҳозлаш ҳамда юксак қўшимча қиймат улушини таъминловчи янги, илғор технологияларга эга корхоналар қуришга қаратилди. Умумий сармоя миқдорининг 30 фоизи замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар харид қилишга сарфланди. (12—13)

Қатор инвестицион лойиҳалар, жумладан, япон ва немис кредитлар тармоғи, АҚШнинг Экспорт-импорт банки билан ҳамкорликдаги ҳамда Ўзбекистон—Америка қўшма дастури доирасидаги «Конверсия» лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

1995—1996 йилларда 57 лойиҳа бўйича иш бошлаган бўлсак, шунинг 23 таси 1997 йилда хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан амалга оширилди. Жорий йилда эса 25 та лойиҳа

бўйича ишни ниҳоясига етказиш мўлжалланмоқда.

Кўшма корхоналар тузиш йўли билан иқтисодиётга хорижий инвестицияни бевосита жалб этиш ривожланмоқда. Ҳозирги кунга келиб дунёнинг 80 мамлакати сармоядорлари иштирокида тузилган 3200 дан ортиқ кўшма корхона рўйхатга олинган.

1997 йилда ташқи савдо обороти қарийб 9 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Маҳсулотларимиз дунёнинг 78 мамлакатига экспорт қилинмоқда. Шу ўринда экспорт таркибида туб ўзгаришлар рўй берганини айтиб ўтиш керак. Экспортнинг анъанавий турлари — пахта, рангли металл билан бир қаторда Ўзбекистон бугун четга тармоқ маҳсулотлари — қалава, бензин, автомобиль сотишни йўлга қўйиб, жаҳон бозоридан муносиб ўрин олмоқда. (16)

Валютамиз ҳисобига асосан технология олиб келяпмиз. Фабрикаларимизни бутунлай янги технология асосида барпо этиапмиз. Бу сиёсат ўз самарасини беряпти. Мана, бугун кўрдинглар, ўтган йилга нисбатан биз ўзимизга керакли маҳсулотни четдан олиб келишни кескин камайтирдик. Агар шу йўлдан бораверсак, мен ўйлайманки, эртага Ўзбекистон ички бозорини маҳсулот билан таъминлаб қолмасдан, атрофдаги давлатларнинг бозорини ҳам эгаллашга қурбимиз бемалол, етади. Менинг бунга ишончим комил. (17—18)

Республика валюта бозорида сотилган хорижий валютанинг умумий ҳажми **3,5 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди.**

Бу 1996 йилдагидан анча кўпдир. Ҳозирги пайтда 27 та ваколатли банк биржа ва биржадан ташқари валюта бозорларида хорижий валюта сотиб олиш ва сотишни амалга оширмоқда.

1997 йилда экспортга мўлжалланган кенг истеъмол моллари ва маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, хорижий лойиҳаларни амалга ошириш ва хом ашё, материаллар ҳамда бутловчи буюмлар сотиб олиш учун ички конвертация ҳисобидан 2,5 миллиард АҚШ доллари сарфланди.

... Ўтган йил давомида Ўзбекистон тараққиёти йўлида анча буюк ишлар қилинган. Аммо 1997 йил якунларини танқидий кўз билан баҳолаб, шуни тан олишимиз керакки, бир қатор устувор вазифалар ҳали маромига етказиб бажарилмади.

Биринчи. Кўйлаб корхоналарнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда. Зарар кўриб ишлаётган корхоналардаги вазият амалда ўзгармаяпти. 302 та корхона 1997 молия йилини 3,8 миллиард сўм зарар кўриб якунлади. Корхоналарнинг қарзи уларнинг ўз жамғармаларидан деярли икки баравар ошиб кетди. (19)

Иккинчи. Банк-молия органлари кўраётган чораларга қарамай, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари муаммосини тўла ҳал эта олмаяпмиз.

1998 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, муддати ўтказиб юборилган **дебиторлик қарзлари 50,2 миллиард сўмдан, кредиторлик қарзлари эса, 80,3 миллиард сўмдан** ошиб кетди. «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси, «Ўзкимёсаноат» уюшмаси, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қишлоқ ва

сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзсувқурилиш» давлат концерни, «Ўзенгилсаноат» уюшмаси ва бошқа тизимлардаги корхоналарнинг қарздорлик даражаси энг баланд бўлиб қолмоқда.

Корхоналарнинг оғир молиявий аҳволи сабабларидан бири — аксарият жойларда корхоналар ҳануз бозор шароитларига мослаша олмаяпти, уларнинг раҳбарлари эса боқимандалик кайфиятидан халос бўлолмасдан, ҳали-ҳануз давлат ёрдамига кўз тикиб, қўл қовуштириб ўтирибди. Кўпгина амалдорлар онгида туб ўзгариш бўлмапти, улар эски замондаги режали, фонд-тақсимот тизими қолипларидан чиқолмаяпти. (20)

Бугунги кунда республика миқёсида 700 мингдан ортиқ ҳиссадор бор. Бу — кам, бу — мутлақо етарли эмас. Аммо улар ҳам ўз ҳиссаларини қўшимча ўн учинчи маош манбаи деб биладилар. Ҳалигача эски андозалар таъсиридан чиқолганимиз йўқ.

Акциядор, ҳиссадор киши ўзини ҳиссадорлик корхонасининг эгаси деб ҳисобламайди. Уларнинг кўпчилиги корхона меҳнат жамоасининг аъзолари бўла туриб, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, қайта ихтисослаштириш, қўшимча инвестициялар киритиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш ва истеъмол бозорини кенгайтириш каби жараёнларга мутлақо жалб этилмаган.

Корхоналарни эркин бозорда ўз акцияларини тарқатиш, шу жумладан, хорижий сармоядорларни жалб этиш ҳисобига фойда кўришдан манфаатдор қиладиган механизм ишлаб чиқилмаган. 1998 йилнинг бошидаги маълумотга кўра, ҳис-

садорлик жамиятлари эълон қилган қарийб 39 миллиард сўмлик акция сотилмаган ва тарқатилмаган.

Буни қандай баҳолаш мумкин? Шундай аҳвол вужудга келганки, у ё бу даражада акциялаштириш ўтказилган, бироқ бу акциялаштириш корхоналар учун акцияларни сотиш ва уларнинг иккиламчи бозордаги қиммати ошиши эвазига қўшимча сармоялар келиб тушадиган манбага айланмаяпти. Аниқ сўз билан айтганда, иккиламчи бозор мутлақо фаолият кўрсатмаяпти.

Биз ҳали халқаро молия бозорида ўзимизга муносиб, керакли даражадаги нуфузга эга бўлолмаяпмиз ва хорижий сармоядорларни жалб қилолмаяпмиз. Бирор-бир хорижий фонд биржасига ҳам чиқа олганимиз йўқ.

Акцияларни ташқи фонд бозорига тарқатиш вақти келди. Нима учун биз бу ишни мавжуд пахта заводларини акциялаштириш йўли билан амалга оширолмаймиз? Улардаги акцияларнинг бир қисмини халқаро қимматбаҳо қорғозлар бозорига чиқариш мумкин эмасми?

1998 йилда иқтисодий ислохотларни ривожлантиришнинг устувор жиҳатларига алоҳида тўхтаб ўтмоқчиман... (23—24)

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш. Тажириба шуни кўрсатадики, жаҳонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантирмай туриб, иқтисодий ўсиш, ишсизлик даражасининг пасайиши ва аҳолининг даромадлари ошишига эришган бирор мамлакат йўқ. Биз ҳам бу ҳақда кўпдан бери гапирамиз.

Бир қанча қонуний ҳужжатлар қабул қилинди, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган инфратузилма ташкил этилди. Бироқ бу масалаларда жиддий силжишлар юз бераётгани йўқ.

Бугун кичик корхоналар моддий-техникавий ва хомашёвий ресурсларнинг кўп турларини топишда қийналяпти. Тижорат банклари кичик бизнес учун узоқ муддатли қарз бериш билан амалда шуғулланмаяпти.

Ички кредит ресурсларининг етишмаслиги ҳаммага аён. Лекин бошқа бир йўл—хорижий кредитларни ўзлаштириш суръатларида сусткашлик бор. Шу мақсадлар учун ажратилган **350 миллион АҚШ долларидан беш йўғи 1,5 миллион доллар** ўзлаштирилган, холос.

Қисқа муддатларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун ажратилган хорижий кредитларни ўзлаштиришни тезлаштиришга, бу борадаги барча тўсиқларни, қуруқ расмиятчилик ва тўрачилик ғовларини олиб ташлашга қаратилган аниқ таклифлар ишлаб чиқиш керак. (29)

... Экспортни кенгайтириш ва валюта тўлов балансини мустаҳкамлаш масалалари устувор вазифа бўлиб турибди. Корхонани валюта ишлашга ундовчи омил бўладиган механизм яратиш керак. Алоҳида таъкидлаб айтаман: **ўз маҳсулотини экспорт қилиш ҳисобидан валюта тушумига эга бўлмаган бирон-бир корхона ўз ишини қониқарли деб ҳисоблашга ҳақли эмас.** (30)

... Фонд бозорини ривожлантириш. Эркин пул маблағлари, жумладан, ўзимизнинг ички имкониятларимизни ва хорижий сармояларни фонд

бозори орқали жалб қилишни кенгайтириш механизларини ва аниқ қоидаларини ишлаб чиқиш лозим. Қимматли қоғозлар бозори муомаласида бирламчи ва иккиламчи савдо бўйича ҳам мукамал фонд бозорини шакллантириш зарур.

Ваколатли бошқарув услубини жорий этиш йўли билан давлат акцияларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга эришиш керак. Бунда давлат пакетларини **танлов асосида** энг қобилиятли, лаёқатли раҳбарларга бериш кўзда тутилади.

Энг муҳим масала—акция эгалари ўзларини нафақат қўшимча даромад, балки акция чиқарган корхоналарнинг эгаси сифатида ҳис қилишларини тарбиялашимиз лозим.

Ўзбекистонга кредит рейтингини олиш йўли орқали республика фонд бозорининг халқаро капитал бозори билан бирлаштирилувини таъминлаш, мамлакат қимматли қоғозлар бозорида хорижий сармоядорлар иштироки механизми ва ҳуқуқий асосини такомиллаштириш зарур.

Чет эл қимматли қоғозлар бозорида эса Ўзбекистон корхоналари чиқарадиган акцияларни жойлаштиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини ишлаб чиқиш лозим.

Жаҳоннинг етакчи инвестицион институтлари билан техник ҳамкорликни фаоллаштириш ҳамда хорижий сармоядорлар талабларини ҳисобга олган ҳолда, корхонанинг молиявий аҳволини баҳолаш андозаларини такомиллаштириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. (31—32)

2. БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING XI СЕССИЯСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

1998 йил 30 апрель

Умуман, лўнда қилиб айтганда, хорижий сармоялар, ҳозир инвестициялар деяпмиз, яъни чет эл фирмаларининг сармоялари, маблағлари Ўзбекистонга керакми-йўқми? Мен нафақат сиз депутатларни, балки юртимиздаги оддий фуқароларни, олис-олис жойларда яшаётган одамларнинг савияси, тушунчасини инобатга олиб, шу саволларни кўндаланг қўймоқчиман. Ўзи, чет мамлакатлардан сармоя келмаса, бизлар яшашимиз мумкинми?! Агар чет мамлакатлардан инвестициялар келмаса, биз ўз мақсадларимизга эришишимиз — буюк давлат қуриш, фаровон ҳаёт барпо этиш, бутунги энг тараққий топган давлатларга тенглаша олишимиз мумкинми, йўқми?

Бу залда ўтирганларнинг аксарият кўпчилиги, мен ўйлайманки, юрт гамини ейдиган, эртанги кун ҳақида қайғурадиган одамлар. Уларнинг барчаси бу саволга албатта, ижобий жавоб беради. Четдан сармоя келмаса, четдан инвестиция келмаса, Ўзбекистон тез орада тараққий топган давлатлар даражасига чиқа олмайди.

Биз бир вақтлар мустабид тузумда, собиқ Иттифоқ тизимида яшаб, унинг қоидалари ва талабларига итоат қилиб, асосан хом ашё минтақасига айланиб қолганимизни такроран одамларимизнинг эсига солмоқчиман. Ўзбекистон

деганда илгари одамларнинг тасавбурида нима жонланар эди? Пахта далалари ва далаларда машаққатли меҳнат билан банд бўлган бечора заҳматкаш деҳқонларимиз.

Бир фараз қилинглар, ўн йил олдин худди шу манзара ҳаётимизнинг асосий мазмуни эди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз шундай тез суръат билан ривожланиптики, уни тасаввур қилиш ҳам осон кечмаётибди. Баъзи бир юртдошларимизга бугунги эришган натижаларимиз худдики осмондан тушаётгандек, ўз-ўзидан пайдо бўлаётгандек ҳам туюлаяпти. Гўё бугунги тараққиёт ҳаётимизда ўз-ўзидан амалга ошаётгандек. Гоҳо баъзи бир танқидчиларимиз айтайлик, шундай хаёлга ҳам бориши мумкин.

Шунинг учун шу саволларни такроран бериб, одамларга реал ҳақиқатни эслатиш фойдадан холи бўлмас, деб ўйлайман.

Яқин ўтмишда, яъни бундан ўн йил олдин Ўзбекистонни ким танирди? Биз хорижий мамлакатларни умуман билмасдик. Хорижий мамлакатлар ҳам бизни мутлақо билмасди. Агар ўша ёқларда Ўзбекистон қаерда жойлашган, Ўзбекистон нима билан шуғулланади, Ўзбекистонда қандай одамлар яшайди, халқи нима билан банд, деб сўраса, ҳаммаси битта иборани ишлатар эди. Нима эмиш, «Ўзбекистон пахта макони» эмиш. Лекин бу «пахта макони» мана шу халққа нима берди? «Пахта макони»га айланган юртимиз нафақат бутун социалистик лагерь, айтайлик, дунёнинг кўп-кўп бошқа мамлакатларига ҳам пахта етиштириб бериб, бундан нима наф кўрди? Ўзбе-

кистонда ҳукм сурган «пахта яккаҳоқимлиги»ни эсингизга олинг. Бундай ҳолнинг табиатимизга, одамлар ҳаётига салбий таъсирини олинг. Агар ўша замонни эсласак, «пахта яккаҳоқимлиги» даврида фақат томларимизда пахта экилмади, холос.

Ҳақиқатни англаш учун дунёда битта синалган услуб бор. Солиштириш керак, қиёслаш керак. Кеча ким эдик, айтайлик, нима масалада бизлар азоб-уқубат чекканмиз ва бугунги ҳаётимизнинг, эртанги режаларимизнинг шундан қандай фарқи бор? Бизлар қандай қадам қўяймиз, тўғри йўлданми, йўқми, деган саволга жавоб бераётганда фақат қиёслаш керак. Қуруқ ташвиқот керак эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, яна бир бор айтаман: жаҳон жамоатчилиги илгари харитадан Ўзбекистонни кўрсатишга қийналадиган бўлса, ҳозир давлатимизни бутун дунё таниб бормоқда. Ҳозир юртимизга кўплаб мамлакатлардан делегациялар келади.

Биргина ўтган ойнинг ўзида дунёнинг манман деган давлатлари, мисол учун АҚШнинг энг кўзга кўринган сенаторлари, конгрессменларининг кўпчилиги Ватанимизга келиб кетишди. Биласизлар, матбуотда, телевидениеда Ўзбекистон Президенти фалон делегацияни қабул қилди, деб бериладиган хабар бу шунчаки қуруқ маълумот эмас. Бунинг тагида чуқур маъно бор. Тараққий топган дунёда катта нуфузга эга давлатларнинг раҳбарлари ва шуларнинг вакиллари Ўзбекистонга келиб, ўз ҳурматини изҳор

қилиши, ўз таклифларини билдириши ҳамкорлик масаласига умуман, биргалашиб ишлашга тайёр эканликларини изҳор қилиши—бу уларнинг Ўзбекистонни халқимизни, бизнинг, салоҳиятимизни яна бир бор эътироф этганини, тан олганини билдиради.

Шулар билан гаплашганда мен уларга, ўн йил олдин Ўзбекистонни харитадан кўрсатиб бера олармидингиз, десам, ҳақиқатни айтадиган бўлсак, йўқ, тополмасдик, дейди. Ўзбекистон деганда фақат Самарқанд, Хива ёки Бухоро қарда бўлганлигини билардик, қолганини билмас эдик, деб ошкора айтади улар.

Мен нима демоқчиман? Айтмоқчиманки, биз кечаги ҳаётимиздан буткул воз кечганимиз йўқ. Умуман, тарихдан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Тарих — бу бизларники, аччиқ бўлса ҳам, чучук бўлса ҳам, у биз учун ҳаётдан сабоқ ва хулосалар чиқариш учун хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда кеча фақат хом ашё ва хом ашё маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўзбекистон бугун дунё харитасидан ўз муносиб ўрнини эгаллашга, бошқа тараққий топган мамлакатлар, авваламбор, АҚШ, Фарбдаги демократик давлатлар, Шарқдаги Япония, Корея, Малайзия ёки шунга ўхшаш давлатларга тенг бўлишни ўз олдига мақсад қилиб кўяр экан, бунда биринчи галда чет эл сармоялари, чет эл инвестицияси ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Мен ҳозир тилга олиб ўтган кўпчилик давлатларнинг тарихи шуни кўрсатадики, агар хорижий мамлакатлардан сармоя келмаса, ин-

вестиция келмаса, ҳеч қачон бу давлатлар бугунги ривожланиш даражасига кўтарила олмас эди.

Яқинда Европа ва Америкада бир тарихий воқеага — Маршалл планига бағишлаб катта мажлислар, турли маросимлар ўтказилди. Биласизларки, Маршалл деган одам АҚШ давлат котиби бўлиб, у Европани Иккинчи жаҳон урушидан кейин оёққа кўтариш учун махсус дастур ишлаб чиқишга бошчилик қилган.

Шу дастур Маршалл плани деб аталади. Франция, Буюк Британия, Германия ва шунга ўхшаган Европа давлатларининг бугунги савиясини кўрсангиз, беихтиёр одамнинг ҳаваси келади. Лекин урушдан кейинги уларнинг аҳволини бир эслаб кўрайлик. Қай аҳволда эди Европа? Маршаллнинг плани нима берди? Америка Қўшма Штатлари Европани тиклаш учун бир йўла катта маблағни тавсия қилди. Маршалл планига асосан тахминан 50 миллиард доллар Европа давлатларига кредит сифатида берилди. Мазкур маблағ бу мамлакатларнинг иқтисодини ўнглаб, ҳаёт даражасини кўтаришга, авваламбор илғор технологияларни жорий этишга ва умумбашарий тараққиёт йўлига қайтаришга катта хизмат қилди. Маршалл плани ана шундай улкан натижа берди.

Энди Японияни олайлик. Урушдан кейин Япония қай даражада эди? Қандай аҳволда эди? Бу вайрона бўлиб ётган давлат 50 йилдан кейин бугунги юксак тараққиёт даражасига кўтарилади, деб ким тасаввур қила оларди? Кореяни олинглар. Қай аҳволда эди Жанубий Корея?

Хуллас, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳаммаси, барчаси нима ҳисобидан кўтарилади? Албатта, биринчи галда, ўз кучига таяниб, ўз имкониятларига суяниб. Лекин четдан кўмак, сармоялар бўлмаса, ўз мақсадига эриша олмасди.

Ўзбекистоннинг ривожланиш модели, Ўзбекистоннинг тараққиёт режаси ва дастурларини тузганда биз аввало нимага ишондик ва нимага асосландик? Ўзимизнинг кучимизга. Ўзимизнинг тарихимизга. Ўзимизнинг фаҳримизга. Ўзимизнинг ғуруримизга ва шу йўл билан фаровон турмушга эришишни ўзимизга қатъий мақсад қилиб белгиладик. Лекин, шу билан бирга, фақат шу мезонга, шу омилга суяниб кўп нарсага эришиш мумкин эмас. Тараққиёт учун сармоя керак. Инвестиция керак.

Мана, кеча Япониядаги энг катта фирмаларнинг раҳбарлари Ўзбекистонга келди. Булар шундай катта фирмаларки, улар Япониянинг бутун капитал дунёсини ушлаб туради. Улар орасида Япониянинг иқтисодий ташкилотлари федерацияси — «Кейданрэн» деган йирик бирлашмаси ҳам бор. Бу фирмалар нафақат молиявий иқтисодни, керак бўлса, ўз ҳукуматининг сиёсатини ҳам белгилайдиган қудратга эга.

Биз улар билан учрашиб фикр алмашдик. Жумладан, федерация раҳбари жаноб Тоёда билан ҳам суҳбатлашдик. Бу япон фирмаларининг энг катта раҳбари, кўп нарсани биладиган, тажрибали одам. Шулар билан учрашиб, яна бир бор гаплашиб олдик. Учрашувлар давомида Япония Ўзбе-

кистонга қандай қараяпти, бизга муносабати, сармоя бериш соҳасидаги режалари, бизларнинг эртанги кунимизга ишончи борми-йўқми — шу каби масалалар хусусида атрофлича кенгашиб олдик.

Фикримни яқунлаб айтмоқчиманки, агар Ўзбекистон тез кунларда ўзининг мақсадига, ўз муродига эришмоқчи бўлса, чет мамлакатлар, бой давлатларнинг сармоясини олиб келмасдан бу ниятларни амалга ошириб бўлмайди. Истардимки, бу оддий, лекин ғоят муҳим ҳаётий ҳақиқатни мактабларда ўқиётган, олий ўқув юртларида таълим олаётган болаларимиз, эртага бизнинг ўрнимизга келадиган фарзандларимиз яхши англаб олса, қолаверса, ҳар қайси фуқаро шуни яхши тушуниб етса. Чунки, бу ҳаётий ҳақиқат — бизнинг эртанги кунимизнинг гарови. Такрорлаб айтман: бу — гаров. Бу — шарт. Агар шу шартни амалга оширсак, эртага марра бизларники.

Шу сабабли мана шу иккита — яъни «Чет эл инвестициялари» ва «Хорижий инвесторлар ва инвестицияларга кафолат бериш тўғрисида»ги қонунларни кўраётганда табиий савол туғилади: хўш, нима учун биз бу қонунларни қабул қиляпмиз? 1992 йилда қабул қилган қонунларни бугунги кўз билан бошқатдан қараб, яна бошқатдан таҳририни ўзгартиряпмиз? Сабаб нима?

Сабаб шундаки, бутун дунёнинг маблағи, барча бой-бадавлат давлатларнинг инвестициялар учун ажратадиган маблағлари, сармоялари, булар ҳаммаси бир қозонда қайнаб турибди. Бугунги умумбашарий шароит шундайки, жаҳонда умуман

глобализация деган жараён кечяпти. Дунёда қанча ортиқча сармоя бор, бу сармояни бошқаларга бериш, ёрдам тариқасида бериш, ўзига фойда орттириш миқдори каби масалалар ҳаммага маълум. Лекин савол туғилади: хўш, бу сармоя қайси давлатларга, қайси минтақага биринчи навбатда оқиб боради? Қайси ишлар учун, қайси тармоқлар ва минтақаларнинг ривожини учун ётқизилади? Мана шу масала бугун, бугунги жаҳон сиёсатида, иқтисодий сиёсатида ва бошқа сиёсатда энг катта аҳамиятга эга бўлган масала. Худдики дарё оқиб келяпти, бу дарёнинг чегаралари ва манзили қаёқда?

Агар мустақил бўлган йилимиздан ҳисобласак, бугун Ўзбекистонга келган сармоя тахминан 8 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Бир йилда биз тахминан 1 миллиард АҚШ долларини ўзлаштиряпмиз. Лекин бу бизнинг имкониятларимиз даражасидан кам, бу ҳар томонлама қараганда режаларимизни амалга ошириш учун етарли эмас. Шунинг учун биз тезроқ ўсмоқчи бўлсак, иқтисодимизни жаҳон иқтисодига тенг қилмоқчи бўлсак, авваламбор, саноатни, иқтисодни ривожлантирмоқчи бўлсак, Голландия, Германия, Хитой ва Япония технологияларини олиб келиб, қишлоқ хўжалигини кўтармоқчи бўлсак, бизга сармоя, сармоя, яна бир бор сармоя керак. Яъни, хорижий инвестициялар керак.

Шу нуқтаи назардан бу қонунларни қабул қилишимизнинг, уларни қайтадан кўриб чиқишимизнинг сабаби битта, қаерда имтиёз бўлса,

қаерда шароит бўлса, қаерда агарки қонуний гаров, қонуний кафолат бериладиган бўлса, шу ёққа сармоя келади. Буни яна тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Мен ишонаманки, мана шу гапларимни оддий одамларга, жамоатчилигимизга, халқимизга етказасизлар. Яъни қаерда шароит бўлса, қаерда қулай иқлим бўлса, қаерда шундай имтиёзлар бўлса, улар шундан фойдасини кўрса, кафолатига ишонса шу жойга ишониб сармоя олиб келади. **Кафолат дегани — бу жуда оғир нарса. Кафолат деганда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам молиявий кафолат беришимиз керак. Бунинг фоизлари бор, бунинг гаровлари, ўзига яраша шарт-мажбуриятлари бор. Биз буларнинг ҳаммасини мужассамлаштириб, қонуний нуқтаи назардан, қонун билан кафолатини берар эканмиз, бу ишларимизни тарғибот қилиш керак, ташвиқот қилиш керак. Чет эллардаги катта нуфузли компанияларга, пулдор банкларга, халқаро молия ташкилотларига мана шу қонунларимизнинг моҳиятини чуқур тушунтиришимиз, бошқача айтганда, миясига қуйиб қўйишимиз керак. Ўзбекистонда биринчи навбатда сиёсий, иқтисодий, молиявий барқарорлик мавжуд, бу ҳар қандай сармоянинг асосий гарови, асосий шarti, деб айтишимиз керак. Сизлар сўраётган кафолатни биз берамиз, қулай шарт-шароит ҳам яратиб берамиз. Шу билан бирга фоизини ҳам қойил қилиб берамиз. Сизларнинг ички ишларингизга аралашиб ёки йўлингизга ғов бўладиган тўсиқларни бартараф этишга, керак бўлса, зўравонларнинг пайини қирқишга мана шу қонунлар асос бўлади, деб биз**

кафиллик беришимиз даркор. Токи уларда шундай ишонч пайдо бўлсинки, Ўзбекистонга сармоя келтирган хорижий инвестор бошқа жойдагига нисбатан кўпроқ фойда олсин.

Албатта, мен бу гапларни биринчи марта айтаётганим йўқ. Лекин шуни унутмаслик лозимки, дунёда ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳеч қандай даврда ҳам текинга Ўзбекистонга ёрдам бермайди. Чунки манфаатсиз, ўзининг мақсадига эришмасдан, бирор фойда кўрмасдан ёрдам бериш деган гаплар — буларнинг барчаси пуч гаплардир.

Шунинг учун мана шу қонунларнинг синчиқлаб мағзига етиб борсак, бизлар 1993 йилда қабул қилган қонунни кеча иккита мустақил қонунга айланттирдик. Яъни чет эл инвестицияларини алоҳида кўриб чиқдик. Мана шу инвестицияларга кафолат бериш масаласини муҳокама қилдик ва уни кенгайттирдик. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда хорижий сармояларга қандай имтиёзлар берилаётганини, уларнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам молиявий кафолатини содда ва аниқ тарзда ишлаб чиқдик, энди тегишли ташвиқот ишларини жойига қўйишимиз зарур. Агар эртага бизга бирор сармоядор келса, унга мана шундай ҳолатни кўрсатиб, сўнгра у билан гаплашамиз. Қуруқ гаплар керак эмас, ваъдалар керак эмас. Қонун бизлар учун ҳам қонун, сизлар учун ҳам қонун, деб айтамыз.

Бу ерда яна битта масала бор. Инвестициялар келиши ўз йўли билан, лекин Ўзбекистоннинг модели, иқтисоди, иқтисод ривожининг роли шундайки, биз ўз ҳал қилувчи бойликларимизни,

ўз иқтисодий потенциалимизни ҳеч кимга сотганимиз йўқ. Баъзи қўшни давлатлар тажрибалари бизга тўғри келмайди. Бизда ундаги нарсалар йўқ, буни нафақат сизларга, балки халқимизга қарата ҳисобот тариқасида айтаяпман. 6—7 йил давомида биронта катта корхонамизни ёки ривожимизнинг асоси бўлмиш бойликларимизни ҳеч кимга сотганимиз йўқ. Агарки, бирон-бир хорижий ҳамкоримиз сармоя олиб келаётган бўлса, бу борадаги шартномалар қонунларимиз асосида бўляпти.

Мана мисол учун «ДЭУ» билан автомобиль заводини худди шу асосда қурдик. Бухорода улкан нефтни қайта ишлаш корхонасини ҳам айни шу тарзда барпо этдик. Ишонасизми-йўқми, бунга кам одам ишонади, бу лойиҳанинг умумий нархи ярим миллиард АҚШ долларидан кўпроқ. Фақат технологик қисми 262 миллион АҚШ долларини ташкил этди, қайтариб айтаман, бу фақат технологик қисми. Ундан ташқари, бошқа кўплаб мураккаб иншоотларни қуриш керак эди. Сув олиб келиш керак, электр олиб келиш керак, йўлларни қуриш керак, иморатларни қуриш керак ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммасига, айтиб ўтганимдек, ярим миллиард АҚШ доллари зарур эди. Биз шу қурилиш учун хорижий мамлакатлардан сармоя олиб келаётганда 40 фоизини бевосита ўзимиз толдик, яъни Ўзбекистон сармояси сифатида ўртага қўйдик. Шунинг ҳисобидан оладиган фойдамизнинг тақсимоти қуйидагича: 40 фоизи ўзимизга тушяпти. 60 фоизи ҳозирча уларга

тушяпти. Эртага ҳамма олган кредитларнинг ҳисоб-китобини жойига қўйсақ, фойданинг юз фоизи ўзимизники бўлади.

Барпо этилган ва этилаётган бошқа йирик корхоналарни ҳам шу нуқтаи назардан кўриб чиқсак, шунга амин бўлиш мумкинки, биз ҳеч қачон ўз манфаатимизни ва иқтисодий мустақиллигимизни хавф остида қолдирганимиз йўқ. Биз сиёсатимизни, ривожимиз дастурларини тузаётганда фақат бугунги кунни эмас, эртанги кунни ўйлаб қадам қўйдик. Сизларга раҳмат, шу сиёсатни тўғри тушуниб, қўллаб-қувватладингиз. Мана шу сиёсатнинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаяпти. Ва муқаддас заминимизда ҳаёт кечираётган ҳар бир инсон унинг натижасини, ҳосилини аста-секин кўряпти.

Азиз биродарлар!

Муродимизга етмоқчи эканмиз, белни маҳкам боғлайлик. 6 йил мобайнида эришган ютуқларимиз, эртанги кунимизга умид уйғотиб, пойдеворимизни янада мустаҳкамлайди. Аминманки, бизнинг ўрнимизга келадиган авлод биздан кучли бўлади! Бизнинг хатоларимизни такрорламайди. Уларнинг тажрибаси, дунёқараши мутлақо бошқача бўлади. Улар вақтини, куч-ғайратини боқимандалик, совет тузумидан қолган бошқа иллатларга қарши курашга сарфламайди. Улар фақат олға юради, бошқалардан кам бўлмасликка, ўзбек миллатини, керак бўлса, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг бахтини, иқболини юксалтиришга ҳаракат қилади. Бу баландлар-

воз гаплар эмас. Мен сизларнинг сиймонгизда ақл-заковатли, мард, тиниб-тинчимас халқимизни кўряпман. Ўз қадримизга етайлик. Ютуқларимиздан ғурурланайлигу, лекин бошимиз айланмасин, оёғимиз ердан узилмасин. (43—51)

3. ХАЛҚ БИЗДАН АМАЛИЙ ИШЛАРНИ КУТМОҚДА

*Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашиининг
сессиясида сўзланган нутқ.
1998 йил 3 июнь*

Вилоятда мавжуд 47 та қўшма корхонанинг учдан бир қисми фаолият кўрсатмаяпти. Улар томонидан маҳсулотларни экспорт қилиш ишига эътибор берилмаган. Қўшма корхоналарнинг аксарияти ички бозорда тижорат ишлари билан шуғулланмоқда. Низомда белгиланган ишлаб чиқариш фаолияти эсдан чиққан. Бу осон йўл билан пул топиш, ўзини ҳам, жамиятни ҳам алдашдан бошқа нарса эмас. (68)

Бюджетга ундирилмаган боқимандалик қарзлар миқдори 1998 йил 1 январда 6,2 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 1998 йил 1 апрелда бу кўрсаткич 8 миллиард 74 миллион сўмни ташкил этди. Мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг йўл қўйган камчилиги бутун вилоят халқ хўжалигини орқага тортишга сабаб бўлмоқда.

Бюджет кўрсатмалари ва даромадлари бажарилмаса, ойлик-маош ҳисобидан яшаётган ўқитувчилар, шифокорлар, маъмурий ташкилотларнинг ходимлари каби хизматчиларнинг иш ҳақи нима ҳисобидан тўланади? (69)

4. ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
йигилишида сўзланган нутқ. 1998 йил 28 июль*

Шубҳасизки, сўнги вақтларда иқтисодиётимизда, жамиятнинг ташкилий ва бошқарув тизимида, умуман кундалик ҳаётимизда рўй бераётган муайян ижобий ўзгаришларни сезмаслик мумкин эмас. Улар нималардан иборат?

Биринчидан, иқтисодиётимиздаги изчил ривожланиш тамойиллари нафақат мустаҳкамланди, балки янада яққолроқ кўрина бошлади. Макроиктисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди. Тўлов интизоми яхшиланди. Иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқларидаги мутаносиблик ва барқарорлик кучайди. Яхши биласизларки, биз айни шу вазифаларни 1998 йил учун бош устувор йўналишлар сифатида белгилаган эдик...

Иқтисодий ўсиш молиявий ва пул айланишининг барқарорлигига етиш билан бир қаторда, инфляция даражасининг пасайишига эришилмоқда. Биринчи ярим йилликда инфляция даражаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,3 марта пасайди ва ойига ўртача ҳисоблаганда 1,5 фоизни ташкил этди. Бу шу йил учун мўлжал қилинган кўрсаткичларга тўла мос келади. Нақд пул эмиссияси эса, 8,7 фоиз даражасида мўлжалланган бўлсада, амалда бор-йўғи 2,6 фоиз бўлди. (110)

Иккинчидан. Инвестиция фаолиятини кенгайтириш ҳисобидан иқтисодиётда таркибий ўзга-

ришлар собитқадамлик билан амалга оширилмоқда. Фақат биринчи ярим йилликда иқтисодиётга ётқизилган капитал маблағларнинг умумий ҳажми 12 фоиз ортди ва 150 миллиард сўмга етди. Бу ялпи ички маҳсулотнинг учдан бирига тенгдир. Сармояларнинг 55 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳаларини, айниқса, транспорт ва алоқа, ёқилғи-энергетика мажмуи, қишлоқ хўжалиғи, озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга йўналтирилди. (111)

Тижорат банклари фаолиятида, улар ўтказаетган кредит сиёсатида ҳам ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда. Яқин-яқинда банклар ажратган маблағларнинг 90 фоизини қисқа муддатли тижорат кредитлари ташкил этар эди. Бугунги кунда кредит ресурсларининг ярмидан ортиғи узоқ муддатли, иқтисодиётнинг устувор тармоқларидаги инвестиция лойиҳаларини молиялашга сарфланмоқда. Айни пайтда банкларнинг устама фоизлари барқарорлиғича ойига 3 фоиз миқдориди сақланиб турибди. (112)

... Ўзбекистоннинг жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалари кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Республикамиз жаҳон бозориди тобора нуфузли ва ишончли шерик, дунёдаги хўжалик муносабатлари тизимида фаол қатнашчига айланмоқда. Бунинг учун барча зарур ҳуқуқий ва амалий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бунга «Чет эл инвестициялари тўғрисида» ва «Чет эл инвесторлари ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғриси-

да» иккита янги қонуннинг қабул қилиниши, жаҳоннинг 35 мамлакати билан савдо-иқтисодий ҳамкорликда қулай шарт-шароит яратиб бериш тўғрисида Битим имзолангани, Вашингтонда Ўзбекистон—Америка комиссиясининг биринчи мажлиси ўтказилгани, АҚШ, Япония, Исроил каби бир қанча мамлакатларда қатор конференция ва бизнес-семинарлар ташкил этилгани ёрқин мисол бўла олади.

Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европада ҳамкорлик бўйича комиссия, Осиё тараққиёт банки каби бир неча халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлигимиз сезиларли даражада мустақамланди.

Шу йилнинг ўзида Жаҳон банкининг Директорлар кенгаши корхоналарни ташкилий ўзгартириш ва хусусийлаштиришдан сўнг қўллаб-қувватлаш лойиҳаси бўйича 28 миллион долларлик маблағ ажратиш ҳақидаги битимни имзолади. Тошкент шаҳрининг санитария ҳолатини янада яхшилаш ва соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш лойиҳалари бўйича иш давом этмоқда.

Осиё тараққиёт банки билан транспорт инфраструктурасини такомиллаштириш, маориф ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш борасида лойиҳалар тайёрлаш ва амалга ошириш хусусида келишувга эришилди. Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув адабиётлари чиқариш тизимини такомиллаштириш бўйича 40 миллион долларлик имтиёзли кредит ҳақида шартномалар қабул қилинди. (113—114)

Бундай вазиятдан ва боқимандалик кайфиятидан халос бўлишнинг йўли борми? Албатта бор!..

... Аввало биржа фондида, эркин савдода фуқароларга, шу жумладан хорижий инвесторларга сотиш учун мўлжалланган акциялар пакети реализациясини тезлаштириш зарур. Бу акциялар шунчаки қоғоз эмас, том маънода қимматли қоғоз бўлмоғи керак. Токи ҳар бир акцияси учун акциядор дивиденд, даромад олсин. Акция савдосининг сўнгги икки талабига тўлиқ амал қилинган тақдирдагина корхона ҳақиқатан ҳам акциялашган ҳисобланади.

Тан олишимиз керакки, тармоқлар, корхоналар раҳбарлари инвесторлар, авваламбор хорижий инвесторлар диққат-эътиборини ўзларига жалб қилолмаяпти. Акцияларнинг эркин савдога мўлжалланган салмоқли қисми ўз харидорини тополмаётганини фақат шу билан изоҳлаш мумкин. (120—121)

Шуни ҳам назардан соқит қилмаслик керакки, инвестиция фондлари ва уларни бошқарадиган компанияларнинг сунъий молия пирамидаларига айланиб кетишининг олдини олиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқ зарур. Бу ҳам бевосита Мулк кўмитасининг вазифасига киради.

Яна бир катта муаммомиз. **Кўп корхоналарнинг молиявий аҳволи ҳамон оғир бўлиб қолаётгани бизни қаттиқ ташвишлантиряпти.** Ўзаро тўловлар аҳволи ҳам қониқарли эмас. Корхоналарнинг жўнатилган юклар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат бўйича муддати ўтказиб юборилган

дебиторлик қарзи жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра 75 миллиард сўмни, кредиторлик қарзи эса 87 миллиард сўмни ташкил этди.

Дебиторлик қарзининг ўсишига йўл қўяётган масъул шахсларнинг, корхона раҳбарларининг бу номақбул иш учун бевосита жавобгар эканликларини яна бир бор эслатмоқчиман. Мен учун давлат тартиби — аввало тўлов тартибларига риоя қилишдан бошланади.

Дебиторлик қарзларининг мавжудлиги шу ташкилотлар учун ўз айланма маблағларининг етишмаслигига олиб келмоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва техник қайта жиҳозлашни орқага сурмоқда.

Бундан ташқари, айланма маблағларнинг каттагина қисми ҳамон яқунланмаган ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқариш захираларига, тайёр маҳсулот захираларига жалб этилиб, ҳаракатсиз туриб қолмоқда. Шу билан бирга, айланма маблағлар ҳамон тижорий режада кўзда тутилмаган тадбирларга сарфланмоқда.

Бундай ўзбошимчаликнинг жавобгарлиги борми-йўқми? Айланма маблағларнинг сақланиши ва ўз вақтида тўлдириб борилиши ҳақидаги Фармоннинг кучи қаерда қолди? Мазкур Фармонга биноан, айланма маблағларнинг сақланиши, аниқ мақсадларда фойдаланилиши ва ўз вақтида тўлдириб борилиши учун вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, ассоциациялар, холдинг компаниялар раҳбарлари ёки уларнинг иқтисодий масалалар бўйича муовини, корхоналарнинг ўзида эса директорлар, уларнинг иқти-

содий масалалар бўйича ўринбосари ва бухгалтерлар шахсан жавобгар эканликлари кўрсатилганми, йўқми?! (122—123)

Банкларнинг низом капиталини танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш пайти келди. Банкларнинг низом жамғармасида асосий ўринни акциядорлик капитали эгаллаши лозим. Банкларни уларнинг эгалари бошқариши керак. Банклар бошқарувида айнан ана шу банк эгалари бўлиши керак, банк ходимлари эса шартнома орқали ишлайдиган хизматчилар бўлиб қолиши лозим. Бир сўз билан айтганда, банкларимизни, жумладан, тижорат банкларини мансабдорлар зўравонлигидан қутқариш зарур. (126—127)

5. ХАЛҚИМИЗ ЖИПСЛИГИ — ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

*Биринчи чақирғиқ Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясидаги маъруза.
1998 йил 28 август*

Яна бир масала ҳақида гапирмоқчиман. Ўйлайманки, бу масала ҳар бир ватандошимизни қизиқтиради, ўйлантиради. Бугун кўпчилик Россия молия бозорида нималар бўляпти, деб ўзига ўзи савол бермоқда. Россия валютаси — рублга нима бўлди? Бу танглик бизнинг иқтисодиётимиз, молиявий ҳаётимизга, бозорларимиздаги нархнавога, халқимизнинг турмуш даражасига нечоғли таъсир этиши мумкин?

Бу молиявий танглик, Россия рубли қадрсизланиши, банк тизимидаги беқарорлик, шунингдек, олдиндан айтиб бўлмайдиган нохушликлар

сабаби ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман. Бу бизнинг мақсадимизга кирмайди.

Ўйлайманки, жамоатчилигимизда, халқимизда бу масалалар бўйича етарли фикр-маълумот бор.

Изчил ривожланиш муаммосини фақат ҳар хил молиявий найранглар, молиявий пирамидалар, жумладан, қисқа муддатли давлат облигациялари, ёки жўнроқ айтганда, ГКО бозорини ташкил этиш билан, шунингдек бюджет харажатларини қоплаш учун кредит ресурсларини четдан олиш билан ҳал қилиб бўлмайди.

Барчамизга аёнки, иқтисодиётнинг реал секторлари — саноатда, қишлоқ хўжалигида, яъни ҳар бир давлатнинг изчил ривожини таъминловчи иқтисодиёт тармоқлари жонланиши иқтисодни соғломлаштиришга олиб келади. Бусиз молиявий тангликдан қутулиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Узоққа мўлжалланган, иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини аниқлаб берадиган, пухта ўйланган дастур керак. Бу дастурга халқни ишонтира билиш, уни амалга ошириш учун элни сафарбар эта билиш зарур. Ким ҳақу, ким ноҳақ деб, ўзаро тортишувдан фойда йўқ. Сиёсий можароларга чек қўйиш керак. Менимча, фақат ягона платформа ишлаб чиқилган тақдирдагина бугунги қийин вазиятдан чиқиш мумкин.

Россия молия бозоридаги салбий аҳвол валюта-курсига ва умуман биздаги мавжуд нарх-навога таъсир этадими? Очиқ айтишим керак: таъсир этади. Чунки Россия билан савдо, иқти-

содий алоқаларимиз бор ва Россия бизнинг асосий ҳамкорларимиздан биридир. Лекин, аниқ айтишим мумкинки, бу танглик бизнинг иқтисодимизга катта таъсир қила олмайди. Бунинг сабаблари қуйидагича:

Биринчидан. Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган Россия банклари санокли.

Иккинчидан. Россия банклари билан ўзаро тўлов муносабатларимиз эркин конвертация қилинадиган «қаттиқ» валюта асосига қурилган.

Учинчидан. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги товар айланиш ҳажми ташқи савдо обороти умумий ҳажмининг атиги 15—20 фоизини ташкил этади. Россиядан, биз асосан нархи кескин ўзгармайдиган асбоб-ускуналар, дастгоҳлар, саноат-техник мақсадларга мўлжалланган буюмлар харид қиламиз.

Россиянинг тегишли идоралари, банклари билан биз бугун бу салбий таъсирнинг мумкин қадар кам бўлиши чораларини кўряпмиз. (162—163)

6. ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ ШАРТ!

*Вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан
учрашувда сўзланган нутқ. 1998 йил 23 декабрь*

Буларнинг барчаси бугунги мураккаб, яъни ўтиш даврининг ҳали ечилмаган ички муаммолари билан бир қаторда, ташқи салбий омиллар ҳам иқтисодиётимизга жиддий таъсир кўрсатаётган вазиятда ниҳоятда муҳимдир.

Гап нима ҳақида кетяпти?

Биринчидан, иқтисодиётимизнинг ҳолати ва самарадорлигига, бутун иқтисодий ислохотлар жараёнига дунё иқтисодиётида, Жанубий-Шарқий Осиё, айниқса Россияда авжга чиққан, бутун дунё молия тизимини издан чиқариб, фалаж қилган иқтисодий инқироз салбий таъсир қилмаслиги мумкин эмасди.

Очиқ эътироф этиш керак: эндиликда ана шу умумжаҳон молиявий инқирозининг оқибатлари бир неча йиллар давомида бизга ҳам сезилиб туради.

Иккинчидан. Жаҳон бозорида хом ашё ресурсларига, айниқса экспортимизнинг 60 фоизини ташкил қиладиган маҳсулотларга баҳо конъюнктураси кескин пасайди. Энг аввало, бу жорий йилда жаҳон бозорида 25 фоиз пасайган пахта нархларига тегишлидир.

Кейинги беш йил мобайнида тилла баҳоси ҳам тушиб борди. Йил давомида 1 унция (31,2 грамм) тилла нархининг 300 доллардан ошмагани тарихда маълум бўлган чуқур иқтисодий зилзилалар давридан кейин биринчи марта содир бўлган ҳодисадир.

Худди шундай вазият бизнинг экспортимиз асосини ташкил этувчи рангли металлар, нефть маҳсулотлари ва бошқа хом ашёлар баҳоларида ҳам намоён бўлмоқда. Табиийки, бу валюта тушумига, тўлов балансларига, алоҳида тармоқлар ишлаб чиқариш ривожига таъсир қилмай қолмайди.

Мамлакатимиз учун ана шундай жуда мураккаб шароитда валюта барқарорлиги бўйича кес-

кин ва қатъий чоралар кўриш орқали ўта муҳим, айтиш мумкинки, стратегик вазифани ҳал қилишга муваффақ бўлдик. Яъни, ўтган йилги олтин захираси ҳажмини сақлаб қолган ҳолда, йил охирида ижобий ташқи савдо ва тўлов балансига эришдик. Энг муҳими, ишончга сазовор, тўлов қобилиятига эга эканимизни яна бир бор тасдиқлаб, бу йил зиммамизга олган барча ташқи тўлов мажбуриятлари бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишга муваффақ бўлдик. (277—278)

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда банк тизими амалда локомотив вазифасини бажариши, хўжалик юритувчи барча субъектларни ўз ишларини қайта ташкил этишга, бозор механизмларини дадил ва жадал эгаллашга даъват этувчи омил бўлиши даркор.

Бугун шунини таъкидлашимиз керакки, мазкур соҳани диққат марказида сақлаб туришимизга, бу соҳага амалий ёрдам ва имтиёзлар беришимизга қарамасдан, банк тизимида ҳақиқий ислоҳотлар юз бераётгани йўқ.

Таассуфки, бизда банклар ҳанузгача давлат ва корхоналарнинг маблағларини бир ҳисоб рақамидан иккинчисига ўтказиш билан банд, уларнинг асосий иши жорий операциялардан иборат бўлиб қолмоқда.

Банклар ўз таъсисчиларининг эркин, бўш маблағларини ўзида тўпловчи — биз орзу қилган тизимга айлангани йўқ. Банклар ҳалигача таъсисчилар тимсолида намоён бўладиган ҳақиқий эгаларини тополмаяпти.

Банклар хусусийлаштирилса, унда ҳақиқий эга пайдо бўлади. У банк тақдири билан бир қаторда ўз манфаатини, шу билан бирга ўз масъулиятини чуқур сезадиган ва шу асосда иш олиб борадиган бўлади.

Афсуски, банкларимизнинг иқтисодий тинч ривожлантириш, унинг тизимларини қайта ташкил этиш, миллий валютани эркин конвертация қилиш вазифасини мустақил ечадиган инвестиция ва кредит марказларига айланиши жуда сустлик билан ўтмоқда.

Бир нарсани аниқ-равшан тушуниб олишимиз керак. Бутун тараққий топган дунё қаторида, бизда ҳам авваламбор ўзи топган ва жамғарган маблағларига эга бўлган, нафақат оддий кредит беришга, балки узок муддатли инвестицион кредитларни беришга ҳам қурби етадиган, шу билан давлатимизнинг инвестиция жараёнида асосий субъект аъзо бўладиган банклар пайдо бўлиши шарт.

Банкларнинг иқтисодий тинч ислоҳ этиш билан боғлиқ барча жараёнларда ҳал этувчи куч эканини инобатга олсак, бу ҳол умумиқтисодий тинч ислоҳ этишнинг мазмуни ва натижаларига таъсир этмасдан қолмайди.

Шуни инобатга олиб, нафақат Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, авваламбор, «Пахтабанк», «Ғаллабанк», «Мевасабзавотбанк», «Савдогарбанк», Саноат-қурилиш банки ва шуларга ўхшаш бошқа банкларимизнинг тақдирини яна бир бор кўриб чиқишимиз даркор.

Бу масалаларда биз авваламбор жаҳон банкнинг тавсиялари ва ёрдамига суянамиз. (281—282)

7. КЕЛАЖАКНИ ЖАСОРАТЛИ ОДАМЛАР ҚУРАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
йигилишида сўзланган нутқ. 1999 йил 16 февраль*

Ўтган йили қўлга киритилган ижобий натижалар ҳақида гапирар эканмиз, мен қуйидаги ютуқларни алоҳида таъкидлаган бўлар эдим.

Биринчидан, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга қадам қўйилди, иқтисодиётни изчил ўстириш стратегиясини амалга ошириш учун пухта шарт-шароит, замин вужудга келтирилди.

1998 йили ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4,4 фоиз, шу жумладан, саноат ишлаб чиқариши 5,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 4 фоизга ортди. Ўтган йил мобайнида, аввалги йиллардаги каби, молия ва банк тизимини, пул айланишини мустаҳкамлаш бўйича қатъий ва изчил сиёсат юргизилди. Бу эса йилни аввал тасдиқланган макроиқтисодий кўрсаткичлар доирасидан чиқмаган ҳолда яқунлаш имконини берди. Ойлик ўртача инфляция кўрсаткичи 1,9 фоизни ташкил этди. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ойига 3 фоиздан ошмади.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилган кредит маблағлари улуши сезиларли даражада кўпайди. Йил мобайнида узоқ ва ўрта муддатли кредитлар салмоғи 49,2 фоиздан 56 фоизга кўтарилди. (313—314)

Иқтисодиётга жалб этиладиган инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ортди. **1998 йилда**

1,3 миллиард долларга яқин чет эл сармоялари ўзлаштирилди. Бу аввалги йилдагига нисбатан 22,6 фоиз кўпдир.

Иқтисодиётимизга ётқизилган барча сармояларда чет эл инвестициялари ҳажми 20 фоизни ташкил этди. Бир қатор янги ва йирик иншоотлар ишга туширилди. Шўртан газ-кимё мажмуи, Хўжаобод ер ости газ омбори қурилишлари, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш каби нефть-газ тармоғидаги инвестиция лойиҳалари фаоллик билан амалга оширилмоқда...

1998 йил давомида юритилган валюта сиёсати бир қатор стратегик вазифаларни ҳал этиш имконини берди: ташқи савдо оборотида 240 миллион АҚШ доллари ҳажмида ижобий сальдо бўлишига эришилди. Мамлакат олтин-валюта захирасининг ўсиши таъминланди. Биржадан ташқари валюта бозорининг роли кенгайди ва мустақамланди. (315—316)

Чет эл капитали иштирокидаги инвестиция лойиҳаларига ва энг аввало Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банкига ўхшаган халқаро молия тизимлари лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Шу кунга қадар ҳажми 10 миллиард доллар бўлган чет эл сармоялари иштирокидаги 200 та инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Биргина 1999 йилнинг ўзида 2 миллиард доллар ҳажмида чет эл сармояларини ўзлаштиришимиз керак. Бу ўтган йилдагига нисбатан 1,5 баробар кўпдир.

Қайта-қайта айтмоқчиман: чет эл капитали иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида, кам-қўстсиз ўзлаштириш биз учун ор-номус иши бўлиши керак.

Мен бу гапларни авваламбор биз учун стратегик аҳамиятга молик қурилишлар, объектлар жуда зарурлиги учунгина айтаётганим йўқ. Муҳими, жаҳон сармоядорлари бизга сармоя беришяпти, бизга ишониммоқда! **Биз ана шу ишончни қадрлашимиз, ишончга муносиб бўлганимиз билан фахрланишимиз, узоқ йиллик меҳнат ва қийинчиликлар билан эришган обрўйимизни ва қадримизни ерга урмаслигимиз керак. (329)**

Беларуснинг Россия билан тузаётган иттифоқи — уларнинг ички иши ва мен бунга қарши эмасман. Агар, бу мамлакатлар халқлари истаса, иттифоқ тузишсин. Бирлашишни хоҳласангиз, бирлашинг. Фақат бошқаларни тинч қўйинг.

Лекин, ўйлаб кўринг, давлатлар мустақиллиги сақланиб гурган ҳолда, қандай иттифоқ тузиш мумкин? Биз устига, ягона иқтисодий марказ, ягона сармоя маркази, ягона пул чиқарадиган банк бўлар эмиш. Хўш, у қаерда жойлашади — Минскдами, Москвадами? Жаноб Лукашенко, Минскда дейди. Яна аслида ҳали ким кимга қўшилиши ҳам маълум эмас, Беларусь Россиягами ёки Россия Беларусгами, дейди.

Ягона сармоя маркази тузиш ҳақида гапирадиган бўлсак, биз Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан бу мактабни ўтаб бўлганмиз. Биз ягона сармоя маркази нима эканлигини жуда яхши биламиз. Ягона сармоя маркази тузи-

ладиган бўлса, фуқароларингга оддий иш ҳақи тўлаш учун ҳам марказга, югуришинг керак. Бундай шароитда кредит сиёсати, молия-иқтисодий сиёсат, сармоя жойлаштириш сиёсати ҳам бир хил бўлиши лозим. Бу ягона ташқи иқтисодий сиёсат, деганидир. Нима учун бу ҳақда гапириш-маяпти, буни тушунмаган одамларнинг туйғуларини билан ўйнашидан мақсад нима? Ягона давлат ягона сармоя марказини, бошқача айтганда, ягона банк тузишни тақозо этади.

Иқтисод ҳақида, қўшилиш ва ҳақиқий бирлашиш ҳақида гап кетганда мен фақат бир нарсани эслатишни истар эдим: бундан икки йил олдин бу борада фикр билдирган таниқли публицист Отто Лацис: «Биз қарши эмасмиз, тайёрмиз, фақат Худо ҳаққи, инсонларни, халқни алдаманг», деган эди. Ҳақиқатни айтадиган бўлсак, Беларусь Россияга унинг бир субъекти сифатидагина қўшилиши мумкин. Бошқача бўлиши мумкин эмас. (344—345)

8. ЎЗБЕКИСТОН XXI АСРГА ИНТИЛМОҚДА

*Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маъруза.
1999 йил 14 апрель*

Валюта тизими ва бозорини эркинлаштириш зарур. Биржадан ташқари бозорни кенгайтириш ва ривожлантириш, тижорат банкларининг роли ва масъулиятини ошириш ҳисобидан, 2000 йилдан бошлаб миллий валютамизни эркин муома-

ладаги валютага тўлиқ алмаштириш (конвертация қилиш) масаласини ечиш вақти келди. Бу тадбир мамлакатимизга кириб келаётган инвестициялар ҳажмини ошириш гарови ва кафолатидир...

Хорижий сармояларни жалб этиш бўйича рағбатлантиришни кучайтириш, кафолат ва имтиёзларни кенгайтириш, инвестиция фаолияти учун қудай муҳитни шакллантириш зарур. Шунга эришиш керакки, Ўзбекистон бозори мамлакатимизда ўз бизнесига эга бўлишни истаган ҳар бир киши учун жозибали бўлсин. (395)

**ОЗОД ВА ОБОД
ВАТАН, ЭРКИН
ВА ФАРОВОН ҲАЁТ—
ПИРОВАРД
МАҚСАДИМИЗ**

1. ТАДБИРКОРЛИК — ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
1999 йил биринчи ярмидаги иқтисодий ислохотлар
яқунига бағишланган йиғилишидаги маъруза.
1999 йил 27 июль*

Пул-кредит сиёсати соҳасида пул ҳажмининг ўсишини назорат қилувчи самарали механизм ишлаб чиқилди ва у инфляцияни жиловлаш учун кучли омил бўлиб хизмат қилди.

Биринчи ярим йиллик давомида ўртача ойлик инфляция кўрсаткичи 1,9 фоизни ташкил этди, эмиссион натижалар бўйича 3,4 миллиард сўм иқтисод қилинди.

Кўп вақтдан буён Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкалари ойига 3 фоиз миқдоридан барқарор бўлиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида банкларнинг инвестицион кредитлари ҳажмини кенгайтириш ва умумий кредит ресурслари ҳажмида уларнинг улушини 55,2 фоизга ошириш имконини берди. (40)¹

... Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан янгилаш, корхоналарни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурий чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Ярим йил мобайнида 221 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ-

¹ *Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т. 8. — Т.: «Ўзбекистон», 2000. 40-бет. (Ушбу бўлимдаги манбалар ана шу китоб бўйича кўрсатилган).*

лар, шу жумладан хорижий инвесторлар ишти-рокидаги лойиҳалар бўйича 58 миллиард сўм атрофида капитал маблағ ўзлаштирилди.

Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг шу пайтига нисбатан 1,6 марта ўсди. Ялпи капитал маблағларнинг 26 фоизи хорижий инвесторлар зиммасига тушмоқда. (46)

Иқтисодий ислоҳотларнинг боришини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, 1999 йилга мўлжалланган устувор дастурларнинг барчаси ҳам муваффақиятли ҳал этилмаяпти. Муаммолар, нуқсонлар ҳали жуда кўп.

Гап нима ҳақда кетмоқда?

Аввало, шуни айтмоқчиманки, бу йилга мўлжалланган давлат мулкни хусусийлаштириш ва бу жараёнга чет эл инвесторларини жалб этиш суръатлари бизни қониқтирмаяпти. Ўта муҳим бу ишда изчиллик этишмаяпти.

Бу ҳақда Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро кенгашнинг махсус мажлисида ҳам гапирилган, Давлат мулки қўмитаси, хусусийлаштириш бўйича бошқа жавобгар тузилмалар шаънига танқидий фикрлар билдирилган эди.

Бугунги кунда хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Тендер савдолари ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг ваколатлари бирмунча кенгайтирилди. Ўз таркибига қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳамда 23 та иккинчи даражали мустақил тижорат депозитарийларини олган қўш босқичли депозитарий тизими ташкил этилди. Корхона акцияларини ишлаб чиқа-

риш ва жойлаштиришга ихтисослашган, давлат активларини тендер ва танлов асосида сотишни ташкил этувчи, хусусийлаштириш дастурларини амалга оширишда сансалорлик, тўрачилик иллатларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш асосий вазифаси бўлган «Давинком» инвестиция фирмаси ташкил этилди.

Корхона акцияларини тайёрлаш ва сотиш жараёнига чет эл молия маслаҳатчилари ва экспертлари, жумладан, халқаро молия институтлари кенг жалб этилмоқда. Бу иш ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. (48—49)

Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Осиё тараққиёт банки томонидан очилган кредит линиялари бўйича тадбиркорлар орасида танлов ўтказиш асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш механизми жорий этилмаган. **Тижорат банклари** ва **Марказий банк** томонидан йўл қўйилаётган тўрачилик, сансалорлик ҳақида гапирмаслик мумкин эмас.

Мазкур банklar уларнинг олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифа — ишбилармон ва тадбиркорларга, авваламбор, манфаатдор шерик ва ҳамкор бўлиш вазифасини ечишдан ҳали-бери олис ва ожиздир.

Содда қилиб айтганда, банklar амалда оддий тўлов операцияларини бажарувчи идорадан, ўз маблағларини тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожига инвестиция қилишдан манфаатдор ҳақиқий сармоядор идорага айланиши даркор.

Лойиҳаларни молиялаштириш, тадбиркорларга юридик ва аудиторлик хизмати кўрсатиш бўйича малакали мутахассислар, айниқса, қишлоқ жойларда етишмаяпти. (51)

Марказлаштирилган инвестициялар ва ҳукумат кафолатидаги кредитлар ҳисобидан қурилишларнинг аниқ дастурига киритилган 108 иншоотдан 82 тасида иш бошланмаган. Бевосита хорижий инвестициялар ва кредитлар бўйича амалда ўзлаштирилган маблағ салкам 20 фоизни ташкил этди.

Қолоқликка йўл қўйган буюртмачи вазирликлар ва идоралар орасида «Ўзпаррандасаноат», «Оби ҳаёт» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Кўмир» ҳиссадорлик жамияти, «Ўзавтосаноат», «Ўзкимёсаноат», «Ўзқишлоқхўжалик-машҳолдинг», «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзавтотранс», «Ўзмойтамакисаноат», Наманган ва Хоразм вилоятлари ҳокимиятлари ва бошқалар бор.

Баъзи вазирликлар, идоралар ва корхоналар 1998 йилга тасдиқланган инвестиция дастури, айниқса, унинг бевосита хорижий инвестицияларини ўзлаштириш қисмининг бажарилмаганлик сабабларини кўриб чиқиш натижаларидан айрим раҳбарлар ўзлари учун етарли хулоса чиқармаганга ўхшайдилар.

Вазирлар Маҳкамаси инвестиция дастурлари департаменти Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан биргаликда ярим йиллик яқунлари бўйича инвестиция дастурига киритилган

барча лойиҳалар ҳамда улар орасидан молиялаштириш манбалари аниқланмаган ёки техник-иқтисодий асослари тасдиқланмаган лойиҳалар бўйича батафсил инвентаризация ўтказишлари зарур.

Бу лойиҳаларни инвестиция дастуридан чиқариш ва бўшаб қолган марказлаштирилган инвестицияларни устувор иншоотларга, аввало коллежлар ва лицейлар қурилишига қайта тақсимлаш юзасидан таклифлар киритишлари лозим.

Инвестиция дастурларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом қисқа муддатда қайта кўриб чиқилсин, унга техник-иқтисодий асослари тасдиқланган ҳамда молиялашнинг аниқ манбалари билан таъминланган лойиҳаларнигина киритиш кўзда тутилсин. (52)

Тўлов интизомини мустаҳкамлаш муаммосини тубдан ҳал қила олмаганимизни ва ўзаро ҳисобкитобларнинг бозор иқтисодиётига хос маърифий тизимини йўлга қўя олмаганимизни тан олиш керак.

Корхоналарнинг ўзаро қарзларини, бюджетга тўловлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича қарзларини камайтириш юзасидан қарзларни кечиб юбориш ва тўлаш муддатини кечиктириш, аниқ мақсадларга қаратилган кредит бериш ва ҳатто ашаддий қоидабузарларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортишгача ғоят хилма-хил чора-тадбирлар бутун йил давомида амалга оширилди.

Биринчи ярим йилликда прокуратура органлари маблағни дебиторлик қарзларига ўтказган-

лик учун 295 та хўжалик юритувчи субъект материаллари бўйича айбдор шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатди. 404 нафар корхона раҳбари интизомий жавобгарликка тортилди, ташкилотларнинг 2,5 минг раҳбарига нисбатан маъмурий жазо чоралари кўрилди.

Солиқ органлари 8 мингдан ортиқ мансабдор шахсни маъмурий жавобгарликка тортди ва улардан 69,7 миллион сўм миқдорида жарима ундирди. Албатта, булар жуда қаттиқ жазо чоралари, лекин биз шундай қилишга мажбурмиз. Акс ҳолда бу аҳвол иқтисодиётнинг бутунлай издан чиқишига, бутун молия ва пул-кредит тизими барбод бўлишига, натура айирбош қилиш ва бартер операцияларига ўтишга олиб келиши мумкин.

Муддати ўтган дебиторлик қарзларининг энг кўп миқдори (96,5 фоиз) бир-бири билан узвий боғлиқ 7 вазирлик ва идора — «Ўзбекнефтгаз», Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳиссасига тўғри келади.

Ярим йилда бюджетга тўловлар бўйича қарзлар 1 июлга қадар 89,6 миллиард сўмни ташкил қилди. Бюджет олдидаги асосий қарздорлар — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзсувқурилиш», «Ўзбекенгилсаноат», Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз», «Ўзкимёсаноат» ва бошқалардир. (53—54)

2. ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ОЛИЙ БАХТ!

*Сирдарё вилояти сайловчилари вакиллари билан
учрашувда сўзланган нутқ.
1999 йил 10 декабрь*

Пахтани қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати бўйича 55 миллион, паррандачиликка ихтисослашган хўжаликлар базасида умумий миқдори 10 миллион, балиқчилик соҳасида 700 минг доллар миқдорида хорижий инвестициялар киритилиб, кўшма корхоналар ташкил қилиш ишлари давом этмоқда.

Мана шу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида ўн минг, кичик корхоналар ҳисобидан эса ўн беш минг янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган. (129)

3. МАҚСАДИМИЗ — ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ

*Бухоро вилояти сайловчилари вакиллари билан
учрашувда сўзланган нутқ.
1999 йил 15 декабрь*

1997 йили Қоровулбозорда лойиҳа қиймати 550 миллион АҚШ доллари бўлган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбатини қуриб ишга туширган эдик. Бу улкан корхона йилига 2,5 миллион тонна нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш қувватига эга.

Бор-йўғи икки йил ичида бу ерда 627 минг тоннадан зиёд нефть маҳсулотлари ва 3 миллион 750 минг тоннадан ортиқ газ конденсати қайта ишланди. Бу — вилоятда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг учдан бир қисмини ташкил этади. Завод шу қисқа вақт мобайнида давлат бюджетига қарийб 30 миллиард сўмлик ҳисса қўшди.

Чет эллик ҳамкорлар иштирокида бунёд этилган, энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган бу корхонанинг мамлакатимиз нефть мустақиллигига эришишдаги беқиёс ўрни ва аҳамияти ҳақида гапириб ўтиришнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Умуман, сўнгги йилларда Бухоро вилоятида 26 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, уларнинг аксарияти маҳаллий хом ашёни қайта ишлаб, экспортбоп маҳсулот тайёрламоқда.

Хитойлик ишбилармонлар билан биргаликда тузилган «Халан» қўшма корхонаси пиллани қайта ишлашга ихтисослашган. АҚШ бизнесменлари билан ҳамкорликда ташкил қилинган «Мармар» қўшма корхонаси юксак сифатли мармар плиталар ишлаб чиқармоқда.

Вилоятда самарали иш олиб бораётган бундай корхоналар қаторига «Гуфик-Авиценна», «Зиёбахш Унитрейднинг», «Вардонзе» қўшма корхоналарини киритиш мумкин. (142—143)

4. ШУ МУҚАДДАС ЮРТГА ЁРУҒ КУНЛАР КЕЛТИРИШ — ҲАР БИРИМИЗНИНГ ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗДИР

*Наманган вилояти сайловчилари вакиллари билан
учрашувда сўзланган нутқ.
1999 йил 17 декабрь*

Маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда, тез ўсаётган аҳолимизни иш ўринлари билан таъминлаш, шу мақсадда ички имкониятлардан ва чет эл сармояларини жалб қилиш ҳисобидан янги замонавий қўшма корхоналар барпо этиш — бугунги кунда энг муҳим ва долзарб масалага айланаётганини одамлар жойларда яхши тушуниб ва англаб олмоқда.

Кейинги йилларда вилоят иқтисодиётида салмоқли улушга эга бўлган «Попфен», «Наманган ичимлиги», «Ал-Жаҳон», «Намангантекстиль», «Силк-Роад» каби қўшма корхоналар ташкил этилиб, уларни ишга тушириш учун 200 миллион АҚШ доллари миқдоридagi сармоя ўзлаштирилди.

1999 йилнинг ўзида 76 миллион АҚШ доллари миқдоридagi сармоя сарфлаб, «Косонсой-Текмен» қўшма корхонасини қуриб ишга туширганимиз бунинг яққол тасдиғидир. Ҳозиргача бу корхона 1,5 миллиард сўмликдан зиёд костюмбоп газлама ишлаб чиқаргани, энг муҳими, бу корхона вилоятдаги 1400 одамни иш билан таъминлагани барчамизни қувонтиради.

Мана шундай саъй-ҳаракатларимиз, изланишлар ҳисобига Наманганда жорий йилнинг ўзида 50 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Бу эса ўтган йилга нисбатан деярли 2 марта кўп демакдир. (182)

5. ИМКОНИЯТЛАРНИ ТЎЛА ИШГА СОЛИШ — ЮКСАЛИШ ГАРОВИДИР

*Фарғона вилояти сайловчилари вакиллари билан
учрашувда сўзланган нутқ.
1999 йил 18 декабрь*

Бугун Фарғона вилояти республикамиздаги йирик иқтисодий салоҳиятга эга бўлган вилоятлардан биридир. У, пахта, пилла ва саноат хом ашёлари етиштириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларига кўра, мамлакатимизда юқори ўринлардан бирида туради. Шу босидан ҳам дунёнинг кўплаб нуфузли компания ва фирмалари вилоятга ишонч билан сармоя киритмоқда.

Жумладан, Япониянинг «Мицуи» фирмаси билан ҳамкорликда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи жаҳон андозалари даражасида таъмирланмоқда. Бу лойиҳанинг қиймати 178 миллион 300 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, у амалга ошгач, йилига қарийб 1 миллион 700 минг тонна дизель ёқилғисини олтингугуртдан тозалаш, энг муҳими, ҳар йили хорижга 600 минг тонна дизель ёқилғиси ва 25 минг тонна олтингугурт экспорт қилиш имкони туғилади.

Тошлоқ туманида йилига 8 минг 700 тонна калава ип йигирадиган «ДЭУ Текстайл Компани» корхонаси ишга туширилди. Охунбобоев туманида эса бу корхонанинг тўқув фабрикаси барпо этилди.

Енгил саноат соҳасида Фарғона шаҳрида Жанубий Кореянинг «Кабул Текстайлз» компанияси билан ҳамкорликда Фарғона тўқимачилик комбинатини янгидан реконструкция қилиш, Қўқонда Германия ва Америка фирмалари иштирокида — «ҚўқонТекс», Бешарикда Германия ва Туркия билан биргаликда «БешТекс» қўшма корхоналарини ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида минерал ўғитларга бўлган талабни тўлароқ қондириш мақсадида Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида Франциянинг «Кребе-Спейшим» компанияси билан лойиҳа қиймати 36 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган реконструкция ишлари бажарилмоқда. Чехиянинг МБНС фирмаси билан ҳамкорликда лойиҳа қиймати 58 миллион 400 минг доллар бўлган шартнома асосида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Ҳар иккала қувватни 2001 йилда ишга тушириш режалаштирилган.

Англиянинг «Бектел Интернэйшнл ИНК» компанияси билан аммиак, мелиамин ва карбамид ишлаб чиқарувчи цех қурилмоқда. 2002 йилда ишга тушириш мўлжалланган лойиҳанинг умумий қиймати 424 миллион долларга тенг.

Бундай корхоналарни собиқ шўро замонида, ҳатто, тасаввур қилиб бўлмасди. Фарғона шаҳри-

да ва Олтиариқдаги нефтни қайта ишловчи заводлар, Кувасой цемент заводи, Исфайрам чинни буюмлар корхонаси вилоят иқтисодий салоҳиятида асосий ўринни эгаллайди. Бу — вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда.

Аниқроқ айтсак, вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1995 йилда 30 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 1998 йилга келиб бу кўрсаткич 101 миллиард сўмга етди, яъни 3,3 баробар ўсди. Шу йилнинг 11 ойида эса 130 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. (198—199)

6. ВАТАН ОЗОДЛИГИ, ХАЛҚИМНИНГ ОМОНЛИГИ, ЮРТИМНИНГ РАВНАҚИ, ҲАР БИР ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ — МЕН УЧУН ОЛИЙ САОДАТ

*Қашқадарё вилояти сайловчилари вакиллари
билан учрашувда сўзланган нутқ.
1999 йил 21 декабрь*

Ҳозирги кунда вилоятда 142 та йирик саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўрган газ-кимё мажмуи, Косон ва Қарши ёғ экстракция заводлари, Шаҳрисабз консерва заводи, пиллакашлик комбинати, Қарши тикувчилик фабрикаси етакчи саноат корхоналари қаторига киради.

Кейинги йилларда вилоятда 60 га яқин саноат корхонаси барпо этилди. Кўкдумалоқда кунига 18 миллион куб метр газни ҳайдайдиган ком-

прессор станцияси, «Муборакгаз» заводидаги бир йилда 8 миллиард куб метр газни қайта ишлайдиган замонавий қурилма, Шаҳрисабздаги тикувчилик фабрикаси ва мева шарбати тайёрлайдиган корхона, Қамаш туманидаги гишт заводи сингари ўнлаб саноат иншоотларининг қуриб ишга туширилгани нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Бугун барпо этилаётган Шўртан газ-кимё мажмуи мамлакатимиз халқ хўжалиги, умуман, иқтисодий салоҳиятимиз юксалиши учун алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Бу корхона бир йилда 125 минг тонна полиэтилен хом ашёси, 103 минг тонна конденсат ва 142 минг тонна суюлтирилган газ маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

Корхона қурилишига АҚШ, Германия, Япония, Италия ва бошқа давлатларнинг нуфузли компаниялари жалб этилиб, 1 миллиард 300 миллиондан кўпроқ АҚШ доллари миқдоридаги — ўзимизга тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган ҳажмдаги сармоя сарфланиши кўзда тутилган.

Бу улкан саноат мажмуи тўла қувват билан ишлай бошлагач, нафақат полиэтилен хом ашёси ва пленка, айни вақтда уй-рўзғор буюмлари, газ ва сув қувурлари, техник ускуналар каби халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотларни тайёрлаш имкониятига эга бўламиз. Насиб этса, келгуси йил охирида мажмуанинг биринчи навбати ишга тушгач, 2 мингга яқин янги иш ўринлари очилади. (211)

7. БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ШАВКАТИНИНГ ТИМСОЛИ БЎЛГАН ЮРТ

*Самарқанд вилояти сайловчилари
вакиллари билан учрашувда сўзланган нутқ.
1999 йил 22 декабрь*

Сўнгги йилларда вилоятда мамлакатимиз халқ хўжалигида янги тармоқ ҳисобланган корхоналар барпо этилмоқда. Бу ўринда туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган «СамКочАвто» қўшма корхонасини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Барчангизга яхши маълум, бу корхона ихчам автобуслар ва юк автомобиллари ишлаб чиқаради. У Марказий Осиё ҳудудидаги ягона шундай йирик корхона бўлиб, тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда йилига тўрт минг дона автобус ва минг дона юк автомобили тайёрланади. Келгуси йили заводнинг икки ярим минг дона автомобиль ишлаб чиқариши кўзда тутилмоқда.

1997 йили британиялик шериклар билан ҳамкорликда ишга туширилган «ЎзБАТ» қўшма корхонаси Самарқандда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 23 фоизини ташкил этмоқда.

Корхона жорий йилда 19 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, қарийб 13 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотни экспорт қилиши кўзда тутилмоқда.

Вилоятда ўз маҳсулотини дунё бозорига чиқаришни кўзлаб ишлаётган бундай корхоналар оз

эмас. Бугунги кунда бу ерда жами 85 та кўшма корхона фаолият юритмоқда.

Айниқса, «Самарқанд-Прага», «Самтелеком», «БелСамгилам», «Афросиёб мрамар», «Самарқанд-Сингапур» каби корхоналарнинг сифатли маҳсулот ва хизматлари аҳолига манзур бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоят иқтисодиётига жорий йилда 68 миллион 700 минг АҚШ доллари миқдорига хорижий сармоя жалб этилгани, айниқса, эътиборга лойиқ. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан қарийб 10 миллион доллар кўп демакдир. (227)

Бунинг сабаби эса, менимча, **бозор инфратузилмасини ривожлантириш** борасидаги ишларнинг талаб даражасида эмаслиги ва бу йўлда жиддий муаммолар борлиги билан боғлиқдир.

Бозор инфратузилмаси деганда, мен нимани назарда тутмоқдаман?

Бу, биринчи навбатда, шу инфратузилманинг ҳал қилувчи бўғини бўлган банк тизимининг етарли даражада ривож топмаганидир. Бу ҳолат кўп жойларда банкларда кредит бериш механизмининг мукамал эмаслигида намоён бўлмоқда.

Банклар ҳали ҳам ўзининг асосий фаолиятини фақат тўлов операцияларини бажаришдан иборат, деб билмоқда. Лўнда қилиб айтганда, айни вақтда улар инвестиция дастурларини амалга оширишда, реал замонавий ишлаб чиқариш қувватларини шакллантиришда фаол иштирокчи бўлолмапти.

Нега деганда, бундай вазифаларни бажариш учун банкларнинг ўзига етарли даражада бўш маб-

9. ГУРУРИ ТОҒЛАРИДЕК БАЛАНД, ЯРАТУВЧИЛИК САЛОҲИЯТИ ЮКСАК ХАЛҚ

*Сурхондарё вилояти сайловчилари вакиллари билан
учрашувда сузланган нутқ. 1999 йил 25 декабрь*

Бугунги иқтисодий тараққиётда замонавий технология ва хориж сармояси, яъни қўшма корхоналар фаолияти алоҳида ўрин тутди.

Вилоятдаги Жарқўрғон йигирув-тўкув фабрикаси, Шўрчи ун комбинати каби корхоналарни чет эл замонавий ускуналари билан қайта жиҳозлаш ҳисобидан ишлаб чиқариш қувватлари бир ярим-икки баробар ошди.

Шунингдек, Хўжайкон туз конида йилига 50 минг тонна ош тузи ишлаб чиқарувчи корхона, Денов ёғ-экстракция заводида 10 минг тонна совун ишлаб чиқариш қувватига эга янги линия қурилгани, Музработ туманида лойиҳа қиймати 500 миллион сўмдан зиёд замонавий «Автокемпинг» мажмуи бунёд этилгани бу борада муайян ишлар қилинаётганидан далолат беради.

Ҳозирги кунда вилоят бўйича 27 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. «Сурхонтелеком», «Ўздунробита», «Сурхон-Ажанта фарма лимитед» корхоналари шулар жумласидандир.

Қўшма корхоналар томонидан шу йилнинг ўн бир ойида 760 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Лекин, шуни ҳам қайд этишимиз керакки, бу кўрсаткич республикадаги жами қўшма корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотнинг атиги ярим фоизини ташкил этади. (259)

10. ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ — МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ТИНЧЛИК, МИЛЛАТЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ТОТУВЛИГИНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДАЙ АСРАЙЛИК

*Тошкент вилояти сайловчилари вакиллари билан
учрашувда сузланган нутқ.
1999 йил 27 декабрь*

Кейинги йилларда вилоятда замонавий технологиялар билан жиҳозланган кўплаб янги қувватлар ишга туширилди.

Жумладан, Тўйтепадаги 22 минг тоннага яқин калава ип ва 15 миллион метр мато ишлаб чиқарадиган «Кабул-Ўзбек компани» қўшма корхонаси, Ангрендаги «Ўзбекрезинотехника» ҳиссдорлик жамиятига қарашли йилига 400 минг дона шина ишлаб чиқарадиган корхона, 1 миллион тонна каолинни майдалаш ва бойитишга мўлжалланган «Каолин» қўшма корхонаси, Янгийўл ва Чирчиқ шаҳарларида замонавий пойафзал фабрикалари барпо этилди.

Истиқбол режалари ҳақида гапирганда, шуни айтиш керакки, Давлат инвестиция дастурига мувофиқ Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган Бекобод металлургия комбинатида 2001 йили 100 минг тонна пўлат шар ва металл прокат тайёрлаш қувватлари ишга тушади. Натижада 30 миллион АҚШ доллари миқдорида валютани тежаш имкони туғилади.

Шунингдек, Янгийўл шаҳрида қоғоз целлюлозаси фабрикаси, «Чиноз тўқимачи» қўшма

корхонаси, Янгийўл ва Ғазалкент шаҳарларида хорижий сармоялар иштирокида болалар учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Замонавий корхоналарнинг ишга туширилиши натижасида вилоятда четга маҳсулот экспорт қилувчи саноат корхоналари сони 31 тадан 56 тага етди. Экспорт ҳажми 3,6 баробар ошди. Унинг таркибида пахта толасининг улуши камайиб, қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ҳажми ортиб бораётгани, айниқса, муҳимдир.

Вилоятда хорижий сармоялар иштирокида 11 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг 11 ойида улар 13 ярим миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарди. Айниқса, Жанубий Корея иштирокида тузилган «Кабул-Ўзбек компани», Чехия билан ҳамкорликдаги «Кенаф», Буюк Британия иштирокидаги «Конмит», Ўзбек-Германия «Кибо» қўшма корхоналари самарали фаолият кўрсатмоқда. Қўшма корхоналар 1992 йили атиги 2 миллион 300 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 27 миллионга етди.

Лекин бу вилоят умумий экспорт ҳажмининг бор-йўғи 10 фоизини ташкил этиши ҳали чет эллик тадбиркорлар билан ҳамкорликда жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида катта ишлар қилишимиз кераклигини кўрсатади. (276—277)

11. ПОЙТАХТИМИЗ — МУҚАДДАС ОСТОНАМИЗ

*Тошкент шаҳар сайловчилари вакиллари билан
учрашувда сўзланган нутқ.
2000 йил 6 январь*

Кўп йиллар давомида мамлакатимиз салоҳиятига катта ҳисса қўшиб келаётган йирик корхоналар қаторида бугунги кунда чет эл сармояси ва илғор технологиялар асосида жиҳозланган янги-янги ишлаб чиқариш иншоотлари қад ростламоқда.

Бугун 60 дан зиёд хорижий давлат компания ва фирмалари Тошкент билан мустақкам ҳамкорлик алоқаларини боғлаган. Бу чет эллик сармоядорларнинг бизга бўлган ишончидан далолат беради.

Ҳозирги кунда АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Германия, Франция, Италия, Туркия ва бошқа кўпгина давлатлар билан ҳамкорликда барпо этилган «Ўзкейстрактор», «Ўзсматана», «ЎзБАТ», «Кока-кола», «Спектр», «Ўзтексано», «ЎздЭУ электроникс», «ЎзСамсунг электроникс» каби корхоналар сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан мамлакатимиз салоҳиятини ошириш, иқтисодиётимизни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Яқинда уларнинг сафига яна бир йирик тўимачилик мажмуи — Жанубий Корея билан ҳамкорликда Кўкчада бунёд этилган «Кабул — Ўзбек Компани» қўшма корхонаси қўшилди. Бу корхонанинг ўзига хос жиҳати шундаки, ишлаб чи-

қарилаётган маҳсулот рақобатга бардошли бўлиб, унинг 90 фоизи хорижий давлатларга сотилади.

Қурилиш соҳасида бўлаётган ўзгаришлар, янги замонавий қурилиш ва пардоз материалларини чиқарадиган корхоналар шахримизнинг бугунги қиёфасини ўзгартираётган, пойтахтимизнинг кундан-кунга гўзал бўлишига ҳисса қўшаётган бунёдкорлик ишларимизга суянч ва таянч бўлмоқда.

Пойтахтимиздаги саноат корхоналари бир йилда 570 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилаётганлигини эътиборга олсак, кейинги йилларда пойтахтимизнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳияти қанчалик юксалганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ваколатхонаси, 40 дан зиёд давлат элчихоналари, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банкининг ваколатхоналари, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби нуфузли халқаро ташкилотлар, кўпгина тараққий топган давлатларнинг йирик банк, жамғарма, молия тизимлари ва бўлимлари фаолият кўрсатаётгани Ўзбекистоннинг дунё миқёсида эътироф этилаётганидан далолатдир. (295—296)

12. ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ — ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ

*Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг биринчи сессиясида сўзланган нутқ.
2000 йил 22 январь*

Банклар инвестиция жараёнининг асосий бўғинига, корхоналарнинг чинакам ҳамкорига айланмоғи, бинобарин, уларнинг ривожланишидан манфаатдор бўлмоғи лозим.

Бозор инфратузилмасига хос барча муассасаларнинг ривожланиши устувор аҳамият касб этмоғи зарур. Бунда бизнес хизмати билан узвий боғлиқ бўлган консалтинг, маркетинг, инжиниринг, лизинг, суғурта тизимлари ва бошқа тузилмалар фаолиятини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий эркинлаштириш ташқи иқтисодий фаолиятни, биринчи галда, валюта бозорини эркинлаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Биржадан ташқаридаги валюта бозорини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, тижорат банкларининг валюта захираларини кўпайтириш—бугунги кундаги бош йўналишдир.

Биз яна бир муҳим вазифа—миллий валюта-мизнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувини, яъни конвертациясини таъминлаш учун барча зарур шарт-шароитларни яратмоғимиз даркор.

ланмоғи, уларнинг ривожланишидан манфаатдор бўлмоғи керак.

Биз банкларимизни кенг миқёсда хусусийлаштиришни мўлжаллаяпмиз. Бу борада ҳам сизларнинг фаол иштирокингизни, банкларнинг устав фондларидаги капиталингиз миқдорини кўпайтириб боришингизни кутамиз.

Биз қўшма банклар ташкил қилиш, чет эл банкларининг ваколатхоналарини очиш ва уларнинг фаолият кўрсатишига катта эътибор беряпмиз. Ва бу борада яна қандай зарур чоралар кўришимиз кераклиги ҳақида сизларнинг фикр-мулоҳазаларингизни ҳам эшитишни хоҳлардик. (368)

Мен яна иккита ҳал қилувчи масала тўғрисида алоҳида тўхталмоқчиман.

Аввало, биз мамлакат иқтисодиётига хорижий сармояларни, хусусийлаштириш жараёнига чет эл капиталини жалб этишни кафолатлаш ва рағбатлантириш учун яна қандай шарт-шароитлар яратиш лозимлигини билишни истардик. Чунки биз хорижий сармоянинг иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларда, ишлаб чиқаришни техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш жараёнини жадаллаштиришда фаол иштирок этишининг тарафдоримиз.

Бугунги кунда чет эл инвестицияларининг асосий қисми бевосита ҳукумат кафолати остида мамлакатимизга киритилаётгани бизни қониқтирмайди. Ҳозиргача бевосита йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми уларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжга мос эмас. Чет эл инвесторларининг ишлаб чиқариш объектларини тўла сотиб олиб,

уларга эгалик қилиши, корхоналар акцияларини харид қилишдаги иштироки жуда суст бормоқда.

Шунга эришиш керакки, Ўзбекистон бозори мамлакатимизда бизнес билан шуғулланишга интиланларнинг барчаси учун энг маъқул ва қулай иқтисодий макон бўлиб қолсин.

Шу муносабат билан савол туғилади: сизнинг бизнесингиз тadbиркорликни эркинлаштириш нуқтаи назаридан янада ривожланиши учун яна қандай шароитлар яратиш керак? Келгусида сизга яна қандай кафолатлар бериш лозим? Истиқболдаги ҳамкорлик нуқтаи назаридан хорижий ҳамкорларимизни биздаги ишлаб чиқаришнинг яна қайси соҳа ва тармоқлари кўпроқ қизиқтиради?

Иккинчи масала, яъни иқтисодиётимиздаги ислохотлар, айниқса ҳозирги даврда биз учун алоҳида аҳамият касб этади. Иқтисодиётни эркинлаштириш ташқи иқтисодий фаолиятни, биринчи галда, валюта бозорини эркинлаштириш, миллий валютаимизнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ.

Ушбу масалани ҳал этиш борасида сўнгги йилларда бир қанча ишлар амалга оширилди. Асосий экспорт маҳсулотимиз, валюта тушумимизнинг муҳим манбаини ташкил қиладиган пахта толаси, олтин, рангли металлларнинг жаҳон бозоридаги ноқулай конъюнктура ҳолатига қарамасдан, сўнгги икки йил давомида биз ўз олтин-валюта захираларимиз ҳажмини тўлов қобилия-

тимизни кафолатлайдиган даражада сақлаб туришга эришдик.

Кейинги йилларда валюта мажбуриятлари бўйича тўловлар таркиби ва механизми, конвертация механизми сезиларли даражада ўзгартирилди. Ҳозирги кунда марказлашган валюта ресурслари ҳисобидан фақат ҳукумат мажбуриятлари бўйича ажратилаётган бюджет маблағлари конвертация қилинмоқда. Қолган барча операциялар биржадан ташқари валюта бозорида конвертация қилинмоқда.

Шу боис, биз учун бош йўналиш — биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, тижорат банкларининг валюта ресурсларини кўпайтириш ҳисобидан улар ҳеч қандай лицензия ва квоталарсиз хоҳлаган вақтда ўз миқдорларига валюта операциялари бўйича хизмат кўрсатишини таъминлашдан иборат.

Биз ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида алмашув курсини унификациялаш, тез орада мувозанатли алмашув курсига эришишга катта эътибор беряпмиз.

Бунда аҳолига ва корхоналарга валюта қийматининг ўзгариб туриши натижасида таъсир қилиши мумкин бўлган салбий оқибатлардан ҳимоя қиладиган тегишли кафолатларни яратиш, алмашув курсининг барқарорлигини таъминлаш учун зарур бўлган миқдорда давлат валюта захираларини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эгадир. (372—374)

14. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ — ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗ

*1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий
ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни
эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг
устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги
маъруза. 2000 йил 11 февраль*

Давлат мулки бўлган 67 та иншоот, жумладан, мулкый мажмуалар шаклидаги 27 та объект хорижий инвесторларга сотилди. Сотиб олинган корхона ва акциялар учун хорижий инвесторлар томонидан тўланган маблағ 16 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу — 1998 йилдагига қараганда етти ярим баробар кўп демакдир. Шу билан бирга, хорижий сармоядорларнинг инвестиция мажбуриятлари 238 ярим миллион АҚШ доллари ва 1 миллиард сўмдан зиёдроқни ташкил этди. (378)

Кичик ва ўрта бизнесни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида дунёнинг энг нуфузли банклари, хусусан, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 150 миллион АҚШ доллари, Осиё тараққиёт банкининг 50 миллион АҚШ доллари, Германия тикланиш банкининг 5 миллион немис маркаси миқдорига, ҳуллас, умумий ҳажми 200 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган кредит маблағлари жалб этилди ва тўлиқ ўзлаштирилди.

Юқорида номи тилга олинган Германия банкининг 15 миллион евро, Халқаро молия корпорациясининг 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги янги кредит йўналишлари очилди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан яна 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит йўналишини очиш ҳақида шартнома имзоланди. (379)

Ўтган йил давомида тижорат банкларининг капиталини кўпайтириш, барқарор, **молиявий жиҳатдан мустаҳкам** банк тизимини ташкил этиш борасида муайян ишлар қилинди. Ҳисобот даврида тижорат банкларининг умумий сармояси 1,5 баробар ошди ва 144 миллиард сўмга етди. Бунда банклар томонидан акциядорларнинг 15 миллиард сўмдан ортиқ маблағи устав капиталига қўшимча равишда жалб этилди. Тижорат банкларининг акциядорлари сезиларли даражада кўпайди. Уларнинг умумий сони 66 минг 800 нафардан 82 минг 300 кишига етди.

Айни пайтда «Савдогарбанк», «ЎТбанк», «Туркистонбанк», «Истиқболбанк», «Ўктамбанк» каби банкларда капиталлаштириш жараёни суёт бормоқда. Банк тизимида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки амалда ҳамон яққаҳоким бўлиб турибди.

Банкларнинг инвестиция фаолияти жадал ривожланмаяпти. Банклар кредит портфелининг асосий улуши марказлашган ресурслар, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳиссасига тўғри келади. Бу — қурилиш ва ишлаб чиқариш жиҳозлари учун ажратилган кредитларнинг қарийб 60 фоизини ташкил этади.

Янги корхоналар ва ишлаб чиқариш жиҳозларига инвестиция ажратишни кредитлаш асосан бешта банкда — Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Пахтабанк», «Асакабанк» ва «Уйжойжамғармабанк»да жамланган. Қолган 28 банк ҳиссасига эса умумий инвестиция кредитлари ҳажмининг атиги 2 фоиздан зиёдроғи тўғри келади.

Мен бунинг сабабини, энг аввало, иқтисодий ислохотларни жорий этишга масъул бўлган Марказий банк, Давлат мулк кўмитаси, Молия вазирлиги ва бошқа муассаса ва ҳукумат тузилмалари қониқарсиз ишлаётганида, деб биламан. (387—388)

Идоравий меъёрий ҳужжатлар, низом ва кўрсатмаларни амалдаги қонунчиликдан устун кўриш, ҳатто уларга қарама-қарши қўйиш, тadbиркорларнинг эркин фаолият юритишларини чеклаш ҳоллари қачон барҳам топади? Бундай бемазагарчиликларга қачонгача тоқат қиламиз?

Ҳозирги вақтда вазирликлар, идоралар, банклар ва бошқа ташкилотлар томонидан ҳукумат қарорларига хилоф равишда мингдан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Улар кичик ва ўрта бизнес тараққиётига жиддий тўсиқ бўлмоқда. Прокуратура органлари томонидан туман, шаҳар ҳокимлари чиқарган ноқонуний ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар устидан 137 та протест келтирилган ва 5 та тақдимнома киритилган. Уларнинг 49 фоизи Самарқанд вилояти, 20 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келади.

Маҳаллий органлар ва идоралар тадбиркорларга кўмаклашиш ўрнига ҳар турли тўсиқ ва ғовларни ўйлаб топишмоқда. Уларга бундай ўзбошимчалик қилишга ким ҳуқуқ берди?

Бунга шу залда ўтирган ҳокимлар қандай жавоб бериши мумкин?

Ҳатто шунчаликка бориб етишганки, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олишга келганларни газета ва журналларга обуна бўлишга, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ассоциацияси каби ҳар хил уюшма, жамғарма, бирлашма ва ассоциацияларга аъзоликка мажбур этишмоқда. Улардан турли тадбирларни ўтказишга маблағ ундириб олишмоқда.

Бундай бемаъни ишларга қатъиян чек қўйиш, маъмурий-буйруқбозлик, эски, якка партиявийлик тизимидан қолган бу каби иллатларни тағтомири билан суғуриб ташлаш, айбдор шахсларни эса сиёсатимизни обрўсизлантираётгани учун жавобгарликка тортиш зарур.

Кичик ва ўрта корхоналарни рўйхатта олиш, тадбиркорларнинг аризаларини кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиш муддати ҳамон чўзиб юборилмоқда.

Мавжуд аҳвол таҳлили, жойлардан тушаётган аризалар шундан гувоҳлик берадики, тадбиркорлар ҳанузгача моддий-техника ва хом ашё ресурслари ҳамда банклардан кредит олишда қийинчиликларга дуч келишмоқда. Лимит ва квота ажратишнинг мавжуд тизимида тадбиркорларнинг манфаатлари тўлиқ ҳисобга олинмаган.

Бир мисол келтирмоқчиман. Фарғона вилоя-тида тадбиркорлар бензин ва дизель ёқилғиси олишолмаётганидан шикоят қилишган эди. Ўйлайманки, бошқа вилоятларда ҳам аҳвол шундай. Масала атрофлича ўрганилганда, бу шикоятлар асосли экани маълум бўлди. Вазирлик ва муассасаларнинг нефть маҳсулотларига бўлган лимити фақат бир фоизга қисқартирилганида, шу йилнинг ўзидаёқ тадбиркорларнинг ёқилғига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш учун қўшимча имконият юзага келди.

Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес корхоналарига кредит маблағлари ажратиш бўйича турли хил сансалорликлар давом этмоқда. **Ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш ва кредит олиш тинкани қуритадиган даражада оғир жараёнга айланган.**

Айрим тижорат банклари кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит беришдан умуман ўзларини четга олмоқда. Масалан, ўтган йили «Ғаллабанк» кредит бериш дастурида кўзда тутилган маблағдан атиги 11 фоиз ажратган, «Асакабанк»-нинг Хоразм бўлими эса кредит бериш дастурида белгиланган 146 миллион 600 минг сўмдан бир сўм ҳам бермаган.

Кичик ва хусусий корхоналарнинг хорижий кредит маблағларидан фойдаланиш имкониятлари фоиз даражасининг баландлиги, бизнес режаларини ишлаб чиқишда тажриба етишмаслиги, гаров талаблари ўта юқорилиги сабабли чекланиб қоляпти. Ҳатто микрокредитлар ажратишга худди катта инвестиция лойиҳаларига берилаётган

кредитларга хос қаттиқ талаблар қўйилмоқда. Барча босқичларда келишиб бўлинган лойиҳалар бўйича кредит ажратишни расмийлаштиришда ҳам сансалорликка йўл қўйилмоқда.

Марказий банк, тижорат банклари бу масалани батафсил ўрганиб чиқиб, тадбиркорларни кредит билан таъминлаш жараёнини соддалаштиришга қаратилган тартиб ўрнатишлари зарур. Ушбу масала бўйича жорий йилнинг биринчи чораги якунида ахборот беришни сўрайман.

Кичик ва ўрта корхоналар ҳисоботи масалаларида ҳам тартиб ўрнатиш вақти келди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳар ойда 15 хилдан кўп ҳисобот топшириши тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолдир. Жумладан, меҳнат биржаси, пенсия жамғармаси, ижтимоий суғурта жамғармаси, бандлик жамғармаси, статистика идоралари, солиқ инспекцияси, банк ва бошқа ташкилотларга ҳисоботлар бериш бюрократик тўсиқлардан бошқа нарса эмас. Бунга озмунча вақт кетадими? Устига-устак, ҳар бир ҳисобот бланкаси учун ҳақ тўлаш зарур. Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги бу ишда зудлик билан тартиб ўрнатиши керак. Ушбу масала бўйича жорий йилнинг биринчи чораги якунида ҳисобот беришни сўрайман. (389—391)

Биз учун муҳим бўлган яна бир масала хусусида алоҳида тўхталмоқчиман. Гап иқтисодиётга чет эл инвестициясини жалб қилиш ҳақида бормоқда.

Мен яна бир қарра таъкидламоқчиман. Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етак-

чи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Бусиз кучли рақобат шароитида жаҳон бозорларига кириш ва улардан мустаҳкам ўрин эгаллаш амримаҳол.

Мамлакатимизда бугунги кунда хорижий сармоядорлар учун энг қулай инвестиция муҳити барпо этилган. Шунини очиқ айтишимиз керакки, бу қулайлик ўз самарасини бермоқда. Кўплаб чет эл компания ва банклари биз билан шерикликда ишлаш, ўз маблағларини иқтисодиётимизга ётқизиш истагини билдирмоқда, бизни ўзлари учун истиқболли ҳамкор деб тан олмоқда.

Ўзлаштирилаётган чет эл сармояси ҳажмининг йилдан-йилга ошиб бораётгани бунинг яққол тасдиғидир. Хусусан, 1999 йилнинг ўзида иқтисодиётнинг устувор тармоқларида 1 миллиард 324 миллион АҚШ доллари миқдоридида чет эл сармояси ўзлаштирилгани бор ҳақиқатни айтиб турибди. Мамлакатимиздаги барча капитал қўйилмаларнинг 24 фоизини чет эл сармояси ташкил этаётгани ҳам диққатга сазовордир.

Келинглари, шу ўринда ўзимизга бир савол берайлик. Мамлакатимизга чет эл сармояси янада кўпроқ келиши ва унинг барқарорлигини таъминлаш учун ҳаммамиз ҳам қўлимиздан келадиган барча ишни қиляпмизми? Чет эллик сармоядорлар билан керакли даражада фаол ишляяп-

мизми? Бу борада барча зарур шарт-шароит яратилганми?

Афсуски, хорижий сармояларни жалб қилиш ва истиқболдаги сармоядорлар билан ишлашни ташкил этишда бизда кўплаб ҳал этилмаган муаммо ва камчиликлар мавжуд.

Акс ҳолда, 1999 йилда ҳукумат кафолати асосида ажратилган хорижий сармоя ва кредитларни ўзлаштириш кўзда тутилганига нисбатан амалда атиги 53 фоизни, бевосита йўналтирилган инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш бор-йўғи 32 фоизни ташкил этганини қандай изоҳлаш мумкин?

Чет эллик сармоядорлар билан иш олиб боришдаги сансалорлик, кўзбўямачилик ва ҳатто ошқора таъмагирлик ҳолатларининг ҳамон учраб туриши бизни қаттиқ ташвишга солади. Шундай фактлар ҳам маълумки, сармоя лойиҳасини ишлаб чиқаётганда айрим удабурон кимсалар самарадорлик ва лойиҳанинг валюта қийматини қоплаш тамойилига амал қилиш ўрнига, ўз шахсий, ғаразли манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўймоқда.

Мен, ким қайси лавозимни эгаллаб турганидан қатъи назар, маҳаллий раҳбарлардан тортиб юқори Ҳукумат даражасидаги ташкилот раҳбарларигача, барча-барчани огоҳлантириб қўймоқчиман: биз бу иллатга қарши шафқатсиз кураш олиб борамиз, уни таг-томири билан қуритиб ташлашга қурбимиз етади. Бу борада ҳеч кимга шафқат қилинмайди. Биз учун мамлакатимизнинг шаъни-шарафи, кадр-қим-

мати ва обрў-эътибори ҳамма нарсадан афзал-роқдир.

Вазирлар Маҳкамасининг мажмуа раҳбарларидан, ташкилотлар бошлиқларидан қайта ва қайта сўрамоқчиман: қачонгача биз ишга бундай масъулиятсиз муносабатда бўламиз, қачонгача ҳафсаласизлик ва сусткашлик қиламиз? Нега ҳалигача лойиҳаларни техник иқтисодий жиҳатдан асослаш бўйича иш олиб борадиган профессионал лойиҳа-инжиниринг компаниялари тизими яратилмаяпти? Нега ваколатли идораларда техник иқтисодий асосланган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш муддатлари чўзиб юборилмоқда? Нима учун инвестиция лойиҳалари бўйича ишловчи тизимни малакали кадрлар билан таъминлашда сусткашлик қилинмоқда? Бунинг учун ким жавоб беради? Ахир, айнан мана шу ҳолат инвестиция жараёнида тўсиқ-тов бўлиб турибди-ку! Вазирлар Маҳкамасининг тегишли тузилмалари бу саволларга жавоб топишлари керак.

Бизни чет эл капитали иштирокида кўшма корхоналар ташкил этиш борасидаги ишлар ҳам қониқтирмайди. Бу соҳада хўжакўрсинлик ҳолатлари жуда кўп. Биз аксарият ҳолларда бундай корхоналар сони кўпайгани, бугунги кунда 3,5 мингтага етгани тўғрисидаги статистик маълумотлар билан мағрурланиб юрамиз.

Келинглари, бу корхоналар қандай фаолият кўрсатаётгани, нима ишлаб чиқараётгани, уларнинг ҳудудлар бўйича қандай жойлаштирилганига танқидий баҳо берайлик. Амалда бу корхоналарнинг атиги 52 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Шундан бор-йўғи 592 таси ёки 31 фоизигина ишлаб чиқариш корхоналари экани бизни ташвишга солмай қўймайди.

Бунинг устига қўшма корхоналарнинг аксарияти йирик шаҳарларда барпо этилган. Мисол учун, республикамизда фаолият кўрсатаётган ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналарнинг тўртдан уч қисми Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида жойлашган. Кўпгина туманларда, хусусан, ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда эса бундай қўшма корхоналар ё умуман қурилмаган ёки бори ҳам бармоқ билан санарли экани ачинарли ҳолдир.

Республикамиздаги 163 та қишлоқ туманининг 52 тасида биронта ҳам қўшма корхона ташкил этилмаганига қандай чидаш мумкин? Қорақалпоғистон Республикасидаги 15 та қишлоқ туманининг 11 тасида биронта қўшма корхона тузилмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Сирдарё вилоятида — 8 та, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида — 5 тадан, Сурхондарё вилоятида — 4 та туманга ҳали чет эл капитали мутлақо кириб бормаганига нима дейиш мумкин?

Айниқса, аҳолини иш билан таъминлаш кескин муаммо бўлиб турган туманларда маҳаллий раҳбарларнинг, энг аввало, ҳокимликларнинг фаолиятсизлиги туфайли қўшма корхоналар ташкил этилмаётгани жиддий ташвиш туғдиради ва кишини ранжитади. Улар янги иш ўринлари очиш учун маблағ йўқлигини рўкач қилади-ю, аммо чет эл сармоясини жалб этиш, замонавий, их-

чам қўшма корхоналар ташкил этиш тўғрисида мутлақо бош қотирмайди.

Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси ўта муҳим бўлиб тургани ҳолда биронта қўшма корхона ташкил этилмаган Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний, Кўнғирот, Чимбой, Қашқадарё вилоятининг Касби ва Нишон, Навоий вилоятининг Нурота ва Навбаҳор, Самарқанд вилоятининг Оқдарё, Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Сирдарё вилоятининг Боёвут, Мирзаобод ва Ховос, Фарғона вилоятининг Бувайда, Учкўприк ва республиканинг бошқа бир қатор туманлари ҳокимлари қаёққа қарамокда?

Шуни қатъий айтаманки, агар бу раҳбарлар ана шу вазиятдан чиқиш йўлини топмаса, ўзлари эгаллаб турган лавозимларда қолишга маънавий жиҳатдан ҳақи йўқ.

Хорижий сармоядорларнинг республикамизга келиб, ўзлари ҳамкор излаётгани, шу мақсадда махсус бизнес-семинарлар ўтказиётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Биргина сўнгги икки йил мобайнида шундай семинарлар Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳамда Фарғона водийсида бўлиб ўтди. Минг афсуски, улар биздаги бефарқлик, тўрачилик, боқибегамлик каби иллатлар туфайли бирон-бир натижага эриша олмай қайтиб кетишмоқда. Хўжакўрсинлик учун олиб борилаётган бундай тадбирлар ҳеч кимга керак эмас.

Куйидаги мисолнинг ўзиёқ буни тасдиқлайди. Италиянинг «Фата групп» компанияси, бир неча

йилдирки, Тошкент вилояти ҳокимлиги билан агросаноат мажмуи дастурини амалга ошириш бўйича иш олиб бормоқда. Ушбу лойиҳа 1999 йил Инвестиция дастурига киритилган эди.

Италия томони ҳозирнинг ўзидаёқ 50 та техник иқтисодий асосномаларни ишлаб чиқиш ва уларни пул билан таъминлаш, халқаро экспертларга ҳақ тўлаш, италиялик мутахассисларнинг 35 марта мамлакатимизга келиб-кетиши, ҳокимлик ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг Италия корхоналарида бўлиши учун катта маблағ сарфлади. Лекин ҳанузгача тайинли бир натижа йўқ.

Асло тоқат қилиб бўлмайдиган бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Барча поғоналарда ишни шундай ташкил этишимиз керакки, Ўзбекистонга қизиқиш билан қараётган биронта чет эллик сармоядор мамлакатимиздан инвестиция киритиш учун аниқ таклифлар олмасдан, ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб кетмасин. (393—397)

15. ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС ЯШАШ ВА ИШЛАШ — ОЛИЙ БУРЧ

*Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши
сессиясида сўзланган нутқ. 2000 йил 23 март*

Саноатни бозор иқтисодиёти талабларига биноан замонавий технология асосида қайта қуриш масаласи билан вилоятда ҳеч ким жиддий шуғулланаётгани йўқ.

Очиқ айтадиган бўлсак, аксарият корхоналар номигагина давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган. Лекин, вилоят раҳбарлари, мазкур жамиятларнинг етакчилари бугунги кун талабларини, бозор иқтисодиёти қонунларининг моҳиятини тўғри англаб, ўз ишини шу асосда ташкил эта олмаяпти.

Вилоят бўйича 85 та корхона ва ташкилотнинг 456 миллион сўмлик, шу жумладан, 1999 йилда чет эл инвесторларига сотишга мўлжалланган 216 миллион сўмлик акцияларидан бирортаси ҳам ўз харидорини топмагани ҳам буни очиқ кўрсатиб турибди.

Ҳисоботларга кўра, вилоятда 31 та қўшма корхона рўйхатга олингани ҳолда уларнинг фақат 20 таси фаолият кўрсатяпти. 11 таси эса турли сабабларга кўра тўхтаб қолган, ҳатто бир қисми тугатилиш арафасида турибди.

Энг ачинарли томони шундаки, номигагина тузилган, ишининг самараси йўқ бу корхоналарнинг аксарият қисмини қўшма корхона деб аташга ҳам тил бормайди.

Уларнинг кўпчилиги эса ишлаб чиқаришни ташкил этиш ўрнига олди-сотди йўлига ўтиб олган. Ҳатто, қўшма корхона сифатида Сурхондарёда рўйхатдан ўтиб, аслида Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида тижорат билан шуғулланаётган «ишбилармонлар» ҳам йўқ эмас. (450—451)

16. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ — ХАЛҚ ЭЪТИҚОДИ ВА БУЮК КЕЛАЖАККА ИШОНЧДИР

«FIDOKOR» газетаси мухбири саволларига жавоблар.

2000 йил 8 июнь

Бозор инфратузилмалари — фонд ва улгуржи бозорлар, биржалар, маркетинг, инжиниринг, лизинг, консалтинг ва суғурта компаниялари, тадбиркорларга хизмат кўрсатиши лозим бўлган бошқа тузилмаларни вужудга келтириш, ривожланган молия-банк тизимини яратиш, банкларнинг кредитларни қайтара олиш имкониятларини ошириш ва низом капиталини бўш маблағлар жалб қилиш ҳисобидан кенгайтириш, банк ва бошқа молиявий муассасаларни инвестиция жараёнининг асосий бўғинига айлантириш ҳам иқтисодиётимизнинг ҳозирги босқичидаги вазифадир.

Бу борадаги энг муҳим вазифамиз — мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, унинг халқаро меҳнат тақсимоотида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шартлар асосида фаол иштирок этиши, жаҳон хўжалик алоқаларига кенг интеграциялашуви ва шу негизда дунё ҳамжамиятидан ўзига муносиб жой эгаллашига эришиш.

Бу эса ўз навбатида бошқарув ва ишлаб чиқариш тизимини билимдон, юқори малакали, бозор шароитларида иш юритишнинг ўзига хос жиҳатларини яхши биладиган кадрлар билан мустаҳкамлашни тақозо этади. (498—499)

**БАТАН
РАВНАҚИ УЧУН
ҲАР БИРИМИЗ
МАСЪУЛМИЗ**

1. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ — ФАРОВОНЛИК ПОЙДЕВОРИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва
иқтисодий ислохотларнинг 2000 йил биринчи ярми
яқунларига бағишлаб утказилган мажлисидаги маъруза.
2000 йил 21 июнь*

Мамлакатимизда юритилаётган пул-кредит сиёсати ўзининг самарасини бермоқда. Ярим йиллик яқунларига кўра, инфляциянинг ўртача ойлик даражаси 1,5 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йили 1,9 фоиз бўлган эди. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси йиллик 36 фоиздан 24 фоизга камайди.

Биринчи марта, йилнинг икки чораги мобайнида, давлат бюджети ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан бир фоиз миқдорида ошириб бажарилди. Бошқача айтганда, бюджет даромадлари унинг харажатларига нисбатан 9 миллиард 800 миллион сўмга ортди. (8—9)¹

Ўтган давр мобайнида 17 та ҳиссадорлик жамиятининг акция пакетлари 1 миллион 700 минг АҚШ доллари ва 1 миллиард 200 миллион сўмга сотилган. Корхонани сармоялаш шартлари билан эса 12 миллион 100 минг АҚШ доллари ва 1 миллиард 500 миллион сўмлик акция сотилган.

¹ *Ислом Каримов*. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. — Т.: «Ўзбекистон», 2001. 8—9-бетлар. (Ушбу бўлимдаги манбалар ана шу китоб бўйича кўрсатилган).

Шу билан бирга, хорижий сармояларни хусусийлаштириш жараёнига жалб этишнинг бугунги миқёси, салоҳиятли инвесторлар билан иш олиб боришнинг ҳозирги даражаси, реклама ишларини ташкил этишнинг савияси бизни қониқтирмайди.

Хорижий сармоядорлар томонидан қизиқиш борлигига қарамай, индивидуал асосда хусусийлаштирилиши кўзда тутилган 13 та объектдан биронтаси ҳам ҳалигача хусусийлаштирилмаган. Ярим йил мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сурхондарё, Наманган, Сирдарё, Бухоро, Хоразм ва Навоий вилоятларида жойлашган ҳиссадорлик жамиятларининг биронта ҳам акцияси хорижий сармоядорларга сотилмаган. (12—13)

Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит бериш тизими яхшиланди. Тадбиркорлар эҳтиёжи учун зарур бўлган ўз пул маблағларини нақд ҳолда тижорат банкларидан олиш муаммоси деярли ҳал қилинди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредит маблағлари биринчи ярим йилликда 37 миллиард сўмни ташкил этди.

Бу — 1999 йил давомида ажратилган жами маблағдан ҳам кўп, демакдир.

Бу соҳани ривожлантириш учун халқаро молия ташкилотлари йўналиши бўйича, жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ва «КФВ банки» томонидан йил бошидан буён 62,5 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит

линиялари очилиб, 16,6 миллиони ўзлаштирилди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига микрокредит ажратиш механизми ишлаб чиқилди ва амалга татбиқ этилди. Бу тадбиркорлик ривожини, айниқса, янги иш бошлаган тадбиркорлар фаолиятини кучайтиришда катта аҳамият касб этди. Жорий йилнинг биринчи ярмида тадбиркорларга тижорат банклари томонидан 4 миллиард 100 миллион сўм миқдорида микрокредит берилди. Ўтган ярим йилда биргина Тошкент вилоятида тадбиркорларга умумий миқдори 805 миллион сўмлик 651 та микрокредит ажратилди.

Шуниси эътиборга лойиқки, ажратилган микрокредитларнинг 92 фоизи бевосита фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга йўналтирилди. (15—16)

Сизларнинг эътиборингизни яна бир масала — банк соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштиришга қаратмоқчиман. Бугунги кунда, ўтган йилларда тўпланган тажрибаларга таяниб шуни айтиш мумкинки, бозор иқтисодиётининг самарали фаолиятини замонавий, кенг тармоқли, техник жиҳатдан мукамал банк-молия тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Буни исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Мен бу тизимни бозор инфратузилмасининг асоси, бош таянчи, деган бўлур эдим.

Бугунги кунда банк тизимини ислох қилиш, уларга янада кўпроқ мустақиллик бериш, банкларнинг ўз активларини ва устав фондини кўпайтириш, сармоялаш имкониятларини ошириш

муаммоларига катта эътибор бераётганимиз бежиз эмас, албатта. Нега деганда, банк капитали орқасида ўз активларининг кўпайишидан, банкларнинг самарали ишлашидан, фойда кўришидан манфаатдор бўлган ҳақиқий мулкдорлар туриши, айниқса, улкан аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, банкларимизни, айниқса, тижорат банкларини иқтисодиётимизнинг тармоқларини ривожлантириш, уларни такомиллаштириш жараёнида, бошқача айтганда, иқтисодиётимизнинг таркибини ўзгартириш, замонавий талабларга жавоб бериши учун уларнинг инвестицион жараёнларда асосий роль ўйнаши — бугунги кунда банкларимизнинг бош мақсадига айланиши керак.

Банк тизими ислоҳотини шу нуқтаи назардан баҳоласак, айтиш лозимки, кейинги пайтда тижорат банкларига капитал ва аҳолининг бўш маблағларини жалб қилиш жараёни фаоллашди.

Бунда тижорат банкларига катта эркинликлар берилгани ўз самарасини кўрсатмоқда. Марказий банкнинг бу борадаги ўрни ва аҳамияти ҳам ўзгариб бормоқда. Фақатгина биринчи ярим йилликда 40 дан зиёд меъёрий ҳужжатлар бекор қилинганлиги ўзининг ижобий натижаларини бераётгани шубҳасиз.

Натижада ўтган ярим йилликда тижорат банкларининг ўз капитали бир ярим баробарга ошди ва қарийб 300 миллиард сўмга етди. Буни банк соҳасида эришган энг катта ютуғимиз деб ҳисобласак, ҳеч хато бўлмайди. Уларнинг иқтисодиётнинг реал секторига кредитлар бериш имкония-

ти анча ортди. Жорий йилнинг январь-июль ойлариди бу кредитлар ҳажми 62 фоизга ошди ва қарийб 750 миллиард сўмни ташкил этди.

Банк соҳасида ўзаро рақобат, мижозлар учун кураш аломатлари пайдо бўла бошлади. Бу, ўз навбатида, молиявий жиҳатдан барқарор, етарлича маблағга эга бўлган универсал тижорат банкларини шакллантириш заруратини туғдирмоқда, банкларнинг ихтиёрий равишда қўшилиб боришини тақозо этмоқда.

Масалан, ўтган даврда «Мевасабзавотбанк» ва «Савдогарбанк» ўзаро бирлашди, «Наманганбанк» ва «Умарбанк» эса ихтиёрий равишда «Ипак йўли» банкига қўшилди.

Шу билан бирга, аҳоли томонидан қўйилаётган маблағлар банк активларини шакллантиришга сезиларли таъсир кўрсатмаётганини ҳам таъкидламоқчиман. Бу маблағлар банк активларининг атиги 2 фоизини ташкил қилишини қандай изоҳлаш мумкин?

Табиий, савол туғилади: банк хусусий мижоз билан ишламаса, унинг хусусий банклиги қаёқда қолди?

Марказий банк тижорат банклари билан ҳамкорликда аҳолининг бўш маблағларини депозитга жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган мукамал стратегия ва кенг қўламдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиши зарур.

Шу мақсадда «Банкларда фуқароларнинг жамфармаларини ҳимоя қилиш ва омонатларни сир сақлаш кафолатлари тўғрисида» қонун лойиҳасини тайёрлашни тезлаштириш лозим.

Деярли барча тижорат банкларида махсус ташкил қилинган имтиёзли кредит бериш жамғармаларининг фаолияти алоҳида эътибор талаб қилади. Тижорат банкларининг хусусийлаштириш жараёнида иштирок этиш масаласи ҳам доимо диққат марказида бўлмоғи даркор.

Бугунги кунда банкларнинг олдида турган яна бир вазифа — мамлакатимизда кенг кўламда олиб борилаётган хусусийлаштириш жараёнида ўз ўрнини топишдан иборат.

Ҳозирги вақтда тижорат банклари томонидан хусусийлаштирилган корхоналарнинг қимматбаҳо қоғозлари ва устав жамғармасига 53 миллиард сўмдан зиёд маблағ киритилди. Бу жараёнда «Пахтабанк», «Саноатқурилишбанк», «Алоқабанк» фаол иштирок этмоқда.

Қолган банклар бу жараённи ривожлантиришда алоҳида таклиф ёки уларга туртки беришни кутиб турибдими, деган савол туғилиши табиий деб ўйлайман.

Мамлакатимизда чет эл сармоялари иштирокидаги «ЎзДЭУбанк», «ЎТбанк», «АБН Амробанк», «Ўзприватбанк» каби қўшма банклар тармоғи фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, юртимизда Осиё тараққиёт банки, «Дойчебанк», «Чейзманхеттенбанк», «Кредит Свисс» каби 16 та машҳур халқаро ва хорижий банкларнинг ваколатхоналари очилган. Ҳозирги вақтда 17 та банкимиз дунёдаги энг нуфузли банклар билан корреспондентлик алоқалари ўрнатган.

Лекин катта ташқи иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистондек мамлакат учун бу жуда оз.

Бугунги кунда мавжуд 32 та банкдан атиги 9 таси ташқи бозорда фаол ҳаракат қилмоқда.

Марказий банк барча манфаатдор банклар ҳамда тегишли молиявий тузилмалар билан бирга банк соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни яна бир бор кўриб чиқиб, 1 сентябргача зарур таклифларни Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлисга тақдим этса, мақсадга мувофиқ бўлади. (31—36)

Сўзимнинг якунида ҳаммамиз учун ўта муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бир масалага тўхталмоқчиман.

Ҳап валюта бозорини эркинлаштириш чоратадбирлари ҳақида бормоқда. Валюта сиёсатини эркинлаштириш — ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш стратегиямининг асосий бўғинига айланмоқда.

Кейинги пайтда эркинлаштириш сиёсатини изчил ва пухта амалга оширишга қаратилган бир қатор муҳим чора-тадбирлар қабул қилинди. Биржадан ташқари валюта бозорининг салоҳияти бирмунча кенгайди ва мустаҳкамланди.

Жорий йилнинг 1 майидан эътиборан валюта операцияларининг бутун бошли ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизими биржадан ташқари валюта курсларига ўтказилди. Бу эса биржадан ташқари курс билан Марказий банк курсининг амалда тенглашувига олиб келди.

Айни пайтда нарх-навонинг, биринчи навбатда ҳаётий зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошиб кетишига йўл қўймаслик учун савдо ташкилотларига солиқнинг бирмунча ен-

гиллаштирилган, янги, имтиёзли тизими жорий этилди.

Ижтимоий аҳамиятга молик маҳсулотларга акциз белгилари бекор қилинди. Чет эл валютасини харид қилиш ва сотиш пунктлари ишлай бошлади. Бу борада тижорат банкларимизнинг имкониятларини ошириш мақсадида тегишли чоралар кўрилмақда. Сўнгги йилларда яратилган олтин-валюта захирамиз валюта-айирбошлаш операциялари билан мунтазам шуғулланишга ҳам имкон беради.

Марказий банк, Молия вазирлиги валюта бозорида рўй бераётган ўзгаришларнинг доимий мониторингини ташкил қилиши даркор. Биржадан ташқари валюта бозори, алмаштириш пунктлари фаолиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доир таклифлар назорат остида бўлиши шарт. (43—44)

2. МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ — ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

*Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши
сессиясида сузланган нутқ. 2000 йил 28 июль*

Нафақат саноат, қурилиш соҳасидаги, балки савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги аҳволнинг таҳлили ҳам шуни кўрсатадики, умуман вилоятда чет мамлакатлардан сармоя олиб келиш, сармоядорларни қизиқтириш ишлари талабга жавоб бермайди.

Хўш, хорижий сармоядорларни нима ҳисобидан қизиқтириш мумкин? Аввало, мана шу са-

ховатли заминдаги бойлик, табиий ресурслар ҳисобидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, уларни қайта ишлаш бўйича янги-янги корхоналар қуриш таклифлари билан қизиқтириш мумкин. Афсуски, бу борада мутлақо иш олиб борилмаяпти.

Шундай тасаввур туғиладики, Қашқадарёга, Қарши шаҳрига сармоядорлар гўёки йўлни билмайди. Чунки, маҳаллий раҳбарларда бу ўта муҳим масалага етарлича эътибор йўқ.

Авваламбор, вилоят раҳбарлари, шу соҳага масъул бўлган мутасаддилар ҳамон эски замон қолиплари билан яшамокда. Эртанги кун ҳақида қайғуриш, вилоятни ривожлантириш ҳақида бу одамларнинг ўзида тайёргарлик йўқ, энг ачинарлиси, улар бу ишга тайёр бўлган, шунга қўл ураман, деб интиладиган кишиларга йўл бермайди.

Ҳисоботларга кўра, вилоятда 37 та қўшма корхона бор. Шундан 22 таси фаолият кўрсатяпти, 15 таси эса турли сабабларга кўра тўхтаб турибди. (56—57)

3. ВАТАН РАВНАҚИ УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий
ривожлантириш йукунлари ҳамда 2001 йилда
иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни
чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига
бағишланган мажлисидаги маъруза.
2001 йил 16 февраль*

Мамлакатимизнинг 2000 йилдаги ижтимоий иқтисодий ривожланиш йукунларини ана шу нуқтаи назардан баҳолайдиган бўлсак, мен куйидагиларни қайд этмоқчи эдим.

Биринчидан, иқтисодиётимизда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ошди. Давлат бюджети камомати ялпи ички маҳсулотнинг бир фоизидан ошмади.

Нақд пул эмиссияси, йил якунларига кўра, 9,4 фоизни ташкил этди, бу — прогноз қилинган даражадан анча пастдир. Жами пул массаси, белгиланган даражадан — яъни, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 19 фоиздан ошгани йўқ.

Бу — пул айланиш тизимининг барқарорлигидан далолат беради. Иқтисодиётимиз ва мамлакатимиз барқарорлигини таъминлайдиган етакчи соҳалар анча тез суръатлар билан ривожланди.

Пулнинг қадрсизланишининг олдини олишга қаратилган қатъий чора-тадбирлар инфляция кўрсаткичларини прогноз қилинган даражада сақлаб туриш имконини берди. Йил мобайнида қайта молиялашнинг ўртача ойлик даражаси йиллик 36 фоиздан 24 фоизга пасайди. Бу эса, ўз навбатида, инвестиция жараёнларига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатди.

Иккинчидан, **корхоналарнинг молиявий аҳволи анча мустақкамланди.** Корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларини 41 фоизга, ана шундай кредиторлик қарзларини эса 58 фоизга қисқартириш имконини берди. Мониторинг ўтказилаётган 21 та вазирлик ва идоранинг тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари тўлиқ тугатилди. Банкротлик ёқасига бориб қолган корхоналар сони деярли икки баробар қисқариб, 182 тадан 81 тага

тушди. Юртимизда фаолият кўрсатаётган 169 минг корхонадан зарар кўриб ишлаётгани 139 тани ташкил этди.

Учинчидан, банк соҳасида ўтказилаётган ислохотлар янада ривожланди. Банкларнинг умумий капитали ва банк тизими активларининг умумий ҳажми йил давомида 1,9 баробар ошди. Ўзбекистонда банк активларининг ялпи ички маҳсулотга бўлган нисбати 2001 йил 1 январь ҳолатига кўра, 56 фоизни ташкил этди. Бу, албатта, барчамизни қувонтиради. Чунки ушбу кўрсаткич, бир томондан, мамлакатимизда кредит бериш имкониятлари кенгайганини кўрсатса, иккинчи томондан, аҳолининг банкларга бўлган ишончи ортиб бораётганидан далолат беради. Бу тижорат банклари томонидан аҳолининг омонат маблағларини рағбатлантириш сиёсати билан боғлиқ. Бунинг натижасида тижорат банкларининг депозит базасида аҳоли омонатларининг улуши 7,8 фоиздан 15,8 фоизгача кўпайди.

Тўртинчидан, кейинги йилларда биринчи марта четга маҳсулот экспорт қилиш ҳажмининг ўсиши таъминланди. Йил якунлари бўйича ташқи савдо айланмасида 317,3 миллион АҚШ доллари миқдоридан ижобий сальдога эришилди. (227—229)

2000 йил учун мўлжалланган Инвестиция дастури тўлиқ амалга оширилди. Молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан иқтисодиётимизга 700 миллиард сўм атрофида, жумладан, қарийб 810 миллион АҚШ доллари миқдоридан сармоя киритилди. Жами сармояларнинг 55 фоиздан зиёди ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга

йўналтирилди. Енгил саноат, транспорт ва алоқа тармоқларига, шунингдек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган қурилишларга йўналтирилган инвестициялар салмоғи ортди. (232)

Биз ўзимизга яхши тасаввур қиламизки, экспортга маҳсулот чиқаришни рағбатлантиришнинг энг муҳим шарти, бу—валюта сиёсатини эркинлаштириш йўлидаги ишларни изчил давом эттиришдир.

Бу борада ҳам биз ўз аниқ ва равшан дастуримизга эгамиз. Мазкур дастур, биринчи навбатда, валюта курсларини унификациялаш жараёнини чуқурлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини кенгайтириш, валюта айирбошлаш операциялари миқёсини кўпайтириш бўйича ўтган йилдан бошланган амалий ишларни ўз ичига олади.

Биз бундан буён ҳам жорий операциялар бўйича тўлиқ конвертацияга тезроқ ўтиш учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилган сиёсатни қатъийлик ва собитқадамлик билан амалга ошираверамиз.

Албатта, бу жараёни шакллантириш ва тезлаштириш муайян кафолатларни назарда тутишни тақозо этади. Бу кафолатлар аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш, валюта курсининг кескин тушиб кетиши билан боғлиқ кўпдан-кўп салбий оқибатларнинг олдини олиш имкониятини бериши лозим.

Биз бу масалада асосий вазифамизни қуйидагилардан иборат деб биламиз:

аввало, миллий валютамизнинг тўла конвертациялашга ўтиш жараёни ижобий кечишини таъминлаш ва кафолатлаш мақсадида валюта ресурс-

ларини излаб топиш учун барча халқаро молиявий тузилмалар билан амалий ҳамкорлик қилиш.

Иккинчидан, валюта айирбошлаш операцияларида қатнашувчи банклар ва айирбошлаш шохобчалари сонини кескин кўпайтириш, шу тариқа айирбошлаш шохобчалари орқали валюта сотиш ҳажмини ошириш учун зарур бўлган рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш.

Учинчидан, айирбошлаш шохобчаларида валюта айирбошлаш операциялари ҳажмининг ўсишини инобатга олган ҳолда, валюта сотиш шартлари ва талабларини эркинлаштириш, яъни валюта сотишдаги чеклашларни босқичма-босқич камайтириб бориш...

Республикада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича ишларни янада кучайтириш бундан буён ҳам бизнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегик вазифамиз бўлиб қолаверад.

Шу мақсадда Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси тижорат банклари билан биргаликда банкларнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантириш бўйича ўз таклифларини кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этишни тезлаштиришлари зарур.

Бунда ўз маблағлари ҳисобидан истиқболли тармоқлар ва ҳудудларни инвестициялаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ажратишда улуши юқори бўлган банкларга солиқ имтиёзлари бериш назарда тутилиши керак.

Ўзини оқлаган микрокредитлар сонини кўпайтириш ва бу ишни кенг кўламда амалга ошириш лозим.

Ички кредит манбаларини сафарбар этиш чора-тадбирлари билан биргаликда хорижий сармояларни рағбатлантиришга хизмат қиладиган қулай муҳит яратиш масаласи биз учун ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга.

Шу маънода, ҳукуматимизга яқин вақт ичида Тошкентда Ўзбекистон бозорида фаолият кўрсатаётган ҳамда келгусида биз билан ҳамкорлик қилиши мумкин бўлган сармоядорлар иштирокида анжуман ўтказиш вазифасини топшириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бу анжуманда муҳокама қилиниши лозим бўлган мамлакатимизга янги сармоялар оқими келиши йўлидаги тўсиқ ва чеклашларни олиб ташлаш бўйича ечимини қутаётган долзарб муаммолар мавжуд. (251—253)

2001 йилга мўлжалланган дастурни амалга оширишда биз қайси масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим?

Бу инвестицияларни рағбатлантириш масаласидир.

Инвестицияларни излаб топиш, бўлғуси сармоядорлар билан алоқа ўрнатиш, қўшма корхоналар очиш, сармоядорлар учун қулай шарт-шароит яратиб бериш Ҳукуматдан тортиб хўжалик юритувчи субъектгача — ҳаммамизнинг умумий ишимизга айланиши лозим.

Бир оддий ҳақиқатни яхши тушуниб олиш керакки, Ўзбекистонга киритилаётган инвестициялар, айниқса, тўғридан-тўғри келаётган сармоялар оқими ҳар бир киши, умуман жамият ҳаёти учун сув ва ҳаводек зарур. (260, 264—265)

4. ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ДАВОМИДА БИЛДИРГАН ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ

2001 йил 11-12 май

Агар, фараз қилайлик, суиистеъмолчилик, ўғрилик билан топилган маблағларнинг ҳаммаси агар эртага ўзимиздаги банкларга олиб келиб жойлаштирилса, олам гулистон бўлади. Мен сизга айтай, қанча-қанча маблағ Ўзбекистондаги банкларда эмас, турли-туман бойликларга, зебу зийнатларга айлантирилиб, чет элларда сақланмоқда, шунингдек одамлар уйлар қуриб, бемалол яшаб юрибди. Мен демоқчиманки, мана шу қонуннинг лойиҳасига алоҳида модда киритиш керак. Қонунда бунинг ҳаммасини белгилаб, ифодалаб бўлмайди, албатта. Бироқ ўзлаштирилган, ўғирланган доллар ёки бошқа валютага айлантирилиб, чет эл банкларига жойлаштирилган пуллари қандай қилиб ундириб олиш йўлини мана шу қонун лойиҳасида кўрсатишимиз керак. Агар шунинг йўлини топсак, тартибга солсак, баъзи бир вазифаларда юрган муттаҳамларнинг нафс балосини тиярди. Гапим тушунарлими?

Давлатга катта зиён етказиб, яна бемалол яшаб юрадиганларнинг бети йўқ, бундай безбет жиноятчиларни қандай қилиб жиловлаб олишни биз ўйлашимиз керак. Қандай қилиб Форс кўрфазига чиқамиз, қандай қилиб Швейцария банкларига етиб борамиз, қандай қилиб бошқа банк-

ларга йўл топамиз, буларнинг қонуний йўлини ўзимиз кўрсатишимиз керак. Шу масала бўйича қаттиқроқ ишламасак, ҳамма қилган ишимиз, биттаси қўшнисининг сигирини ўғирлабди ёки иккита қўйини ўғирлабди, каби майда-чуйда ишлар атрофида қолиб кетади. Биз бозор иқтисодиётига чиқяпмиз. Бозор иқтисодининг ўзига хос мураккаб жойлари бор. Бозор иқтисодиёти қонуниятлари бузилганда, ўғирлик, вазифасини суистеъмол қилиш учун йўллар очиладики, бизнинг қонунчилигимиз бундай йўлларни олдиндан билиб, уларга қарши мустақкам ғов қўйиши керак. (330—331)

5. ЖАМИЯТДА ТАДБИРКОРЛИК РУҲИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган
кенгайтирилган йиғилишидаги маъруза.
2001 йил 17 июль*

Бугунги кунда юртимизда 190 мингта ўрта ва кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Бу — йил бошидагига нисбатан 16 мингта кўп демакдир. Бу давр мобайнида тижорат банклари ва бошқа молия тuzилмалари орқали ушбу корхоналарга кредит бериш учун 72 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Бундай чора-тадбирлар туфайли қўшимча равишда 178 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Бу эса ярим йиллик прогноз кўрсаткичларидан 27 фоиз кўпдир.

Бугунги кунда 3 миллион киши ёки мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг ҳар уч нафаридан бири кичик ва ўрта бизнес соҳасида меҳнат қилмоқда.

Кейинги йилларда кичик ва ўрта бизнес фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўйича катта ишлар амалга оширилди, қулай солиқ тартиби яратилди.

Банк тизими хусусий тадбиркорлик тузилмалари билан самарали ҳамкорликда ишлай бошлади.

Бу мақсадлар учун хориждан 455 миллион АҚШ доллари миқдоригаги кредит маблағлари жалб этилди. (407—408)

Катта аҳамиятга эга бўлган яна бошқа бир масала, бу—хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг молиявий ресурслардан фойдалана олиш имкониятидир.

Гарчи сўнгги бир ярим йил мобайнида бу соҳадаги молиялаштириш ҳажмларида ижобий сўлжишлар кўзга ташланган бўлса-да, кредитлар бериш жараёнини соддалаштириш масаласи ҳамон долзарб бўлиб турибди. Табиийки, биз орқалдига қарамай кредит бериш тарафдори эмасмиз, чунки уларнинг бир қисми охир-оқибатда қайтарилмай қолиши мумкин. **Лекин банклар учун хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари орасидан ишончли миждозлар доирасини шакллантириш вақти келди. Токи кредитлар миждозларнинг қарзларни қайтариш борасидаги ишончли нуфузи ҳамда барқарор молиявий кўрсаткичлари асосида берилсин.**

Шунингдек, тадбиркорлик билан шуғулланишни, ўз ишини очишни истайдиган, лекин ҳозирча етарли маблағи бўлмаган ишбилармонлар учун бошланғич капитал жамғармалари ташкил этиш ҳам муҳим.

Шу муносабат билан мен **Бизнес-фонд ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликлари жамғармасининг вазифаларини қайта кўриб чиқишни таклиф этаман.**

Бунда мазкур тузилмалар бошловчи тадбиркорларга ўз ишини ташкил этиш учун гаров ёки кафиллик асосида, тижорат банклари орқали имтиёзли ёки фоизсиз, 2—3 йилдан сўнг қайтариш шарти билан бошланғич молиявий ресурслар бериши кўзда тутилиши керак. (418—419)

**ХАВФСИЗЛИК
ВА ТИНЧЛИК УЧУН
КУРАШМОҚ
КЕРАК**

**1. «КАБУЛ-ФАРҒОНА КОМПАНИ»
ҚЎШМА КОРХОНАСИ ОЧИЛИШИГА
БАРИШЛАНГАН МАРОСИМДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

2001 йил 23 август

Бугунги кунда фақат хом ашё эмас, аввало, шу хом ашёдан ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотни хорижга сотиш ва шунинг ҳисобидан, биринчидан, мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотини кўпайтириш, бунинг натижасида эса катта даромад топиш, иккинчидан, ўз юртимизда, ўз Ватанимизда янги иш жойларини ташкил қилиш, ишсизликни кескин камайитириш муаммосини ечишга эриша оламиз.

Агар биз мана шундай замонавий, юксак технологиялар, энг илғор дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган корхоналарни қуриб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга эришсак, ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, фақатгина пахта хом ашёсидан оладиган соф фойда миқдорини етти-саккиз карра кўпайтириш ва ҳазинамизни экспорт ҳисобидан қаттиқ валюта билан тўлдириш, ҳаётимизни янада тўқ ва фаровон қилиш имкониятига эга бўламиз.

Бир сўз билан айтганда, енгил саноатимизни, шу жумладан, пахта толасини қайта ишлаш корхоналарини тез суръатлар билан ривожлантириш бизнинг устувор стратегик мақсадларимизни ташкил қилади.

Шундай мақсадларни амалга ошириш йўлида охириги беш-олти йил давомида мамлакатимизда халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган ўн битта замонавий тўқимачилик корхонасини қуриб, ишга туширдик. Шулар қаторида энг замонавий ускуна ва технология билан жиҳозланган Тўйтепа ва Тошкент шаҳридаги «Кабул текстайлз», Фарғона вилоятидаги «ДЭУтекстиль» фирмалари билан ҳамкорликда қурилган корхоналарни кўзда тутамиз.

Айни пайтда, шу кунларда Тошкент вилоятининг Чиноз туманида Япония давлатининг энг йирик «Мицубиси» компанияси билан ҳамкорликда яна бир тўқимачилик корхонаси иш бошлагани, йил охирига бориб, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида ҳам айнан шу Япония фирмаси ҳамда туркиялик ҳамкорлар билан биргаликда ана шундай янги корхона фойдаланишга топширилиши бизни қувонтиради.

Энг муҳими, бундай корхоналарда ишлаб чиқариладиган юқори сифатли маҳсулотнинг 70—80 фоизи экспорт қилинишини инобатга оладиган бўлсак бу борадаги ишларимизнинг кўлами ва истиқболини ўзимизга аниқ-равшан тасаввур қилишимиз мумкин...

Бундай ажойиб имкониятларимиз рўёбга чиқаётган ҳолатларни бугун корейлик ҳамкорларимиз билан биргаликда барпо этган «Кабул-Фарғона компани» қўшма корхонаси мисолида яққол кўриш мумкин.

Энг илғор технологиялар, ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланган, 2300 янги иш ўрнига эга бўлган бу улкан корхона ғоят қисқа вақт—бир йил

ичида қуриб битказилган, қурилиш ишлари ҳажми белгиланган муддатдан олти ой аввал бажарилиб, 100 миллион АҚШ доллари миқдоридagi сармоя ўзлаштирилгани айниқса таҳсинга сазовордир.

Экспорт салоҳияти йилига 50 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган ушбу мажмуани ҳеч шубҳасиз янги аср корхонаси деб аташ мумкин. Бу ердаги ўзингиз кўриб турган ҳар томонлама қулай шароит, ишлаб чиқариш жараёнларидаги илғор технологиялар, ҳатто ишчи-хизматчиларга ярашиб турган бежирим либослар—буларнинг барчаси юртимизда энг илғор, энг замонавий корхоналар қаторига янги бир мажмуа қўшилганининг тасдиғидир. (12—13)¹

2. ОДАМЛАР ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАШ — ОЛИЙ БУРЧ

*Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг
навбатдан ташқари сессиясида сузланган нутқ.
2001 йил 11 сентябрь*

Ахир, неча марта айтиш мумкин—қачон биз ўзимизнинг ишлаб чиқариш қувватларимиз ва маҳаллий хом ашё ҳисобидан, керак бўлса, хорижий сармояларни олиб келиб, улардан тўғри фойдаланиб, қўшма корхоналар ташкил этиб, энг муҳими, мана шу заминда яшаётган одамларни иш билан таъминлаб, зарур маҳсулотлар тайёрлашга ўрганамиз?

¹ *Ислом Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. —Т.: «Ўзбекистон», 2002. 12—13-бетлар. (Ушбу бўлимдаги манбалар ана шу китоб бўйича кўрсатилган).*

Биз одатда Самарқанд вилоятининг экспорт салоҳияти ҳақида гапирганда, «СамКочавто», «Самжинтекс» ва «ЎзБАТ» сингари замонавий қўшма корхоналарни тилга оламиз. Лекин бу корхоналар Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ташкил этилганини унутмаслик керак.

Бевосита вилоят раҳбарияти томонидан чет эл инвестицияларини жалб этиш, ишлаб турган қўшма корхоналарни ривожлантириш борасида эса, афсуски, аниқ ҳаракатлар сезилмаяпти.

Масалан, жорий йилда режалаштирилган 8 та қўшма корхонадан фақатгина 2 таси ишга туширилган, холос. Мавжуд 5 та қўшма корхона вақтинчалик, 6 та қўшма корхона эса бутунлай ўз фаолиятини тўхтатгани ҳам бу масалага етарли эътибор берилмаётганидан далолатдир. (68)

2001 йил мобайнида вилоят бўйича кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун салкам 7 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 32 фоиз кўп кредит ажратилди. Лекин уларнинг атиги бир фоизи узоқ муддатли кредитларни ташкил этади. Бундай шароитда ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин? (73)

Вилоятнинг молиявий аҳволи ҳақида гапирадиган бўлсак, шуни очиқ айтиш керакки, бу борада ҳам ишлар яхши эмас. Вилоят ҳамон молиявий дотация ҳисобидан яшамоқда. 2001 йил бюджетида дотация улуши ўтган йилга нисбатан 7 фоизга ортиб, ҳозирги вақтда 30 фоизга етди

Республикадан бериладиган дотация миқдори ни камайтириш: ўзини ўзи маблағ билан таъмин-

лаш борасида вилоятда аниқ тадбирлар ишлаб чиқилмагани натижасида кейинги йилларда Нуробод, Ургут, Қўшработ, Каттакўрғон ва Пайариқ туманлари бюджетларида дотация миқдори 52—85 фоизни ташкил этмоқда. Албатта, бундай молиявий аҳвол бизни мутлақо қониқтирмайди. (75)

3. МАҚСАДИМИЗ — ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида сўзланган нутқ. 2001 йил 26 сентябрь

Чет эл инвестициясини жалб этиш борасидаги амалий ишлар диққатга сазовордир.

Буни қуйидаги рақамлар мисолида кўриш мумкин: агар 1991 йилда шаҳарда атиги 44 та қўшма корхона фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги пайтда рўйхатга олинганларининг сони 2 минг 100 тадан ошиб кетди. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар ҳажми 175 миллиард сўмни ташкил этади.

Энг муҳими, бу давр ичида қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури кўпайиб, ҳозирги кунда 600 дан ортади. (92)

4. МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ФАХРИ

*Шўртан газ-кимё мажмуи очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ.
2001 йил 20 декабрь*

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Шўртан газ-кимё мажмуи қурилиши том маънодаги самарали халқаро ҳамкорлик натижаси бўлди.

Янги аср мўъжизаси деб аташга муносиб бу улкан лойиҳани амалга оширишда Америка Қўшма Штатларининг «Эй-Би-Би Луммус Глобал», «Хонивелл», Германиянинг «Фишер», «Эрмафа», «Т плюс Г», Япониянинг «Мицуи», «Нисшо Иваи», «Тойо Инжиниринг», Франциянинг Нефть институти, «Ипедекс», Канаданинг «Нова Кемикалз», Италиянинг «Ренко», Россиянинг «Союзвнештранс», «ВНИИГАЗ» ва бошқа кўп-кўп хорижий фирма ва компаниялар ҳам салмоқли ҳисса қўшгани фикримизнинг тасдиғидир.

Бу нодир иншоотни барпо этишда Америка Қўшма Штатларининг «Эксимбанк», «Чейз Манхеттен банк», Германиянинг «Коммерцбанк», Япониянинг «Эксимбанк», Франциянинг «Париба» каби энг йирик ва нуфузли банклари, «Гермес» суғурта агентлиги ўз сармоялари билан иштирок этгани айниқса диққатга сазовор. (169)

5. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, РЕСУРСЛАРДАН ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ФЙДАЛАНИШ — БОШ ЙЎЛИМИЗ

2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йигилишида сўзланган нутқ. 2002 йил 14 февраль

2001 йилнинг ўзига хос хусусиятларини нималарда, қандай кўрсаткичлар мисолида кўришимиз мумкин?

... Энг муҳими, давлатимиз миқёсида ҳам, ҳудудлар ва тармоқлар бўйича ҳам иқтисодиётнинг молиявий мутаносиблиги мустаҳкамланди.

Давлат бюджетининг даромад қисми бўйича деярли барча кўрсаткичларнинг ошириб бажарилгани туфайли бюджет тўловларини ўз вақтида амалга ошириш имкони туғилди. Шу билан бирга, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга, реал иқтисодиёт тармоқлари ривожини зарур сармоялар билан таъминлашга эришилди. Молиявий йилнинг бюджет камомадини ялпи ички маҳсулот миқдорига нисбатан белгиланган 1,5 фоиз ўрнига бир фоиз даражасида яқунлашга муваффақ бўлдик.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, йилдан-йилга, аввало, ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналаримиз бўйнига тушаётган солиқ оғирлиги тобора камайиб бормоқда.

Ўтган йили ялпи ички маҳсулотга нисбатан давлат бюджетига тортиладиган солиқ улуши 26 фоизгача қисқарди.

Шу вақт мобайнида пул тизими янада мустаҳкамланди. Нақд пул эмиссияси даражаси йил якунларига кўра, прогноз кўрсаткичларида кўзда тутилган 9 фоиз ўрнига 6,5 фоизни ташкил этди. Пулнинг айланиш суръатлари тезлашди. Натижада пул массасининг ўсиши ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2000 йилда 17,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткичнинг 16,4 фоизгача қисқаришига эришилди.

Хўжалик юритувчи субъектларда тўлов интизоми сезиларли даражада мустаҳкамланди. Мо-

ниторинг олиб борилаётган етакчи муассаса ва корхоналарда муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларига деярли барҳам берилганини ҳам муҳим натижа сифатида баҳолаш мумкин.

Бизнинг асосий экспорт маҳсулотларимизга жаҳон бозорида ноқулай нарх конъюнктураси вужудга келганига қарамай, йил яқунларига кўра, ташқи савдо айланмасининг 3,1 фоизга ўсиши таъминланди. Ташқи савдо операцияларида 128 миллион АҚШ доллари миқдоридagi ижобий сальдога эришилди, олтин-валюта захираларимиз аввалги даражада сақлаб қолинди.

Бизнинг бозор ислоҳотлари йўлидан олга боришимизни кўрсатадиган иқтисодиётдаги институционал ўзгаришлар жараёни сезиларли даражада чуқурлашди.

Бу ерда гап фақат бозор иқтисодиётига хос бўлган янги институт — ташкилотларни шакллантириш хусусида эмас, балки, авваламбор, бозор муносабати механизмларини ўзининг иқтисодиётга таъсирини кучайтириш ҳақида бормоқда.

Яъни, хўжалик юритишдаги эски, ўз умрини яшаб бўлган, зўравонлик, маъмурий-буйруқбозлик усуллари ўрнини бозор механизмлари ва иқтисодий омилларга, рағбатлантириш усуллари асосланган янги тамойиллар эгалламоқда.

Бу институционал ўзгаришлар замирида, биринчи галда кейинги йилларда молия ва банк тизимини, аудит ва суғурта соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш, бозор инфратузилмасининг кенг тармоғини шакллантириш борасида амалга оши-

рилаётган чора-тадбирлар мажмуи мужассам топган, десак, асло хато бўлмайди.

Шубҳасиз, бунда мамлакатимизда йил сайин шаклланиб ва мустаҳкамланиб бораётган ҳуқуқий база, шу жумладан, кейинги йилларда қабул қилинган давлат бюджети ва бюджет тизими, Марказий банк ва банклар тизими, аудит, суғурта фаолияти, лизинг тўғрисидаги турли қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

2001 йилда ҳам иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва инвестицияларни, жумладан, чет эл сармояларини кенг жалб этиш сиёсати ҳаётга фаол жорий қилинди. (200—201)

2001 йили биз ташқи иқтисодий фаолият ва валюта сиёсатини янада эркинлаштириш муаммоларини ҳал қилишда сезиларли натижаларга эришдик.

Экспорт контрактларини расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилди. Кичик ва ўрта бизнеснинг барча субъектлари рўйхатдан ўтган кундан бошлаб бевосита ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси ҳисобланади. Улар учун экспорт қилинадиган маҳсулотдан келадиган валюта тушумининг 50 фоизини сотиш мажбурияти бекор қилинди.

2001 йилда валюта сиёсатида, уни янада эркинлаштириш борасида жиддий ўзгаришлар рўй берди.

Валюта алмашув курсларини унификация қилиш ишлари босқичма-босқич давом этмоқда. Бугун ички валюта бозоридаги барча операция-

лар, хорижий валютага бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, эркин алмашув курси бўйича амалга оширилмоқда.

Ички валюта бозори анча мустақкамланиб, унда амалга ошириладиган барча операциялар ва механизмлар тизими сезиларли равишда ўзгарди. Банклараро валюта савдоси сессиялари тизими ташкил этилиб, республика валюта фонди тугатилди. Марказий банкнинг квоталаштириш ва лицензиялар бериш тартиби бекор қилинди. Шунингдек, республикага нақд валюта олиб киришда қўлланиладиган бир фоизли йиғим олиш амалдаги қоидалардан олиб ташланди.

Бугунги кунда барча валюта операциялари фақат ваколатли банклар томонидан амалга оширилмоқда ва бу банклар биржадан ташқари валюта бозорида асосий бўғинга айланиб бормоқда.

Банклараро валюта савдо сессиялари ошқоралик ҳамда очиқлик тамойилларига асосланган ҳолда ҳар куни ўтказиб келинмоқда.

Деярли барча ваколатли банкларга валюта алмаштириш операцияларини бажариш ҳуқуқи берилган. Бугунги кунда ваколатли банкларнинг 1 минг 21 та алмаштириш шохобчалари валюта алмаштириш операцияларини бажармоқда.

Бир сўз билан айтганда, сўнгги йилнинг ўзида жорий операциялар бўйича миллий валютанинг эркин конвертациясини таъминлаш юзасидан салмоқли қадамлар қўйилди. Бу ишларни 2002 йилда албатта охирига етказишимиз зарур.

Яна шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, кейинги вақтларда бизнинг халқаро мо-

лия ташкилотлари билан муносабатларимиз сифат жиҳатидан ўзгариб бормоқда. Икки томонлама муносабатларни келгуси йилларда янада ривожлантириш мақсадида ўзаро келишилган ҳамкорлик стратегияси ишлаб чиқилиб, бу борада мустақкам пойдевор қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Халқаро валюта фонди билан келишган ҳолда 2002 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иқтисодий ва молиявий сиёсати бўйича Меморандумнинг ишлаб чиқилгани ва кучга киритилгани ушбу ҳамкорликнинг яққол самарасидир.

Мазкур Меморандумнинг кўпгина қоидалари бугунги кундаёқ амалга оширилмоқда. Бироқ бу борада жорий йил давомида қилинадиган ишлар ҳам кўп.

... Жорий йилдаги иқтисодий стратегиямизнинг асосий маъно-мазмунини белгилайдиган давлат бюджетининг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлари ва йўналишлари Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида кенг муҳокама этилгани ва маъқулланганидан барчангиз яхши хабардорсиз.

Биз бугун ўтган йил якунларидан келиб чиқиб, 2002 йил давомида асосий эътиборимизни қаратишимиз лозим бўлган энг муҳим вазифаларни яна бир бор аниқлаб олишимиз керак.

Шу нуқтаи назардан қараганда, 2002 йилда биз, аввало, қандай устувор масалаларга эътиборимизни қаратишимиз даркор?

Биринчилар қаторида иқтисодиётимиздаги макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляция даражасини сезиларли равишда пасайтириш

ҳамда қатъий молия ва кредит сиёсатини ўтказиш биз учун гоят муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг энг муҳим стратегик вазифамиз халқ хўжалиги тармоқлари ва корхоналарни модернизація қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш асосида экспорт товарлари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришдан иборат эканлигини унутмаслигимиз керак.

2002 йил мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масаласини ҳал қилишда кескин бурилиш йили бўлиши зарур. Бунинг учун сон кетидан қувмасдан, ишни хусусийлаштириш дастурига кирган конкрет йирик корхоналардан, биринчи навбатда, алоҳида лойиҳалар бўйича хусусийлаштириладиган, аввало, хорижий инвесторларга тўла сотилиши мўлжалланган корхоналардан бошлаш лозим.

Айтиш керакки, бу борада ҳали ечилмаган талай муаммолар мавжуд. Шундай экан, бу ишга жалб этилган, молия соҳасини чуқур биладиган хорижлик маслаҳатчилар билан кенг ва фаол иш олиб бориш даркор.

Шу жумладан, бир неча йиллардан буён со-толмаётган акциялар пакетларини ҳамда инвесторларнинг эътиборини ҳозиргача ўзига тортмаётган объектлар бўйича аҳволни атрофлича ўрганиб, тегишли чора-тадбирлар ва таклифларни тез кунларда кўриб чиқишимиз керак.

Ана шундай акциялар пакетлари ва бутун бошли объектларни, инвестор ўз зиммасига аниқ инвестицион мажбуриятлар олган тақдирда, маъ-

лум муддатдан кейин сотиб олиш шарти билан уларнинг бошқарувига бериш тажрибасини янада кенгроқ қўллаш лозим.

Бир сўз билан айтганда, мулк шаклини ўзгартириш масалаларига ҳар томонлама ўйлаб ёндашиш даркор.

Пахта тозалаш, кимё ва мебель саноати, энергетика, темир йўл ва автомобиль транспорти, капитал қурилиш ва коммунал хўжалик каби тармоқларни монополиядан чиқариш бўйича бошлаган ишларимизни мантиқий ниҳоясига етказиш, рақобатни ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш керак.

Жорий йилда солиқ ва бюджет соҳаларини ислоҳ этиш, республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш, бюджетдан ташқари фондлар ролини ошириш борасидаги ишлар давом эттирилади. (206-209)

Ресурсларни иқтисод қилиш муаммолари тўғрисида гапирганда, молиявий ресурсларни тежаш, берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. Кредитлардан асоссиз кечиб юбориш ёки қарз тўловларини муддатида қайтармаслик каби номақбул тажрибага мутлақо барҳам бериш керак. Акс ҳолда, биз наинки корхоналарга молиявий ёрдам берамиз, балки, айти пайтда масъулиятсиз қарз олувчиларнинг уруғи кўпайишига ҳам сабабчи бўламиз.

Бу борада ривожланган мамлакатлардагидек қатъий тартиб ўрнатиш лозим. Агар кимдир қарз олмоқчи бўлса, марҳамат, ўз мулкани гаровга

иқтисодиётимизга жалб этилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмидан фақат 13,4 фоизига бевосита амалга оширилди.

Бу борада ҳали-ҳануз кўпчилик ҳукумат кафолатига эга бўлишга интилади. Э, барака топкур, ҳукуматимиз кафилликни ўзига олиб, ҳамма масалани ўзи ҳал қилиб берадиган бўлса, янги қўшма корхона ташкил этиш учун катта ақл керак эмас-ку. Буни тушуниш, наҳотки, шунчалик қийин бўлса?

Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича, жойлардаги мавжуд комашё ҳисобига ишлайдиган қўшма корхоналар очиш бўйича қабул қилинган дастурларнинг бажарилишини таъминламаётган раҳбарлар олдига қатъий талаблар қўйишимиз керак. Вазирлар Маҳкамаси ўзининг биринчи ярим йиллик яқунларига бағишланган йиғилишида мазкур дастурлар ижросини муҳокама қилиши ва уларни бажармаётган мутасадди шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриши зарур.

Ҳудудларда хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар ташкил этишни мувофиқлаштириш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи қўшма корхоналарнинг вакиллари билан биргаликда бу масалани чуқур ўрганиб чиқсин ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш ва қўшма корхоналарнинг фаолият самарадорлигини ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин. (226—228)

6. ОДАМЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК, ИСТИҚБОЛНИ ЎЙЛАБ ИШ ТУТИШ — ҲАР БИР РАҲВАРНИНГ БУРЧИДИР

*Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашиининг
навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ.*

2002 йил 31 май

Вилоятда бугун чет эллик шериклар билан тузилган 25 та қўшма корхонадан атиги 8 таси саноат соҳасида фаолият кўрсатаётгани, табиийки, бизни қониқтирмайди.

Ўтган йилнинг ўзида 5 та саноат корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 3 миллиард сўмга камайгани, 2000 йил кўрсаткичлари билан қиёслаганда, 25 турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми қисқаришига йўл қўйилгани, ҳозирги кунда корхоналар омборларида 14 миллиард сўмлик маҳсулот сотилмаётгани ҳам шундан далолат беради.

Бунинг натижасида наинки вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам қанчалик зарар етишини тушунтириб ўтириш шарт эмас, деб ўйлайман.

Маълумки, мамлакатимизда чет эллик сармоядорларнинг фаолият кўрсатиши учун тегишли ҳуқуқий замин, қулай имтиёзлар тизими яратилган. Лекин вилоятда хорижий ҳамкорлар билан ишлашга етарли аҳамият берилмагани натижасида Навоий шаҳридаги «Қизилқум-Рус-Нур» ва «Прибор» каби қўшма корхоналар тўхтаб қолган.

Чет эл сармояларини жалб этган ҳолда, замонавий қўшма корхоналар очиш — иқтисодиёти-мизни ривожлантиришдаги энг асосий масала экани қайта-қайта таъкидланаётганига қарамай, Қизилтепа, Нурота, Томди ва Учкудуқ туманларида ҳозирга қадар биронта ҳам қўшма корхона ташкил этилмаганини, ҳокимларнинг бу муҳим ишга лоқайд муносабатини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Бугунги кунда вилоят корхоналаридан атиги 3 таси, у ҳам бўлса, Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот», «Қизилқумцемент» ишлаб чиқариш бирлашмалари ўз маҳсулотини ташқи бозорга олиб чиқмоқда. 2001 йилда вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг маҳсулот экспорт қилиш ҳажми 16 фоизга камайиб кетгани ташвишга солмасдан қўймайди. (372—373)

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини рўйхатга олиш, уларга банклар томонидан кредитлар ажратиш борасида юз бераётган камчилик ва нуқсонлар ҳам тadbиркорлик ривожига жиддий тўғаноқ бўлмоқда.

Ўтган йили вилоятда кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатга олиш, уларга ер майдонлари ажратиш ва тижорат банклари томонидан кредитлар бериш масаласи ўрганилганда 13 мингдан зиёд ҳолатда амалдаги қонун бузилишлари содир этилгани аниқланган.

30 дан ортиқ ҳолатда вилоят ва туман ҳокимликлари, 34 ҳолатда эса тижорат банклари раҳ-

барлари тўрачилик, таъмагирлик билан аризаларни ўз вақтида рўйхатга олмаган ёки рад этиб, ортиқча ҳужжатлар талаб қилган. (379—380)

7. ОДАМЛАРНИНГ ТАШВИШ ВА ОРЗУ- ИНТИЛИШЛАРИ БИЛАН ЯШАШ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИГА АЙЛАНСИН

2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисидаги маъруза. 2002 йил 18 июль

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кредитлар ажратиш тизими анча яхшиланди — ажратилган макрокредитлар ҳажми 2,5 баробарга кўпайиб, 18 миллиард сўмни ташкил этди. Ярим йил давомида 40,4 миллион АҚШ доллари миқдоридagi хорижий кредитлар ўзлаштирилди.

Ҳозир бу мақсадлар учун яна кўшимча равишда 270 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги чет эл кредитлари ва грантларини жалб этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда: (400)

Бугунги кунда мамлакатимизда умумий қиймати 3,6 миллиард долларлик 109 та устувор инвестицион лойиҳа, жумладан 725 миллион долларлик 38 та тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилган лойиҳа амалга оширилмоқда.

Агар 2001 йили 824 миллион долларлик, жумладан, 108 миллион долларлик тўғридан-тўғри

жалб этилган хорижий инвестиция ўзлаштирилган бўлса, жорий 2002 йилда 905 миллион, жумладан 183 миллион долларлик тўғридан-тўғри жалб этилган хорижий инвестиция ўзлаштирилиши кўзда тутилмоқда. Ўсиш суръати тегишлича 110 фоиз ва 1,7 баробарни ташкил этади.

Инвестицияларнинг катта қисми нефть-газ ва текстиль саноатига тўғри келмоқда. Таассуфки, электротехника, кимё-саноати қурилиш материаллари, машинасозлик, истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳаларига хорижий инвестиция жалб қилиш имкониятлари етарлича ишга солинмаяпти.

Шуни яна афсус билан айтиш керакки, жами хорижий инвестицияларнинг қарийиб учдан икки қисми фақат Тошкент шаҳрига, шунингдек, Самарқанд, Андижон ва Тошкент вилоятларига тўғри келмоқда.

Ҳозирга қадар 21 та туманда хорижий шериклар билан бирорта ҳам корхона тузилмаган. Вилоятлар, туманлар, тармоқларнинг концерн ва компаниялар раҳбарлари нега бу тўғрида бош қотиришмаяпти — бу ҳақда алоҳида гаплашиб олиш лозим.

Ўйлайманки, бундай номақбул ҳолатларни ва умуман ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни экспорт қилиш режаларининг бажарилишини тўққиз ойлик яқунлари билан биргаликда алоҳида кўриб чиқишимиз зарур.

Ҳозир Ўзбекистонда хорижий сармоя жалб этилган қарийиб 2 минг корхона иш юритмоқда.

Уларнинг 69 таси ўтган ярим йилда ташкил этилган.

Биринчи ярим йилликда 1 минг 250 та корхона бевосита ишлаб чиқариш билан машғул бўлгани ҳолда уларнинг фақат учдан бир қисмигина ўз маҳсулот ва хизматларини экспорт қила олди. Ўйлайманки, бу рақамлардан тегишли хулоса чиқариб олиш қийин эмас.

Инвестиция лойиҳаларининг техникавий-иқтисодий асоси сифатсиз тайёрланиши, уларнинг паст даражада экспертиза қилиниши, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда четдан олиб келинадиган хом ашё ва бутловчи қисмларнинг салмоғи катта эканлиги бу борадаги асосий камчиликлардир. Шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган маркетинг тадқиқотлари ўтказилмаслиги, лойиҳа тайёрлаш жараёнида шерик томонлар ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат остига олмаганлари сабабли хорижий сармоя иштирокида ташкил қилинган кўплаб корхоналар ишламай турибди. Такрор айтаман, бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти учун ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш, тўлов баланси ва миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш нечоғли ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапирар эканмиз, истеъмол молларини юртимизга олиб кириш билан боғлиқ ишлар, аниқроғи,

бизнинг бу масалага муносабатимиз ҳақида алоҳида айтиб ўтишим керак.

Табиийки, мамлакатимизга юқори сифатли, ҳақиқатан ҳам катта истеъмол талабига эга бўлган товарларни олиб кираётган чет эл фирмалари, воситачи ва тижорат ташкилотларига бизнинг ҳеч қандай эътирозимиз йўқ. (418—419)

**БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ—
ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ
ВА МАЪРИФИЙ ДУНЁ
БИЛАН ҲАМКОРЛИК
ЙЎЛИ**

1. ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ — МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

*2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий
ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий
ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий
йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг
мажлисидаги маъруза. 2003 йил 17 февраль*

Корхона ва ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлаш учун йўналтириладиган маблағларнинг давлат томонидан меъёрга солиниши бекор қилинди.

Барча хўжалик юритувчи субъектларга тижорат банкларидаги ўз ҳисоб рақамларидан ўзлари топширган нақд пул тушуми миқдоридан талаб қилинган вақтда нақд пул олиш ҳуқуқи берилди.

Корхоналарнинг биржадан ташқари валюта бозоридан фойдаланишга имкониятлари сезиларли даражада эркинлаштирилди, лицензиялар бериш тартибга солинди, юридик шахслар учун конвертация ва хорижий валютани сотиб олиш тартиби анча соддалаштирилди. (175)¹

Иқтисодиётнинг барқарор фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиб беришга қаратилган **бозор инфратузилмаси институтларининг** ривожланиши хусусида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ерда гап биринчи галда **молия ва банк тузилмаларини, суғурта, консалтинг ва лизинг**

¹ *Ислом Каримов*. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. —Т.: «Ўзбекистон», 2003. 175-бет. (Ушбу бўлимдаги манбалар ана шу китоб бўйича кўрсатилган).

компанияларини ривожлантириш ҳақида бормоқда. Банк тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш нафақат банклар сонининг ортишига, шу билан бирга, хусусий банкларнинг ҳам кўпайишига туртки берди.

Лекин, энг муҳими, тижорат банкларининг барқарорлиги ва имкониятлари мустаҳкамланди. Ўтган ҳисобот йилида тижорат банкларининг ялпи капитали 43 фоизга, уларнинг ялпи активлари ҳажми эса — учдан бир баробарга ўсди. Аҳолининг тижорат банкларига қўйган омонатлари 2002 йилда 86 фоизга ортиб, 170 миллиард сўмга етди, Банкларни улар бевосита хизмат кўрсатадиган миждозларга яқинлаштириш мақсадида барча вилоят ва туманларда минибанклар тармоғи барпо этилмоқда. Бугунги кунда 530 та ана шундай банк очилган бўлиб, биргина ўтган йилнинг ўзида уларнинг сони деярли икки барабар кўпайди.

Биз тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларидаги ижобий ўзгаришларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун ажратилган кредитлар ҳажми 2002 йилда 30 фоизга ортди ва қарийб 265 миллиард сўмни ташкил этди.

Кейинги йилларда Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ва бошқа халқаро молия ташкилотларининг 450 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит ресурслари кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадларига йўнал-

тирилди. Шу кунга қадар бу кредитлардан 345 миллион 800 минг АҚШ доллари ўзлаштирилган бўлса, шунинг 87 миллион доллари биргина 2002 йилга тўғри келади. Бозор инфратузилмасининг энг муҳим институтларидан бири тадбиркорлар ва аҳолини эҳтимоли бўлган турли зарарлардан ҳимоя қилишга қаратилган суғурта фаолияти ҳам изчил ривожланиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда бу соҳада 28 та компания иш юритмоқда, улар мамлакатимиз фуқаролари ва ташкилотларига 150 турдан ортиқ суғурта хизматини таклиф этмоқда.

Биз янги иш бошлаётган тадбиркорларнинг ўз фаолияти учун зарур ускуна ва технологиялар сотиб олишига имкон берадиган лизинг тизимини ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда 9 та тижорат банки ва 6 та ихтисослашган компания лизинг операцияларини ўтказмоқда. Биргина 2002 йилнинг ўзида улар томонидан лизинг шартлари асосида умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларида зиёд бўлган икки ярим мингта лойиҳа амалга оширилди. (177—179)

Молиявий ва пул муомаласи мутаносиблигини таъминлаш масалаларида ижобий натижалар қўлга киритилди.

Давлат бюджети тақчиллиги ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 0,8 фоизни ташкил этди, яъни прогноз даражасидан анча паст бўлди.

2002 йилда қатъий пул-кредит сиёсати олиб бориш, пул массаси, кредит ва нақд пул эмис-

сиясини камайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада пул массасининг ўсиш суръати анча камайди, унинг ҳажми 2001 йили ялпи ички маҳсулотга нисбатан 14 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 12,5 фоиздан иборат бўлди.

Энди ижозатингиз билан ўтган йилги **инвестиция ва иқтисодий таркибий сиёсатни амалга ошириш якуналари** ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

2002 йили иқтисодиётга жалб этилган барча инвестициялар ҳажми 3,8 фоизга ўсиб, 1 триллион 400 миллиард сўмдан ортди. Шундан 650 миллион АҚШ долларидан ортиги ёки 20 фоиздан кўпроғи хорижий инвестициялардир.

Инвестициялар умумий ҳажмида корхоналарнинг ўзига тегишли бўлган ресурсларнинг 27,5 фоиздан 40 фоизга ошганини ижобий ҳолат сифатида алоҳида қайд этиш лозим.

Бу соҳада амалга оширилаётган тадбирлар натижасида ўтган йил давомида 56 та ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Улардан 15 таси йирик корхона ва иншоотлардир.

Шулар қаторида 500 километр узунликдаги Учкудуқ — Нукус темир йўли, Қизилқум фосфорит комбинатининг биринчи навбати ишга туширилди. Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида хлорат натрий ва хлорат магний дефолиантини тайёрлаш йўлга қўйилди.

Тошкент халқаро аэропорти ҳамда Самарқанд, Бухоро ва Урганч аэропортларини модернизация қилиш ишлари ниҳоясига етказилди.

Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган Республика шошилинич тиббий ёрдам маркази, «Хоразм» меҳмонхонаси, «Нестле — Ўзбекистон», «Фармой», «Чиноз тўқимачи» каби қўшма корхоналар ва бошқа бир қатор иншоотлар барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

Барча инвестицияларнинг 58 фоиздан кўпроғи биринчи навбатда ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, янги қувватларни ишга туширишга йўналтирилди.

Натижада мамлакатимизда юксак технологияга асосланган ишлаб чиқариш корхоналари вужудга келмоқда, рақобатга бардошли янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёни фаол ўзлаштирилмоқда, биз учун долзарб масала бўлган аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари ҳал этилмоқда. (180—182)

2003 йил 1 январь ҳолатига кўра, зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони 2002 йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробарга, иқтисодий notch корхоналар эса қарийб икки баробарга камайди.

Ўтган йили инфляция даражаси анча пасайди — унинг ўртача ойлик миқдори 1,6 фоиздан иборат бўлди. 2001 йили бу кўрсаткич 2 фоизни ташкил этган эди. (184)

Бир қарашда қонунчилик нуқтаи назаридан белгиланган барча талаб ва меъёрлар бажарилгандек туюлади, корхоналар хусусийлаштирилиб, расман давлат тасарруфидан чиқарилади. Лекин, афсуски, бу борада алоҳида қарашлар-

ни талаб этадиган кўплаб турли муаммолар юзга келмоқда.

Гап шундаки, аксарият хусусийлаштирилган корхоналарда акциялар орқали маълум миқдорда давлат тасарруфида сақланиб қолган мулк бор. Ушбу улуш бўйича давлатнинг ишончли ёки ваколатга эга вакиллари тайинланган бўлиб, улар акциядорлик жамияти бошқаруви таркибига киритилган ва қарор қабул қилишда уларнинг овози ҳал этувчи аҳамиятга эга.

Бу масаланинг яна бир жиҳати шундаки, ўз вақтида корхоналарнинг давлатга тегишли акцияларининг бир қисми юқори уюшма, корпорация ва компанияларнинг ишончли бошқарувига топширилган эди. Бунда хўжалик бирлашмаларининг тармоқда ягона техникавий ва технологик сиёсат юритиш, маркетингни амалга ошириш имкониятига эга бўлиши кўзда тутилган эди.

Амалда эса уюшма ва компаниялар томонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига бўлар-бўлмас аралаштириш, бошқарув ишлари билан шуғулланиш, кадрлар масаласини ўз билганича ҳал этиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бундай ҳолда уюшманинг аввалги тармоқ вазирлигидан нима фарқи қолади?

Мисол учун, давлатга қарашли Тошкент компрессор заводи 1994 йили акциядорлик жамиятига айлантирилган эди.

Эмиссия режасига кўра, акцияларнинг 25 фоизи давлат тасарруфида қолди, салкам 10 фоизи жамоага берилди, қолган акциялар эса эркин савдога чиқарилиши зарур эди.

Бироқ акцияларнинг 35 фоиздан кўпроғи жойлаштирилмасдан қолиб кетди. Бундан ташқари, ўтказилган тафтиш давомида мулкнинг бир қисми умуман нархланмагани аниқланди, жойлаштирилмаган акцияларнинг реал улуши эса бугун 66 фоизни ташкил этади.

Завод акциядорлик корхонасига айлантирилганидан сўнг, илгари унга раҳбарлик қилиб келган собиқ директор акциядорлик жамияти бошқаруви раиси этиб тайинланган. Ва кейинчалик жамоа мулкани ўзбошимчалик билан тасарруф этгани, уни талон-торож қилгани учун тергов органлари тавсияси билан лавозимидан олинган.

Хўш, кузатув кенгаши, акциядорлар йиғилиши қаёққа қараган? Афсуски, бу масалалар улар томонидаи кўриб ҳам чиқилмаган. Чунки кузатув кенгашига турли йилларда жамиятнинг бош технологи, раиснинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, бош конструктор бўлиб ишлаган шахслар раислик қилган. Бир сўз билан айтганда, кенгашга фақат директорнинг қўл остида ишловчи одамлар раҳбар бўлган.

Мен хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини эркин савдога чиқариш сунъий равишда тўхтатиб қўйилгани, акциядорлик жамиятларининг кузатув кенгашлари амалда директорлар зотига тобе бўлиб, собиқ директорлар эса корхонада том маънодаги якка хўжайинга айланиб қолганини исботловчи кўплаб мисолларни келтиришим мумкин.

Бундай ҳолатларнинг салбий томони шундаки, директорнинг қонунга биноан **акциядорлар**

олдида ҳисобот бериши лозим бўлган, шу шарт билан ишга олинган бошқарувчи экани ва унинг эртага ҳам директор лавозимида қолиши ёки қолмаслиги акциядорларнинг овози ҳамда қарорларига боғлиқлиги мутлақо ҳисобга олинмаган. Бундай ҳолатларга йўл қўйиб берган, Вазирлар Маҳкамасида ва Давлат мулки қўмитасида юқори лавозимларда ўтирган мутасаддилар қандай жавоб беради?

Бугунги кунда олдимизда, таъбир жоиз бўлса, расмий хусусийлаштиришдан том маънодаги амалий хусусийлаштиришга ўтишдек ўта муҳим вазифа турибди. (207—209)

2. ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БОШҚАРУВЧИЛАР КЕНГАШИ ЙИЛЛИК ЙИГИЛИШИНING ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚ

2003 йил 4 май

Бундай нуфузли халқаро молиявий анжуманнинг Тошкентда ўтказилиши нафақат Ўзбекистоннинг молиявий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида, балки бутун Марказий Осиё минтақаси тараққиётида муҳим роль ўйнайди, десам, ўйлайманки хато бўлмайди.

ЕТТБнинг йиллик анжуманига тайёргарлик кўриш жараёнининг ўзи Ўзбекистонда демократик ривожланиш ва жамиятни янгилаш, эркин бозор иқтисодиёти асосларини шакллантириш,

таркибий ўзгаришларни ва инвестиция дастурларини амалга ошириш борасида бажарилган ишларни яна бир бор юксак профессионал даражада танқидий баҳолаш учун қулай шароит яратди. Биз, биринчи навбатда, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлигимизнинг қанчалик фойдали ва самарадорлигини ҳолис баҳолаш имконига эга бўлдик.

Мен ушбу минбардан туриб, бутун масъулиятни зиммамга олган ҳолда шуни айтишим жозибали — Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлардаги, мамлакатимизнинг изчил демократик ҳамда иқтисодий янгилашишидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Анжуманнинг барча иштирокчиларига тақдим этилган материаллар билан жиддий танишган одам, ўйлайманки, бунга ишонч ҳосил қилиши мумкин.

Кейинги йилларда мазкур банк Ўзбекистон иқтисодиётига 750 миллион доллардан зиёд сармоя киритди. Унинг иштирокида олтин қазиб олиш бўйича «Зарафшон—Ньюмонт» каби йирик қўшма корхоналар, бир қанча қўшма банклар ва лизинг компаниялари ташкил этилди, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ва Сирдарё ГРЭСи реконструкция қилинди, Тошкент халқаро аэропорти замонавий андозалар асосида қайта таъмирланди ҳамда мамлакатимиз иқтисодиёти-ни ривожлантиришда нафақат катта, балки устувор аҳамиятга эга бўлган бошқа қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун банк қиймати 200 миллион долларга тенг кредит линияларини очди. Шу билан бирга, банк инвестициялари биз учун ўта муҳим ушбу соҳага бошқа халқаро тузилмалар ва сармоядорларнинг 1,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган маблағларини жалб этишда кучли омил ва яхши намуна бўлди.

Бажарилган лойиҳалар ва ишга туширилган объектлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Бироқ мен ҳамкорлигимизнинг бошқа томонларини ҳам қайд этмоқчиман.

Банк ўз инвестициялари ёрдамида иқтисодиёт соҳаларининг таркибий янгиланиши ва ислоҳ қилинишида, хусусийлаштириш жараёнларининг чуқурлашувида, хусусий секторни ривожлантиришда, энг муҳими, мамлакатимизда янги синф—тадбиркорлар синфининг ривож топишида амалий ёрдам кўрсатмоқда.

ЕТТБ билан ҳамкорлигимизнинг бундай аниқ мақсадларга йўналтирилганлиги бүгунги кунда Ўзбекистон демократик ва бозор ислохотларини жадаллаштириш ва чуқурлаштириш, фуқаролик институтларини ривожлантириш борасида ўз олдига қўйган жорий ва стратегик вазифаларга тўла мос келади. (249—251)

3. 2003 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ ҲАМДА ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА БУ СОҲАЛАРДА ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА

*Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза.
2003 йил 18 июль*

Биз йил бошида мамлакатимизда бюджет соҳасида изчил ва қаттиқ кредит — молия сиёсатини ўтказиш, шу тартибга қатъий амал қилиш орқали бюджет даромадлар ва харажатлар қисмининг жорий йил учун тасдиқланган кўрсаткичларини бажариш, шунингдек, бюджет камомадини қоплашга қаратилган инфляция манбаларга барҳам беришга қарор қилган эдик.

Натижада биринчи ярим йилликда давлат бюджетининг бажарилиши таъминланди ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз профицит билан яқунланди. Корхоналарнинг солиқ юкини енгиллаштириш ва солиқ тизимини унификация қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ҳам биринчи ярим йиллик яқунларига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди.

Маълумки, 2003 йилдан бошлаб фойдадан олинадиган солиқ ставкаси 24 фоиздан 20 фоизга, юридик шахслар учун иш ҳақи фондидан ижтимоий сугурта ажратмалари 37,3 фоиздан 35

фоизга пасайтирилди. Шунингдек, айрим солиқ турлари умуман бекор қилинди.

Бу чора-тадбирлар маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳволини яхшилашига, корхоналарнинг инвестиция соҳасидаги фаоллигини оширишга хизмат қилди. Биринчи ярим йиллик мобайнида корхоналарнинг ўз инвестициялари ҳажми 18 фоизга ортди ва у иқтисодиётга йўналтирилган барча инвестицияларнинг 46 фоизини ташкил этди.

Банк тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда тижорат банклари фаолиятида ҳам ижобий тенденциялар кўзга ташланмоқда. Олтин-валюта захираларимиз сезиларли даражада ўсди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида тижорат банкларининг жами маблағлари 32 фоизга ортди, кредитларнинг қайтарилиш даражаси яхшиланди. Бу эса, ўз навбатида, ўтган ярим йилликнинг ўзида берилган кредитлар ҳажмини 36 фоиз оширишга имкон туғдирди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи ҳам ортиб бормоқда.

Буни одамларимизнинг депозит ҳисоб-рақамларига қўйган омонатлари 44 фоизга ортгани ҳам кўрсатиб турибди. Банк хизматлари тармоғи сезиларли даражада кенгайди, хусусий ва мини-банклар сони кескин равишда ортди. Мана шу ҳисобот даврининг ўзида хусусий банклар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб икки баравар кўпайди.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз бўйича ҳаммаси бўлиб 15 та минибанк фаолият кўрсатган бўлса, бутунги кунда уларнинг сони 530 тадан ошиб кетди. Кичик ва ўрта корхоналар, фермер хўжаликларининг банк тизими хизматларидан фойдаланиш имкониятлари анча кенгайди.

Қаттиқ пул-кредит сиёсатини ўтказиш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлаш бўйича кўрилаётган чоралар, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган рақобатга бардошли маҳсулотлар билан тўлдириш борасида амалга оширилган аниқ тадбирлар инфляция суръатларини пасайтиришда ижобий роль ўйнамоқда.

Агар 2002 йилнинг биринчи ярмида инфляция суръатлари 14,4 фоизни ташкил этган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 4,2 фоиздан иборат бўлди. Бу эса, табиийки, миллий валюта — сўмимизни ҳар томонлама бақувват қилишда ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда.

Биринчи ярим йилликда валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, банклараро валюта бозорини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича муҳим натижаларга эришилди.

Валюта сиёсатини эркинлаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида амалда миллий валютамизнинг алмашиш курслари унификация қилинди, биржадан ташқари ва бошқа валюта бозорларида шаклланган курслар ўртасидаги фарқ деярли барҳам топди.

Бугунги кунда бизнинг олдимизда турган асо-сий вазифа, сўмнинг жорий операциялар бўйича конвертациясига эришганимиздан сўнг, унинг алмашув курсини барқарор равишда сақлаб туриш учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Бу иқтисодий сиёсатимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлмоғи керак. Бунинг учун эса бизда барча зарур омиллар—маблағ ҳам, имкониятлар ҳам мавжуд.

Июнь ойида Халқаро валюта жамғармаси вакиллари Тошкентда бўлиб, мамлакатимизда валюта режимини эркинлаштириш бўйича кўраётган чора-тадбирларимизга юқори баҳо берди.

Мазкур жамғарма билан ҳамкорликда жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютаимиз конвертациясини таъминлашга доир ҳаракат режаси ишлаб чиқилди.

Бу режанинг муваффақиятли амалга оширилиши шу йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистон учун Халқаро валюта жамғармаси битимининг 8-моддасига тегишли барча стандартларни қабул қилиш имконини беради.

Мамлакатимизнинг ташқи савдо фаолиятида, экспорт ва импорт таркибида ижобий силжишлар рўй бермоқда. Ўтган ярим йил мобайнида ташқи савдо айланмаси қарийб 23 фоизга, шу жумладан, экспорт 41 фоизга ошди.

Айни пайтда, биринчи ярим йилликда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тайёр маҳсулот экспортининг ҳажми 1,6 марта ўсганини, унинг экспорт таркибидаги улуши 35 фоиздан 41 фо-

изга кўтарилганини ҳам айтиб ўтишимиз керак.

Ташқи савдода 530 миллион АҚШ доллари миқдоридида ижобий сальдога эришилди. Мамлакатимизнинг тўлов баланси янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон ўзининг барча ташқи мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китобларни ўз муддатида амалга оширмоқда.

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан ташқи савдо алоқалари кенгайиб, тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан ўзаро муносабатларимиз ҳам тобора кучаймоқда.

Узоқ хорижий мамлакатларга маҳсулот экспорт қилиш ялли экспорт ҳажмининг 77 фоизини, импорт эса 62 фоизни ташкил этмоқда. Бу — мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашиб, дунё бозорларидаги кескин рақобат шароитида ўз ўрнини эгаллаб, нуфузини мустаҳкамлаб бораётганидан яна бир далолатдир.

Ана шу сиёсатни амалга оширишнинг муҳим йўналиши — бу ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган қўшма корхоналар ташкил этиш ҳисобига иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришдан иборат.

Ярим йил мобайнида иқтисодиётда капитал қўйилмалар ҳажми 2,6 фоизга ўсди ва бу ялли ички маҳсулотнинг учдан бирини ташкил этади.

Жами инвестицияларнинг 60 фоиздан кўпроғи биринчи навбатда ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Инвестициялар таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар содир бўлди, марказлашмаган манбалар, яъни корхоналар маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳиссаси 56 фоиздан 67 фоизга ўсди.

Ярим йилликда 200 миллион АҚШ долларидан кўпроқ хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, шундан 65 миллиони тўғридан-тўғри инвестициялар бўлиб, уларнинг миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 баробарга ортди. (282—288)

ТИНЧЛИК

ВА ХАВФСИЗЛИГИМИЗ

ЎЗ КУЧ-ҚУДРАТИМИЗГА,

ҲАМЖИҲАТЛИГИМИЗ

ВА ҚАТЪИЙ ИРОДАМИЗГА

БОҒЛИҚ

1. КОНСТИТУЦИЯ — ЮРТИМИЗДА ЯНГИ ҲАЁТ, ЯНГИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг
11 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўз.
2003 йил 5 декабрь*

Жорий йил давомида юртимиздаги 5 минг 630 та маҳалла ҳудудида кўплаб кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш ҳисобидан қарийб 155 мингта янги иш ўрни яратилгани ва бунинг натижасида кам таъминланган фуқаролардан 110 минг нафари иш ўрнига эга бўлгани айниқса диққатга сазовор.

Бу муҳим ишга тижорат банклари томонидан 36 миллиард 155 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан қарийб 8 миллиард сўм, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 1 миллиард 700 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилгани кўпгина муаммоларни ҳал этиш учун имкон яратди... (99)¹

¹*Ислом Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз кучқудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. —Т.: «Ўзбекистон», 2004. 99-бет. (Ушбу бўлимдаги манбалар ана шу китоб бўйича кўрсатилган).*

2. ЭРИШГАН МАРРАЛАРИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАБ, ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАН ИЗЧИЛ БОРИШ — АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

*2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий
ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий
ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий
йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси
мажлисидаги маъруза. 2004 йил 7 февраль*

Ўтган йил якунларининг асосий кўрсаткичларини чуқур ва атрафлича таҳлил қилар эканмиз, қуйидаги мулоҳоза ва хулосаларни чиқаришимиз зарур.

... 2003 йилда қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш, пулнинг банкдан ташқарида айланишини ва ялпи пул ҳажмини қисқартириш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Касса режаларини назорат қилиш сингари эскирган усуллардан воз кечиб, ялпи пул массасини бошқаришнинг, банк фойиз ставкалари каби бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган, замонавий, тез мосланувчан услублари жорий этилгани бу борадаги муҳим қадам бўлди...

Буларнинг барчаси ялпи ички маҳсулотга нисбатан ўртача йиллик пул массаси ҳажмини 2002 йилдаги 12,5 фоиздан 10,9 фоизгача камайтириш имконини берди.

Иқтисодий-молиявий, солиқ ва пул-кредит сиёсатини эркинлаштиришга қаратилган кенг чора-тадбирлар мажмуининг изчил амалга оши-

рилиши туфайли инфляция даражасининг кескин пасайишини, яъни бозордаги нарх-наво-нинг жиловлаб олиншини объектив қонуний натижа, деб қабул қилишимиз даркор. Инфляция даражаси 2002 йилда 21,6 фоиз бўлган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 3,8 фоизни ташкил этди.

Бу мамлакатимиз иқтисодиётини мустақкамлашда яна бир сезиларли қадам бўлди. Энг муҳими, одамлар учун бу ўзгаришлар анча енгилликлар туғдирди, улар бозордаги нархларнинг пасайишини ўз кундалик ҳаёти мисолида ҳис этмоқда, десак, хато бўлмайди.

Табиийки, инфляциянинг бу қадар кескин пасайиши аввало иш ҳақи ва аҳоли даромадларининг амалда ўсишига, банк кредитлари ставкаларининг пасайишига ва шунга мос равишда иқтисодиётнинг реал тармоқларига ажратиладиган кредитлар ҳажмининг жиддий ортишига замин яратди.

Аҳолининг реал даромадлари йил давомида 12,3 фоиз, уларнинг тижорат банкларидаги омонатлари ҳажми 44 фоизга кўпайди, кредитлар бериш, биринчи навбатда, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитлар миқдори 2,3 баробар ортди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда изчил амалга оширилган ишлар, хусусан, бир томондан, қатъий пул-кредит сиёсатининг ўтказилиши, иккинчи томондан эса, алмашув курсларини унификация қилиш ва валюта сиёсатини эркин-

лаштириш бўйича кўрилган қатъий чоралар биз учун 2003 йилда миллий пулимиз сўмнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувини таъминлаш ва 2003 йилнинг 15 октябрида Халқаро валюта жамғармаси Битимининг 8-моддасига қўшилиш имконини берди. (185—188)

Ҳар томонлама пухта ўйланган, фаол олиб борилаётган инвестиция сиёсати иқтисодий-тимиздаги барқарорлик, таркибий ва сифат ўзгаришларини белгиловчи муҳим омил бўлмоқда.

2003 йилда мамлакат иқтисодиётига 2 триллион сўмга яқин, яъни, аввалги йилга нисбатан тахминан 4,5 фоиз кўп сармоялар киритилгани ҳам буни яққол кўрсатади.

Бу инвестицияларнинг асосий қисми, ўтган йилларда бўлганидек, Ўзбекистонимизнинг жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини, шунингдек, ижтимоий соҳа, авваламбор, таълим ва тиббиёт соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилди.

Инвестиция манбаларининг таркиби ҳам ўзгарди — иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида марказлашган сармоялар ҳажмининг камайиб бориши объектив ҳолатга айланди.

Айни вақтда корхоналарнинг ўз маблағлари, тижорат банклари кредитлари ва тўғридан-тўғри жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг бу борадаги улуши ортиб бормоқда. Масалан, капитал қўйилмалар таркибидаги бундай сармоялар-

нинг ҳиссаси 2002 йилга нисбатан 57 фоиздан 63 фоизга ошди.

Хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришнинг умумий миқдори 602,3 миллион Америка Қўшма Штатлари долларини ташкил этди. Тўғридан-тўғри киритилаётган чет эл сармоялари ва кредитлари қарийб 1,6 марта кўпайди.

Ушбу ҳолатга алоҳида эътибор бераётганимизнинг боиси шундаки, у аввало жаҳонда Ўзбекистон ва унинг иқтисодиётига бўлган ишончнинг тобора ортиб бораётганини кўрсатади. Ўзингиз айтинг, дунёда қайси банк тегишли кафолатсиз қарз бериши мумкин? Қачонки, бу банкда ўз миқозига нисбатан ишонч бўлса.

Шунинг учун биз бундай муносабатни қадрлашимиз ва мустақкамлашимиз лозим. Агар биз билан ҳамкорлик қилаётган чет эл компания ва фирмалари олдидаги мажбуриятимизни бажармасак — Европа Иттифоқи, АҚШ ёки Япония бўладими, бошқа ривожланган мамлакатлар бўладими — уларнинг сармоядорлари Ўзбекистонга бўлган ишончини йўқотади. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

Чунки, айтайлик, бизнес учун зарур бино ёки хом ашё ресурсини топиш қийин эмас, лекин хорижий ҳамкорларда ишонч пайдо қилиш — бу оғир масала.

Бугун юртимиз харитасига назар ташласак, қайси вилоят ёки ҳудудда раҳбар чет эллар би-

лан ишончли алоқа боғлаб, сармоядорларни олиб келса, улар билан ҳамкорлик ўрнатса, доимо шунга интилиб яшаса, шу жойда ўзгариш ва янгилашиш бўлаётганини кўриш мумкин.

Аммо, афсуски, жойлардаги баъзи раҳбарларда «димог» деган нарса бор. Чет элларга ташриф билан борганимизда мен, юртимиз манфаатини ўйлаб, бизнесменлар ва сармоядорлар билан тил топишиш, муносабат ўрнатиш учун, керак бўлса, уларни бағримга босишга ҳам тайёрман. Бу шахсан мен учун, Президент учун эмас, балки халқимиз, Ватанимиз ва давлатимиз учун керак, шу боис, отанг — яхши, онанг — яхши, деб, уларнинг кўнглини топишга ҳаракат қиламан.

Вилоят ва туманлардаги айрим раҳбарлар эса, бундай иш услубидан узоқ, улар бугунги кун ўтса, эртага бир гап бўлар, деган номақбул кайфият билан яшаб юрибди.

Ҳолбуки, ўзини раҳбар деган, етакчи деган одамнинг зиммасидаги масъулият бошқаларникидан кўпроқ. Чунки Аллоҳ кимга кўпроқ берган бўлса, ундан талаб ҳам шунча катта бўлади. Ҳаммамиз шу ҳақиқатни унутмаслигимиз лозим. (191—193)

Жиззах ва Тошкент вилоятларида ҳам хусусийлаштириш бўйича қабул қилинган дастур талабларининг ижроси таъминланмаганини қайд этиш лозим. Бунга мазкур тармоқ ва ҳудудларда белгиланган вазифаларни бажариш механизми тўлиқ ишга солинмагани асосий сабаб бўлмоқда.

Акция пакетларини номига — рамзий нархларда сотишда, айтиш керакки, ортиқча эҳтиёткорлик қилинмоқда. (204)

Кўплаб акциядорлик компанияларида давлат акциялари пакети мутлақо эгасиз қолмоқда, улар учун амалда ҳеч ким жавоб бермаяпти. Бундай ҳолат билан асло муроса қилиб бўлмайди.

Яна бир муҳим муаммо. Хусусийлаштириш жараёни қачон аниқ мазмун ва кўринишга эга бўлади? Такрор ва такрор айтишга тўғри келадди: қачонки қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори тўла ишга тушса, фонд биржаси том маънода фаолият кўрсатса, қачонки акциялар қиймати мунтазам эълон қилиб борилса, аҳолида акциялар сотиб олишга иштиёқ ва интилиш туғилса, акцияларнинг ўзи эса шунчаки оддий қоғоз бўлиб қолмасдан, ҳақиқий қимматли қоғозга айланиб, ўз эгалари учун муҳим даромад манбаи бўлсагина, бу мақсадга эришиш мумкин.

Содда қилиб айтганда, бу акциялар қонун нуқтаи назаридан қимматли қоғоз деб баҳоланади. Лекин ҳаётда одамлар бунга қандай қараяпти?

Бугун қайси корхонанинг акцияси ликвидли, яъни даромад келтириши мумкин? Бизда акциялар бозоридаги ҳақиқий аҳвол қандай? Оддий аҳоли, акциядорларни нима қизиқтиради? Табиийки, уларни фақат даромад қизиқтиради. Агар одамлар акциядан даромад кўрмаса, манфаатдор бўлмаса, ўз-ўзидан равшанки, қимматли қоғоз-

ларнинг иккиламчи бозори ҳам шаклланмайди.
(205—206)

Қатор туманларда фермер хўжалиklarига янги ҳосил ҳисобидан аванс тариқасида тўғридан-тўғри кредитлар бериш тизими йўлга қўйилмоқда. (211)

**ЎЗБЕК ХАЛҚИ
ҲЕЧ ҚАЧОН,
ҲЕЧ КИМГА
ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ**

1. БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗ – ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОҲ ЭТИШДИР

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма
мажлисидаги маъруза. 2005 йил 28 январь*

Иқтисодий соҳадаги муҳим устувор вазифаларга тўхталишдан олдин 2004 йилда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий якунларини қисқача баён қилишга ижозат бергайсизлар...

Авваламбор, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустақкамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди.

Ислоҳот йиллари давомида ялпи ички маҳсулот илк бор 7,7 фоиз ўсди. Иқтисодиётнинг деярли барча тармоқ ва соҳалари жадал ва изчил ривожланмоқда — саноат ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 13,4 фоизга, жумладан, саноат товарлари ишлаб чиқариш 18,6 фоизга ўсди.

Иккинчидан, қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш натижасида ислоҳот йиллари давомида биринчи марта инфляция даражаси, энг паст — 3,7 фоиз бўлишига эришдик. Бу аҳолининг реал даромадлари ўсишига ҳам ўз таъсирини кўрсат-

ди — 2004 йилда бу кўрсаткич 15 фоизга ўсди. (203—204)¹

Мамлакат реал иқтисодиётига йўналтирилган инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ошди. Ўтган йили бу кўрсаткич 5,2 фоизга ўсди ва ялпи ички маҳсулотнинг 20 фоизини ташкил этди. Бунда марказлаштирилган манбалар улуши кескин камайди ва марказлаштирилмаган манбалар, аввало, корхоналарнинг ўз маблағлари улуши ошиб, жами инвестицияларнинг 43 фоиздан ортигини ташкил этди.

Иқтисодиётимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш кескин — яъни, 1,5 баробар кўпайди. Айниқса, нефть, газ, тўқмачилик саноатида уларнинг улуши янада салмоқли бўлди.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилди. Ўз маблағларимиз ва жалб қилинган сармоялар ҳисобидан йирик саноат, коммуникация, инфратузилма объектлари ва бошқа иншоотлар бунёд этилди. (206)

Моддий ресурсларни турли квоталар, лимитлар ва разнарядкалар асосида тақсимлашнинг эски тузумдан мерос бўлиб қолган марказлаштирилган тизимига барҳам берилди. Товар-хом ашё биржалари фаолияти тубдан ўзгартирилди.

Маҳсулотларнинг катта қисми, жумладан, юқори ликвидли ва харидоргир товарлар — пахта

¹ *Ҳоллом Каримов*. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайдди. Т. 13. — Т.: «Ўзбекистон», 2005. 203—204-бетлар. (Ушбу бўлимдаги манбалар ана шу китоб бўйича кўрсатилган).

толаси, линт, бензин, дизель ёнилгиси, минерал ўғитлар, ўсимлик ёғи, ун каби маҳсулотлар бугунги кунда биржа савдолари орқали сотилмоқда.

Ўтган йилнинг декабрь ойида Ўзбекистонда бўлган Халқаро валюта фонди миссияси 2004 йилда мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга юқори баҳо берди. Хусусан, миссия ўз меморандумида 2004 йил Ўзбекистон учун туб иқтисодий ўзгаришлар жараёнининг муҳим бурилиш даври бўлганини қайд этди.

Айниқса, юқори иқтисодий натижаларга эришилгани, бюджет кўрсаткичлари муваффақиятли бажарилгани, иқтисодий ислохотлар жараёни жадаллаштирилгани, жумладан, кенг кўламли хусусийлаштириш ишлари амалга оширилгани, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли қишлоқ хўжалиги ширкатлари тугатилиб, уларнинг негизида фермер хўжаликлари ташкил этилгани, маъмурий ислохотлар ўтказилганига алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро валюта фонди миссияси Ўзбекистон ҳукуматининг макроиқтисодий дастури ва 2005 йилда амалга ошириш мўлжалланган таркибий ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлашни баён этди.

2004 йил якунларига кўра «Наследие» фонди ва «Уолл стрит жорнэл» томонидан тайёрланган ҳамда машҳур «Вашингтон таймс» газетасида чоп этилган Иқтисодий эркинлик индекси бўйича Ўзбекистоннинг жаҳондаги сезиларли тараққиётга эришган ўнта давлат қаторига киритилгани бизга катта мамнуният бағишлайди. (207—209)

Бу борада уй-жой қурилишини рағбатлантириш, молиявий оқимни йўналтириш мумкин бўлган бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган самарали уй-жой бозорини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Тижорат банклари аҳолининг ўз маблағларини депозитларда, айниқса, узоқ муддатли депозитларда сақлашдан манфаатдорлигини кучайтириш учун жиддий ишлашларига тўғри келади. (211)

Хўжалик субъектларига нисбатан қўлланадиган жазо чоралари тизимини тўлиқ қайта кўриб чиқишнинг ҳам фурсати келди. Қасддан содир этилмаган ва катта бўлмаган қоидабузарликлар учун жазо чораларини камайтириш ва тадбиркорлар етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ қоплаган ҳолларда жазони қўлашдан воз кечиш керак.

Шу муносабат билан Адлия, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари тез муддатда манфаатдор тузилмалар билан биргаликда хусусий тадбиркорлик учун ана шундай кафолатлар яратишга қаратилган таклифларни киритишлари лозим.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шубҳасиз бу соҳага молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар беришни тақозо этади.

Бу ёрдамни замонавий ривожланган банк тизими орқали, ишлаб чиқариш корхоналарига фоиз ставкалари унча юқори бўлмаган кредитлар ажратиш йўли билан амалга ошириш мумкин. Микрокредитлаш тизимини кенгайтириш,

бу ишни Халқаро молия корпорацияси, Жаҳон банки, Осиё банки каби халқаро молия ташкилотлари ёрдамида амалга ошириш талаб этилади. (212—213)

Устувор вазифа — банк ва молия тизимларидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш.

Гап молия ва банк тузилмаларининг қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш, инфляция даражасининг барқарорлигини, миллий валютамиз ва унинг алмашув курси мустаҳкамлигини сақлашдаги масъулиятини ошириш ҳақида бормоқда.

Гап банкларни капиталлаштириш, уларнинг низом ва айланма фондларини кўпайтириш ва маблағларини инвестиция мақсадларига, биринчи навбатда, реал иқтисодиётга йўналтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар кўриш ҳақида бормоқда.

Банк айланмасидан ҳали-бери четда қолаётган салмоқли молия маблағлари ва пул оқимларини ушбу тизимга жалб қилиш учун аниқ ва қатъий чоралар кўриш лозим.

Юксак ривожланган мамлакатлардаги тижорат ва хусусий банкларнинг мижозларга хизмат кўрсатиш борасидаги тажрибаларини синчиклаб, янада кенг ўрганиш, хўжалик субъектлари ва аҳолининг банкларга нисбатан ишончини оширишга эришиш керак.

Бу вазифа кўплаб низом ва мъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқишни, аввало, банк хизматчиларининг масъулияти ва маданиятини оширишни тақозо этади. (216—217)

2. ЯНГИ ҲАЁТНИ ЭСКИЧА ҚАРАШ ВА ЁНДАШУВЛАР БИЛАН ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ

2005 йил 7 февраль

Молия — бу ўзбек тилида «хазина» дегани. Хазинанинг ўзи нима? Давлатнинг хазинаси, унинг даромад ва буромадини, бугунги ва эртанги кунини белгилайдиган бойлик қаерда сақланади, ким уни ҳимоялайди? Албатта, Молия вазирлиги. Шуманода, агар менга қолса, Молия вазирлигини Хазина вазирлиги деб атаган бўлардим.

Шунинг учун барчани огоҳлантириб қўймоқчиман: бордию бирон-бир ҳужжатда Молия вазирининг имзоси бўлмаса, бу ҳужжат устида ишни давом эттиришнинг ҳеч қандай маъноси йўқ.

Бу масалада асло зуғум ўтказиш ва зўравонлик бўлмаслиги зарур. Олдиндан айтмоқчиман, шу залда ўтирган Бош вазир ўринбосарлари ва вазирларнинг ҳар бири ўз соҳаси манфаатини ўйлайди. Лекин давлатнинг хазинаси битта. Мен хазина деган сўзни бекорга ишлатмадим. Миллий хазина битта — фақат давлатники.

Агар қўйиб берсангиз, бир раҳбар енгил саноатни ривожлантириш учун пул керак, деб келади. Иккинчиси эса, ўзи бошқарадиган нефть ва газ соҳасига маблағ сўрайди. Ўзимизникилар етмагандек, чет элдан ҳам турли корчалонлар келади, гапни фақат шундан бошлайди.

Бир қарашда, ният яхшига ўхшайди. Масалан, хорижий молия ташкилотлари сизга 8 ёки

10 фоизли эмас, 5 фоизли кредит берамиз, дейди. Лекин, ҳисоблаб кўрсангиз, фоизнинг ўзи отнинг калласидек пул бўлади. Бугун бизга кўпроқ таклиф қилинадигани — 10 фоизли кредитлардир. Бу — олган кредитни 10 йилда икки баробар қилиб қайтарасиз, дегани. Баъзи вазирлар ва уларнинг кўлида ишлайдиганлар эса кредит дегани осмондан тушади, деб ҳисоблайди, шекилли, масаланинг шу томонларини ўйлаб кўрмайди. Мана, у давлатдан, бу банкдан келди, кредит бермоқчи, деб хурсанд бўлади.

Аммо улар кредитни қайтариш нима ҳисобидан бўлади, бизнинг шундай имкониятимиз борми ёки шу тариқа қарз ботқоғига ботиб қолмаймизми, деб ўйламайди. Ота-бобомиздан қолган бир нақл борки, шуни эслаш ўринли, деб биламан. Яъни, қарз олишдан олдин узишни ўйлаш керак, деган ҳикматни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Бизнинг бугунги ҳаракатимиз шундайки, биз мавжуд имкониятлардан, яъни, валютамиз бақувват, инфляция даражаси паст бўлганидан фойдаланиб, кўпроқ одамларнинг иш ҳақини, пенсия ва нафақа пулларини ошириш ҳақида ўйлайлик. Ҳозир биз учун аввало шу нарса муҳим.

Бугунги кунда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва коллежларга бюджет маблағларининг қарийб 50 фоизи сарфланяпти. Табиийки, ҳар қандай давлат ҳам бундай катта харажатларни кўтариши қийин, аммо биз, қанчалик оғир бўлмасин, бунинг учун зарур маблағ ва ресурсларни излаб толяпмиз. (247—249)

МУНДАРИЖА

ИСЛОМ КАРИМОВ – ЎЗБЕК МОДЕЛИГА МУНОСИБ
БАНК ТИЗИМИ АСОСЧИСИ.....3

ЎЗБЕКИСТОН: МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ, ИҚТИСОД, СИЁСАТ, МАФКУРА	29
1. ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИ: МУАММОЛАР ВА РЕЖАЛАР	31
2. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ	43
3. ЎЗБЕКИСТОН – КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ	51
4. ЯНГИ УЙ ҚУРМАЙ ТУРИБ, ЭСКИСИНИ БУЗМАНГ	74
5. «ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКЛИГИГА ИШОНЧИМ КОМИЛ!»	76
6. ЭЛНИ ВАТАН МАНФААТИ БИРЛАШТИРАДИ	79
7. БУЮК МАҚСАД ЙЎЛИДАН ОФИШМАЙЛИК	80
8. ЯНГИ ВАЛЮТАГА ЎТИШ ИНҚИЛОБ БИЛАН БАРОВАРДИР	80
9. ЎЗБЕКИСТОН – УЛКАН ИМКОНИАТЛАР МАМЛАКАТИ	91
10. ИСЛОҲОТДАН МАҚСАД ХАЛҚ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР	94
11. ҲАМКОРЛИК – ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ	96
12. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ: ИЛК САМАРАЛАР	97
13. ЎЗБЕКИСТОН – БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ	98
БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН	111
1. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ	113

2. ЯКУНЛОВЧИ НУТҚ.....	118
3. ХАЛҚАРО БАНКЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛИШИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ.....	128
4. ВАТАН, ЭЛ МАНФААТИ — МУҚАДДАСДИР.....	137
5. ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК — ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ.....	138
6. БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ.....	142
7. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗ АСОСИ.....	146
8. ВАТАНИМИЗНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ОБРЎЙИНИ ЯНАДА ОШИРАЙЛИК.....	146
9. ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАН ТАРАҚҚИЁТ САРИ.....	156
10. ЙЎЛИМИЗ — МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ.....	161
11. ҲАЛОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИК ФАОЛИЯТИ- МИЗНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ БЎЛСИН.....	166
12. ИЖОБИЙ ИШЛАРИМИЗНИ ОХИРИГА ЕТКАЗАЙЛИК.....	170
13. МУСТАҚИЛЛИК — УЛКАН МАСЪУЛИЯТ.....	174
14. ТАДБИРКОРЛИК — ИҚТИСОДИЁТ КЕЛАЖАГИ.....	175
15. ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА.....	178
16. САВДО УЙИДАН ИПАК ЙЎЛИНИ ТИКЛАШ САРИ.....	180
ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР.....	181
1. ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚБОЛИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	183
2. ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ — ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ҚЎШИЛИШ ЙЎЛИДИР.....	188
3. ДАВР ТАҚОЗОСИ.....	189

4. ҚИШЛОҚ ИСТИҚБОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ	191
5. ФАОЛИЯТИМИЗ ВАТАН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН	192
6. ИСЛОҲОТИМИЗ ТАМОЙИЛЛАРИ	194
7. КЕЛАЖАККА ҚАТЪИЙ ИШОНЧ БИЛАН БОҚАМИЗ ..	196
8. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА	198

БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН 229

1. ДЎСТЛИК, ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН	231
2. ЮКСАК МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ	232
3. ХАЛҚ ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАЙЛИК	235
4. ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК	236
5. БУНЁДКОРЛИК — ФАРОВОН ҲАЁТ АСОСИ	237
6. «ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗНИНГ ТЎҒРИЛИГИГА ИШОНЧИМИЗ КОМИЛ»	246
7. ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК	268
8. ХАЛҚИМИЗНИНГ ЙЎЛИ МУСТАҚИЛЛИК, ОЗОДЛИК ВА ТУБ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДИР	271
9. КЕЛАЖАГИНИ ЎЗ ҚЎЛИ БИЛАН ҚУРАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНГА ХАЛАҚИТ БЕРМАНГ	273

ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ВА ИШЛАШ —

ДАВР ТАЛАБИ 277

1. АҚШ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН БРИФИНГДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ	279
--	-----

2. АМЕРИКА-ЎЗБЕКИСТОН САВДО ПАЛАТАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАРАФИГА УЮШТИРГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ.....	287
3. ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ ТАРМОҒИДА ИНВЕСТИЦИЯ ИМКОНИАТЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ.....	289
4. ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗ ТЎҒРИЛИГИНИ ҲАЁТ ТАСДИҚЛАМОҚДА.....	292
5. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА ...	294
6. ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТ- ЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ.....	297
7. БИЗ ЎЗ КУЧ ВА ИМКОНИАТЛАРИМИЗГА ИШОНАМИЗ.....	300
8. ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ВА ИШЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ ...	304
9. ҲАЛОЛ ЯШАШ ВА ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚИЛИШ — БУРЧИМИЗ.....	305
10. ИСЛОМ ҚАРИМОВ КАТТА ТЕННИС ВА РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИ ЯХШИ КЎРАДИ.....	307
11. ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛИШ — БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ.....	311
12. ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР — ЖАМИЯТИМИЗ ЯНГИЛАНИШИ АСОСИ.....	313
13. МУЛҚДОРЛАР СИНФИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ.....	320
14. ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ОМИЛИ.....	323

ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ

ЙЎЛИДА 331

1. **ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР БЎСАФАСИДА:
ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД, БАРҚАРОРЛИК
ШАРТЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТЛАРИ 333**
2. **ЯНГИЧА ТАФАККУР — ЗАМОН ТАЛАБИ 347**
3. **АСОСИЙ МАҚСАД — ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШГА
ЭРИШИШДИР 348**
4. **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ—ТЎКИН
ҲАЁТ МАНБАИ 352**

БИЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ

БИЛАН ҚУРАМИЗ 353

1. **БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ — УСТУВОР
ВАЗИФА 355**
2. **БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
XI СЕССИЯСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ 364**
3. **ХАЛҚ БИЗДАН АМАЛИЙ ИШЛАРНИ КУТМОҚДА 376**
4. **ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ФАОЛИЯТИМИЗ
МЕЗОНИ 377**
5. **ХАЛҚИМИЗ ЖИПСЛИГИ — ТИНЧЛИК ВА
ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ 382**
6. **ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ,
БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ
ШАРТ! 384**
7. **КЕЛАЖАКНИ ЖАСОРАТЛИ ОДАМЛАР ҚУРАДИ 388**
8. **ЎЗБЕКИСТОН XXI АСРГА ИНТИЛМОҚДА 391**

ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН**ҲАЁТ — ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ 393**

1. ТАДБИРКОРЛИК — ЮКСАЛИШ ГАРОВИ 395
2. ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ —ОЛИЙ БАХТ! 401
3. МАҚСАДИМИЗ — ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИ,
ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА
ЮКСАЛТИРИШ 401
4. ШУ МУҚАДДАС ЮРТГА ЁРУФ КУНЛАР
КЕЛТИРИШ — ҲАР БИРИМИЗНИНГ ИНСОНИЙ
БУРЧИМИЗДИР 403
5. ИМКОНИАТЛАРНИ ТўЛА ИШГА СОЛИШ —
ЮКСАЛИШ ГАРОВИДИР 404
6. ВАТАН ОЗОДЛИГИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ ОМОНЛИГИ,
ЮРТИМИЗНИНГ РАВНАҚИ, ҲАР БИР ОИЛА
ФАРОВОНЛИГИ — МЕН УЧУН ОЛИЙ САОДАТ 406
7. БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ШАВКАТИНИНГ
ТИМСОЛИ БўЛГАН ЮРТ 408
8. МЕТИН ИРОДАЛИ ИНСОНЛАР ЮРТИГА
ЭҲТИРОМ 411
9. ФУРУРИ ТОҒЛАРИДЕК БАЛАНД, ЯРАТУВЧИЛИК
САЛОҲИАТИ ЮКСАК ХАЛҚ 412
10. ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ — МАМЛАКАТИМИЗ-
ДАГИ ТИНЧЛИК, МИЛЛАТЛАР ВА ФУҚАРОЛАР
ТОТУВЛИГИНИ КўЗ ҚОРАЧИФИДАЙ АСРАЙЛИК .. 413
11. ПОЙТАХТИМИЗ — МУҚАДДАС ОСТАНАМИЗ 415
12. ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН
ҲАЁТ — ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ 417
13. ИСЛОҲОТЛАР ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР БўЙИЧА
ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ
КЕНГАШ ЙИФИЛИШИДАГИ МАЪРУЗА 419

14. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗ	423
15. ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС ЯШАШ ВА ИШЛАШ — ОЛИЙ БУРЧ	434
16. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ— ХАЛҚ ЭЪТИҚОДИ ВА БУЮК КЕЛАЖАККА ИШОНЧДИР	436

ВАТАН РАВНАҚИ УЧУН ҲАР БИРИМИЗ

МАСЪУЛМИЗ 437

1. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ — ФАРОВОНЛИК ПОЙДЕВОРИ	439
2. МАВЖУД ИМКОНияТЛАрдАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ—ЮКСАЛИШ ГАРОВИ	446
3. ВАТАН РАВНАҚИ УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ	447
4. ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИККИНЧИ ҲАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ДАВОМИДА БИЛДИРГАН ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ ..	453
5. ЖАМИЯТДА ТАДБИРКОРЛИК РУҲИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ—ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ	454

ХАВФСИЗЛИК ВА ТИНЧЛИК УЧУН

КУРАШМОҚ КЕРАК 457

1. «КАБУЛ-ФАРФОНА КОМПАНИ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ	459
2. ОДАМЛАР ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАШ— ОЛИЙ БУРЧ	461

3. МАҚСАДИМИЗ—ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК.....	463
4. МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ФАХРИ	463
5. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, РЕСУРСЛАРДАН ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИШ — БОШ ЙЎЛИМИЗ	464
6. ОДАМЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК, ИСТИҚБОЛНИ ЎЙЛАБ ИШ ТУТИШ — ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ БУРЧИДИР	475
7. ОДАМЛАРНИНГ ТАШВИШ ВА ОРЗУ- ИНТИЛИШЛАРИ БИЛАН ЯШАШ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИГА АЙЛАНСИН	477

**БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ — ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ
ВА МАЪРИФИЙ ДУНЁ БИЛАН
ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ**

481

1. ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ — МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР.....	483
2. ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БОШҚАРУВЧИЛАР КЕНГАШИ ЙИЛЛИК ЙИФИЛИШИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚ	490
3. 2003 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА МАМЛАКА- ТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ ҲАМДА ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА БУ СОҲАЛАРДА ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛА- ЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА	493

**ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИГИМИЗ ЎЗ
КУЧ-ҚУДРАТИМИЗГА, ҲАМЖИҲАТЛИГИМИЗ
ВА ҚАТЪИЙ ИРОДАМИЗГА БОҒЛИҚ 499**

1. КОНСТИТУЦИЯ — ЮРТИМИЗДА ЯНГИ ҲАЁТ,
ЯНГИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ
ПОЙДЕВОРИ 501
2. ЭРИШГАН МАРРАЛАРИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАБ,
ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАН ИЗЧИЛ БОРИШ —
АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ 502

**ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА
ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ 509**

1. БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗ — ЖАМИЯТНИ
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ,
МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОҲ
ЭТИШДИР 511
2. ЯНГИ ҲАЁТНИ ЭСКИЧА ҚАРАШ ВА ЁНДАШУВЛАР
БИЛАН ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ 516

ИСЛОМ КАРИМОВ
БАНК ТИЗИМИ, ПУЛ МУОМАЛАСИ, КРЕДИТ,
ИНВЕСТИЦИЯ ВА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК
ТЎҒРИСИДА

Тузувчи ва сўзбоши муаллифи:
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи
Ф.М. МУЛЛАЖОНОВ

Нашр учун масъул *К. Бўронов*
Расом Ж. Адилов
Бадий муҳаррир *М. Кудряшова*
Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*
Мусахҳиҳлар *М. Раҳимбекова, Н. Умарова*
Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова, Ф. Тугушева*

Босишга рухсат этилди 26.09.2005.

Қоғоз бичими $84 \times 108^{1/32}$. Таймс гарнитурала офсет
усулида босилди. Шартли босма т. 28,14. Нашр т. 20,70.
Тиражи 10 000. Буюртма № К-0163.

Ўзбекистон Маtbуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.
700129-Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

К 25 **Ислом Каримов. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида/ Тузувчи Ф.М. Муллажонов.— Т.: «O'zbekiston» НМИУ, 2005. — 528 б.**

ISBN 5-640-03229-4

ББК 65.262(5Ў)+65.9(5Ў)-56

№ 451-2005
Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси

К $\frac{0605010204 - 95}{M 351(04) 2005}$ 2005